

**Боқий МИРЗО**

**САҚЛАШ  
КАМЕРАСИДАГИ  
ХАНЖАР**

**Қиссалар ва ҳикоялар**

**2-жилд**

**«Наманган» нашриёти  
2013 йил**

УДК: 821.521.133-7

ББК 84(5У36)7 -

М-71

*Шоир ва ёзувчи Бокий МИРЗО «Қиссалар ва ҳикоялар» серияси (2-жилд)да чол этилаётган «Сақлаш камерасидаги ханжар» китобига кейинги ишларда яратган сара асарларини жамлаган.*

*Турфа тақдирлар ёнимизда рўй берган воқеа-ҳодисалар асосида очиб берилади. Гоҳи секин, гоҳо шиддат билан рўвожланган воқеалор билан юзмайоз келаркансиз, саргузаштлар оламига кириб қоласиз. Қаҳрамонлар кечинмалари, ўзига хос ҳисстүйгулари кўпчиликка маълум бўлмаган томондан назар ташлаш орқали ёритилган. Асарга ҳаёттий воқеаларнинг асос қилиб олинганилиги уларнинг таъсирчанлигини оширган.*

*Китобдан бошингизни кўтаргач, ҳаёт ва қисмат ҳақида, инсонлар бошига тушган савдолар ҳақида теран хуносалар чиқариш имконига эга бўласиз...*

ИГ 1092-3451,5-1575280  
1093-(7,5)-(03) 2013

ISBN 978-9943-4056-1-5

- © Бокий МИРЗО
- © «Сақлаш камерасидаги ханжар» 2 - жилд
- © «Наманганд» нашриёти. 2013. 240 б.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Омон қалбак (уни қишлоқда шундай аташарди) Анатолий Николаевич билан хайрлашиб, Москванинг академик Королёв кўчасига бурилиши билан телефонига янги хабар келди. Очиб ўқиди-ю, кўз олди қоронғулашди, оёқ-кўли титраб кетди. Наҳотки?! У қишлоқдан ҳар қандай ёмон хабар кутса ҳам бунақасини ўйламаган эди. Рая (қишлоқда уни «прасанчи кампир» дейишади) бундай SMSни қайси юз билан ёзганини тасаввур қилолмади.

Хабар беҳаёларча ёзилган, унинг ёнида иккинчи хотини Дилафрўз билан алоқадор шармандали сурат бор эди. Омон ғазабдан титради. Муштини тутиб, кўзларини юмди. Вазият қалтислигини сезиб, юрагини ваҳима босди-ю, Ўзбекистонга тезроқ жўнаш ҳақида бош қотира бошлади.

Бироқ хотини, қизи ва ўғлига нима дейди?

Қозогистондаги шерикларим чақиришди деса, тезда сири очилиб қолади. Оиласига билдиrmай бир қизга уйлангани, алоҳида квартира олиб бергани ҳақидаги миш-мишлар ҳатто Москвагача етиб келган, хотини Ҳалима қишлоққа бориб, бу гапнинг тагига етишни диллаб қўйгани анчадан бери юрагини тирнаб юрарди.

У кечгача ўйланиб, охирги чорани хотинига айтди.

- Шериклар юк қилиб келайлик, дейишаяпти.

Ўтган сафарги кўтара тижоратдан катта фойда қолгани учун хотини унга эътиroz билдиrmади. Йш хамирдан қил суғургандай силлиқ битганидан Омон севинди. Аммо юрагининг бир чеккасида «Хотиним Дилафрўзнинг олдига кетаётганимни сезди, шекилли», деган шубҳа пайдо бўлди.

- Энг муҳими, - деди дадилланиб, - пул улардан! Мен

## САҚЛАШ ХАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

йўл кўрсатаман, товарни сотиб бераман!

Эртасига Омон Қозон вокзалидан «Москва - Тошкент» поездига ўтириди...

Йўлда Раја яна хаёлини эгаллаб олди...

Етмишга яқинлашгани бу кампир аслида охират тадоригини кўриб, топганини хотиржам сб ётса бўлаверади. Бироқ катта-катта пулни фоизи билан қарзга беради-да, муддатидан бир кун ўтса, қарздорнинг маҳалласига бориб шаллақилик қилишдан, «разборчи» танишлари орқали тазиик ўтказишдан, ҳатто оиласи, болаларига зиён етказишдан қайтмайди. Пул зарур одамлар бошига шарманда бўлганлар куни тушишини билишса ҳам, вазиятдан чиқиш учун эшигини қоқишаверади.

Иши битганлар «Хайрият, шу хотин бор экан, туғишганларимдан ортиқ яхшилик қилди», дейиши ҳам бор гап!

Омон икки ўт орасида қолиб, ярим кечада унинг олдига борганди. Ҳозир ўша ҳолат ёдига тушди.

- Опажон, ўн минг доллар зарур бўлиб қолди! - деганди Омон ялинчоқ овозда.

Рая аввалига кулимсиради, кейин иршайгандай бўлди.

Омон ўтган сафар қарзни ўз вақтида тўлагани учун Рајанинг олдига дадил келганди. Ўшанда Россияга арzon нарҳда олма олиб кетиш режаси пайдо бўлиб, сармояси юкнинг ярмига ҳам етмади. Биринчи марта қарз сўраётгани учун Раја зътиroz билдиrmади, фақат шартларини айтди.

- Ўн минг доллар озгина пул эмас, сен Россияга кетвортсанг, пулни ким беради? - деди унга кўзларини лўқ қилиб.

- Машинамни гаровга ташлаб кетаман! - деди Омон парво қилмасдан.

- Ҳозир олиб кел! - деди у қатъий.

Омон алвастини кўргандай сесканди ўшанда. Кетвортай деганди-ю, иш битишига бир қадам қолганди. Тифустида тургандай ғазабини ютиб, Рајага илжайганди.

## БОҚИЙ МИРЗО

- Дарвозани очинг!

Сўнг у машинани Раянинг дарвозаҳонасига қўйиб, эшитини шаҳд билан қулфлаганди.

Бир ойдан кейин юкларини сотиб келди-да, Раини билан тўла ҳисоб-китоб қилди. Кайфияти кўтарилиган Рая арман конъягини очди.

- Сендай йигитлар учун ичамиз! - деди сузилиб. Омон аввал эътибор бермади, кейинги чўқиширишда аёл эҳтирос ила ўзи томонга сурилганини сезди-ю, юраги «шув» этди. «Наҳотки, шу ёшида ...»

Учинчи қадаҳдан кейин эса Омон ҳам эҳтиросини жиловлай олмади...

Ҳозир у ўша дамларни ўйларкан, кампирдан нафратланиб, ўзини ёмон кўриб кетди...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Омон Раядан яна ўн минг доллар олди. Дилафрўзният акалари уни маҳкам ушлазди. Агар сингилларига уйланиб, алоҳида квартира олиб бермаса, қишлоқда юролмайдиган қилиб қўйишларини айтишди.

Рая пулни берди, Дилафрўзга шаҳардан квартира олинди.

Аммо келишилган муддат ўтиб кетса ҳам Омон хотини, болаларидан беркитиб, Раяга пул жўнатолмади. Рая бир исча марта қўнғироқ қилди, Омон парво қилмай юраверди. Бугунги хабар ва сурат эса унинг оромини бузиб, йўлга отлантириди.

\* \* \*

Купеда аввал икки киши эдилар. Бир оз ўтгач кишига сирли боқадиган ўттиз ёшлардаги йигит кириб келди ва ҳамма билан сўрашиб, ўзини Гилфан Андреевич деб танишитирди-да, ўрнига жойлашиди, сўнг семиз сумкасидан ялтироқ муқовали китоб олиб, жимгина ўқий бошлади. У гоҳида жилмаяр, гоҳо жиддий тортиб қолар, баъзан эса снгил хўрсинганга ўхшарди...

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Атрофга оқшом чўкди. Гилфан кечки овқатни поезд ресторанида тановвул қилишини айтди-да, китобини ёстиқ тагига жойлади. Омон боя - Гилфан турли тусга кириб ўқиётгандаёқ китобни эгасига билдирмай бир вараклаб кўришни кўнглига туғиб қўйганди. Ҳозир купеда ҳеч ким қолмаганидан фойдаланиб, китобни шартта очди-да, у ер-бу еридан ўқиб кўрди, аммо сўзларини яхши тушунмай, ҳафсаласи пир бўлди. Аммо кутилмагандан китоб орасидан тўрт букланган бир парча қоғоз сирғалиб тушдию, ундаги ёзув эътиборини тортди. «Рая Сафиуллина, Узбекистан, Ферганская долина, Наманганская область. 50 шт. и ...»

Омон шошиб қолди. Манзил «прасанчи кампир» Раяники эди. «Кампирнинг Гилфангага қандай алоқаси бор? У ерга нега кетаяпти? 50 шт. и ва уч нуқта нимани англатади?»

У китобни жойига қўйди. Ёзувларни хотирасида сақлашга уринди. Ахир, ҳамқишлоқлари бежиз унга «қалбак» лақабини беришмаганди-да. Қалбакилик - Омоннинг моҳияти. Шу иллат унга илҳом беради. Кимнидир «чув» тушириш учун тузган режаси амалга ошса, бутун вужуди яшаради. Унинг наздига, инсон ҳётда қалбакилик қилмай яшай олмайди. Бундай одамлар учун дунё гўё қалбакилик асосига қурилган. Шу каби фикру ўйлар боис Омон Раяни, унинг қаттол дунёсини менсимади. Бироқ Рая кабиларнинг қаттол дунёси қошида Омоннинг қалбаклиги ожиз, нотавон.

Кейинги бескатда поезд ўн дақиқа тўхтади. Омон сотувчи кампирдан сувда пиширилган тухум билан перашка олиб, купега кирганида, Гилфан китоб ўқир, нариги шериги иштаҳа билан овқатланар эди.

Эртаси куни нонуштадан кейин:

- Сиз Фарғона водийсиданми? - деди Гилфан. - У ерларни яхши биласизми?

- Узим катта бўлган жойлар...

Кеча Омон Гилфан гап очматунча ҳеч нарса сўрамай-

ман, деган қарорға келған ва ҳозир режаси амалға ошаётгани учун суюниб, ўзини бепарво күрсатишига интилаётганди. Водийдаги машхур сиҳатгоҳ (унинг қишлоғи яқинида) ҳақида сұраганда ҳам қисқа жавоб берди.

- Дам олғани кетяпсизми? - Омон ўзини шунчаки савол бергандай тутарди.

- Бироз айланаман, эски танишларни зиёрат қиламан.

- Мазза-ку!

- Нега?

- Саёҳат қилиб юрибсиз, биз эса тирикчилик ўтмай қоладигандай, эрта-ю кеч чопганимиз чоптан.

- Қандай иш билан шуғуллаңасиз?

- Хотиним, ўғлим билан Москва бозорида савдо билан шуғулланамиз, водийда ҳамкорлар күл, мева-чева, майда-чуйдалар жүннатиб туришиди.

- Яхшими?

- Тирикчилик ўтиб турибди...

Гилфан яна ўқишига тутинди. Омон яна хаёлларга берилди.

«У иккинчи оиласида туғилған чигални ечиш учун ўн икки минг доллар пул топиши керак эди! Чўкаётган одам хасга ёпишгани каби китобдан чиққан сирли ёзувлар муаммо ечими билан алоқадорга ўхшайверди. Шу боис «50 шт. и ...» нинг маъносини ечадиган варианtlарни кўз олдига келтира бошлаганди. Раја қарз масаласида фақат доллар билан гаплашгани, «прасанчи кампир» гоҳо «Рая доллар» леб ном олғани учун 50 шт - эллик дона юз долларлик бўлиши мумкин, леб ўйлади. Аммо «и» ва уч нуқта масаласида жуда қийналди. Нима у? Тиллами ёки сирли хужжатми? Москвадан овора бўлишига арзийдиган маълумотми? Уни қўлга киритса, Раядан қарзимни узиб, Дилафрўзни ҳам олиб қайтишига имкон бўладими?

Омон анча вақт ухламай ётди. Ярим кечада кўзи илинди. Туш кўрди. Раянинг ҳоялисига ўхшаш жойлар,

## САҚЛАШ ХАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

ним қоронғи хона, пичоқ ва қон, оқ соchlари түзғиб, дахшатдан қичқирған аёл...

У босинқираб уйғонди. Құрқұвдан ўнгидә ҳам бақириб юборған экан. Шериги юзига сув сепди. Гилфан:

- Навбатчи врач чақирайликоми? - дея унга ташвишли қаралы.

- Ўтиб кетади, - деди Омон имкон қадар үзини хотиржам тутишга уриниб.

Аммо қуввати кетиб, күрінmas күч зиён етказаётган-га ўхшарди. Тушдан кейин иккінчи қаватда ётган ўрта ёшли йүловчы аллақайсі купедан оппоқ соқолли одамни бошлаб кирди. У Куръондан бир неча сураларни ўқиб, Омонға дам солди. Бошини силаб, елкаларига урди.

- Құзықибсиз, оғайни! - деди маңноли қараб, - юртга борғандан кейин девонага садақа беринг, ёмон тушлар күрибсиз! Энди эрталабгача қимирламай ухланг, ташқарига чиқманг! деди-ю, Омон узаттан пулға қарамасдан чиқиб кетди.

У күзини очганида тонг ота бошлаган, поезд бир маромда тебраниб бораради. Омон ювиниб келгач, мияси тиниқиб, күзлари равшанлашиб, танасига күч қайтиб, анча дадиллашибди. Бироқ юракдаги хижиллик ва азоб ўрнини тушуниксиз түйфу эталлаганди. Жимгина ухлаёттан Гилфанга назар ташларкан, кечаги нияти эсига тушиб, поезддан тушгунча у билан яхшироқ танишиб олишга чоғланды.

Қүёш күтарилғач, ҳамма уйғонди ва Омондан күнгил сұрашды. У Гилfan узаттан чойни хўпларкан, миннатдорчилик билдириди. Икки шерик бошқа вагондаги та-нишлари олдига чиқиб кетишгач, Омон Гилfanга қара-ди.

- Бир-иккита савол берсам мумкинми?
- Марҳамат.
- Москва да турасизми?
- Волгоград туманида.
- Нима иш қиласиз?

## БАҚИЙ МИРЗО

- «Два мечта» фирмасида иш бошқарувчиман.
  - Миянгизни қотирганим учун узр. Москвага қачон қайтасиз?
  - Тахминан бир ҳафталардан кейин, Англияга шартнома тузгани боришим керак. Бирор ёрдамим керакмасми?
  - Сиздай бошқарувчи билан танишганимдан фойдаланиб, яхшироқ иш топишга ёрдам сўрасам, майлими?
- Гилфан ўйланиб қолди. Омон оддий масала бошқарувчини шунча ўйлантирадими, дегандай таажжубланаётганда:
- Ҳаракат қиласман, - деди у, - бизда рус ва инглиз тилини билиш талаб этилади. Тил масаласида саводингиз қандай?
  - Рус тилини эплайман, коллсжни битирган ўғлим эса иккала тилни сув қилиб ичib юборган!
  - Олиб борингт, синаб кўрамиз!
  - Россия фуқароси эмас-да!
  - Ишончимизни оқласа, вақтинча рўйхатдан ўтиб, шартнома билан ишлайди.

Омон хатни ўқигандан кейин қўнгли бузилган, асосий мақсадни яшириш учун бу саволларни кеча ўйлаб топганди. Ҳозир гувоҳларсиз гаплашиш мавриди келганидан фойдаланиб қолаётганди.

\* \* \*

Дилафрўз Рая долларни Омон орқали таниган. Уй олиш учун қарз сўраб боришганида кампир шартларини айтди, расмий ишларни бажараётгандай, ҳар бир шарт ё қоидани эринмай тушунтириди. Унинг пухталиги, нафси ва даромадини дунёдаги ҳамма нарсадан устун кўраётгани Дилафрўзни ҳайратга солди.

Рая қўшни хонага пул учун чиқиб кетганида Омонга иккала қўли билан кир сиққандай, тилини чиқариб имо-ишора қилиб, «томса ялар» маъносини уқдириди. Кампир

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

ичкарида пул санаётганини сезишигандан кейин Дилафрүз:

- Мана күрасиз, олдимизга чиқиб қайтадан санайди!  
- дея шивирлади. У янгишмаган экан. Рая күзойнагини тақиб, юзта юз долларликни битталаб құлдан ўтказди, айримлари ёпишиб қолмаганми, дея қайта-қайта ушлаб күрди. Күнгли тұлмади, шекилли, пулни минг доллардан ўнга бўлди. Саноққа ишонч ҳосил қилгандан кейин Омонга минг доллардан ўн марта узатди ва:

- Санаб олинг! - деди күзларини чақчайтириб.
- Опажон, сизга ишонаман!

Омон ҳалеб санайверса, баракаси ўчали, деган маънода баландроқ гапиргани учун Рая индамади.

Омон шаҳар марказидан уй олди-да, Дилафрүзни күчириб бориб, ўзи Россияяга жүнади. Қарзинг фоизини тұлашга имкон бўлмагани боис, телефон рақамини ўзgartирди. У билан боғдана олмаган Рая оёғи күйган товуқдай типирчилаб, Дилафрүзни суриштириб топди ва саҳарда эшигини қоқди.

- Қанақа бурди йўқ одамсанлар! - деди у важоҳат билан.  
- Ой тұлиши билан фоизини тұлашни келишгандик-ку! Бугун кесчүрүнгача минг доллар бермасанг, мендан яхшилик кутма! Кампир ғазабланған алвастига ўшарди. Дилафрүз кўрқиб, масъулиятни зиммамдан соқит қилишим керак, деган холосага келди.

- Холажон, аввал уйга кириңг, - деди мулоиймлик билан, - ичкарида гаплашамиз.

Рая шиддат билан коридорга ўтди-да, деворга сұяб күйилган стулга ўтириди.

- Кайфиятингизни бузманг! Мен Омон акамга кўнғироқ қилувдим, хизмат доирасидан ташқаридан эканлар!

- Мен кутолмайман! У ярамас номерини ўзgartирған, боғланолмаяпман! - деди Рая портлаб кетган одамдай. Унинг кўзлари даҳшатли боқарди.

- Қарзни кимга бергансиз, холажон?

Рая аслга «нонкўр», «юзсиз» дегандай нигоҳ ташлади.

Күзларини катта-катта очиб, шайтоний қиёфага кирди. Дилафрўз довдираб қолди.

- Омонга! У сен учун ўн минг доллар олган, бир ойдан ўтди, фоизини бермади. Энди хотини сифатида сен тўлайсан, тушундингми?

- У қарзларни ўзим тўлайман, деб тилхат берган, менга бунақа қараманг, бақирманг!

Раянинг кўзлари ғазабга тўлди, шарт ўрнидан турдида, Дилафрўзниңг бўғиздан олди.

- Мени аҳмоқ қилолмайсан, мегажин! - деди урғочи бўридай тишларини гижирлатиб. - У қарзни сен ўтирган уйга тўлаш учун олган. Сен эса, у жўнатган пулларни босиб ётибсан! Кечқурунгача етказмасанг, аҳволингга маймунлар йиглайди, шаҳарда юролмай қоласан!

Хозиргача кампирнинг хурматини жойига қўйган Дилафрўз даст ўрнидан турди.

- Сиз чегарадан чиқиб кетдингиз, уйимдан кетинг, қарзни эса кимга берган бўлсангиз ўшандан олинг!

Аёл эшикни ланг очиб, кампирга ташқарини кўрсатди:

- Пошёл вон, невоспитанная старуха!

Рая ўрнидан жилмагач, уни жаҳл билан ташқарига итарди-да, эшикни қулфлаб олди. Кампир эшикни урганича бақира бошлади.

- Оч эшикни, кечқурунгача пулни олиб бормасанг, кулингни қўкка совураман, оёғингни осмондан қилиб кўяман, йигитларга буюриб . . .

Кампир уни беҳаёларча хақоратлар, қўни-қўшнилардан уялмас эди. Дилафрўз қулоқларини беркитиб, ётоқхонага кириб кетди. Қанча ётганини билмайди, кўзларини очганда ташқари сув сепгандай жим-жит эди. Бироқ унинг хаёлларини тўзгитиб бирдан эшик тақиллади. Дилафрўз оёқ учидага эшик олдига бориб, «глазоқ»дан қаради. Рая икки нафар норгул, шортик кийган йигитлар билан турар, бирор арпасини хом ўргандай сочлари хурлайганди.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Эшик боягидан қаттиқроқ тақиlldади. Дилафрүз яна осқұ учida катта хонага кириб олгач, эшикни тепа бошлашди. «Бузиб кирса-я!» дилидан үтказди аёл. Афсуски, тұғри үйлабди: иккі кишилашиб тепишганида кесаки синиб, кулфнинг ярми коридорга шарақлаб отилиб тушди. Майда тишли михлари, шуруплари сочилиб, коридорда асабий вазият пайдо қилди. Дермантин қоғлама бир қаричча йиртилиб, эшик очилиб кетди. Жаҳлдор алвасти коридорга кирганида Дилафрүзнинг жони чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Сценарий бўйича йигитлар Дилафрүзни хонага отиб юбориши ва Раянинг имоси билан оғзига латта тиқиб, ечинтира бошлашди

Дилафрүз қолганини эслолмайди, ҳушига келганида яrim яланғоч ётар, кийимлари ҳар тарафга сочилган, кўча эшиги ланг очиқ эди

Босқинчилар қимматбаҳо буюмларни олишганни ёки бошқа шармандали иш қилишганни - Дилафрүз аниқ билолмади. Кийинди-да, гарнитур шкафчасини очди. Қимматбаҳо тақинчоқлари жойида. Ўтган ой Омондан келган уч юз долларни узун ваза ичига солиб қўйганди, қўл теккизишмабди. Мехмонхонадаги «Мадонна» гилами рулон қилинган кўйи туси ўзгармаган. Дилафрүз ҳайрон: қўрқитиб ҳушимдан кеткизиш учун келишмагандир?

Танасига қулоқ солди: ҳеч бир шикоят йўқ.

\* \* \*

Гилфан ташқарига чиқди, навбатдаги бекатда вокзалга тушди.

Шуни кутиб турган Омон шошиб китобни очди-да, янгилик топадигандай бояги ёзувни қайта - қайта ўқиди. Аммо муаммони ечадиган жўяли фикр туғилмади. Қоғозни жойлаштираётганида, орқасидаги рақамларга кўзи тушди. Уларни яхшилаб эслаб қолди ва ноёб хазинага

## БОҚИЙ МИРЗО

эришган савдогардай йўлакка - дераза олдига чиқди. Салқин ичимлик билан булочка кўтарган Гилфан вагон эшиги томон келарди. Кечаги режаси бўйича бугун Раја ҳақида унга учирма гап айтиши керак. Ҳозир ўйласа, шубҳа уйғотиб қўйиши мумкин экан. Тулкининг яхши одати кўринмаслик деганларидек, билдирмасдан кузатишни маъқул кўрди.

У мушукдай мулоиймлик билан «Кола-кола» ичиб ўтирган Гилфанинг олдига кирди.

- Тошкентга яқинлашган сари иссиқ бошланяпти, - деди у дастрўмоли билан слиниби.

- Ҳа, юртингиз анча иссиқ! деди Гилфан «Кока-Кола» сипқораркан. - Аммо барибир, Ўзбекистон гўзал! Табиати чиройли, айниқса, Фарғона водийсига гап йўқ! Кримнинг ўзи!

- Юртимиз ҳақидаги илиқ фикрларингиз учун раҳмат, Гилфан Андреевич!

У бош қимиirlатиб «арзимайди», маъносини билдириди.

- Водий ёққани учун биздаги сиҳатгоҳда дам олмоқчи экансиз-да! - Омон имкон қадар бетпарво сўзларди.

Унинг назарида, Гилфан сиҳатгоҳ манзилини аниқ айтиши керак эди, аммо у ҳам анойи эмас экан.

- Аввал дўстларни кўраман, дам олиш кейинги масала...

Тошкентга етиб келишгач, Омон «Бирга кетамизми?» дегандай Гилфангага қаради-ю, кўзларидан ўзи кутган жавобни олиб, қадамини тезлатди.

\* \* \*

Ёлғизлик - одамлардан узоқлаштирадиган дард, ўзига-ўзи гапирадиган қилиб қўювчи афсунгар, бошқача айтганда, ҳалокатга етакловчи ажина!

Дилафрўзнинг Омон кетгандан кейинги ilk кашфиётни шу эди. Руҳияти таассурот ва саргузаштларга,

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

сұхбатдошга ташна, аммо биров амал ичириб қўйғандай одамларга қўшилгиси келмайди, кўнгилсизлик содир бўладигандай ҳаммадан ҳадиксирайди. Дугоналари учраса, тез-тез саломлашади-да, йўлига кетаверади. Бу хислатини кузатганлар мийигида кулади, илк маротаба кўрганлар елка қисадилар.

Кўпинча, Омон акаси билан хаёлан сұхбат қуради, ўзи савол бериб, ўзи жавоб қайтаради. Хаёллари тушга уланганида ҳаётда учрашгандай мазза қиласиди, уйғониб, бир неча кун кайфияти кўтарилиб юради.

Аммо кейинги кунларда элдан олислаб, ўзини ёмон кўриб кетди. Омонга бўлган телбаларча севгиси, эр хотиндай бир уйда яшолмаётганидан шу кўйга тушган. Кино-концертларга, ҳатто тўйларга боролмаслигидан хафа. Нега шундай кунларга қолди? Пешонасига яна нималар ёзилган?

Рая тўрт кун таҳдид қилмади. Аммо аёл бу вақтда эшик «тиқ» этса, Рая жонимни олгани келяпти, деган қўркув билан яшади. Асаби таранглашиб, ўн ёш қаригандай сезди ўзини. Бешинчи куни тез улғайган одамдек янги фалсафа кашф этди: ҚЎРҚУВ БИЛАН ЯШАСАНГ, ВАҚТ ИМИЛЛАБ ЎТАРКАН!! Ҳатто умринг тўхтаб қолганга ўхшаркан!!!

Кечки овқатга уринаётганида нотаниш рақамдан қўн-фироқ келди. Аввалига кўтартмади. Иккинчисида чўчиб-чўчиб боғланди...

- Ало, Дилафрўз?

У овоз эгасини таниб, қатли бискор қилингандай маҳбусдай енгил хўрсинди ва ВАҚТ - оёғига боғланган тушов - ечиб ташланганини сезди.

\* \* \*

Омон - пул ҳамма нарсага қодир, пул учун ҳамма ишга тайёрман, деб ўйлайдиган одам. Таниш-билишлари, синфдошлари ва қариндошларининг машинаси, уй-

## БОҚИЙ МИРЗО

жойига қараб муносабатда бўлади, ёғлиқ жойда ишлай-диганлар ҳурматини жойига қўяди.

У синфдоши Аҳрорнинг тўйида Дилафрўзни кўриб, юраги «жиз» этди. Уйинга таклиф этмоқчи эди, ёшидаги фарқ девордай тўсли. У билан яқиндан танишиш учун танишларини қидирди ва ниҳоят, топди. Пайнетда ишлайдиган эридан ажраган синфдоши Каромат эркакларни аёллар билан топиштириб қўйишда устаси фаранг!

Қизда мойиллик пайдо қилиш учун уни шаҳардаги энг қиммат ресторанга тушликка таклиф қилди.

Дилафрўз билан Нурчилар хиёбонида учрашишга келишган эди. Атайлаб ўн беш дақиқа кеч қолди. Қизда сабрсизлик бошланганини узоқдан пайқади-да, машинага ўт берди.

Йигитни оппоқ «Нексия»да оқ шим, оқ хорижий футболка ва ёшларбоп оқ кроссовкада кўрган қизнинг кўзлари порлади.

Акаларидан беркиниб, наридан-бери кийиниб келган қиз ийманибгина Омоннинг ёнига ўтиаркан, француз атиридан боши айланди.

Алоҳида кабинада ўтиришди. Зиёфат ўртасида Омон кўнглини ёрди, сўнггида қучоқлашишди, ўпишишди...

Кейинги сафар шаҳардаги ўтиришдан кейин қизнинг ихтиёри ўзида бўлмади.

Бу воқеа Омонни ҳам, Дилафрўзни ҳам бирдай ташвишга солди.

Омон оиласи, иккита боласи бор. Ўғли билан қизи катта бўлиб қолишган. Дилафрўзга уйланолмайди. У боши қотиб, шаҳардаги қўшмачи танишиникига борди.

- Менга кўкидан узатасан, Омонбой!
  - Нега?
  - Иккита хотинни ёнимга олиб, қизникига совчилик-ка бораман.
  - Рост...
  - Шундай қилмасак, қизнинг акалари сени ейди...
- Дилафрўз ўша куни - эҳтирослар жунбуши пасайиб,

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

ўзига келганидан кейин даҳшатга тушди. «Акаларим омон қўймайди!»

Уйига бориб бир-икки кун бошини ўраб ётганидан кейин, онасиға ёрилди.

- Ўзимдан катта одамни севиб қолдим!

Кўпни кўрган она кенжасининг ҳолатини сезди.

- Дадангга-ку чойхона бўлса бас, акаларинг...

Она-бала аммасини ишга солишиди.

Амма акаларнинг фазабини босиш, инсофга келтириш учун анча тер тўкди.

- Синглинг шунга тегмаса ўлармиш! - деди гап охирида уларнинг инсофга келганидан қувониб. - Буниям кўнглига қарайлик, эртага ўзини бир бало қилиб қўйса, ҳаммамиз шармандага ўлмайлик, тағин!

Катта ака Комил муштини тугди.

- Ҳамма маросимлар қиз боланикiday бўлади, алоҳида уй олиб беради, умрининг охиригача ташлаб қўймайди! Шунга рози бўлса, кейинги ҳафта тўй, акс ҳолда, иккаласининг калласини оламан!

Амма бошқаларни хонадан чиқарвориб, Комилга юзланди.

- Куёвнинг ҳурматини жойига қўясизлар, виждони бор экан, согчи жўнатди, Россияга кетворса, кўлингдан нима келарди?!

- Ернинг тагидан бўлсаям топардим!

- Катта кетманг, йигитча, - деди амма тагдор қилиб урғу бераркан. - гунажин кўзини сузиб қўйган...

Фақат Комилнинг эмас, эшик ортидагиларнинг ҳам дами чиқмай қолди...

Дарҳақиқат, Дилафрўзниң кўзини суздирган куч Омоннинг пуллари эди...

\* \* \*

Омон ит қувлаган соқовдай ярим соатда етиб келди.

- Мунча ҳовлиқмасангиз?! - деди аёл сўрашиб бўлган-

дан кейин.

- Совуқ чойинг бўлса бер, - деди Омон ўзимни зўрға босаркан. - Ишим зарур, бугун кечикиш мумкин эмас!!
- Тинчликми?
- Кейин тушунтираман.

Омон уйга самолётдай келиб, ортига ракетадай қайтди. Дилафрўз уни туш ёки хаёлида қўргандай анграйиб қолаверди.

\* \* \*

Инсон кўнглини хавотир пардаси ўраган каби борлиқни қоронғилик қоплай бошлади. Омон уйдан чиққанида бошида катта похол шляпа, эгнида этаги узун плашч, оёғида жигарранг кроссовка бор эди. У Гилфанд билан Тошкентдан таксида бирга келганди. Намангандаги тижорат дўкони олдида тўхташганида, Рая билан икковининг телефондаги сұхбатини хуфёна эшитди.

Гилфан машҳур сиҳатгоҳга жойлашиб, таксига ўтирганида, беш метр нарини кўриб бўлмас эди. Омон ёқасини кўтариб, айғоқчиларга ўхшаб, навбатдаги таксига ўтириди ва ҳайдовчига бошқа йўловчи олмаслигини тайинлаб, олдин кетган таксини қувишни сўради, киракашга нима қилиш кераклигини тушунтириди.

- Уч баробар ҳақ тўлайман, эрталабгача хизмат қиласиз! - деди сўнгра. Таксичи рози бўлди.

Гилфан Раянинг маҳалласига бурилгандан кейин Омон таксини янги гузарда тўхтатди. Машинадан сирғалиб тушди-да, оёқ учиди Раянинг кўчаси томон юрди.

Кўча қоп-қоронғи. Одам йўқ. Айрим уйларда бамайлихотир телевизор кўраётганлар деразадан кўриниб турар, маҳалла ўзи билан ўзи овора. Раянинг уйи олдида Гилфанинг таксиси кўринмади. Эшик берк. Ташқари ҳамманини сингари қоронғи. Омон ўтиб кетар экан, уйга қаердан тушиш мумкинлигини чамалади.

Дарвозадан қўшнигача бўлган девор баланд бўлса-да,

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ҲАНЖАР

орқасида дарахт борлиги учун осилиб тушишни режалаштириди.

Чорраҳага бориб қайтунича одам ўтириши мумкин бўлган жойларни синчилаб кўздан кечирди. Ҳамма ер сув қуйгандай жим-жит. Яна бир марта гузарга борди. Боя пиво ичаётганлар ҳам кетишибди. Пивофуруш билан кабоблаз идишларини йиғишитираётган эди.

Улар кетишганидан кейин Омон яна Рајаникига юрди.

Мўлжаллаган жойдан тушиш қийин бўлмади. Дарахт тагидаги қуриган барглар шитирлашини ҳисобга олмаганда, асабга тегадиган ҳеч нарса рўй бермади.

Омон нафас олмасдан сўриток ортига ўтди. Деразалардан ёруғлик тушиб турар, парданинг очиқ жойларидан ичкарини бесмалол кўриш мумкин эди. Фақат Раја билан Гилфан кўринмайди. Омонни ичкарида бўлаётган гапларни эшлишиш ва воқеаларни кузатиш муаммоси ўйлантириб қўйди.

Бошида таваккал қилгани учун у қўрқиш ва ушланиб қолиш ваҳимасини унугтан, тобора қувват ва журъатга тўлиб борарди.

Омон дилида Худодан мадад, ниятига эришиш учун оқ ўйл сўради. Калима келтириб, ром эшигини тортиди. Эшик овоз чиқармасдан очилди. У ромга кирди-да, ўзини полга тегиб турган парда ортига олди. Ичкаридан овоз эшитилмагач, эшик тешигидан ичкарига қаради. Гилфан билан Раја алланарсалар ҳақида тортишиб, бироз асабий ўтиришар, ўртадаги хонтахтала бир уюм тилла танглар ялтираб турарди! Омоннинг оғзи очилиб қолди. Кампирда пул кўплигини биларди, аммо тилла танглари борлигини хаёлига келтирмаган экан. «50 шт» - шу бойлик экан-да!

Омон севиниб кетди, агар қўлга киритса, муаммоси ечилади, бир олам бойликка эга бўлали, ҳатто Россияда масса қилиб яшаши мумкин!

Энди вазият түғилса, ҳеч кимни аямайди...

Улар бир қарорга келишди, шекилли, юзлари ёришди.

Гилфан сумкадан бир неча пачка доллар олиб берди. Тангаларни аввал латта халтага, сўнг целлофанга солди. Рая ўрнидан турди. Омон яна аввалги жойига яширинди.

Рая ичкаридан чиқиб, ҳар томонга аланглаб қаради, бирор йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, кўшни хонага ўтди. Уч-тўрт дақиқадан сўнг бир қўлини камзулига беркитганича, хавотир билан ортига қайтди. Омон оёқ учиди эшик тирқишига борди. Раянинг қиёфаси тоҳ тундлащар, тоҳ ёришар, баъзан жиддийлашиб қоларди. Сўнг хонтахтага узун гилофли нарса қўйди. Гилфан уни дарров қўлига олди-да, қизиқиши билан гилоф устидаги хатгами, расмларгами астойдил тикила бошлади.

Омон уч нуқтанинг сирини ўйлаб, киприк қимирлатмасдан кутарди. Шу пайт қулоги остида мактабнинг мис қўнғироғи чалингандай Раянинг уй телефони жиринглади. У деворга ўрнатилган, шундоққина Омоннинг бошида турган экан. Жони чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Оёғи лақиллаб танасидан дармон кетди, аммо ўзини қўлга олиб, оҳиста ташқарилади. Кроссовкаси устидан қалин латта ўраб олгани учун оёқ товуши эшитилмас, изи ҳам билинмас эди. Сўриток орқасида туришга Омоннинг юраги бетламай, ўрик панасига беркинди.

Телефон тўртинчи марта жиринглашида асабийлашган Рая гўшакни олди ва аллаким билан қисқа гаплашидда, яна ичкарига равона бўлди. Омон ромга кириб, воқеанинг давомини кузатишни ҳам, ўрнида тураверишни ҳам билмай бетоқатланди. Ниҳоят, ичкарига кирса, режаси бузилиб қолишини ўйлаб, сўриток ортида кутишга қарор қилди.

Бир соатдан кейин Гилфан лотереясига ютуқ чиққан бойдек оғзи қулогида чиқиб келди. Рая уни кузатгач, эшикни яхшилаб қулфлади, тамбалади, чироқларни ўчириди. Омон уни кузатиб турар, кейинги ишларни режалаштириб бўлгани учун хотиржам эди. Ярим соат-

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

дан кейин Рая ҳожатта чиқди. У шошилмас, бармоқла-рини қарсиллатиб, паст овозда хиргойи қиларди. Қай-тишда ром эшигини секин ёпди, ётоқхонага кириб, чироқни ёқди.

Омон ўтган сафар қарзга келганида Рая пулни ўша ердан олиб чиққанини эслади. Демак, Гилфандан олга-нини ҳам шу хонага беркитган...

Омон Гилфан берган пулларни ўйларди-ю, дадиллик тополмай қийналарди. Бехос хаёлига хонтахта устида ялтираб турган тангалар келди, күз олдини қамраб, жило билан товланишлари юрагига ҳузур берди, руҳлантырди. Фойибдан дадиллик, шаҳду шиддат келди унга.

Тилла тангалар билан сирли буюмни Гилфан олиб кетди, унинг изидан тушини керак! Аммо ўттиз минг доллар пул шундоқ олдиде турганида нега бўшашади? Бир ҳамла билан кампирни тинчитса, ҳаммасига эга бўлади-ку!

Раянинг ётоқхонасидаги чироқ ўчди. Омон марш буйругини олган спортчидай, олға интилди. Ромга боя-гидай кириб, эшик тирқишидан ётоқхонага қаради. Телевизор ёниқ, Рая ёш, эрсираган аёлдай диванда ярим яланғоч ҳолда кино кўрар, гоҳо қўлларини ёзиб, ҳузур қилиб керишарди. Омоннинг хаёлига у билан бўлган дамлар келиб, янги режа тузди. Лекин кўчага чиқиб уни чақиrsa, бирор эшитиб қолиши ёки Рая режасини сезиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, фикридан қайтди.

Таваккал қилди. Ичкарига бостириб кирди-да пол-да турган болға билан Раянинг бошига урди, ураверди... Аёл дод дейишга улгурмай, инграганча ҳушини йўқотди.

Аммо Омоннинг кўнгли ғаш: хонага кираётганида Рая унга «ялт» этиб қараган эди...

Ғашликни енгиши керак! Акс ҳолда, ҳаракатлар беса-мар кетади. У афти буришиб, юзидан қон қочаётган кампирга қаради. «Ўлиб қолдимикан?» Омон баттар кўрқди. Юрагини ваҳима кемира бошлади. «Наҳот, одам ўлдирган бўлсан?!» Бироқ бошқа бир овоз унга далда

берди: «Пул керак бўлса, чидайсан! Раяни суриштирадиган ҳеч кими йўқ, қўрқма!»

У пул қидира бошлиди. Кўрпа-ёстиқ остини титди, диван тагига энгашди, кўринмади. Трюмо тортмалари ни тез-тез назардан ўtkазди. Бурчакка йифилган кўрпа қатларига қўл тиқиб кўрди. Топилмади. Атрофга аланглади ва сандиққа кўзи тушди. Кўрпаларни туширди-ю, ҳафсаласи пир бўлди. Сандиқ қулфланган. Молпараст хотинлар топган-тутган латтасини сандиққа жойлаб, калитини иштонбогига осиб юради, деб эшитганини эслади-да, Раянинг ички кўйлагини кўтарди. Белига боғланган қалин матода иккита калит бицини томонга осилиб турарди. Кувониб, калитни юлиб олди.

Биринчи калит кулфга тушмади. Иккинчиси очди.

- Худога шукр! - деди пичирлаб Омон қопқоқни кўтараркан. Кийим-кечаклар, метрли матолар, қимматбаҳо буюмлар билан тўла экан сандиқ. Нарсалар тагидан қора қути чиқди. Иккинчи калит билан уни очганда беш пачка юз долларлик кўринди!

- Эй, Худо, ўзингга шукр! - деди боягидан баландроқ овозда Омон.

Ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб, чўнтаgidаги ҳазинани пайпаслаб кўраётганида Рая инграб юборди. Ёнидаги болға билан уни яна бир неча марта урди. Раянинг миясидан қон оқарди. Омон куч-қуввати боягидан икки баробар ошгани учун ҳеч нарсадан қўрқмас эди. Чиқиб кетиш олдидан Раянинг кўксига қулоқ солди. Қизиқ ҳолат: тоҳ ўз юраги дук-дукини эшитади, тоҳо унинг кўксидан эшитилгандай бўлади. Боши қотди. Ўлмаган бўлса, эртага жинояти очилади, узоқ муддатга қамалади... Бўлиши мумкин эмас, Гилфандаги тангаларни ҳам олиш керак!

Унда ҳайвоний, ваҳшиёна куч пайдо бўлди. Раянни коридорга судраб чиқди-да, ошхонадан каттакон пичноқ олиб келди.

Ром чирогини ўчириб, Раянинг жагидан ушлади, кўй

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

бүгизлаётган қассобдай кекирдак охиридаги сүякни топди. Сүңг жағи остидан пичоқ солди. Пичоқ кесган жой катта балиқнинг оғзидай очилса ҳам озгина қон сизди, холос. Рұхий қувватни тортиб олувчи бу лаҳзаларда Омон ўлган одамни сүйганини билмас, каллани узиб ташлашыни удалай олмас эди. Бояги куч қаёққа йўқолди? Нега танасини титроқ эгаллаб боряпти?

Калла бўйин пайида илиниб қолганида журъати тугади. Эшик кесакисидаги сочиқни кесилган жойга ёпдида, уйни тарк этди.

Такси ҳайдовчиси уни сиҳаттоҳга ташлаб қўйди.

\* \* \*

Оппоқ сочли, одми кийиниб, ҳасса ушлаган «кеекс профессор» эрталаб сиҳаттоҳ ҳовлисига Гилфанин кўп кутмади. Гилфан таксида шаҳар томон елдек учеб кетганида, «профессор» ҳам ортидан ўқдек учди.

Гилфан вокзалда ҳайдовчи билан алланарсаларни гаплашди, сўнг залдаги сақлаш камералари олдида атрофни зимдан кузатди. «Профессор» унга яқин келиб, йўловчилар қаторига ўтириди. Ерга қараб ўтирган бўлса ҳам диққат-эътибори Гилфандга.

Гилфан камерага сумкани жойлаштириб, эшигини ёлганида «профессор» қулф рақамларини эслаб қолди: «50 50 50».

«Профессор» бу рақамларга ўзича маъно бериб қувониб кетди. Биринчи эллик - тилла тангалар, иккинчиси - хазинани қўлга киритиш эллик фоизга ҳал бўлгани, учинчиси - филофдаги ноёб нарса эллик минг доллар дегани!

Гилфан перронга чиқиб, темир йўл бўйидаги скамейка томон юрди. «Профессор» уни кузатиб тураркан, негадир кўнглидан «Гилфан қайтиб киради!» деган фикр ўтди. Тахмини тўғри чиқди.

Кўп ўтмай Гилфан камера кодини терганида, «про-

фессор»га учта эллик күрінди. «Худога шукр, адашмабман!» У сумкани олиб, ёнидаги чүнтагига блокнотни жойлаб, камерани қулфлади. Сүңг ташқарига чиқиб, такси ёллади.

«Профессор» бошқа таксида уни күздан йўқотмай бораради.

Гилфан меҳмонхонага жойлашғандан кейин овқатла-нишга тушди. У таомдан кейин музқаймоқ еди, сўнг меҳмонхонага қайтди. «Профессор» у жойлашган қаватга узоқдан қараб турганида балконда майкачан Гилфан күрінди ва шаҳарни томоша қилиб анча турди, кейин кўлларини ёзиб керишди-да, хонасига кириб кетди.

- Ухлайди! - ўйлади «профессор», - фурсат етди

У таксиға ўтириб, яна вокзалга борди. Кутиш залида йўловчи кам, борлари ҳам аввалгиларга ўхшамасди.

«Профессор» камера олдига келди-да, кодини терди. Эшик оҳиста очилди. У сумкани олиб, ўрнига ўхшани қўйиб, эшикни беркитди.

Энди у таксида кетмади.

Автобусга чиқиб олгунича ортига қарамади, бирор кузатмаёттанига ишонгач, дераза ёнидаги ўриндиқча жойлашиди, иш хамирдан қил суғурғандай битганидан хотиржам тортиди.

У эшикдан кириб, кўзойнагини столга қўйди. Ҳассани балконга улоқтириб, сумкани Дилафрўзга узатди-да, ҳар кунги Омонга айланди.

- Уфф, - деди енгил тортиб, - Худога шукр, ҳаммаси кутганимдай тугади

Дилафрўз нарсаларни бошқа хонага жойлаштиргандан кейин, овқат олиб келди. Қўллари титраб ош еястган Омонга қараб, мулоҳазага чўмди. Эрининг вужуудида ваҳшиёна, бегона куч пайдо бўлганини сезиб, сал орқага сурилди.

- Тинчликми, Дилафрўз?

Аёл «ялт» этиб унга қаради. Эрининг нигоҳидаги ваҳшиёна, хунук тус одамни ваҳимага соларди. Аёл

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

жавоб ўрнига нигоҳини олиб қочди.

- Ароқ олиб келайми?
- Қанақасидан бор?
- Ўтган сафаргидан қолгани...

Омон икки пиёла ароқ ичғандан кейин анча дадиллашди.

Хотини ҳамон унинг кўзига қаролмас, сирли тарзда ўй сурин билан банд эди.

- Келганингизни бирор билмаганми? - деди ниҳоят, Дилафрўз. Бироқ бор кучини тўпласа ҳам Омоннинг кўзидағи ваҳшийликни енголмади. «Бунга нима бўлган? Қамоқдан қочган қотилга ўхшайди-я!»

- Қўшнилар билмаган бўлса, ҳеч ким кўрмади. Нега сўраяпсан?

- Шунчаки ўзим, - деб паришон жавоб қайтарди Дилафрўз эрига.

Омоннинг телефонига келган SMS Дилафрўзни вазиятдан кутқарди. SMS ўғлидан экан. У дадасидан ҳолаҳвол сўрабди ва IELTS танлови синовларидан муваффақиятли ўтганини, энди нуфузли олий ўқув юртларидан бирида ўқиши мумкинлигини суюнчилабди. Омоннинг қалбida фарзандидан фахрланиш алансаси гуруллади. Афсуски, қалбаклик аталмиш ёвуз бўрон бу алангани бир онда ўчирди. У қалбакиликнинг янги режалари оғушида Дилафрўзга тикилди.

У Раюни ўлдирганини ҳали хотинига айтмаган, «Эллик минг долларни қаердан олдингиз?» деб сўраганида, «Узумини е, багини суриштирма!» деб қўя қолган эди.

Дилафрўз эса Омоннинг ҳолатидан хавотирланар, у жиноят қилиб пул топган, милиция қидириб келиши мумкин, деб ўйларди.

\* \* \*

Омон эрталаб кеч уйғонди. Бозорга чиқиб келган Дилафрўз бир олам тапиб келди.

## Боқий МИРЗО

- Рая опани аллаким чавақлаб ташлабди, милиция қидираётган эмиш!

У эрининг кўзига астойдил назар ташлади, аммо ўзгариш сезмагач, ҳайрон бўлди.

- Ярим кечаси ўзининг уйида сўйибди!

У қўлидаги нарсаларни ошхонага ташлаб кирди-да, пиёладай-пиёладай кўзларини Омонга қадади.

- Ҳа, айтгандай, аввал бошига қаттиқ нарса билан уриб, кейин бўғзига пичоқ тортганмиш. Милиция бир қанча гумондорларни олиб кириб, сўроқ қилаётганмиш!!

- Қотил топилмабдими? - сўради Омон ерга қараб ётганча бошини ўтиаркан, - нега ўлдиришибди, билмадингми?

- Э, одамлар ҳар хил гапиришяпти, катта-катта қарзи борлар бирлашиб ўлдирган, дейишадими-ей, биттаси бўлса ўйнаши ўлдирган, деганмиш... Тавба, етмишга кирган кампирнинг ҳам ўйнаши бўладими?

Омон қўрққанини билдирамслик учун ерга қараб ётаверди, кўнглидан «Тез Россияга кетиш керак!» деган фикр ўтди. Хотини «Туринг, чой тайёр!» деганида ҳам кўрпага бурканган кўйи ётарди. Дилафрўз тепасига келди.

- Сиз қарзни тўлагансиз, а?

- Нимайди?

- Милиция қарздорлар рўйхатини топса, қотил ҳам топилармиш...

Омоннинг юраги «шув» этди. Руҳига нур сочиб турган бойлик қувончи йўқолгандай бўлди. Аммо ўша куни пул қидириб, темир дафтарни топиб олгани, сиҳатгоҳнинг хилват жойида ёқиб юборганини эслади-ю, ўзини хотиржам сезди. Ҳозир ундан бахтли одам йўқ эди гўё. «Дик» этиб турди-да, ваннага кириб, ювинди. «Камарова»ни айтиб, меҳмонхонага кирганида столда ҳамма нарса муҳайё эди.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

На неделку до второго  
Я уеду в Комарово.  
Погладет от викшим глазом  
На Балтийскую волну.  
И на море буду разом.  
Кораблём и водолазом.  
Если только захотите  
Будет личний водолаз.

Бошланишида юз эллик грамм ароқ ичди, иштаха билан овқатланди.

- Бугун құчага чиқмайман. Келганимни ҳеч ким билмаганди, кетганимни ҳам билмасин!

Димлама пишгандан кейин битта шишани бүшатди. Кайф бўлиб, хотинини бағрига тортди.

- Сени Россияга олиб кетаман! - деди соchlарини силаркан, - мента қарайсан, асалим! Мазза қилиб яшагани пулимиз етади.

Дилафрўз хәёлга чўмди.

- Эллик минг доллар Россияда ётиб егани чидамаса керак!

- Етмаса, яна бор! Сен билмайсан! Мен, - деди кўзлари сузилиб Омон, - сен учун ҳаммасини муҳайё қилиб қўяман. Бор, сумкани олиб кел.

Столда ёйилиб турган тангалар шайтонни ҳам рақста туширворадигандай афсун ва жозиба билан ярқиради. Дилафрўзнинг кўзлари чараклади. «Миллион-миллион сўм бўлса керак! Оббо ичидан пишган писмиғ-эй! Бу ишнинг миси чиқмайдими?»

Аёл бирдан қўрқиб кетди: «Раяни эрим ўлдирган!»

Тангаларни ҳавас, очкўзлик билан томоша қилиб, унинг қудрати ҳақида ўйларкан, барчаси ўзиники бўлиб қолишини, аллақандай прасанчи кампирдан ҳақорат эшишиб эмас, уни товони тагида янчиб яшашни дилидан ўтказди. Бунинг учун нима қилиш керак?

У сумкадан даста-даста доллар олаётган эрига қаради:

## БОҚИЙ МИРЗО

иич-иичидан қувониб, яйраяпти... «Одамни пул, бойлик яйратар экан! Пул ҳамма нарсага қодир! - күнглидан ўтказди Дилафрўз. - Утган йилдан бери эримнинг чехраси очилмасди...»

Дилафрўзнинг ўйлари охирига етмай, Омон сумкадан қора узунчоқ гилоф олди. Айлантириб томоша қилди-да, сурмасини тортиб, филофни очди. Ипак матога ўралган узунчоқ нарса кўринди. Омон шошиб қолди, матони олиши билан атроф чарогонлашди. Кўлида соф олтиндан ясалган ханжар турарди! Сопига дид билан ўрнатилган қимматбаҳо тошлар кўзни қамаштирав, тиги иблис тишларидай ярқирав эди. Иккови ҳайратдан гапиролмай қолишиди. Айниқса, Омон ўзига сиғмай қувонар, «Нималарга қодирлигимни кўрдингми?» дегандай фуурланиб кўярди.

Тўсатдан эшик қўнгироғи чалинди. Иккови хавотир билан бир-бирларига қарашиди-да, шошилганча нарсаларни сумкага жойлашди. Кўнгироқ яна жиринглади.

- Мени сўраса, Россияда дегин! - деди Омон паст овоз билан. Сўнг сумкани бағрига босганича диван тагига яширинди. Дилафрўз эшикни очиши билан коридорга икки милиционер бостириб кирди.

Омон юрак дукурини эшитиб ётгани учун улар қайтартибда сўрашишганини сезмади.

- Бизга Россиядаги эрингиз Омон Қирғизовнинг телефон рақамини берсангиз!

Дилафрўз каловланди.

- Фақат эскисини эмас! - бу иккинчисининг гапи эди.

- Кечирасиз, - деди Дилафрўз ўзини ўнглаб, - у киши билан бир ойдан бери таплашмадим. Ўн беш кун аввал қўнгироқ қилсан, рақами тармоқда мавжуд эмас экан.

- Ўша рақам манави эмасми?

Капитан телефон экранини яқин олиб келди. Сўнг ароқ ҳидини сезиб, шеригига сирли қараб қўйди.

- Бу эмас! - деди аёл капитанга дадил қараб.

- Манави суратлар сизникими?

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Дилафрўз суратларга қаради-ю уятдан юзи чўғланди.

- Шу расм ва манави шармандали SMS Рая Сафиуллина телефонидан эрингиз Омонга жўнатилган. У қандай тазийқ ўтказганини яширмай, уялмай айтсангиз!

Дилафрўз юзини беркитиб, йиглаб юборди.

- Ифлос хотин экан, ўша Рая! Омоннинг қарзини тўла, деб иккита барзангি билан эшикни бузиб, бостириб кирди. Ҳушимдан кетказиб, суратимни олган экан...

Омон газабини босиб, кўкарғанча ётар, овоз чиқариш ё қимирлаш ўзини қамоққа тиқиш эканини англаб, сабр қиласди.

- Рая Сафиуллинанинг қилмишлари ҳақида батафсил кўрсатмангиз керак! Кейин эрингизнинг талефон рақамини топишга ёрдам беринг!

- Кўрсатма бераман, - деди Дилафрўз дадил, - аммо эримнинг рақамини билмайман. Менга кўнғироқ қилмади.

- Ишга ёрдам берадиган ягона одам сизсиз! Ўзингизни чеккага тортманг, бу - қонунга хилоф.

Дилафрўз бир неча сония индамай қолди. Нималарни ўйлаётгани ҳаммага қоронғи эди.

- Битта савол берсам майлим? - деди ниҳоят.

- Бемалол.

- Рая опа масаласида нега меникига келдинглар, умуман нима гап?

- Воқеадан бехабарсиз, шекилли?

- Кўчага кам чиқаман.

- Рая Сафиуллинани чавақлаб кетишибди. Гувоҳларнинг айтишича, зингиз ундан ўн минг доллар қарз олган экан.

- Қачон?

- Кеча ярим тунда!

- Эримнинг қарзи ҳақида кимдан эшитдингиз?

- Гувоҳлардан деяпман-ку! Қарздорлар рўйхати то-пилгунча уларга таяниб, тергов олиб борамиз. Сиздан илтимос, ишдан ўзингизни тортманг!

Дилафрүз улар эрини излаб, уйни тинтув қилишлари-дан чүчіб, күрсатма бериш учун идорага бориш-бормас-лик ҳақида сүради. Милиционер коридордаги стулга ўтириб, айтиб турди, Дилафрүз ёзди. Тезроқ кетишлари учун ҳийла излашга ҳожат қолмади.

- Эрингиз құнғироқ қылса ёки келса, бизга хабар берішни унұтманг, ундан сүрайдиган мұхим нарсаларимиз бор!

Ички ишлар ходимлари кетишгач, Дилафрүз әшикни маңқам құлфлалы. Ошхонага ўтиб, парда ортидан уларни күзатди. Машиналари катта йүлга бурилганидан кейин ётқынана чиқди.

- Кетишди! - деди диван тагига қараб.

Дилафрүз инқилаб чиқаёттан эрини күзатар экан, ёвез режасини амалға ошириш фурсати келганини пайқади. Ҳозир ёрдамиға мұхтожлигидан фойдаланиб қолишини күнглиға түгіб, эри узатған сумкани бағриға босди. «Худо хоҳласа, ҳаммаси меники бўлади!» дилидан ўтказди у.

Қоронғи туша бошлади, Дилафрүз таом тайёрлади. Коридор чирогини ёқиб, меҳмонхонада овқатланиши. Қоронғида ўтиришгани учун биров күриб қолишидан шубҳаланишмади. Аёл «Овозингиз чиқмасин, бойликларни биров тополмайдиган жойға яширамиз!» деган гапни эрининг миясига күя бошлади. Омон күлға тушиш талвасасида қолгани учун уни тинглар, Рая ҳақидағи шов-шувлар тинчиб, одамлар хаёлидан узоқлашгунча яшириниб юришни ўйлар, вазият туғилиши билан Россияга кетишни режалаштиради.

Кетаётганды эса уни... Давомини такрорлашга чүчи迪. У - ягона гувоҳ...

«Россиядан келганини ҳеч ким күрмаган, Раини ўлдириб, бойликларини тортиб олганини биров билмайди. Милиция ходимларига келмаганлыгини айтдым. Уни бир ёқлиқ қылсан, ҳаммаси меники бўлади!» Дилафрүз ҳидини чиқармасдан эрини бир ёқлиқ қилишни истарди...

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Дилафрұз ярим тунгача икки марта аллақаёққа бориб келди. Омонга: «Чиқиб кетганимдан кейин уй атрофини кузатинг, ички ишлар ходимлари пойламаёттан бўлса марра бизники!» деди. Хотини бир ўқ билан икки қарғани урмоқчи бўлаётганини Омон билмади. Иккинчи марта қўчадан ҳаллослаб кирганда Омон унга ачинди. Дилафрұз:

- Ҳаммасини сиз учун қиляпман! - деди оҳиста шивирлаб, - Худо хоҳласа, роҳатини кўрамиз...

Ярим кечаси Дилафрўзният ишораси билан Омон сумкани орқасига ўнгарди. Овоз чиқармасдан кетма-кет ташқарига чиқишиди. Омон хотини ишончли жой топдим, деганига ишониб, «Қаерга?» деб сўрамади. Қўлга тушмаса, бойликларидан ажрамаса бас! Қолганини текисласа бўлади. Юрагида бояги ният. Вазият етилди, дегунча бир неча сонияда амаллайди...

Улар қишлоқ йўлига тушганларида ой кўринмас, канал билинар-билинмас овоз чиқарип, икки шарпанинг қадам товушларини босиб турарди. Қирғоқдан анча юришиди, бир неча марта дам олишли. Қирғоқ кўтарилиб, адирлик бошланганда Дилафрўз Омонни тўхтатди.

- Манави фонар, - деди уни Омонга узатиб, - олдинда юрасиз, икки тол орасидан ўтиб, жарликка тушамиз, этагида оғзи харсанг билан беркитилган чуқурлик бор. Ҳаммасини бир неча кунга ўша ерга беркитамиз...

Омон хотинига сўзсиз бўйсунди. Талвасада юраги потирлаб кетаётганига эътибор бермас, эсон-омон Россияга етса соглигини тиклаб оламан, деган фикрда эди.

У мўминтойларча икки тол орасидан ўтиб, жарликка яқинлашганида бошига тушган қаттиқ зарбдан олдинга қараб йиқилди, бир-икки юмалаб, йўлга кўндаланг тўхтади. Дилафрўз болға билан бир неча марта уриб, эрининг жонини сабил қилишни режалаштирган эди. Фақат биринчи уришида олдинга қулашини ҳисобга олмаган экан. Дилафрўзният болға кўтартган қўли

ҳавола муаллақ қолаверди. Аммо у ўзини йўқотмади, инграётган Омоннинг бошини топди ва бир нача марта болға солди. Шахди кесилиб, қулоқ соганида Омон овоз чиқармас, ҳатто нафас олаётгани билинмас эди. У атрофга аллангали, билинар-билинмас шабада эсади, қоронгилик қуюқ жойда алланарса шитирлагандай бўлади-ю дарров тинчидан қолади... Эътибор бермади. Бир қоп суюқдай ётган Омонни жарлик томон юмалатди. Чуқур оғзидан харсангни сурди-да, уни итариб юборди. Тошни қайта жойлаштириб, ортига қайтди. Сумка Омон йиқилган жойда қолганини яхши биларди. Мўлжаллаб тирмаша бошлаганида аллақандай қора шарпа бир кўринди-ю кўздан йўқолди. У кўзини юмиб, бошини бир неча марта ёнга силкитди, яна кўз очиб қаради. Қора шарпадан асар ҳам кўринмасди... Менга шундай туяулгандир деб ўйлади-да, сумкани орқалаб йўлга тушди. Катта йўлга чиққанида орқадан машина чироғи кўринди, бироқ у эътибор бермай тез-тез юриб кетди. Машина орқада қолди. Негадир тўхтаб чироғини ўчирди. У йўлда давом этарди...

Аввалига қўрқув билинмади. Сумкани уйга етказгандан кейин режаларини амалга ошириши керак эди.

Оёғига тошлар ботар, йиқилишига озгина қолганда ўзини ўнглаб оларди. Йўли кўпаймас, назарида, қора кучлар ёки изқуварлар ҳозир ушлаб олдигандай талвасада эди. Оёқлари зирқираб оғрир, дармони куриб борарди. Уйига бир километрча қолганда оёғи ўзига бўйсунмай, йўл четига ўтириб қолди. Тонг яқинлашгани учун эмаклаб бўлса ҳам йўлни камайтиришни истар эди.

Беш дақиқача ўтирганидан кейин оёғига жон киргандай, қимирлай бошлади. Ўтирган жойида кўтариб қўрди. Қувонганидан ирғиб ўрнидан турди. Танасига кувват кирди. Сумкани орқалаб, йўлга тушди. Шу пайт машина чироғини кўриб, ўзини четга олди. «Тез ёрдам» «Дамас» экан. Оғир касал олиб кетаётгандай, ваҳимали сигнал чалиб, кўздан ғойиб бўлди.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

У 2-қаватта күтарилиб, эшигини очаётганда ҳолдан тойган, оғаны аранг күтарар, танасида қувват қолмagan эди.

Калит бир марта буралиб эшик очилди. У ҳайрон: икki марта бураб беркитганди-ку?!

Саволга жавоб излайдиган алфозда әмасди. Ҳонага кирса-ю сумкани беркитиб, жойига чүзилса!

У жемфер билан кроссовкасини ечиб, әтоғига кирди. Негадир бойликларини томоша қилиб, чарчоғини ёзги-си келди.

Сумкани очди-ю, устидан музлек сув қуйиилгандек, юраги уришдан түхтади, мияси караҳт бўлиб, ҳеч нарсани идрок этолмай қолди. Сумкадан кир-чир латта-путталар чиқди. У талвасага тушганча тилла тангаларап, пачка-пачка долларларни, олтин ханжарни қидирарап, аммо тополмасдан жиннинга ўхшаб борарди.

- Аblaҳ Омон, мен кўчага кетганимда яшириб қўйган экан, ифлос, исқирт! Қаерга яширган? Уни топишим керак!

У телбаларча ўзини ҳар томонга урар, нима қилаётганини англамас эди. Шу пайт эшик томондан овоз келди.

- Овора бўлиб қидирма, сен излаган бойлик ишончли қўлларда!

Дилафрўз «ялт» этиб овоз келган томонга қаради. Ҳеч ким йўқ!

- Кимсан? Уйимга қандай кирдинг?

- Энди сўроқни биз қиласиз, қўлингни орқага қилиб, девор тагига тур!

Икки томондан икки милиционер келиб, қўлига ки-шан солишиди.

- Нима қиляпсиз, бунинг учун жавоб берасиз, қўйво-ринг мени! Мен ҳеч нарса олмаганман, ҳаммасини...

Дилафрўзниг гапиришга мадори етмади. Боши бир томонга осилди.

- Сиз жиноятчини яшириш ва одам ўлдиришда айбла-ниб, қамоққа олиндингиз!

- Омон ўлдими?
- Эрингизни аяб урибсиз, «Тез ёрдам»да ўзига келди. Дилафрўз хушини йўқотди.
- Уни касалхона аравасида палатага киритишаётганида, навбатчи врач тўхтатди.
- Бу хонада темир йўл вокзалида миясига қон қуйилган россиялик фуқаро ётибди, наригисига олиб ўтинглар.
- Рўпарадаги очиқ хонада ётган, яқиндагина хушига келган Омон хабарни эшитди-ю яна хушини йўқотди.
- Коридорда уларни кузатиб турган кекса изкуварнинг пичирлагани ҳаммага эшитилди.
- Нафс ўлсин!
- «Бундай бойликни ҳақиқий сақлаш камераси - давлат омбори эканини нодонлар қаердан биларди...»

\* \* \*

Ўша лаҳза шаҳар осмонида ғалати ҳодиса кузатилди. Ханжар шаклидаги НҮР само узра бир нафас осилиб турди-да, бирдан қора булутларни чок-чокидан сўкиб ташлади. «Қалбакиликнинг, қаттолликнинг бир зум бўйсин шашти пасайди», дейишиди одамлар бу ҳолни ўзларича изоҳлаб.

Аслида эса чин маънодаги сақлаш камераси инсоннинг ўзида, юрагида. Унда муқаддас сақланувчи ДИЁННАТ гўё тилла ханжар янглиғ қабоҳат дунёсини тилкалайверади.

### ҚАЙДАСАН, ЧАРОС?

Ҳаммаси лаҳзалик лотереяга чиққан ютуқни ювишдан бошланди. Ўшандада бу тасодиф ажабтовур ишқий саргузаштларга дебоча бўлиши Санжарнинг етти ухлаб тушига кирмаган. Ўттиз йиллик умридаги энг ҳаяжонли, ҳам изтиробли кечинмалар оламининг унутилмас бўллагига

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

айланди ул ишқ савдоси. Балки иишқ ғавгоси, десак түғрироқ бўлар бу воқеаларни.

Тушлиқдан қайтаётib бозорга сигарета олгани киргандан дарвоза олдида жар солаётган сотувчининг:

- Учтадан биттасида ютуқ бор, баҳтингизни синаб кўринг, омадингизни берсин! - деган гаплари ёқиб қолдию, сотувчига 5000 сўм бериб, стол устига ёйилган лотереялардан бирини ажратди, ёндиригич орқаси билан рақамлар яширилган жойини ўчириди. Катта ютуқ чиқадигандай уни ҳамма ўраб олган, аммо қўпчиликнинг салобати босиб, кўзига рақамлар ҳар хил кўринарди.

- Беш миллион ютдингиз, 5 миллион!

У ёнидаги йигитчанинг титроқ овозда бақириб юборганидан чўчиб ўзига келди ва лотерсияга жиддийроқ разм солди. Ҳақиқатан уч жойда 5000000 рақами бор! Омади чопганидан унинг бутун вужуди шодликка чулғанди. Ҳаётидаги илк ютуқдан кайфияти кўтарилиб, дунё кўзига чароғон кўринди.

Хушхабар ишхонасига яшин тезлигига етиб борибди! Кутлов, изҳори дилга кўмиб ташлашди.

Иш вақти тугашига ярим соатча қолганида ҳамкасби Мадина оёқ учida келди-да, берилиб ишлаётган Санжарга пичирлади:

- Ютуқни ювамизми?

Санжар ҳам паст овозда жавоб берди:

- Ҳа, ювамиз...

- Қачон?

- Хоҳласаларинг бугун.

- Ишдан кейин ёнимиздаги бекатда учрашамиз. Ортиқча «пашша»лар аралашмасин, хўпми?

Мадина яна оёқ учida ортига қайтди.

Санжар ишни якунлаб бскатга борганида Мадина ва Нигора уни сабрсизлик билан кутишар, бир ярим ой олдин ишга келган Чарос уйга кетишга чоғланаётган эди. У янгилиги учун ҳали қўпчилик билан киришиб кетолмаган, бугунги маросимга бориш-бормаслигини

билиб бўлмас эди. Фақат Мадина:

- Юраверинг, қачонгача ётсирайсиз, бегона одам йўқку, - деб бирга боришга ундали. Чарос шу сўзни тантана сабабчиси Санжардан эшитишни хоҳларди. Санжар аёл истагини фаҳмлаб, ўзига яқин олгандай:

- Чарос, наҳот даврамизга қўшилишни истамасангиз, бизни ташлаб кетманг! - деди. Эркалаш ва мутойиба Чаросга жуда-жуда ёқди ва Мадинанинг билагидан ушлаб, уялганнамо пинжига суқилди.

...Стол усти музқаймогу «Coca-cola», «Fanta»лар билан тўлди. Хурсандчилигини билдириш истаги билан ёнаётган Мадина «Fanta» тўлдирилган стаканни қўлига оларкан:

- Қани, дўстлар, Санжарбскни катта ютуқ билан кутлайлик. Бунаقا пуллардан кўпроқ ютаверсин, биз ювгани келаверайлик, олдик! - дедиую «Fanta»ни худди конъякдай симириб, афтини бужмайтириб кулиб юборди.

Кейинги сўз яқиндагина таътилдан қайтган Нигорага берилди. У Мадинанинг ниятларига қўшилганини изҳор қиласкан, «биз ҳам шундай ютуқларга эга бўлайлик» деб «қадаҳ» кўтарди. Изҳори дил навбати Чаросга берилганда ҳамма «янги ходим қандай ният билдирап экан?» дея унинг оғзига тикилди.

- Санжар aka, - деди у бир ерга, бир унга нигоҳ ташлаб, - омадли йигит экансиз, шу омад доим сизга ҳамроҳ бўлсин!

Чарос сўзини тугатдию, ҳаяжонланиб кетганини сезидирмаслик учун стаканни шошилмай бўшатди. Нигора билан Мадина «чакки эмас-ку», дегандай кўз уриштириб олишганини Санжар ҳам, Чарос ҳам пайқамай қолишиди.

Санжар аёлларни кузатаркан, ўртада кетаётган Чароснинг кайфияти, чиннидек жарангдор овози руҳиятида акс-садо берарди. Уйига етгунча ўтиришдаги барча ҳолатларни қайта-қайта эслади. «Санжар aka!» дея табассум

билин тикилганию, «Омадли йигит экансиз», деган гапи қалбнинг саҳрорек бўм-бўш кенгликларига баҳор тароватини олиб киргандек бўлди. Эътиборини тортган яна бир нозик ҳолат: кўз-кўзга тушгандা Чароснинг ўзига ярашган ибо билан ерга қараши эди. «Нега қизаради ё табиатан шунақамикан?..»

Санжар Чаросни аввалроқ музқаймоқхўрликка таклиф қилганди. У бундан қувонган бўлса-да, «бир марта юринг деса кетаверсам, нотўғри тушунмасмикан?» деган андишага борганди. Ўтган чорак ҳисоботини тузишган куни эса Санжар уни бекатта кузәтиб, ярашган холига тикилиб-тикилиб кўйганини эсларкан, юрагида ёқимли туйғу уйғонганди...

Бугун ҳам Санжарни табриклиётганида овози товланди. Санжар бунга эътибор бердми-йўқми, билолмади. Санжарнинг овози ёқимли бўлғани учун номимни тилга олсайди деб кутди ва ниҳоят, у Мадина билан кетаётгандан «Чарос, сиз ҳам буларнинг маҳалласида турасизми?» деб сўраганида, гўё бутун вужуди баҳор чақмоғини сезгандай бўлди. Санжарнинг «Чарос» дейишида кўнглига яқинлик туйди. Аёл қалбидаги учқун алангаланарди. Фақат Мадина ва Санжарнинг яқинлигидан негадир фаши келаётганди.

«У Санжарни яхши кўрар-да?».

Чарос кўнглида йигитга нисбатан туғилган ҳиссиётларни асослашга интилса-да, бисотидан тишга босгулик нарса тополмасди, аммо бу ҳолатдан воз ҳам кечолмади.

Чаросни кўп нарса изтиробга соларди. Ўзи тенги дугоналарининг икки-учтадан болалари бор. Дугоналари болаларини айлантириб юришганини кўрса, юраги эзилади. Гап-гаштакларда кичкинтойларнинг қилиқларини, кутилмаган гап-сўзларини айтиб кулишса, ўзини баҳтсиз, ёлғиз ва бедаво дардга йўлиққандай сезади. Уйига келиб баъзан пинҳона, баъзан ошкора йиғлайди. Эри ишдан кеч қолганида уйлари кўзига ваҳимали шарпалар изғиб юрган горни ёки баҳтсизлик саройини

эслатади. Ўзини зинданда ётган маҳбусга менгзайди. Гүё у турмушнинг барча шодликлари, роҳат-фароғатларидан маҳрумдай, кўзига дунё қоронғу кўринади. Ана шундай кунларда яшашга ҳафсаласиз, эртанги кундан умиди йўқ кимсадай лоқайд юради. Ишхонага тузукроқ кийиниб боришни ҳам, юракдан ишлашни ҳам ўйламайди. Санжарга бўлган қизиқиш эса, нурсиз хаётини ёритгандай, яшаш иштиёқини қўзғагандай бўлди.

У ўзини хаёлларнинг - баҳор тошқинлари туфайли кучланиб бораётган дарёнинг ўзанига ташлаб қўйганди. Ҳаётдаги бирдан-бир юпанч эди бу унинг учун гүё.

Санжар бўлим бошлиғи бўлгани учун алоҳида, шинам хонада ишлайди, ёнидаги хонада эса ҳисобчи Мадина, кадрлар бўлими мудири Вера опа, ёрдамчи ҳисобчи - Чарос. Очиқ эшикдан ўзаро сұхбатлар, телефонда сўзлашувлар bemalol эпитетлар, баъланд-баланд гапиришаверар, келиб-кетувчилар кўплигидан эшик ёпишга зарурат йўқ эди.

Эртасига Санжарнинг хонасига бошлиқ кирди-да, салом-алиқдан сўнг:

- Санжарбек, Самарқандга бир ҳафталик семинарга борасиз, бугун сафарнома расмийлаштиринг, эртага жўнайсиз! - деди ва ҳокимиятга чақиришганини айтиб чиқиб кетди.

Бу гапни ҳамма эшилди.

Санжар уйига қўнгироқ қилиб нарсаларни тайёрлаб қўйиши тайинлади ва сафарномани олиб, Мадинага киритди.

Ишга кўмилиб ўтирганда эшик «ғийқ» этиб очилди. Бош кўтариб қараса - Чарос. У эшикни ёпди.

- Келинг, - деди таажжуб аралаш ҳайрат билан.

- Санжар ака, - деди Чарос титроқ овозда, - Самарқандга бораркансиз-да?

- Ҳа, - деди у, - кеча сиз айтгандай омадли йигитмизда, Чарос!

Чарос ғалати бўлиб кетди. «Наҳотки, эслаб қолган!

## САҚЛАШ ХАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Мен ҳақимда ўйлабди-да!»

- Аммо кече биз сизни ташлаб кетмагандик...
- Чароснинг гинаси юрагини ўртаб юборди. Ҳозиргача бирорта аёлдан бунаقا нозланишни эшиитмагани учун нима дейишини билмай довдиради. Аёлнинг Санжарга қараб интилиши кўкка парвоз қилмоқчи бўлган оқкуш-ни эслатарди.
- Бир ҳафта ўтади-кетади, - ўзини босиб олгач гапида давом этди Санжар, - бораману келаман.
- Биз эса қофозга кўмилиб, зерикиб ўтирамиз...

У Чаросни тушунди. «Сизга Самарқанддан ажойиб совға олиб келаман!» деб турувдиямки, Мадина кириб қолди. Икковлари «ялт» этиб унга қарашиди.

Мадина Чароснинг Санжар билан эшикни беркитиб гаплашаётганидан ғаши келди, икковини айб устида қўлга туширгандай, муҳр босилган сафарномани столга қўйиб, тўғридаги креслога оёқларини чалиштириб ўтириб олди.

- Хўш, Самарқанддан менга нима олиб келасиз? - эркаланди Мадина ўзини ноқулай сезаётган Чаросга «гапинг тугаган бўлса кетавер», дегандай.

- Эроннинг қалампирмунчогидан - хотиржам жавоб берди Санжар. Аёл киши сезгир ва абжир бўлади. Қачон гап билан узиб олишни, темирни қизигида босишни яхши билади.

- Чаросга-чи? - у чиқиб кетган томонга имо қилиб киноя оҳангига сўради Мадина.

Санжар сири ошкор бўлган одамдай зил кетди. Аммо ичига бўлаётган ғалаёнларни сездирмаслик учун телефон гўшагини кўтариб, рақам тера бошлади. Мадинага қандай жавоб қайтаришни ўйлаб улгурмай, «алло» деган овоз эшитилди. Бу хотини эди.

- Тошкентдан олиб келган галстутимни ҳам дазмоллаб қўйиш эсингдан чиқмасин!

Санжар «хўп» деган жавобни кутмай гўшакни қўйди. Мадина буни «Менга сен ҳам, Чарос ҳам ксрак эмас,

## БОҚИЙ МИРЗО

хотиним - икковингдан аъло!» деган маънода тушунди.

Асаблари бир оз тарапглашган Санжар эса:

- Буни ўйлаб кўрмабман! - деди-да ишга берилди.

Мадина чиқиб кетгач, у «хайрият» деб қўлидаги ручкани столга ташларкан, озод бўлган қущдек енгил нафас олди ва Чароснинг кутилмаган ташрифидан туйган ҳиссиёти яна қалбига ёпирилиб кирди.

«Эътибор бермабман: Чарос чиройли экан!»

Санжарни сеҳрлаган нарса Чароснинг кўзларидаги ташналик ва ҳаяжон, таажжублантирган ташвиш эса икковлон гаплашаётганида Мадинанинг эшик орқасида пойлаб туриб, гап охирига стмай шартта кириб келгани!

Кўнглидаги ўзгаришларни ҳисобламаса, жиддий воқеа бўлмади. Аммо Чаросни кўрганида нега юраги ҳапқиради, у ҳам нақш олмадай қизариб кетаверади? Бу аёл нега бутун ўй-хаёлинни чирмаб олди?

Минг ҳаракат қилмасин, ишга қўли бормади, қоғозларни йиғиштириб темир сандиққа жойлади-да, уйига жўнади.

Санжар эртасига ишхонадагилар билан хайрлашгани келганида Чарос «Зерикканда ўқинг, яхши асар» деб китоб узатди ва нимагадир имо қилди...

\* \* \*

Авиасалонга тўлган самолёт овозига қулоқлар кўник-кач, Чарос берган китоб Санжарнинг эсига тушиб қолди. Варақлаётганида орасидан хат чиқди. Шошилиб ўқишига тутиндиги.

«Санжар ака, Самарқандга юрагимнинг бир бўлагини олиб кетаётгангá ўҳшайсиз. Қисқа вақтда яқин кишимдай бўлиб қолдингиз. Бир ҳафтани қандай ўтказаман? Юрагим сезиб турибди. Сизни бир кундаёқ соғинаман. Оқ йўл, эсон-омон бориб келинг. Чарос».

Санжар аёлларнинг макр-ҳийласи ҳақида кўп эшитган, ўқиган, кўрган. Хат «мени синамоқчи эмасмикин?»

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

деган фикр туғдирди. «Дон сепмоқчимасыкин? Бундан нима наф? - фикри ўзгарди уни, - амалдор ёки бойвачча бўлмасам? Ё чиндан ёқтириб қолгандир? Мен ҳам ҳар куни ўйлайман-ку!» Санжар мактубни севги изҳори деб тушунди. Руҳи тетиклашиб, ўзини бир қалар улғайгандек ҳис қилди. Фикру хаёлини аёлнинг шаҳло кўзлари, сирли боқишилари эталлаб, Самарқандга етиб келганини сезмай қолди.

\* \* \*

«Хатимни ўқидимикин?» - Чароснинг уйқуси келмади. Телевизорда футбол кўраёттан эрининг одатдаги беларвотигидан фойдаланиб, узоқ-узоқ ҳаёл сурди. Бугун кечгача идорада иш кўпайиб кетди. Юқори ташкilotларга маълумотлар, ишлаб чиқариш таҳлилларини тайёрлаш билан ҳамма банд эди. Чарос бошлиқ сўраган иқтисодий кўрсаткичлар маълумотномасини жамлаш учун анча тер тўқди. Фақат ишдан қайтгачгина елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди. Санжар ҳақидаги хаёллари оппоқ, кабутардай юрагига қўнди.

Кечадан бери Мадина ўзгариб қолди. Чаросга ҳеч нарса демаган бўлса-да, Санжар билан муносабатлари ҳақида ҳар хил хаёлга бораётгани сезилиб турибди. Гап сўраса, қисқа-қисқа жавоб қайтаради, ҳар кунги очилиб, гаплашишлари йўқ. «Эҳтимол, менга шундай туюлаётгандир, - ўйлади у. - Ахир бугун ҳаммамиз иш билан банд эдик-ку!» Чарос ўзига таскин берса-да, кўнглининг аллақаерида «Эҳтиётсизлик қилдиммикан?» деган ташвиш ҳам йўқ эмасди.

Тўртингчи куни тушликдан қайтишаётганида Мадина билан Вера опа «ишимиз бор», деб бозорга кетишиди. Чарос хонада ёлғиз хаёл суриб ўтирганида телефон узлуксиз жиринглади. Гўшакни кўтариши билан Санжарнинг овози эшитилди.

- Вой, Санжар aka, яхшимисиз, тинч-омон юрибсизми?

## БОҚИЙ МИРЗО

- Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз, Чарос?
- Шукр, эсон-омон етиб олдингизми, семинар тугай дедими?
- Сиз оқ йўл тилайсиз-у қушдай етиб олмасмидик? Эртага охирги кун. Индинга қайтамиз. Ишхонадагилар қалай?
- Ҳаммалари яхши. Ўзингиз-чи, камчиликлар йўқми?
- Камчилик? Етишмовчиликлар бор! - бир оз ҳаяжон-ланган пастроқ овоз эшитилди.
- Билсак бўладими?
- Самарқандда сиз етишмаяпсиз, Чарос!

Чарос довдираб турганида Вера опа билан Мадина кириб, «Ташқарида хўжайнингиз сўраяптилар», дейишиди. Чарос «Санжар aka қўнғироқ қилди. Ҳозир чиқаркан деб қўйинг, Мадина опа, илтимос!» деди-да, у кетиши билан:

- Биз етишмасак, тезроқ келинг, кутяпмиз, Вера опа билан гаплашасизми? - деб жавоб ҳам кутмасдан гўшакни опага узатди.

Мадина Чароснинг эрига «Ҳозир чиқади, Самарқанддан Санжар телефон қилувди, гаплашяпти» деди-да, ортига қайтди. У «Санжар бизга эмас, Чаросга телефон қилган» деган маънени ургулашни ёдидан чиқармаган эди. Маҳкамжон буни Мадинага билинтиrmаган бўлсада, «Нега Санжар билан гаплашиб, мени кутдириб қўйиши керак?» деган фикр юрагига бир томчи рашк туйфусини солди.

Чарос биринчи қаватга тушганида эри ортиқча гап-сўз аралаштиrmасдан:

- Бугун эртароқ боргин, Фуломжон тўйга айтган, мени кутиб туришибди, - деди-да, хотинининг жавобини кутмасдан пастки лабини тишлигарчча ташқаридаги «Тикко»га ўтирди.

Чарос ҳаммасини тушунди. Эри асабийлашса, пастки лабини тишилаш одати бор. Эрининг ёш боладай зардаланишидан қанчалик хафа бўлса, Мадинанинг ишидан

## САҚЛАШ ҲАМЕРАСИДАГИ ҲАНЖАР

шунча аччиқланди. «Айтиш шартмиди?».

- Ҳа, тинчлик эканми? - сўради айёрик билан Мадина.

Чарос ҳеч нарса бўлмагандай ўзини қувноқ тутишга уринди. Санжарнинг «Самарқандда сиз етишмаяпсиз» дегани қулоқлари остида жаранглар, руҳиятидаги кўтарикиликтни Мадинанинг қитмирлиги-ю эрининг зардаси бузолмаганди.

- Маҳкам акам билан тўйга борарканмиз!

Мадина режаси барбод бўлганидан аччиқланса ҳам хужумни тўхтатмади:

- Овора бўлмай телефонда айтмабдилар-да?

Чарос бамайлихотир айёрикка қарши маккорлик усулини қўллай бошлади.

- Мени кўргилари кепти!

Вера опа олдига дуэт қилишдан уялиб, гапни чувалаштиришдан фойда йўқлигини тушунган Мадина тўхтади.

\* \* \*

Фуломжонларникига боришганда базм авжида, карнай-сурнай овози етти маҳаллани титратаетган эди.

Суннат тўйи бўлгани учун синфдошлар фарзанд, баҳт, келажак ҳақида гапиришар, табрикларга тўхтовсиз қарсак чалинарди. Айниқса, шоиртабиат Акромжон:

Оллоҳ насиб этгани,

Фарзанд - умр давоми.

У бор, бизнинг хонадон.

Бозордир, баҳт айёми, дея шеър қўшиб табриклаганида уни Фуломжон кучоқлаб олди. Ҳамма синфдошлар Абдулҳай Каримовнинг «Тўй бола»сига ўйнашди.

Чарос ёнидагилар билан кулишиб ўтиrsa-да, фарзандсизлигидан ўкинар, Фуломжондай элга дастурхон ёзиб, тўй қилолмаслиги, баҳтсиз ўтаётганини ўйлаб эзиларди. Ўртада ўйнаётган Маҳкамжоннинг қалбida ҳам алам ва изтироб туғён ураётгани Чаросга яққол сезилиб турарди.

Ҳар бир табрикдан кейин иккovi тўйдагилар олдида ўзларини чўкиб бораётгандай ҳис қилишар, базм тезроқ тугаб, уйга қайтишни хоҳлашарди. Ҳамма тўйда шу аҳвол: ҳамма яйраб-яшнаб дам олади, улар эзилиб ўтиришади!

Мусиқа тугаб, ўртадагилар ўтиришиди. Кимdir F уломжонни хотини билан ўйинга таклиф қилди. Яна «Тўй бола» бошланди. Каримберди F уломжоннинг ўғлини кўтарди-да, қўлига пул бериб, ўртага олиб кирди. F уломжон хотини билан пулни олиб, ёнига бир даста қўшиб, боланинг устидан сочиб юборди. Ёш болалар ёпирилиб келиб, қий-чув билан тера бошладилар.

Кўпчилик синфдошлар гапиришиди, аммо Маҳкамжонга сўз беришмади. У аламдан тўйиб ичди. Базмдан сўнг, икки ўртоғи машинага ўтқазиб, Чаросга «Хафа бўлмайсиз, йигитчилик-да», дея уйларига ташлаб кетишиди.

Чарос ухламоқчи эди, диванда ётган Маҳкамжон уйғониб, ўзига-ўзи гапира кетди. Чарос аввалига эътибор бермади, аммо бу маст одамнинг гапига ўхшамасди.

- Тўрт мучам соғ, уй-жойим, пулим етарли, ҳаммага берган Худо нима учун менга фарзанд бермайди? Итни-ям-битниям боласи бор, нега менини йўқ? Бошқалардан нимам қам? Қайси гуноҳим учун тирноққа зор ўтишим керак? Ўзим тенгилар икки-учтадан бола кўриб, элга ош беряпти, яйраб-яшнаб юрибди. Нега мен бундай қилолмайман??!

Чарос Маҳкамжондан бундай портлашни кутмаганди. Авваллари у Чаросни юпатар, «Умид билан яшаш керак», дерди.

Турмуш қуришганига олти йил бўлдики, боладан дарак йўқ. Умр-оқар сув деганлари рост, сувнинг фойдасини туғилган, ўсаётган фарзандларда яққол кўриш мумкин экан.

Чарос эрини тинчлантиришга уринди, аммо Маҳкамжон маст бўлса ҳам тили бурро эди.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

- Сен, - деди у Чаросга ўгирилиб, - докторга учрайлик деяверасан. Мени бепушт демоқчимисан? Иккала қуолгинг билан эшит: уругимда ҳаммаси сербола! Эҳтимол, ўзинг бепуштдирсан?! Ана, амманг олтмиш йил яшаб; бола күрмай ўтган экан! Аввал ўзингга бок, кейин ноғора қоқ! Мен бопқасига уйланганимда ҳозиргача уйим бола билан тұларди. Түй-томоша қилиб, ҳамманнинг олдидә юзим ёруғ бўларди.

Маҳкамжон бутун аламини тўкиб солди. Чароснинг кўнгли оғриб қолишини хаёлита ҳам келтирмади. Чарос маст билан айтишишни эп кўрмай, кўрпага ўраниб юмюм йиғлади. Чунки эридан ҳеч қачон бунақа гапни кутмаган, Маҳкамжоннинг дардидан уники кам эмасди. Қолаверса, ҳозиргача бирорта шифокор «Сиз фарзанд кўрмайсиз», дегандаям эрининг таънасига чидаши мумкин эди. Чорасизлиги учун йиғлаб-йиғлаб, кўнглини бўшатгандай бўлди. Дунё кўзига қоронғу кўриниб, умидсизлиги кучайди. Бу дарднинг давоси борми? Маҳкамжоннинг кайфи тарқаб, «Жаҳҳ устида гапирибман, кечир, Чарос», дейишини кутди. Эрталаб Чарос кўзлари қизарган, қовоқлари шишган, руҳсиз ҳолда уйғонди. Қараса эри столда оёқларини чалиштирганча чекиб ўтирибди. Чарос йиғлаб юборди.

- Нега, йиғлайпсан? - деди эри ҳеч гап бўлмагандай.

- Шунча гапдан кейин кулайми? Аммамнинг боласизлигини таъна қиласиз? Докторга учрайлик, деган гапими нотўғри тушунасиз? Мен нотўғри фикрда айтган бўлсам, ўлай агар! Сиз билан шу ниятда бир ёстиқقا бош кўйганмидим? Фарзандсизликдан эзилаётган биттасизми? Менда кўнгил йўқми? Мени айбдор десангиз, хато қиласиз! Худога шукр, ҳамма опа-сингилларим болалик. Менга ҳам Худо бир кун беради. Ўшанда уялиб қолмасангиз бўлгани!

Гап Маҳкамжонга қаттиқ таъсир қилди, айни пайтда «Худо бир кун беради», дегани изтиробларини тарқатгандай бўлди. Чароснинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб

ул-бул дедиу, гаплари қовушмади, қайта ғашини келтирди, холос. Үнча-мунча гап унинг ярасига малҳам күёлмасди.

«Мени ҳеч бўлмаса эрим тушунмаса, ким тушунади? Ахир дардимиз бир-ку?»

Чарос ишни ҳам ўйламай, онасиникига борди. Юмюм йиглади. Онаси юпатди. Алдаб-суллади. Қизнинг кўнгли барибир кўтарилимаганидан кейин:

- Кўшни туманда баҳши-экстрасенс бор экан. Учраб кўринглар-чи? Ҳамма мақтаяпти. Фарзанд кўрмаганлар ҳам даво топармиш, - деди.

- Буни эримга айтсан, яна нотўғри тушунади-да.

- Эринг бориши шартмас, расмини олволсанг бўлаверади. Суратига қараб тақдирини айтаркан. Йиғлаб-сиқтагандан нима фойда?

«Қаеринг оғриса, жонинг ўша ерда» деганларидек, Чаросга фарзандсизлик энг катта фожиадек туюлар, ўртоқлари, эрининг оғайнилари уларни гапиришаётгандай, давраларда камситишаётгандай бўлар, гўё заҳарли илон ҳаётига оғу сочарди. Турмуши фаровон, Худо боладан қисганини ўйлаб, тинчи йўқолади. Уйқуси қочганида Худога илтижо қиласди. Эрининг бегамларча, пишиллаб ухлаётганидан куюнади. Эри - топармон-тутармон, аммо кўнгил билан иши йўқ. Эрталаб кетади, кечроқ оғайнилари билан улфатчилик қилиб, маст ҳолда қайтади. Инсоннинг ички олами, руҳий дунёси билан боғлиқ кўрсатувларни жини ёқтирумайли. Унга футбол, бокс бўлса, бизнес яхши ривожланса, бас! Чарос эса пул, бойлик ҳақида ортиқча ўйламайди, кўнгил одами. Арзимаган кўполлик қалбини ларзага келтиради, ҳаётдан кўнглини совутади.

Начора, табиатига тескари одам билан бир ёстиққа бош кўниб яшаётганига ҳам олти йил бўлди.

Ииллар осон кечмади. Қайнинглиси онасига «Махкамжонни бошқасига ўйлантирамиз, келинингиз турмас хотинга ўхшайди», деганини Чарос нариги хонада

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

туриб эшилдию, вужуди музлади.

Тұғри, улар севишиб эмас, ота-она розилиги билан никоқдан ўтишганди. Чарос оиланы муқадлас билиб, әрига меҳр қўйди, қайнона-қайнотаси, қайнингилларини ҳурмат қилди, хизматларидан қочмади. Шунинг учунми, қайнинглисисининг гапини эшишиб ўксинди, хафа бўлди. Чунки у ҳали бола кўришдан умидвор. Орадан бир йил ўтгандан кейин оилавий ўтиришларда яна шу ҳақда гап-сўзлар айлана бошлади.

Чарос «Врачга борайлик, Маҳкам ака, эҳтимол, даволансак тезда бола кўрармиз», дея маслаҳат солди. Маҳкамжон аввалига парво қилмай, ўз ишлари билан банд юраверди. Чарос яна шу гапни айтганида «Керак бўлса, ўзинг учра», деди-ю бу мавзуга чек қўйди.

Аёл - ширин сўзнинг гадоси. Эркалаш, чиройли гапларни эшитишни хоҳлайди. Бир оғиз гап кўнглини тоғдай кўтарса, биттагина сўз қалбини жароҳатлайди.

Маҳкамжондаги ана шу бепарволик Чаросни ўзидан узоқлаштириди. Улар ўртасидаги масофа тобора узайиб борарди. Буни сезган кўп йигитлар Чароснинг ортидан соядек эргашиб юрди, хушомадлар қилди, аммо бирортаси унинг кўнглини тополмади. Фақат янги ишга келиб, Санжарни учратдию, юрагига чўғ тушгандай, орзуидаги йигитта дуч келгандай бўлди. Гапиришлари, муомаласи, маданияти, ўзини тута билиши уни ўзига ром этди. Шу сабабли кечинмалари ҳақида биринчи сўз очишдан ўзини тиёлмади.

Чарос мактабни битираётган йили синфдоши Акмал билан доим бирга дарс қиласидиган, туғилган кун, кечаларга бирга борадиган, бир-биридан ҳеч нарсани қизған-майдиган бўлишди. Синфдошлари Акмални Чарос, Чаросни Акмал дейишар, бу ҳазил уларга малол келмасди. Ҳатто бир неча марта доскага «Акмал-Чарос» деб ёзиб кетишганида ҳам шунчаки кулиб кўя қолишган.

Аммо юракдаги туйгулар муҳаббат деб аталган илоҳий ҳиссиётта айланиб улгурмай, жудолик юз берди. Акмал

Чароснинг қалбига ўрнашиб келаётган кунларнинг бирида сариқ касалига чалиниб, касалхонага тушди ва бир ой ётиб, ёруғ дунёдан кўз юмди. Чарос Санжарни кўрдилю, «Эй, Худо, бу йигит Акмалга бунча ўхшаш бўлмаса?» деб ҳайратланди. Кўнглида қовжираб қолган муҳаббат тули қайтадан очила бошлади. Қалб деб аталган улкан уммон белгисиз томондан келган тўлқинлар ичидаги мавжуданди.

\* \* \*

Чарос бахшиникига етиб келганида қуёш уфққа ёнбошлигаган, хайрлашаётган кишининг табассумидай қипқизил нур сочарди.

У ҳаяжонланар, бахши айтадиган гаплар оиласининг тақдирини буткул ўзгартириб юборадигандай хаёллари ҳар томонга чағалайдек бориб келарди.

Хонага кириб ўтириши билан фолбин аёл савол назари билан қараганида, Чарос гапни нимадан бошлашни билмай, бироз саросималанди.

- Шарт эмас, - деди аёл кўзлари чақнаб.

Чарос унинг тилсими яширган нигоҳига кўз ташлади-ю ҳайратдан мум тишлади. Бу кўзларда аллақандай сеҳр, жоду, кўнгилдаги истакни ўқиб оладиган салоҳият бор эди. Бу салоҳият шу қадар қурдатли эдики, Чаросни узоқ йил ўйлантирган саволнинг жавобини кафтдагидай кўрсатиб кўйиш унинг учун ҳеч нарса эмаслиги яқъол сезилиб туради.

- Сиз фарзанд кўрасиз, қизим Аллоҳ пешонангизга ўғил ато этмиш!

Чарос хурсандлигидан қушдай қанот қоқиб учгандай бўлди. Сумкасидан эрининг суратини олди-да, аёлга кўрсатди.

- Эрим-чи?

Аёл суратта бир оз тикилиб қолди. Кўринишидан у ниманидир айтишга журъат қилолмаётганга ўхшарди.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Бу ҳолатдан унинг ҳар бир сўзига катта умид боғлаб ўтирган Чарос худди игна устида ўтиргандай бетоқатланди.

- Эрингиз... бепушт!

Чарос ботиний ишонч билан тан олдики, ҳозиргача эрининг фарзанд масаласидаги ожизлигини хаёлига келтирмаган, «Айб ўзимда» деб ўйларди. Кутимаганда айтилган бу гап хаёлларини остин-устун қилиб юборди. Эй, Парвардигор! Беш күнлик қисқа умрида нега бандалардан мурувватингни дариф туласан? Нега биттасини қодир, бошқасини ожиз яратасан? Эл қатори саховатинг билан сийласанг, бир бандангни ғам-аламдан фориг этган бўлардинг-ку! Чарос «Нега?» деб савол бермоқчи эди, аёл буни сезгандай гапни илиб кетди.

- Отаси олган қарғиш руҳлар орқали эрингизга ўтган, бу - касаллик. Дард фарзанд ва ҳиссиятга нисбатан кўнглини ёлиб қўйган. Унда қалб бор, аммо бўм-бўш, бунинг устига, ёмон кучлар орқали боғлаб ташланган. Озод қилиш, дардини чиритиш менинг қўлимдан келмайди!

Чарос аёл ҳузуридан бир томони енгил, иккинчи томони вазмин бўлиб қайтди. Ўзининг фарзанд кўриш лаёкатини эшишиб хурсанд бўлган, эрининг ожиз эканлиги ҳақидаги маълумотдан юрагига қоронгулик чўқди. Унинг ўй-хаёллари инини тополмай осмонда чарх ураётган қалдирғочлар каби бир нуқтада тўхтамас, ўтган олти йиллик умрига ачиниш ҳисси бутун вужудини қамраб олган эди.

Кўнглида йиллар давомида эрига нисбатан пайдо бўлган меҳр, қадр-қиммат туйфусига дарз кетгандай бўлди.

Олти йил! Айтишга осон. Шодлик ва қувончларга, ғам-ғусса-ю изтиробларга тўла йиллар.

У «Энди эримдан фарзанд кўрмас эканман», деб у ҳақдаги хотираларни кўксидан юлқиб ташлолмас, умрининг бир бўлаги сифатида ўтмишнинг сирли сандигига

## БОҚИЙ МИРЗО

жойлашган жилосиз хазинадай яшаб қолишига имони комил. У уйига етиб келгунча ҳам шу хаёллардан қутуломади.

\* \* \*

Кечки овқатта уринар экан, хаёлида «Буни эримга қандай айтаман?» деган савол чарх уар, изтироб ичидә қолған қалбини бешбаттар азоблар эди. Ҳозиргача «Врачага учрайлик», десан иддаосига түгри ёндошмаганидек, фолбинга борганини, қолаверса, ўзининг бепуштлиги ҳақидаги нохуш хабарни қандай қабул қиласади? Агар фолбин «Эрингиздан фарзанд кўрасиз», деганила яхши натижадан умид қиласа бўларди.

Чарос бу ишни онаси билан маслаҳатлашиб қилгани учун қайнонасига айтишга ҳам чўчили, чунки ўғлиниңг бепуштлиги ҳақидаги гап онани қаттиқ хафа қилиши аниқ.

Эри ҳадеганда келавермади. Овқатни бир ўзи егиси келмай, оловни ўчириб қўйди. Телевизор ҳам юрагига сизмади. Ўзининг бенуқсонлиги руҳини тиниклаштирган бўлса-да, беором туйгулар уни тарк этмас, бундан кейинги ҳаётини аниқ тасаввур қилолмасди.

Чарос ўйланниб, фикр қилавериб толиқди, у-бу нарсалар билан ўзини овутишга, чалғитишга ҳаракат қиласа ҳам, фолбин аёлнинг гапларию эри билан кейинги муносабатлари ҳақида охирига етолмаётган фикрлари хаёлига келаверарди. Охири чарчаб, кўзи илинди. Уйғонганида ярим тун эди. Атрофла бирор шарпа йўқ, хонани юракка тошдай ботадиган сукунат қоплаган. Ёлғизлик балосидан халос қилувчи хаёлотдан бошқа ҳеч нарса топилмасди.

У худди биринчи марта кўраётгандай, савлат тўкиб турган чет эл мебеллари, тоза чиннидан ишланган идиш-товоқлар, чўғдай қип-қизил гиламларга, шифтдаги қимматбаҳо қандилларга бирма-бир назар солди.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Қизиқ! Шу вақтгача бойлигим бор деб завқланмабди, мақтанишни хаёлига келтирмабди. Ваҳоланки, ўртоқла-ри буларнинг ўндан бирига ҳам етолматанини яхши билади. Баъзан улар битта гилам ёки оддийгина телевизор олишса қанча хурсанд бўлишади, гап-гаштакларда, тўйларда оғиз кўпиртириб, завқ-шавқ билан мақтанишади. Битта кўйлак тикитиришса, дугонасининг ишхонасига кўз-кўзлагани бориш одат тусига кириб қолган. Чаросда эса бунаقا кўйлак, жемпер, пальто, куртка дейсизми, ҳозир урф бўлган, номини айтишга одам қийналадиган кийимлардан, бошқа дугоналари етишишни орзу ҳам қилолмайдиган тақинчоқлардан кўша-кўша - қайси бирини айтиб мақтанишни ҳам билмайди. Фақат меҳмонга ёки ишхонага бир марта кийиб борса, бас! Ундан бу борада ўзиб кетмоқчи бўлганларнинг дами ичига тушиб кетади. Бунинг устига кийимлари, тилло зеб-зийнатлари ўзига шунаقا ярашадики, уни осмондан тушган фаришта ёки шоҳ саройидаги соҳибжамол мали-кага ўхшатиб кўяди.

Эшик тақиллаб, хаёллари бўлинди. Кутгандай эри экан. У хонага кириши билан атрофга «гуп» этиб ароқ ҳиди тарапади. Курткасини олаётганда кўзларига тикилди. Ажабо! Нигоҳидаги бегоналик уни ҳайрон қолдирди. Ҳозиргача эътибор бермаганидан фикру хаёлини таажжуб чулғади. Ҳайҳот! Юракка тегадиган, туйғуларни кўзғайдиган ҳеч нарса йўқ бу нигоҳларда! Кўзлари жонсиз одамнидан ҳиссиз!

Икковлари худди гунг, соқовдек индамайгина овқатланишиди. Бир-бирларига айтадиган гаплари қолмагандек, хаёлларига ҳеч нарса келмасди. Чарос «Маҳкам акам кўчадан бирон янгилик айтса, гапимиз қовушиб кетар», дея оғзини пойлади. Ширақайф Маҳкамжон телевизорга тикила-тикила косани яримлатди ҳамки, ўртадаги сұхбат ипини боғлайдиган бирор садо чиқмади.

Бир соатдан кейин эр жойига чўзилди. 5-10 дақиқа ўтгач, билинар-билинмас хуррак овози эшитилди.

Чарос унга қараган сайин юраги сиқилар, дардини айтиб, күнглини бўшатадиган сирдоши йўқлигидан ўкинарди. У кўрпага ўранган кўйи хаёллар гирдобида қолди. Юрагини ўртаган изтироблар ҳақида кимгадир айтиб енгилламаса, асабийлиги зўрайиб кетадигандай хаёлан содик дўст, таскин берадиган ҳамдард излади. Хаёллари жуфтини излаб чарх ураётган қушдек ҳар томонга бориб келди ва бирдан... Санжар ёдига келди. «Санжар акамга айтаман!..»

Ажабо! Санжарни ўйлаши билан қалбини эзib ташлаётган ташвишлар, изтироблар қуёшда тарқалган тумандек йўқолди, худди деразаси очилган уйга тоза ҳаво кириб, ёқимсиз ҳидларни ташқарига қувганга ўхшарди.

Эрталаб нонуштадан сўнг Маҳкамжон кийиниб чиқди-да:

- Мен Каримжон билан Хоразмга гурунчга кетяпман, бирор ҳафта юрсам керак. Сен уйларингга бориб туравер, қайтганимдан кейин олиб келаман. Ойимларга ўзим айтиб қўяман, - деди-ю стол устига бир даста пул қўйиб чиқиб кетди.

Чарос одатдагидек «Ўзингизга эҳтиёт бўлинг», демоқчи эдиию, гапи оғзида қолди.

\* \* \*

Якшанба куни бўлгани учун уйлари иккита опаси, жиянлари, келинлари билан гавжум. Улар кечгача телевизор кўриб, овқат пишириб, гаплашиб вақт ўтказишли. Ҳамма уй-уйига кетганидан кейингина онаси ундан фолбинга борган-бормаганини сўради. Чарос аввал нима дейишини билмай тараддулланди. Фақат Санжарга айтишни кўнглига туғиб қўйгани учун, «Ҳали боролмагандим», деди. Ойиси ниманидир мулоҳаза қилди, шекилли, эрталабгача бу ҳақда оғиз очмади.

Кизлар турмушга чиққандан кейин қайнонаникода хушёр, ҳамиша сергак юришади, ҳафтада бир уйга кел-

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

гач, қызлик даврини күмсаб, ота-оналарига эркаланадилар, кечроқ уйғонишса ҳам ҳеч ким тергамайды.

Чарос душанба куни одатдагидан кеч турди. Ойиси билан нонушта қилиб, худди ишга кечиксә онаси никида турғани учун ҳеч ким тергамайдигандек, бемалол жүнади.

Гарчи иш вақти бошланған бұлса ҳам, хонасида ҳеч ким йүк. Санжарнинг очиқ эшигидан Мадина, Вера ва Санжарнинг овозлари эшитилиб турарди. Чарос шұндағина сафар таассуротларини эшитиш учун түпланишганини тушунди ва ноёб нарса тегмай қоладигандек, дарров қўпчилик олдига кирди.

Мадина:

- Жамоат жам, - дейиши билан Чарос:
- Битта мен кам, - дея гапни илиб кетди.

Санжар ўрнидан туриб у билан сўрашаркан, кўзлари тўқнашди. «Қарашлари бирам ёқимлики!»

Шу лаҳзанинг ўзида Чарос эрининг совуқ ва ҳиссиз кўзларини эсларкан, Санжарнинг нигоҳлари билан солиштириб, кўнглида пайдо бўлган фикрдан энтикли. «Худди юрагингга қараб турганга ўхшайди-я!»

У Мадинанинг кузатувчан нигоҳини аёл қалби билан ҳис этаркан, ҳаяжонини сездирмасликка, ортиқча сўз деб юбормасликка ҳаракат қиласарди.

Директорнинг коридор охиридан томоқ қиргани эши-тилгандан кейин ҳамма ишга тушиш лозимлигини англади-да, ўриндан турған башлали. Санжар аёлларга ипга чизилган қалампирмунчоқ берар экан:

- Самарқанддан совға, фақат кўп ўрнида кўрасизлар, - деди.

Вера опа чиқиб кетди. Мадина чиқа туриб:

- Чаросгаям таассуротларингиздан гапириб беринг, Санжар, - деди-ю эшикни ёпиб қўйди.

Чарос Мадинанинг бу ҳаракатида пичинг ва қитмурлик борлигини тушуниб ғаши келди, аммо Санжар билан ёлғиз қолиш хоҳиши кучли бўлгани учун парво қилмади.

## БОҚИЙ МИРЗО

- Мени ўйладингизми, Чарос?

Тұсатдан берилған саволдан у шошиб қолди.

«Сизни ўйламай бўладими, бу дунёда ёлғиз юпанчим сизсиз!» дегиси келдию, аёллик ғуури йўл қўймади ва саволга савол билан мурожаат қилди:

- Сиз-чи?

Бу савол замирида «Мен сизни кўп ўйладим, соғиндим ва ягона сирдошим, ҳамдардим деб сизни танладим», деган маъно ётарди. Чарос шу биргина саволни мен ўйлагандай тушунармикан, деган изтироб билан унинг кўзларига қаради:

- Хатингизни ўқидиму, ҳечам хаёлимдан кетмадингиз. Охири, ҳеч бўлмаса, овозини эшиштаман-ку деб, қўнғироқ қилдим. Сиз «Тезроқ келинг», деганингиздан кейин күш бўлиб учгим келди.

Чарос бу гапларни эшиштаркан, аллақандай ўтли ҳиссиётдан титраб кетганини, бутун вужуди эҳтирос тўлқинларига асир бўлаётганини сезди ва тезда ўзини қўлга олиши лозимлигини ҳис қилди.

- Лекин, - дея давом этди Санжар, - хонамта киришингиз билан кўзингизга қарадиму сизни нимадир қийнаётганини билдим. Тинчликми, Чарос?

Чарос аввал индамади. Аммо йигит бўлиб уни тушунганидан, кўнгил сўраганидан хурсанд эди.

- Тинчлик. Сизга айтадиган гапларим бор. Фақат бу ерда эмас, холироқ жойда гаплашсак дегандим. Маҳкамакам Хоразмга кетдилар, ҳозир ойимларни кидаман.

Чарос чиқиб кетгач «Нима бўлди экан?» деган савол Санжарга тинчлик бермади. Телефоннинг тинимсиз «наъра» тортишларига ҳам парво қилмади. Бир оғиз «Тинчликми?» деб сўраганим уни хурсанд қилдими, демак, кўнглини қийнаган нимадир бор. Ҳозир ойиси-никида бўлса кечки пайт гаплашсак бўлаверади! У шу хаёл ичра Чаросга хат ёзди. «Чарос! Кеч соат саккизларда боғ четидаги музқаймоқ дўконида учрашамиз. Мен сизни кутаман, Санжар».

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Хонада Вера опа билан Мадина йүқлигіда хатини Чаросга беріб чиқди.

Езниң дастлабки күнлари анча узун бўлади. Иш вақти тугаб, кеч киргунча бир неча соат бор. Санжар бугунги ишларни якунлашга унчалик шошилмади. Чунки уйга кетса, кечки саккизларда қайтиб келиш ноқулай бўлганидан ишхонада ҳисоб-китоб билан машғул бўлишни лозим кўрди. Идорада ҳеч ким қолмагани учун вақт имиллаб ўтмоқда. Зерикарли дақиқаларда оғирлик, сабрсизлик ҳукмрон.

Санжар кўнгли билан қолганида Чарос ҳақидаги хаёлларга эрк берди. Кўзларидаги сирлилик, ҳаяжон ва қорачиғида кўринган маъюсликни ўйларкан, ҳаётида пайдо бўлган бўшлиққа фаришта мисоли кирган аёлнинг ўзига берган зағұшавқи юрагини тўлқинлантираёттанидан баҳтиёр эди. «Менга нима гапи бор экан?..»

У эшикни қулфлаб, ташқарига чиқаркан, қалбининг аллақайси нуқтасида интизорлик бош кўтарди.

У келишилган жойга сал вақтлироқ борди. Салқин ичимлик олиб ўтириди-да, атрофга тараалаётган қўшиқ оҳангода хәёллар оғушига шўғиди. Юрагида парвозга шайланган қушдек талпиниш, масрурлик. Кўзларини юмиди, Чарос билан кейинги муносабатлари ҳақида фикр юритаёттанди, ёнида хушбўй атир ҳиди анқиди. Қараса - Чарос!

Учрашувга маҳсус тайёрланган, шекилли, баҳорги гулдек очилиб кетибди. Тақинчоқ ва кийимлари ўзига шундай ярашибди, Санжарнинг назарида, бунақа чиройли аёл шаҳарда фақат битта. У ҳам бўлса - Чарос!

Сұхбат бошланди. Музқаймоқ ва салқин ичимлик олиб келган йигитча уларга ҳавас билан қараб қўйди.

Мусиқа алмашиб, Юлдуз Усмонованинг машҳур қўшиқларидан бири янграй бошлади:

Яхшимсан, яқинимсан,  
Гулханим, чақинимсан,  
Рашкимсан, тахминимсан,  
Мен сени қизғанаман...

Күзлар түқнашиб, дилдагини гапириб қўйди: мен сизни яхши кўраман!

Суҳбат бошида майда-чуйда гаплар айтилган бўлса-да, икковининг юрагида тезроқ асосий мавзуга ўтақолсакку, деган истак қайнаб турар, маст қилувчи туйғулар журъат йўлини тўсиб қўйгандай эди. Охири:

- Чарос, - деди Санжар унга яқинроқ сурилиб, - нимадан сиқиляпсиз? Ё бирор киши хафа қилдими?

Бу гапда «Хафа қилсалар, ёнингизда мен борман» деган маъно англашилиб турарди. Чарос «Раҳмат» дегандай унинг қўлини қисди.

Санжар стол устига шиша гилофга солингган авторучка қўйди.

- Самарқанддан фақат сиз учун олдим, Чарос!

Чарос ручкани гилофдан олиб кўрди. Четларидаги зарҳал чизиқ ярқираб турарди. Сўнг гравюра ёзувига кўзи тушди. «Чаросга совға».

У шундай қувондики, эрининг ҳозиргача олиб берган қимматбаҳо тилла буюмлари, кийим-кечаклари бу совға олдида қадрсиздай туюлди. Гилофга солиб, кўксига босиб энтикли. «Раҳмат, Санжар ака!» деди. Сўнгра авайлабгина сумкасига солиб қўйди.

- Худога шукр, мени ҳеч ким хафа қилмади. Аммо биласизми... Мен кейинги вақтда сиқилиб кетдим.

- Нимадан?

- Ёлғизликдан. Дардимни тушунадиган, кўнглимга таскин берадиган инсон, сирлашадиган дўст йўқ. Ким билан гаплашсам иш ёки кийим-кечакдан сўзлади.

- Мен-чи? - деди Санжар унга мулойим боқиб, - Сизни тушуна оламанми, «Дардимга малҳам кўяди», леб ишонасизми менга?

- Хайрият, биргина сиз менга таскин берасиз. Учратганимга оз бўлдию, негадир юрагимдаги бўшлиқни тўлдираётганга ўхшайсиз. Эшитгандирсиз, олти йилдан бери фарзандсизман. Ҳамма мени кўрсатиб «бепушт, тирноққа зор», деётганга ўхшайди. Бундан қанчалик

## САКЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

сиқилсам, Маҳкам акам шунчалик бешарво, лоқайд. Врачга учрайлик десам, нотүғри тушуниб, ҳақорат қилишгача борди.

Чарос ўзини босолмай, йиғлаб юборди. Кўзларидан қуйилаётган қайноқ томчилар яногидан юмалар, улар тоза маржондай хуснига хусн кўшарди. Чароснинг йифлаши ҳам гўзал эди. Кўксининг майнингина силкиниши, дастрўмол билан кўз ёшлини артиши ўзига ярашарди.

- Ҳафа бўлманг, йиғламанг, Чарос, Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, - деди Санжар. Сўнгра сочини, елкаларини силаркан, Чарос бошини унинг кўксига қўйди, йиғидан тўхтаб, енгилгина хўрсиниб жим қолди. Кўшиқ давом этарди:

Кўксимдаги моҳимсан,

Бағримдаги оҳимсан,

Ўйлаган ниятимсан,

Мен сени қизғанаман...

Чароснинг кўзларида маҳзўн хотиржамлик сезилар, дардини айтган сирдоши ёнида ўтиргани учун ўзини бир мунча енгил тортгандек ҳис этарди.

- Балки ўзингиз учрасангиз, ортиқча қийинчиликнинг ҳожати қолмас?

- Учрадим. Фақат фолбинга. Биласизми, у нима деди?

- Ҳўш, ҳўш?

- Эрим фарзанд кўришга қодир эмас экан! Боласизлик туфайли ажрашганлар кўп. Аммо унга белуштлигини айттолмайман. Ўзи эса на врачга, на баҳшига боради. Шу аҳволда яшайвериш жонимга тегди. Қандай маслаҳат берасиз, мен нима қиласай?

Чароснинг саволи уни ўйлантириб қўйди. Бирданига «Ажраб кетинг», дейиш ноқулай. Кўшиқ Чароснинг дардига ҳамоҳанг янгарди.

Оқарив кетди сочим,

Нима кўрди ёш бошим?

Софинганим сирдошим,

Мен сени қизғанаман...

## БОҚИЙ МИРЗО

Санжар унинг дарду ҳасратини юракдан ҳис этиб, шиддат билан фикрлай бошлади. Шундай гўзал жувон юрагини очиб, бир оғиз сўзга интизор бўлсаю, жўяли маслаҳат беролмаса инсофдан эмаслигини мулоҳаза қиласкан, дурустроқ ўйлаб кўриб, эртага айтишига қарор қилди. Бу ҳақда Чаросга гапирганида:

- Умидим сиздан, Санжар ака, фақат бу ҳақда ҳеч кимга гапирмасангиз, орамизда сирлигича қолсин, майлимни? - деди у.

- Хотиржам бўлинг, менга ишонаверинг, - тасалли берди Санжар.

Улар кўзғалишиди. Хиёбон бўйлаб юришаркан, юракдаги ишқ-муҳаббатнинг зўрлигидан елка, билаклари бир-бирига тегар, бу ҳолат уларга хуш ёқиб, эҳтиросларни жунбушга келтиради. Санжар уни қўлтиқлаб олгиси келар, аммо аҳён-аҳёнда ўтиб турган ўшлардан истиҳола қиласди. Кўнгил қурғур уларни хилватга бошлади. Да-раҳт панасига ўтишгач, Санжар уни елкаларидан ушлаб, кўзига термулди. Севги эҳтирослари, умид ва ҳаяжонга тўлган теран кўзлар уни ўзига чорлаб, қўёшдек чараклаб турарди. Санжар унинг ёшлик ва гўзаллик уфуриб турган қайноқ вужудини бағрига босаркан, ўзини еттинчи осмонда юргандек ҳис қилди. Фунчадек лабларидан бўса олгач, яна кўзларига термулди.

- Сизни севаман, Чарос!

Санжарнинг кўксига бошини қўйиб, беозоргина елкасидан ушлаб турган Чарос эшитилар-эшитилмас шивирлади:

- Мен ҳам...

\* \* \*

Санжар Чаросни кузатиб қайтаркан, руҳияти нур сочиб турган чироқлардай чароғон эди. Чарақлаган кўзлари, жозибали яноқлари, кулгандан гунчадек дилтортар лаблари хаёлидан кетмас, айни пайтда у билан пинҳона

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

учрашиб, мұхабbat bogига қадам күйганига бир ишониб, бир ишонмас зди. Бопқачароқ айттанды, бугунги вөкөалар ширин түшгә үхшарди. Қалбида ҳовури босилмаган totли ҳиссиётлар тарқаб кетишини сира-сира хоҳламас, унинг бсғубор сөхри ҳайратташ қүйидан күйиб юбормас зди.

Санжар уйга шошилмас, учрашувдан олган таассуроттар завқи билан күча айланғиси келарди. Чарос билан боғлиқ саргузаштлар қалбининг эң нозик хилватларидан сандиққа яширинган хазинадай жилоланиб турар, руҳиятига битмас-тутанмас завқ-шавқ бағишлиарди. Азбаройи севгининг зўрлигидан боягина уйга кузатган бўлса-да, яна Чаросни кўргиси келганидан ўша музқаймоқ дўконига келиб, икковлари суҳбатлашиб ўтирган столга кўнди. Чарос ўтирган столга завқ ва энтикиш билан тиқилди. Хаёлан уни ёнида тасаввур қилди.

«Наҳотки, шу гўзал аёл менга қалбини очди, юрак сирларини ишонди?! Наҳотки, кўзлари охуниридай хумор, юзлари фариштали шу гўзал меники бўлса?! Унинг юракни ўртайдиган, оҳанрабодай тортиб турадиган, ҳаётимга мазмун ва файз берадиган нимасидир бор. Йўқ, йўқ, буни сөхру жоду деб бўлмайди. Қарашларидаги чукур самимият, ҳаракатларидаги бетакрор назокат бор! Ажабо! Бундай мўъжизакор кучни қаердан олган у?! Бошқа аёлларда учрамайдиган бунақа фазилатни Аллоҳ фақат Чаросга берганми? Аммо... Шундай нозик хилқатни мурувватингдан бебаҳра қилмасдан нега биттагина фарзанд берадиган, Аллоҳ?! Унинг гуноҳи нима? Нега уни қалби сўқир, майшату пулдан бошқасини ўйламайдиган одамга ёстиқдош қилдинг? Эй, Парвардигор, ўзинг яратган бир бандай ожизангни азоблашдан кимга наф?

Унинг Маҳкамга хотин бўлиши тасодифми? Агар бу нарсани кутилмагандага рўй берган жуфтлик дейдиган бўлсак, қисмат деган нарсанинг моҳияти йўқолмайдими? Ахир, инсон ҳаётида рўй берадиган жиддий бури-

## БӨККИЙ МИРЗО

лишлар Аллоҳнинг иродаси билан бўлади-ку!»

Санжар ана шу ўй-хаёллар гирдобида айланар экан, Чарос унинг қалбига, руҳиятига, ҳаётига ширин бир изтиробдек, ардоқли орзудек ўрнашиб қолганини яна бир карра ҳис қилди. Узини маънан бойиб кетгандек, кечинмалари тиниқ, завқ-шавқ билан йўғрилгандек туюла бошлади.

У уйига етиб келганида хотини Нилуфар эндиғина болаларини ухлатиб, эрининг ишдан кеч қолганини ўйлаб ўтирган экан.

\* \* \*

Санжар мактабни битираётганида ўзидан бир синф қўйида ўқийдиган Гулбаҳор исмли қизни севиб қолди. Баҳор кунларининг бирида ўқувчилар шаҳар боғига шанбаликка боришли. Гулбаҳор билан гаплашиш имкони илк бор ўшанда туғилди. У шўх-шўх гаплари билан ҳаммани ўзига қаратарди. Синфдошлари билан ер чопаётган Санжар унга тўйиб-тўйиб тикилди. Синфдошлари:

- Гули, камроқ гапир, яна ўнинчи синфдагиларнинг кўзи тегмасин! - дея ҳазиллашганда, у:
- Тегса тегар, мен иримларга ишонмайман! - дея Санжарга зимдан тикилди. Шу билан бирга Санжарнинг айб устида қўлга тушган маҳбусдай қизарib кетганини ҳам пайқаб қолди. Орадаги пинҳоний ҳолатни яшириш учун ўзини дадил тутган Санжар:
- Унга кўз тегмайди, эҳтимол, Гулбаҳор кўзмунчоқ тақиб олгандир? - деди.

Кўпчилик кулиб қўйди. Аммо баъзилар бу гап замирида қирбони бордай фикр қила бошлашди. Ҳатто айрим болалар Санжарни Гулбаҳорнинг сирларидан воқифлиги ҳақидаги шубҳага шаъма қилгандай томоқ қиришиди.

Санжар аслида бу гапни шунчаки айтган эди, бироқ шу лаҳзада Гулбаҳор бувисининг «Емон кўзлардан асра-

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

син», деся ёқасининг орқасига ип билан чандиб қўйган кўзмунчоқни эсладио, «Буни қаёқдан билади?» дея ҳайронлик уммонига фарқ бўлди. Санжар Гулбаҳордаги бу ҳолатни пайқамай:

- Тўғрими, Гулбаҳор? - дея қараганда қизариб кетган қиз қандайдир саросима ичра эшитилар-эшитилмас «Билмасам», деся олди, холос.

Шу кундан бошлаб Гулбаҳор Санжарга қизиқиш билан қарай бошлади. У дуч келгандан қизариб-бўзариб сўрашар, олдида кўп туролмасди. Битириш имтиҳонлари арафасида Санжар унга қалбини очди. «Сиз ҳам мени севасизми?» деган саволига жавоб бериш ўрнига Гулбаҳор «Ўшанда менда кўзмунчоқ борлигини қаёқдан билган эдингиз?» деб савол ташлади.

Санжар бу гапни мутлақо тасодифан айтганини тушинтиргандан сўнг:

- Ёлғон, тасодиф эмас бу, - нозланди қиз. Санжар қувлика ўтди.

- Ростини айтайми?  
- Ҳа, фақат ростини!  
- Тушимда кўргандим. Сиз осмонда юрганимисиз, шамол ёқангизни қўтариб юборганида кўзим тушди, қарасам - кўзмунчоқ!

Асли бу ҳам ёлғон эди, аммо қиз чиппа-чин ишонди. Орадан бир неча кун ўтса ҳам Гулбаҳорнинг жавобидан дарак бўлмади. Интизорлик, умид ва ҳаяжон билан ўтаётган кунлар Санжар учун қанчалик ширин бўлмасин, маҳбубасининг сукутида кутилмаган кўнгилсизлик борга ўхшарди. Бир ҳафтадан кейин изтироблардан чарчаган Санжар синфдоши Алишерга дардини тўкиб солди.

- Ие, - деди Алишер ҳайрат ва қувлик билан, - Гулбаҳор мен билан юради-ку! Наҳотки, ҳозиргача билмасанг, ана, ишонмасанг, ўлдим-куйдим деб ёзган бир даста хати бор, кўрсатишим мумкин. Ўзим унчалик яхши кўрмайману, қизни хафа қилгим келмади.

Бу «янгилик» Санжарни эсанкиратиб қўйди. Қалбida ардоқлаб, суюб юрган қизи Алишернинг олдилда шунчалик паст кетдими? Унинг беписандлик билан гапириши Санжарга ҳақоратдек туюлиб, жону жаҳонини ўртаб юборди. Кечқурун уйга келгандা ҳам бу азоб қалбидан тарқалмади. Наҳотки, шу гап рост бўлса?! Шундай гўзал қиз Алишерни севиб «оҳ-воҳ» билан мактублар ёёса? Ахир, ўшанда менга «Йигитим бор» демаганди-ку!

Санжар узоқ ўйланиб, саволига жавоб ололмаганинг сабабини Гулбаҳорнинг Алишерга бўлган севгисидан топгандай бўлди. Унинг қалбини умидсизлик тумани қоплади. Бу орада имтиҳонлари тугаб, Гулбаҳор таътилга чиқди. Санжар эса севгисига жавоб ўрнига Алишернинг кўнгилсиз янгилигидан фам-алам олди. Лекин институтта кириш учун тайёрланиб юрган кунларининг бирида шаҳар кутубхонасида Гулбаҳорни учратиб:

- Шу гап ростми? - деб сўраганда, Гулбаҳорнинг кўзлари ёшланди.

- Наҳотки оғайнингиз шунчалик разил бўлса?! Менга «Санжар сиз билан ўқишига кетгунча эрмак учун юрмоқчи, тузогига илинманг деб айтаяпман, орамизда қолсин», деганди. Шундан сўнг сизга ёзган хатимни йиртиб ташладим. Унга эса битта ҳам хат ёзмаганман!

Санжар синфдошининг ичиқоралиги, хиёнатидан қанчалик изтироб чекканини ҳали-ҳануз яхши эслайди. Кимнинг гапига ишонишни билмай, аросатда қолган Гулбаҳорнинг қайғу, ранж тўла кўзларини ҳам хотирасида жонли суратдай саклаб юради.

Учинчи одам сабаб ораларидаги муносабат илдиз отишга ултурмади. Гулбаҳорнинг тақводор отаси мактабни битириши билан қизини узатиб юборди. Санжар институтни битириб, Тошкентдан қайтганида у иккита болалик бўлганди.

Санжарнинг хотинидан нолийдиган ери йўқ. Нибуфар - саранжом-саришта аёл. Унга, болаларига яхши

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

қарайди. Энг муҳими, бир-бирларига бўлган муҳаббатни тарозига солинса, Нибуфарники босиб кетади. Бироқ кейинги пайтларда бир хилда кечастган кунлар, қатъий тартибда шакланган ҳаёт Санжарнинг кўнглида зери-кишга ўхшаш туйғу пайдо қилди. Руҳияти кутилмаган таассуротлар, кечинмалар завқини соғинди. Балки Гулбаҳорга бўлган муҳаббатидан етарлича руҳий озуқа ололмаганининг оқибатидир бу!

Инсон ўзи сезмаган ҳолда мўъжизалар, сирли воқеа-ҳодисалар қўйнида яшайди. Бу сирлилик ўзини ошкор қилган пайтларда ҳам унга кўпам эътибор беравсемайди. Шунинг учун ўзини қўллаб турган кучлар, қисмат белгиларининг қадрига етмайди. Ҳар бир инсоннинг дунёга келиши ҳам, пешонасидаги ёзувлардан четга чиқмай яшаши ҳам англаш мушкул бўлган синоат.

Чароснинг онаси Озода хола унга ҳомиладорлик даврида далада ишларди. Бир кун қиз-жувонлар билан тушликтан қайтаётиб, қаттиқ толиқди. Шерикларига «Бирпас тут тагида дам олайлик», деди. Аммо қизлар негадир «Етиб оларсан, Озода», дейишдию, кетиб қолишиди. Озода тутга суюниб ўтириши билан кўзи илинди. Қараса... Атроф аллақандай сирли сукунат қўйнида. Оппоқ кийим, оқ соқолли, юзларидан нур ёғилиб турган чол унга яқинлаша бошлади. Озода аввалига кўрқандай баданлари жимиirlаб кетди, лекин чолнинг юзларидаги нур, кўзларидаги тиниқ самимиятни кўрдию, қалбини хотиржамлик чулғади. Чол унинг пешонасини майин кўллари билан силаркан:

- Хосиятли қиз фарзанд кўрасан, соғ-омон улгаяди, у борган хонадон бой-бадавлат, обод ва файзли бўлади. Исмини Хосият қўйишини унутма, - дедиую, сирли ра-вишда кўздан ғойиб бўлди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайди. Кўзини очса, танасидаги чарчиқдан асар ҳам қолмабди. Руҳи тетик. Фақат кўрганлари тушми, хаёлми ёки ўнгига рўй бердими, аниқ билолмай ҳайрон. Қалбида тотли бир ҳиссиёт. Бу ҳолатнинг таъбирини билмаса-

## БОҚИЙ МИРЗО

да, руҳиятидаги тиниқдикдан яхшилик аломатини сезгандай бўлди. Ажабки, қизлар эндиғина бурилиб кетишган, ҳатто улар юрган йўлнинг чанги босилмаган эди. Озода буни бирорга айтса, мўъжизага путур етадигандек, ноёб хазина калитини бериб қўяётгандай туюлди. Кечки пайт юз андиша билан онасига айтди (уларнига яқин жойда турарди). Онаси мулоим кулимсиради.

- Қизим, сенга Хизр бува учрабдилар, ҳаммаси яхши бўлади, аммо бу гапни ҳеч кимга айтмагин, хўпми!

Шу-шу сир она-бола ўртасида қолди. Уч ойдан кейин чиройли, кўзу қошлари қоп-қора қизалоқ туғилди. Исмини Хосиятхон қўйишиди. Туғруқхонадан келган куни бобоси чақалоқнинг қулогига аzon чақириш учун уни қўлига олар экан, қизчанинг тим қора кўзларидан ҳайратланиб «Чарос, Чарос қизим!» деб эркалай бошлади. Шу-шу Хосиятхон исми Чаросга айланиб кетди. Бир ойдан сўнг сигирлари эгиз туғди. Уч ой ўтгач, хўжаликда бош иқтисодчи бўлиб ишлайдиган отаси раисликка кўтарилди. Турмушлари фаровон, оиланинг қишлоқдаги обрўси янаем баланд бўлди. Ҳамма Чаросни эркалар, суръ, оиланинг бирор аъзоси уни қўлига олса, хафачилиги тарқаб, юрагидаги хижиллиги ёзилиб кетарди.

Чарос мучал ёшига стгач, туман раҳбари даражасига кўтарилган отаси пойқадами кутлуг қелган қизини ҳеч кимга хафа қилдирмас, айни пайтда ортиқ эркалатмасди ҳам. У мактабни битирганида боласини институтга жойламоқчи бўлганлар даста-даста пул кўтариб, таниш домла изларди. Аммо Чарос бу масалада отасининг оғирини енгил қилди. Мактабни «Олтин медал»га битиргач, сухбатдан аъло даражада ўтиб, талабалик гувоҳномасини қўлга киритди. Институтни битирган йили уни отасининг қадрдони келин қилди.

Маҳкамжон - оиласдаги тўртинчи фарзанд, биринчи ўғил. У институтни битириб, шаҳар ташкилотларидан бирида ишлади. Наримон ака (Чароснинг отаси) ҳам уларни қўллади.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Түйдан кейин Маҳкамжоннинг ишлари ҳеч кутилмаганда юришиб кетди. Нимага қўл урмасин мўлжалидан зиёда битар, аввал ғарибона кечган турмуш фаровонлашиб борганидан ич-ичидан қувонар, бу хурсандчилик барча оила аъзоларига юқсан, қадами қутлуғ келган келин эса олий даражада ҳурмат қилинар эди. Иккинчи йили Маҳкамжон шаҳар яқинидаги хўжаликдан ер олиб, дэҳқончилик қилди. Чарос картошка, сабзини Тошкентда сотишни маслаҳат берди. Натижа қувончли бўлди. Маҳкамжон Тошкентдан ҳамён тўла пул билан қайтди. Сўнгра ҳамма пулга олма, узум олиб, Россияга жўнади. Шаҳардан кетган кўпчилик тадбиркорлар ўша йили маҳсулотини ачитиб, «таланиб» қайтди, Маҳкамжон эса бир даста доллар билан уйга кириб келди.

У бир йил шу иш билан шуғулланди, оила анча ўзини тиклаб, бадавлат хонадонлар қаторига кўшилди. Эски уйлар ўрнида данғиллама участка қал ростлади. Дарвоза-хонада янги «Жигули» пайдо бўлди. Маҳкамжон тижорат билан шуғулланувчи фирма очди. «Синиш» арафасида турган бир неча тадбиркорларнинг дўконларини сотиб олди. Қисқаси, катта оиласининг моддий таъминоти бир меъёрда йўлга кўйилди. Бироқ шунча қувонч-шодликлар орасида кўнгилни хира қилувчи бир хижиллик бор эди. Йиллар ўтса ҳам Аллоҳ Маҳкамжон ва Чаросга фарзанд бермади...

\* \* \*

Тўшакдан тургиси келмай ётган Санжарнинг хаёлларини ногаҳонда келган кўнфироқ бузиб юборди.

- Телефонга қара-чи, Нилуфар! - кўрпадан бошини чиқарди Санжар.

Бир оздан сўнг хотини:

- Келинг, дадаси, Фарғонадан оғайнингиз сўрайтилар, - дегандан кейингина туриб кийинди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Дилмурод муддаога ўтди.

- Сизлардаги сиҳатгоҳда дам олмоқчийдим, ўша ернинг ўзидан йўлланма топса бўладими?

- Сиз учун топамиз. Қачон келмоқчисиз?

- Ўн беш кундан кейин. Унгача Фарғонага бир келинг, Санжар. Биз томонга йўлингиз тушмаганига анча бўлди.

- Борамиз...

Санжарнинг хаёлига янги режа келди. Чаросни айлантириб келсамикан? Бу хаёлдан қувониб:

- Шанба куни ўтмоқчийдим. Йимкон бўлса кўришармиз. Уйда бўласизми, ишдами? - деди.

- Идорада, бемалол кславеринг, кутаман.

Санжар ишхонага келибоқ. Чарос билан гаплашишга пайт пойлади. Аммо ҳадегандан Малина хонасидан чиқавермагач, хат орқали билдиришга қарор қилди. «Чарос 17.00 да музқаймоқ дўконига боринг, гаплашиб олишимиз керак».

Сўнг уни хонасига чақириб, имзо чекилган ҳужжатларни ўринбосарга киритиб беришни буюрди-да, букланган хатни Чаросга узатди.

Иш қанчалик кўп бўлмасин, учрашув юрагини така-пуха қилаётганлиги учун ваqt имиллаб ўтаётганга ўхшар, бунинг устига, Чаростга қандай маслаҳат беришга боши қотарди.

Музқаймоқ дўкони одатдагидек гавжум. Онда-сонда болаларини етаклаган аёллар кўзга ташланади. Санжар ва Чароснинг бир-бирларига соғинч билан термулишганига ҳавас ва ҳайрат ила қарашади. Уларнинг нигоҳдаридан «Бизларнинг ёшлигимизда шундай баҳтли дамлар бўлмаган», дегандай ўқиниш сезилади.

- Бундан кейин Маҳкамжон билан яшаш ёки фарзанд кўриш масаласида ҳозирча бирор қарорга келмай турганингиз маъқул.

- Нега? - ҳеч нарсани тушунмай ҳайратланди Чарос.

- Бу бирдан ҳал қилинадиган иш эмас. Сиз ҳақингизда иккаламиз ўйлаб кўрамиз. Бирор ойда калламизга ма-

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

ғизлироқ фикр келиб қолар.

- Бир ой? - ғамгин таажжубланди у.
- Бу катта мұддат әмас. Бир-біримизни яхшироқ ўрганамиз. Үнугманг, бу қарор ҳәётимизни ўзgartириб юбориши мүмкін.

- Санжар ақа, - жиддийлашыді Чарос, - менда биттә одат бор, бирор кишини ёқтириб қолсам, ҳамма яхши-ёмонлари билан севаман. Кейин ҳеч қачон күнглім алдаган әмас. Ҳәётим давомида синфдошим Ақмални яхши күрганман. Ағсус, умри қысқа экан, бевақт ҳазон бүлгап ніхолдек зерта кетди. Үнга бүлган түйғуларим гуллаб ултурмай, қовжираб қолди. Сиз ўша ҳисларимни қайта үйғотдингиз. Билмадым, бирор хислатингиз борми? Ҳархолда, әсимни таниб севиши-севишишга ақдім етгандан кейин мен күнгіл қўйған бириңчи одам сизсиз!

Санжар Чароснинг бу тапларини тинглади-ю, миясида ғаләён бошланды. Севги масаласида бир оз үхаш қисматлари борлигига ҳайрон бүлди. Унинг Санжарга номаълум шуури, заковати бүй күрсатаётган эди.

- Маҳкамжон-чи?! Ахир, у билан олты йил яшадингиз-ку! Наҳот, ёқтирмай ҳәёт кечираверган бүлсангиз?

- Уни ёқтирмаслигимни чимилдиққа киргандәеқ сезганман. Эх, Санжар ақа, ўшандаги қолатимни билсангиз эди. Түйгача эътибор бермаган эканман. Институтда не-не йигитлар йўлимни пойламади, қанчаси совчи жўнатмади, дейсиз? Барини рад этдим. Баҳтимдан хотиржам эдим. Ҳозиргача қисмаган Худо бундан кейин ҳам марҳаматини дариф тутмас дегандим. Унаштирилган кунларимиз у билан учрашдим, худди севишмай турмуш курган отам-онам тинч-тотув, аҳил яшашганидек, мен ҳам унга меҳр қўйсам керак, дедим. Кейин билсам, бу ўй күнглімга келған әмас, шунчаки ўйланған фикр экан. Чимилдиққа кириб вужудим титраб кетди. Үнга турмушга чиқишим - күнглімга бир бор қулоқ солмаслигим оқибатидаги ягона хатом бўлса керак.

Ота-оналаримиз эски қадрлонлар бўлишгани учун,

қолаверса, фалончининг қизи бир ой яшамай «қўйди-чиқди» бўлиб кетибди, деган гап тагида ор-номусим билан боғлиқ сўзлар айланишини андиша қилиб, тишмни-тишимга қўйдим. Аммо у буни сезмади. Пойқадамим ёкиб, оиласида фаровонлик боилантандан кейин мени ардоқлай бошлиди. Афсуски, Маҳкам акам ҳозиргача кўнглимни тополган эмас!

Санжар Чаросдан бунаقا таъсирчан гапларни кутмаган эди. Чарос ички дунёсига тортилган пардани очаётган, ундан шунчаки ҳилқат эмас, ўқилмаган китоб чиқаётган эди гўё. Уни бир нарса кўпроқ ўйлантиради. «Эрини ёқтиргмаган бўлса, азобда яшабди-да! Нега ортidan юргурган эркаклар билан «юриб» кетмади? Ростданам севмаганмикан? Наҳотки, унинг кўнглини олишдай баҳтга мен эришган бўлсан!»

Олти йил Маҳкамжондай эрга кўниб яшагани, фарзандсизлик доғи ўртаган, кўнгли оғриган бўлса ҳам сабрни дўст тутган Чаросга ҳурмати ортди.

- Чарос, - унга юзланди Санжар, - сизга қойилман, кўнглингизга гард юқтиргмай олти йил яшаганингиз олижаноблигингиздан далолат эмасми?

- Мақташнинг кераги йўқ, Санжар ака, айрим аёлларга ўхшаб биттагина хушомадга юриб кетишим мумкин эди, аммо мен бундай қилолмайман. Эримни, отонамни ўйлашдан ташқари, инсон сифатида ўзимни ҳурмат қилишим, кўнглимга қараб иш тутишим керакми-йўқми?

- Тўғри қилгансиз, Чарос. Энди мавзууни бошқа ёққа бурсам. Ҳалоллигингизга ишонаман. Энди келажакни ҳам ўйлаш керак, фолбин аёлнинг хулосалари билан чекланмасдан ўзингизни синаб кўрсангиз, дегандим. Маҳкамжон эса бепуштлигини билмагани маъкул!

- Нега? - ҳайрон сўради Чарос.

- Ўша башорат қилинган ўғил фарзандни мендан кўришингизни истардим. Қалбингизга қулоқ солингчи, қаршилиги йўқмикан? Иккинчи гап. Шанба куни

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Фарғонага дўстим Дилемуроднинг олдига бормоқчиман, ёлғиз кетиш ниятим йўқ.

- Унда ким билан кетасиз? - нозланди Чарос.
- Мен учун суюкли, гўзал инсон билан боришини орзу қиласман.

- Ўша бахтли инсон кимлигини билсак бўладими ёки сирми?

- Айтишим мумкин, фақат менга ҳамроҳ бўлишга розилик берсалар. Кўнгилдаги чигални ёзиб келсак, ёмон бўлмасди.

«Шанба кунгача Маҳкам акам келмасмикан? - ўйлади Чарос. Шу пайт кўнглида саргузашт, сафарга ташналиқ борлигини ҳис қилди.

«У келса, иш юзасидан кетяпман, дейман!»

- Сир бўлмаса айтинг-чи, мабодо розилик берса, қачон, қаердан кетилади?

- Шанба куни эрталаб 8.00 да шаҳар бекатидан «Тико» олиб кетади. Демак, розисиз-а?

Чарос бошини қимиirlатиб, рози эканини тасдиқлади.

- Хўш, биринчи таклифимга жавобингиз қандай? Сизга бўлган муҳаббатим, олти йиллик азобларингиз ҳаққи-хурмати, сиз фарзанд кўриб, баҳтиёр бўлишингизни, қалбингиздаги губорлар тумандай тарқаб кетишини хоҳдайман. Дугоналарингиз олдила бошингизни баланд кўтариб, оналик баҳтидан масрур юрсангиз, хурсанд бўлардим.

Бу яхши ниятлар Чаросга таъсир қилди.

Бир вақтлар хушомад қилган йигитлар бунаقا гапларни айтолмаган, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлагани учун Чаросга ёқмаган. Санжарнинг устунлиги Чароснинг дарди, ташвишига шерик бўлмоқчи, оғирини енгил қилмоқчи.

Чарос маъноли кулимсиради...

Санжар Чаросни кузатиб қайтганида кўчада одамлар сийраклашиб, шаҳар уйқуга ҳозирланаётган эди...

====

«Тико» ҳайдовчиси жуда қувноқ йигит экан. Орқада ўтирган Чаросга тоҳ-тоҳ сукланиб қараб қўйганини ҳисобга олмагандা, мижозларни зериктирмаслик учун баъзан латифа айтар, баъзан «Водий садоси»дан тараля-ётган кўшиқларга жўр бўларди.

Айтилган манзил бўйича Дилмуроднинг идорасини бир зумда топди. Пулни олиб хайрлашаркан, кўзини қисиб, Чаросга имо қилди-да:

- Омадингизни берсин, қандингизни уринг, ака! - деди-да кўз очиб юмгунча шаҳарга сингиб кетди.

Дилмурод Санжарни кутаётган эди. Дўстлар қучоқлашиб сўрашишди. Суҳбат қизигандан-қизиб бораётгани учун Чарос узр сўраб, ташқарига чиқди.

- Шаҳардаги квартирангизни сотиб юбормаганмисиз, Дилмурод? - оҳистагина сўради Санжар.

- Сиз ҳам бузилибсиз, Санжар! - ҳазиллашди у, - «Асал»ни қаердан топдингиз? Фарғонада бунақаси йўқ.

- Хуялас, эркакча гап. Икки-уч соат дам олиб, кечроқ қайтамиз.

- Нега? Бугун қолаверинг. Жой бемалол. Кечкурун дўстлар билан ўтирамиз.

- Кейинги сафар.

- Жигардан урганга ўхшайди-а?

Чарос чиқиб кетган томонга ишора қилди Дилмурод.

- Ҳа, энди йигитчилик, - уялганамо илжайди Санжар,

- кейин ҳаммасини тушунтириб бераман. Фақат ёмон ҳаёлга борманг.

Дилмурод қўярда-қўймай уларни ресторанга олиб борди. Фарғонача меҳмондорчиликни жойига қўиди, сўнгра «Нексия»нинг калитини Санжарга узатди.

Уйдаги жиҳозларни кўрган Чароснинг назарида ўзлариники оддий буюнга ўхшаб туюлди. Гиламлар, мебеллар қандиллар - ҳаммаси чет элники. Хонага шунаقا дид билан жойлаштирилганки, тилла узукка олмос кўз қўйгандай бир-бирига ярашиб турибди.

Санжар Чаросни бағрига босмоқчи эди, аммо кайфи-

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

яти жиддийлашган Чарос унинг кўкрагидан беозоргина итариб, ўзига яқинлаштирмади.

- Санжар ака, сиздан бир нарсани сўрасам, майлими?
- Бемалол сўранг.
- Бу уйда илгариям бўлганмисиз?
- Ха, бўлганман.
- Ким билан?
- Бу нима деганингиз, Чарос? Яқингача Дилмурод оиласи билан шу ерда яшарди. Хотиним Нилюфар, болаларни олиб меҳмонга келганлик. Ҳозир улар янги ҳовлига кўчишган.

- Шу гапингизга ишонсам бўладими?
- Албатта!

Кўнгли хотиржам тортган Чарос Санжарнинг елкасига қўлларини ташлади.

Икки интиқ вужуд бир-бирига мислсиз муҳаббат ва эҳтирос билан чирмашар, бўсалардан қониқишмасди. Санжарнинг бутун вужуди сенгига, Чароснинг тани эса гўзаллик ва оҳанрабога айланган, шиҳардаги шовқин-суронли ҳаётни ҳам, туғилган макону оилани ҳам бутунлай ёддан чиқаришган эди.

Гарчи эҳтирослар алангасида ёнаётган бўлса ҳам Санжарнинг миясида битта фикр қалдирғочдай чарх уради. Аёлга нисбатан шундай кучли муҳаббат унда қандай пайдо бўлди? Наҳотки, одам ўз вужудига шунчалик катта муҳаббатни сифдира олса?

У аввал хотинини яхши кўрган, эсда қоладиган эҳтиросли, ширин дамлар кўп бўлган. Аммо унда бугунги муҳаббатнинг ўндан бири ҳам йўқ эди. Бугун эса ақлга сифдириб бўлмайдиган ҳароратли муҳаббат оғушида маст, Чаросни қучогидан қўйиб юборишни истамас, Чарос ҳам тобора унга сингиб борарди.

Қанча вақт ўтганини билишмайди. Сочлари тўзғиб пешонаси, юзларига тушган Чарос Санжарнинг кўксидан бош кўтариб, хумор кўзлари билан унга тикилди. Санжар унинг соchlарини тартибга келтириб, кўзларига

## БӨКИЙ МИРЗО

қаради-ю, ҳайратда қолди. Чароснинг кўзларида англаб бўлмайдиган нур бор эди. Бу нур бир ойга, бир юлдузга ўхшар, нигоҳлар кўйнида ипакдай эшилиб, Санжарнинг юрагига ўрмаларди. Кўзларида сарҳадсиз, жаннатмакон лаззат водийси бор эди. «Тавба, кўз ҳам шунаقا бўладими?»

Санжарнинг юраги титраб кетди. Аввал вужудини енгилгина қўркув эгаллаган бўлса-да, кейин руҳиятида улкан салоҳият, ҳар нарсага қодирлик пайдо бўлди. Сездики, Чароснинг бу кўзларидан ўз вужудига англаб бўлмайдиган қудрат ўтяпти. Олдида оддий аёл эмас, фаришта тургандай, унинг елкалари, билакларини қайта-қайта ушлаб кўрди. Юзларини силаб-сийпалади. Одам эканлигига ишонч ҳосил қилгач, маҳкам бағрига босди. Сўнгра тўсатдан кўзларига ёш қуилиб келди. Йиғлай деса, йиғлолмайди, йиғламай деса кўзларидан сел қуиляпти. Санжарнинг назарида, улар учинчи қаватда эмас, булутлар устида, юлдузлар билан ёнма-ён сайр қилишаётгандай, замону маконнинг фарқи қолмагандай эди...

\* \* \*

Дилмуроднинг бизнесмен ўртоғи Тошкентга қайтадиган экан. Йўл-йўлакай Санжар билан Чаросни Намангана ташлаб ўтадиган бўлди.

- Кейинги ҳафтада йўлланмани ҳал қилиб сизга телефон қиласман, Дилмурод, - машинага ўтиришдан олдин уни хотиржам қилди Санжар.

- Сизни уринтириб, хизматга қўярканман-да!

- Шуям хизматми, қўйсангиз-чи, оғайни!

«Нексия» деразасидан кирган муздек шаббода танга ором бағишлайди. Чароснинг соchlарини ўйноқи болакайдек у ёқ, бу ёққа тўзғитали. Рулдаги одам бегона бўлгани учун бир неча вақт индамай кетишли. Сўнгра ҳайдовчи:

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

- Нега жимсизлар? Танишиб, сұхбатлашиб кетмаймызми? - деда жилмайды.

- Билмадик, сиз жимлигингизга биз ҳам индамай кетишни маъқұл күрдік, шекилли.

Бирпасда танишиб олиши. Жаңонгир Тошкентдаги «Элөр» фирмасининг бошқарувчиси экан. Дилмурод билан иккى йилдан бери ҳамкорлик қиларкан.

У ўзи түғрисида ҳамма гапларни түкиб солди. Чет әлга борганию, кимлар ёрдам бергани, ҳәётида аксар яхши одамларға дуч келганини айтиб, Аллоҳга шукр келтирди.

Санжар билан Чарос тап орасида бир-бирларига маъноли қараб қўйишар, бу нигоҳларидаги Жаңонгирнинг очиқлигини мақтандоқлик деб тушунишдан кўра, бугунги учрашувдан завқ-шавқ олганликларини эслаб энтишишаётгани сезилиб турарди. Санжар Дилмурод билан ёлгиз қолганида Чароснинг ҳолати, уни чин дилдан яхши кўриб қолганини тушунтирган бўлса, Чарос Дилмурод ўзининг гўзаллигига самимий ҳавас билан қараганлигидан хурсанд эди.

Улар шаҳарга етиб келишганда аллақачон қоронғу тушган, сонсиз чироқлар билан чароғон шаҳарда оқшом файзи ҳукмрон эди.

Улар Жаңонгирни уйга таклиф этишли, аммо у тун салқинида Тошкентта етиб олишини айтиб, узр сўради. Сўнг манзилларини алмашиши.

Кечқурун Санжарнинг уйқуси келмади. Сафардан қониқиши ҳисси вужудини тарқ этмаган, қалбининг бир чеккасида нуқтадай ғашлик пайдо бўлган, у лаҳза сайин катталашиб, ғалати бир изтиробга айланмоқда эди. Уйлангандан бери Нибуфардан бошқа аёл билан ишқий муносабатда бўлмаган, пинҳоний висолларнинг нотаниш лаззатини татиб кўрмаган, шунинг учун бундай ҳаяжон қалбига сингиб кетолмаётган эди.

Боя уйга кириб келганида бўйнига осилган қизалогини кўтариб олдию, бугунги иши оиласи, болаларига хиёнат эканлиги ҳақидағи дастлабки фикр миясига

урилди. Шундан бери руҳиятида пайдо бўлган маъюсликни чуқурлаштириб юбормаслик учун болалари билан ўйнашиб, кулишиди, телевизор кўриб фикрини чалғитди. Аммо ўша тазъирдан кутуломмади. Мана энди ўрнига ётиб, виждони билан ёлғиз қолганда, ор-номус, уят ҳисси юрагига ёпирилиб кира бошлади.

Етти йилдан бери оиласавий муносабатларида бирор муаммо туғилмаган. Нилуфар саришта келин, вафодор хотин сифатила хонадонини обод қилаётган бўлса, эрини жони дили билан севса, болаларини оқ ювиб-оқ тараса-ю, кутилмаганда Санжар бошқасини яхши кўриб қолса, у билан яширинча учрашиш учун хотинини алдаса, кечқурун ҳеч нарса билмагандай келиб, беҳаёларча ёстигининг ярмига бош кўйса! Бу қандай беорлик?!

Наҳотки, оила, бола-чақани унутиб, хиёнат кўчасига кириб кетиш шунчалик осон бўлса?! Ўзи яхши кўрган, кечқурун боргунча согиниб қоладиган қизи Райҳонани нега ўйламайди? Энди оиласига бўлган меҳр-муҳаббат ўрнини Чароснинг севгиси эгаллаб оладими?

Нилуфар-ку, ҳозирча ҳеч нарсадан бехабар. Отноаси, қайнота-қайноналари ҳам билишмайди. Аммо Чарос билан муносабатлари янада чуқурлашиб овоза бўлса, улар олдида нима деган одам бўлади? Меҳр ва ҳурмат билан тикилган кўзларга қандай қарайди?

Санжар қанча ўйламасин, бу саволларнинг бирортасига тайинли жавоб тополмади. Фақат бугунги иши оиласи, иймони олдидаги катта гуноҳ эканлигини ҳис қилиб турса-да, негадир буни тан олгиси келмасди, аксинча, бу гуноҳни оқлайдиган, азобини енгиллаштирадиган сабаблар қидиради.

Энди У Чаросни ким деб атасин? Иккинчи хотин деса, эри бор, жазман дейишга тили бормайди, чунки ҳаётда кўрган-эшитганларидан билалики, эркакларнинг жазмани бу қадар тоза эмас.

У қизининг ёнида беозоргина ухлаётган Нилуфарни уйғотиб юбормаслик учун хўрсиникларини ичига ютиш-

## САҚЛАШ НАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

дан чарчади, оёқ учиди юриб ташқарига отланди, ҳовлида ҳам тургиси келмай күчага чиқди. Күшни хонадон телевизоридан таралаётган қўшиқ юрак дардига малҳамдай бўлди:

Умр йўлдоши бошқа-ю,

Ишқ савдоси бошқа экан.

Осмонга термулди. Беҳисоб юлдузлар дунёсила илоҳий сенсор бордай. Беихтиёр Чароснинг кўзларини эслади. «Наҳотки, уни шунчалик қаттиқ севиб қолган бўлсан?» Санжар қанча айланганини билмайди. Ҳарҳолда уйга яқинлашганда барча хонадоиларда жим-житлик эди. У бир оз бўлса-да, хотиржам, чунки бугунги ишга енгилтаклик эмас, кўнгил, севги сабабчи деган хуносага келди. «Ахир, юракдаги бир дунё севгини сидириб ташлашнинг иложи йўқ-ку? Нима, севиш, севилишга ҳаққи йўқми?».

\* \* \*

- Сен эрингга хиёнат қилдинг-ку?!

Санжар билан кечган лаззатли онларни эслаб, хонасида ўтирган Чарос тўсатдан эшитилган бу овознинг қаёқдан келганини билиш учун атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқ. Аммо сездики, у товуш биронта таниши, ҳатто одамниги ўхшамас, шунинг учун қайси томондан чиққанини билиб бўлмасди.

- Нега хиёнат кўchasига кирдинг?

Бу сафаргиси бир оз таҳдидли эшитилганидан Чарос кўрқиб кетди. Энди англадики, бу сас ота-онаси, эри, қайнота-қайнонаси ва қайнисингиллари овозининг йиғиндисига ўхшар, кўнгил тубидан келаётган виждон сўроғи эди. Савол жавоб кутарди. Саросимага тушиб жим тураверса, бирор эшитиб қоладигандай Чарос у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

- Ахир мен бирорнинг алдовига учиб шундай қилмадим. Кўнглим амрига бўйсундим, - «Унга хитоб қилди Чарос.

## БОҚИЙ МИРЗО

- Күнгил күчасига кирса, одамзод нималарни қилмайди, наҳот шуни тушунмасант?!
- Тушунганим билан олти йил ўзим билан ўзим яшадим. Мени ҳеч ким тушумади-ку?
- Мен сабрга чақирдим. Күндинг. Шунча вақт чидаган нега бирдан чегарани бузиб ўтдинг?!
- Ахир ҳар нарсаныңг меъёри бор! Яна қанча тоқат қилишим керак эди?
- Эй, хом сут эмган банда, наҳот булар Аллоҳнинг синови эканини билмадинг? Сени гўзал, файзли яратди, қаерга борсанг қут-барака ёғдирди. Эҳтироминг баланд бўлди. Яхшироқ ўйла-чи, қилган гуноҳинг кўнгил буйрўими, енгилтаклики?
- Биласан-ку, доим кўнглимга қулоқ соламан. Санжар акамни севиб қолишим Аллоҳнинг иродаси эмасми? Умрим бўйи бирор кишини бунчалик яхши кўрган эмасман. Бундан ташқари, мен ҳам эл қатори фарзанд кўришни хоҳлайман. Бунга ҳаққим бордир!
- Ҳа, шу икки нарса билан ўзингни оқламоқчи бўляпсан. Аммо айт-чи, буни бошқалар тўғри тушунадими?
- Бунинг менга қизиги йўқ. Энг муҳими, кўнглимга ёқдан одамни топдим. Мени баҳтли қилишига ишонаман, уни ҳам бу дунёда энг ажойиб, ҳурматли инсон бўлишини истайман.
- . Овоз бирданига тиниб қолди. Ўзини бир оз енгил ҳис қилган Чарос жойига ётди.

\* \* \*

Санжар катта йўлда кетаётган эмиш. Бирдан қанот чиқарди-ю, тепага парвоз қила бошлади. Юқорига кўтарилиганде йўл бўйида турган Чаросни кўриб, куйига эниб уни олиб кетмоқчи эди, Чарос «тушманг, ҳозир чиқаман», деган ишорани қилгач, ўрнидан жилмади. Санжар муаллақ ҳолда сездики, қанотни Чарос берганмиш...

Чарос бу тушни тун ярмида кўрдими, тонгта яқинми

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

- эслолмади. Бироқ бу түшдән яхшилик аломатини түйіб, күнгли яшнади.

Юз-күлини ювіб артаётганди, телефон жириңглади.

- Алло, - дейиши билан Маҳкамжоннинг ташвишли овози эшитилди.

- Чарос, - деди у бир оз хұрсаниб, - уйға құнғироқ қылсаң ҳеч ким олмаяпти. Телефон ишламай қолган, шекилли. Үзим соғман, ўртоғым ҳам. Аммо озгина муаммо чиқиб қолди.

- Тинчликми? Нима бўлди?

- Ҳозирча ҳеч кимга айтмай тур. Ўртоғимнинг машинасини ўғирлаб кетишиди. Бир ҳафтадан бери милиция тополмаяпти.

- Сизнинг ишларингиз-чи?

- Меникими?..

Маҳкамжон сукут сақлади. Чароснинг назарида унда ҳам қўнгилсизлик бордек туюлди.

- Нега индамаяпсиз, Маҳкам ака?!

- Биласанми, унчалик ёмон эмас, аммо мендан 10 тонна гурунчга пул олган одам уч кун аввал Москвага кетиб қолибди. Қачон келишини ҳеч ким билмайди. Кутинг, келади дейишияпти, холос. Товламачининг қўлига тушдиммикан, деган хавотирдаман. Яна бир ҳафта кутамиз, чоғи.

Чароснинг юрагини ғалати ғашлик қамради. Бу ҳис қайғу ёки изтиробга эмас, худди тонг олдидан бўладиган сийрак туманга ўхшарди.

- Алло, Маҳкам ака, нима бўлса ҳам ўзингизни эҳтиёт қилинг. Уйдагиларга айтмасам, кейин хафа бўлишмайдими?

- Ҳозирча индама, фақат алоқа бўлимига айтиб телефонни ишлаттириб қўй. Кейинроқ үзим құнғироқ қиламан.

Маҳкамжон неча йилдан бери олди-сотди, бизнес билан шугулланаётган бўлса, ҳали бирор марта бунақа муаммо туғилмаган, ишлари доим режадагидай юриша-

ётган эди.

Чарос тушдан кейин дам олмоқчи бўлиб, хонасида ёлғиз ётганда турли фикрлар юрагини тимдалай бошлади. «Менинг гуноҳим учун шундай бўляптими? Балки хиёнат қилмаганимда ҳамён тўла пул билан келармиди?» У шу ҳақда ўйларди-ю, юрагининг чуқур бир нуқтасида эрининг омадсизлигига бу нарса сабаб экан-лигига ишонмасди. «Балки менинг кўнглимни оғритгани учун ундан омад юз ўтиргандир?!» Бу жавоб уни қониқтиргандек бўлди. Чарос қачондир бир китобда «Инсон кўнглини, айниқса, яқинларингиз дилини оғритманг, унда Аллоҳ бор» деган гапни ўқиган, шундан бери унга амал қиласди. Ҳисоб-китоб қилса, унинг кўнглини қаттиқ ранжитганлар ҳаётида бир кор-хол бўлади. Икки йил аввал катта қайнисинглиси уйда, тўй-маъракаларда андишасизларча «Келинимиз бепушт экан, Маҳкамонга хотинингни талоқ қил, онаси ўпмаганига уйлантираман, кўчқордек ўғил туғиб беради, дедим», деган гапларини ўз қулоғи билан, ҳатто бошқалардан ҳам эшигандан қаттиқ ўксинган, икки кун уйдан чиқмай, ишга ҳам бормай оғир бетобдай ётган, қайғу тўла юрагини қандай ёзишни билмай, Аллоҳдан фарзанд тилаб муножот қилган эди. Ўша воқеадан икки кун ўтгач, қайнисинглисининг сигири ўлиб қолиб, онасининг олдига йиғлаб келган. «Камбағални түяниг устида ит қопар экан!»

\* \* \*

Бир ҳафтадирки, идорада таранг вазият ҳукмрон. Вилоятнинг чекка қишлоғидан аҳоли хонадонларини газлаштиришга совуққонлик билан қаралаётгани ҳақида Тошкентта ёзилган аризани ҳал қилиш учун 10 км. қувур топилмаяпти. Ҳокимлик эса «Топмасонг, аризангни ёз», дея пўписа қилаяпти. «Оғайниларим билан гаплашиб, стказиб келаман», деган ўринбосар тўрт кундан кейин

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ҲАНЖАР

Самарқандан қуруқ қайтди. Директорнинг юрагига қил сиғмайди. Нажот истаб турли ташкилотларга қилинган сўровлар, кўнғироқлардан натижа бўлмади.

Жума куни Чарос тушдан сўнг Санжарнинг хонасига кирди-да:

- Тошкентга, Жаҳонгир акага қўнғироқ қилинг-чи, балки ёрдами тегар, -деди.

Чарос Санжарнинг кўзига нажот фариштасидек кўринди. Тортмадан ён дафтарчасини олиб, Жаҳонгирнинг телефон рақамини топди...

Янгиликни эшишиб ҳаяжонланган Санжар директор хонасига кирди.

- Биз қидирган қувур Тошкентда «Элёр» фирмасида бор экан!

Директор Хусайн Камолович қулоқларига ишонмай, Санжарга бошдан-оёқ разм солди. Кўзларидаги қувонч ва ишончни кўриб, тўсатдан телефон гўшагини кўтариб рақам терди.

- Тошкентга битта билет, ҳа, ҳа, шу бугунги рейсга, раҳмат, - сўнг Санжарга ўтирилди, - ўзингиз олиб келасиз, тезда жўнанг.

Директорнинг бир сўзли, чўрткесарлигини билган Санжар эътиroz билдирамади, зарур ҳужжатларни олиб, йўлга отланди. Эртаси куни пул ўтказиш учун факс орқали шартнома жўнатди. Икки кундан кейин эса машиналарга ортилган қувур Наманганга етиб келди.

- Раҳмат, Санжарбек, мана буни эркакча иш билар-монлик деса бўлади! - директор уни бағрига босиб елкасини силаб қўйди. Ҳамма хурсанд. Ишдан бўшаҳ ҳақида ариза ёзиш балосидан кутулиб, ҳокимлик олдида тили узун бўлган директор у ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам Санжарнинг хонасига бош суқиб:

- Қалай, ишлар бўляптими? -деб кулиб қўяди.

Бирдан иши юришиб кетганига Санжарнинг ўзи ҳам аввалига ҳайрон бўлди. Сўнгра булар Чароснинг шарофати билан бўлганини ўйлаб, қувонди.

Чарос анча йилдан бери бир сирни бировга айтгиси келмайди. Айтса, катта хазина ёки муқадлас нарсани бой берадигандай пинҳон сақлайди. Теварагида ҳамиша ёнмаён омад, фаришталар юради. Ҳозиргача бирор ҳақида ёмон ният қилган эмас, кўнглининг ҳамма буржида ёруғлик, нурафшонлик балқиб туради. Ким билан яқин ҳамдард бўлса, ўша фаришталар унинг ҳам оғирини енгил, узогини яқин қилаётгандай. Буни қувур муаммоси ҳал қилинганда яққол сезди. Олдин Маҳкам акаси билан яхши эди. У хафа қилгандан кейин теварагидаги кучлар ундан қайтиб, Санжарга омад келтира бошлаши. Уларга ҳеч ким буйруқ бермайди. Чароснинг кўнгли қайси томон мойиллигини дарров фаҳмлашади. Балки Чароснинг ўзи шундай ўйлар, у ерда ҳеч бир илоҳийлик йўқдир. Кутимаган омад Чарос билан чамбарчас боғлиқ эканлигини Санжар аллақачон фаҳмлаган, у оддий аёллардан эмас, қандайдир хосиятли, фариштали инсон эканига ишонч ҳосил қилганди...

- Чарос, сизни ташқарида одам сўраяпти, - магазиндан келган Мадина қитмирларча ундан ўзгаришларни кузатди. Кўзларидан бирорни кутмаганини сезгач, иши билан шуғулана бошлади.

Чарос «Мени ким сўраши мумкин?» деган таажжуб билан ташқарига чиққанида уни қора кўзойнак тақиб, гулли кўйлак, жинси шим кийган гавдали йигит кутиб олди. У эрталаб уйдан чиқаётгандан бегона машинада ўтирган уч эркакни кўрганди, ҳозир шуни эслаб, кўксидан хавотирга ўхшаш туйғу сидирилиб ўтгандай бўлди.

- Яхшимисиз, Чарос! - Мени яхши танимайсиз - Сардорман, Маҳкамжоннинг оғайниси. Уни кўриб кетай деб уйларингга борсам, Хоразмда дейишди. Қачон келишини хотини билса керак, деб адресингизни беришди.

Одатда одамлар рангли кўзойнакни олифтагарчилик ёки қуёш нуридан кўзни асрар учун тақишади, аммо яқинлари, танишлари билан гаплашаётгандан олиб қўй-

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

ишади. Сардор эса ўзини таниб қолишини хоҳлама-  
стгандай эди. Чарос «Яхши ниятда келмаган», дея шуб-  
ҳаланди. Йўлнинг нариги четида турган эрталабки ма-  
шинани кўрганида эса гумонлари тасдиқланди.

- У киши Хоразмдалар.
- Йигирма кунча олдин у ёққа бораман деб гапирган-  
ди, бир ҳафтада қайтмоқчиди-ку?
- Ишлари битмаган, шекилли, яқинда телефон қилиб  
бирор ҳафтада келишларини айтдилар.
- Маҳкамжон нега кечикканини айтмадими? Шу  
кунларга иккаламиз бир ишни режалаштириб қўйган-  
дик.

- Қанақа иш?  
- Россияга юк қилмоқчидик!

Чароснинг назарида бу жавоб олдин тайёрлаб қўйил-  
гандай тезлик билан айтилди.

- Маҳкамжон билан Олтойда танишганимиз. Шунинг  
учун бизни танимайсиз. Ишқилиб, тинчлик эканми?

Сардор Маҳкамжонга нима бўлганини билишга ас-  
тойдил қизиқаётгани аён бўлди.

- Кўп ташвишланманг, Чарос, - хотиржам гапирди  
Сардор, - Маҳкамжон - кўча кўрган йигит, ҳамма ишни  
тўғрилаб қайтади. Лекин уйдагиларга бир оғиз айтиб  
қўйинг.

У кетишга тараддулданиб, машинага имо қилди. Ма-  
шина шуни кутаётган, шекилли, юз метрча тўғрига юриб  
қайтди ва Сардорнинг олдида тўхтади.

- Маҳкамжон телефон қилса айтинг, улар билан кўп  
ўчакишмасин. Боши омон бўлса, пул топилаверали.  
Тезроқ қайтаверсин.

- Нега ундан деяпсиз?
  - Ақлли одамлар ўзини эҳтиёт қилиши керак. Айрим-  
лар бир-икки миллион пул деб ҳамма разилликка тайёр.
- Сардорнинг ташрифи Чаросни ташвишга солиб қўйди.  
Уйга айтишни ҳам, ўзи бирор чора кўришни ҳам билмай-  
ди. Назарида, Хоразмда юрган эрига бирон кор-ҳол

## **БӘҚИЙ МИРЗО**

бүлгандай хаёлида хавотирли фикрлар айланы-айланы уни толиқтириди. Шундагина Маҳкамжоннинг «Фирибгарнинг кўлига тушганман, шекилли», деган гапини эслади. «Нимадир қилиш керак», деган холосага келди.

Яхшиям ҳамма ўз иши билан банд. Изтироб чекаётганига бирор эътибор бермайди. У дам олиш хонасига кириб, нима қилиш ҳақида бош қотиради. «Маҳкамжон акам Россияга борадиган бўлса, аввалдан розилигимни сўрарди. Аммо Сардор айтган гапга ишониш қийин. «Ақлли одамлар ўзини эҳтиёт қилиши керак», «бош омон бўлса пул топилади», «айримлар бир-икки миллион пул деб ҳамма маразликка тайёр». Бу гаплар хавфли момақалдироқдай Чароснинг асабларига урилар, Маҳкамжоннинг боши узра қора булатлар айланяётганидан нишонага ўхшарди.

Кейинги вақтда эри билан муносабатлари яхши бўлмаса-да, олти йиллик турмуш уларни бир-бирига боғлаб қўйганди. Чарос янги келин бўлиб тушган кезлари хонадон хароб эди. Етишмовчилик кўп, чиқарадиган қиз, уйладиган ўғил бор. Бунинг учун эса катта пул керак. Ҳатто Маҳкамжон тушликка уйга келади. Машини бузмай, отасига топширади. Бундай камхаржлик учун ўзи қийналишдан ташқари, Чароснинг олдидаги хижолат тортар, изтироб чекар, дўстларидан қочиб юрарди. Ўшанда эрига ачинган, чин юракдан бу хонадонга кут-барака тилаган эди. У кунлар ўтиб кетди. Бутунги ачиниш унисига ўхшамаса-да, кўнглини изтиробга соладиган даражала қайгули тус олди.

Чарос бор гапни йўл-йўлакай Санжарга айтиб берди. Музқаймоқ дўконига етиб келишгач, Санжарнинг:

- Эҳтимол, бутунги одамлар пул олган фирибгарларнинг шеригидир?! -деган мuloҳазаси Чарос учун кутилмаган янгилик бўлди. Шундагина нега улар ўзида шубҳа туғдирганини англади.

- Хўш, нега унда бу гапларни Маҳкам акамга эмас, бизга айтишяпти?

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

- Содда бўлманг. Уларнинг найранги кўп. Ишни органгача етказмай қўрқитиб, силлиққина ёпишмоқчи.

- Демак, пул, машинадан кечиб қайтишса, уларга ҳеч нарса бўлмайди, шундайми?

- Шунаقا. Аммо одамлари шу ергача етиб келибдими, уйдан ҳам нимадир олиб кетишни кўзламадимикан?

Чарос умрида биринчи марта уй, машина, тилла буюмлардан ажralиб қолишини ўйлаб, ғалати ҳолатга тушди. Назарида, бу хонадон аввалгидай яна қашшоқ ҳолига тушиб қоладигандай қўрқиб кетди. Ёнида фикри теран, чукур мулоҳазали дўст борлигидан, оғир аҳволдан чиқишининг бирон йўли топилишидан умидвор, кўнгли ёришгандай бўлди.

- Чарос, кўп қайфурманг, ўлимдан бошқа нарсанинг иложи бор. Хоразмда холам яшайди. Икки кундан кейин таътилга чиқиб, у кишини зиёрат қилгани бораман. Балки ёрдамим тегиб қолар. Маҳкамжон кўнфироқ қилса, телефон рақамларини сўраб қолинг.

Энди Чароснинг кўнгли анча хотиржам тортиди. Кўзидағи қайгули манзара йўқолиб, нигоҳлари самимият ва жозибага чулғанди. Улар боғ айланиб, қоронғу тушишини кутишли. Сўнг кичик тумандаги Санжар гаплашиб қўйган хонадонга боришли...

\* \* \*

Одам оласи ичиди, деган гап бежиз айтилмаган. Маҳкамжоннинг тижорат иши юришаётган пайтда шаҳарнинг «Фанимкўл» маҳалласида яшовчи Аваз деган таниши атрофида парвона бўлиб қолди. Бир ойдан кейин муддаосини аниқ айтди: «Мени ҳам бизнесга шерик қилсангиз». Маҳкамжон унга бошдан-оёқ разм солди: «Уддабурро, пул деса жаҳаннамга кириб, бутун чиқадигандай кўзи чақнаб турибди. Майли, яхши бўлса ошини ер, ёмон бўлса...»

Тошкентдаги қўшма корхонага маҳсулот олгани бо-

ришганида мүлжалдагидан кўпроқ савдо қилиб қўйиши. Беш юз минг тул етмай қолди. Намангандан олиб келиш учун вақт керак.

- Танишлардан борми? - Авазга юзланди Маҳкамжон.
- Шу ернинг ўзида чорасини топмаса бўлмайди.
- Аваз алланарсаларни мулоҳаза қилиб, бир оз жим қолди.
- Бор, - деди бирданига бошини кўтариб, - бир оғайним... уриниб кўрай-чи.

Ҳақиқатан унинг хизматдош дўсти Раҳмонжон Эски Жўвада тижорат билан шуғулланар, икки йил олдин қариндошини ТошМИга операция қилдириш учун олиб келганида бозорда кўришиб, анча ҳантомалашган эди.

Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин муддаосини аниқ айтиб, пулни бир ҳафтада қайтаришга ваъда берди. «Чакки эмас!» ичida ўйлади Маҳкамжон.

Аваз ўшанда пулни фоизга берган, деб Маҳкамжондан қўшимчаси билан 600 минг олди. Бунинг устига пулни Тошкентга ташлаб келиш харажатининг ярмини ундириди.

Кунларнинг бирида у Маҳкамжонни излаб келди-ю, Чаросга кўнгли кетди. Уни бу даражада чиройли деб ўйламаганди. Йўлда-чўлда кўрганида машинасида уйга ташлаб қўядиган одат чиқарди. Чарос дастлабки кунлардаёқ унинг ниятини фаҳмлаган, зарба бериш учун қулай пайт пойларди. Ниҳоят, Аваз уни бир кун музқаймоқ-хўрликка таклиф қилди ва фарзанд кўришнинг пинҳоний йўллари ҳақида сўзлади.

- Мени ким деб ўйлаяпсиз? - оҳиста гап бошлади. Чарос. - Тирноққа зорлитимдан фойдаланиб, қўйнимга илондек кирмоқчимисиз?! Балки бизнесда ҳам Маҳкам акамни алдаб юргандирсиз?

- Нималар деяпсиз, Чарос? Мени нотўғри тушунманг, бунаقا мақсадим йўқ. Мен шунчаки айтдим-да!

- «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», деган мақолни эшитганмисиз? Мен сиз ўйлаган даражада хушомадга

учадиганлардан эмасман. Виждоним, эримга ҳурматим бор. Қолаверса, эримдан қаерингиз ортиқ? Унинг орқасидан тирикчилик қилаётган одамсиз-да. Аввал хотинингизнинг улласидан чиқинг. Энди йўлимни пойлаб, «обориб қўяман», деган найрангингизни йифиштиринг.

Аваз бу тарсакини еб, индамай кетмади. Ниятидан қайтмайдиганлар хилидан бўлгани учун «Бир карра ялиниб келасан!» дея кафтига тупуриб қўйди. «Эримдан қаерингиз ортиқ?» деган гапини сал бошқачароқ тушуни. «Тўғри, унинг пули кўп, аммо шундай қилайки, бойлигим кўпайганда ўзинг кўзингни сузасан!»

Аваз ўша кундан бошлаб, Чаросга етишишнинг асосий йўли ўта пулдор бўлиш деб ўйлади-да, тиришиб-тирмашиб сармоясини кўпайтира бошлади. Аммо Маҳкамжондан ўтолмали. Шундан кейин бошқа йўл топди: Маҳкамжонни банкрот қилиш керак! Уша кунлари гурунч олиб келиш тадбиркорлар учун катта даромад манбаи эди. У Маҳкамжонга билдирамай, Хоразмга бориб фирибгар тўда билан тил топишиди.

- Бизга қанча қолади? - гапни қисқа қилди гурӯҳ бошлиғи.

- Ўн миллионнинг устида турибсиз, aka! Фақат мен айтган ролни бажариб берсангиз бўлди.

Улар режани пухта ўйлашди...

Шундан сўнг Аваз савдогарларнинг гурунчдан катта фойда кўришаётганини айтиб, Маҳкамжонни қизиқтириб қўйди.

Каттароқ иш қилиш илинжида юрган Маҳкамжон унинг гапидан сўнг пулни белга тутиб, Хоразмга отланди...

\* \* \*

- Магазин ёниб кетибди!

Хоразмдаги вазиятдан хабардор бўлиб, ташвишда қолган чол-кампир ўзини йўқотиб қўйди. «Нега Маҳкамжоннинг иши орқага кетялти?

Тушдан кейин ички ишлар ходимларидан гап олган сотовчи янгилик топиб келди: аввал молларни ўғирлаб, сүнг дўконга ўт қўйилган!

Чол дўконни кўриб юраги вайрон бўлиб қайтди. Ёнгин катта фалокатнинг бошланишига ўхшаб юрагини зирқиратди. «Ўғлим эсон-омонмикан?» Бу қайғу билан овора бўлавермаслик учун қариндошларини маслаҳатга чақириди. Чаросга хабар берди.

Чароснинг юрагида кишини бехузур қилувчи ғашлик пайдо бўлди. Санжарнинг гапларини эслаб хulosса қилди. «Дўконни шип-шийдам қилиб, кулини кўкка совургандар ўша фирибгарларнинг шериги».

Ўғирланган сара молларни улгуржисига сотиб, Хоразмга қайтган Комил шеф ҳузурига кирди-да, саломаликдан сўнг стол устига пул ташлади. Кўзлари қувончдан ёна бошлаган Ҳамид стол ёнига келиб энгашди:

- Қанча?
- Беш миллион! - топшириқни бажарганидан мағрурланган Комил илжайди.
- Ихчамлаб келтирмабсан-да!
- Шу ерда тўғрилаймиз.

Ҳамид эшик олдida қатор турган шотирларига мъальноли қаради.

- Арслон, кечқурунгача Авазни топиб кел. Саша, сен авария операциясини яна бир қайтар. Аммо эҳтиёт бўл: у Наманганга ўз оёғи билан кетиши керак. Комил, мен билан қоласан.

Икки йигит стол устидаги пулга бир-бир назар ташлаб қўйишиди-да, топшириқни бажаришга жўнаб кетишиди. Столга бемалол ўтириб олган Ҳамид Комилга жиддий назар солди.

- Ҳеч ким билмадими?
- Менимча, йўқ!
- Йигитлар ишончлимиди?
- Уларни рози қилдик.
- Шу бутуноқ анавини «кўк»ига айлантири!

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ҲАНЖАР

Ҳамид пуллар орасидан битта тахламни ажратиб, Комилга узатди-да:

- Бугун яхшилаб дамингни ол. Кайф-сафо қил. Эртага иш бор! - деди.

\* \* \*

Мәҳмөнхонада зериккан Маҳкамжон күча айланмоқчи, овқатланмоқчи бўлиб ташқарига чиқди.

Унга тушкунлик азоб берарди. Умрида кўрмаган рус шаҳарларида тонна-тонна юқ сотиб, катта-катта пул топиб юрганида қийинчиликка учрамаган эди. Кутимаган йўқотишдан эсанкираб қолди. Ахир, ўн тонна гурунчнинг пули озмунча эмас-да!

Дастмояни бой бериш савдогар учун ҳалокат! Тиклаш учун кимгadir сарғайиши, анча вақт елиб-югуриши керак.

Пул олганларнинг шериги беш кундан бери қорасини кўрсатмайди. Аввал ҳамдардай турувди, кейин бефарқликка ўтиб олди. Маҳкамжон сездики, зериктириб пулдан воз кечишга мажбур қилишмоқчи. Уч кун олдинги тасодифдан эса анча қайғуга ботди. Эрталаб телеграфга бориб, уйига қўнгироқ қилди-да, гавжум кўчани кесиб ўтаётганида, ўқдай учиб келаётган «Жигули» атайлагандай секинлаб, унга яқинлашди, сўнг газ босди. Фикри пароканда, довдираб турганида машина ўнг оёғини яхшигина сидириб ўтди. Орқа ўриндиқдаги ўрисбашара йигит пешонасига кўрсаткич бармоғини тираб, кафтини айлантирди. «Жиннимисан?». Мәҳмөнхонада шимини ечиб қараса, тўпигининг тепасигача шилинибди. Суягига оғриқ бор. Кечқурун Аваз аввал «Бегона шаҳар, эҳтиёт бўлиш керак» деди-ю, бир оз ётгандан кейин:

- Маҳкамжон, биздан омад юз ўғирди, бунаقا сарсончилик қачонгача давом этади? Охири бахайр бўлишига кўзим етмаяпти. Ҳаммасидан кечиб кетворсаммикан? -

## БОҚИЙ МИРЗО

деб қолди түсатдан.

- Иўқ, оғайни, - деди Маҳкамжон изтироб билан, - машинангиз нари борса икки миллион сўмлик, мен ўн миллиондан айрилиб қолавераманми?

- Бўлмаса бирор чорасини кўриш керак-да?

- Нима таклиф қиласиз?

- Икки кун кутаман. Машинам топилмаса, милицияга адресимни бериб, уйга кетаман. Бола-чака, чол-кампир хавотир олиб ўтиришган.

- Мен-чи?

- Билмадим. Улар мард бўлса, пулни қайтарар. Фириб-гар бўлса, тушиб қолдингиз.

- Тўхтант, оғайни, фойда кўрганимизда яхшигина улуш олардингиз. Зисн келса, тескари тўнни кийиб оласизми?

- Ундей демоқчи эмасман, - кўзларини ўйнатди Аваз.

- Бегона жойдамиз, бошимизга бирон фалокат тушса суянадиганимиз йўқ. Сиз доим мўмай даромад қилиб юрганингиз учун йўқотишни сиғдиролмаяпсиз. Россияга бориб беш-ён миллионга тушиб келаётгандарга тўзим берсин экан-да!

Маҳкамжоннинг назарида Аваз «Аҳволинг шу эканку, Наманганда керилиб юрганингга ўлайми?» деб устидан кулаётгандай эди. Уч-тўрт оғиз аччиқ гапирмоқчи бўлдию, ўзини босди. У кетиб юборса, ўзи ёлғиз қолади.

Маҳкамжон шуларни ўйлаб, ошхона томон бурилди. Катта йўл четида машиналар ўтишини кутиб турганида рўпарасида «Жигули» пайдо бўлди. Давлат рақами счиб олинганини кўрди-ю, юраги «шув» этди. Машина ёнидан ўтастиб секинлади. Олд эшик очилиб, тўсатдан Маҳкамжоннинг оёғига зарб билан урилди. Сўнг яшин тезлигига кўздан йўқолди. У уч кун аввалги «Жигули»ни эсладию, юраги баттар сиқилди. Йўл четига юзтубан йиқилгани учун машинадагиларни таниёлмали. Тиззаси зирқираб оғир, ҳамма ери шалвираб қолганди. Одамлар келиб, уни турғазишиди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Кимdir

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

машина кетган томонга қараб «Номард» деб сүқинди. Яна бири «Тез ёрдам» чақирайликми? деб у ер-бу еридаги чангни қоқди. Маҳкамжон ваҳима кўтарилимаслиги ва номус учун «Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Врач керакмас», дегандан кейингина йигилганлар тарқала бошлашди.

Скамейкада бир оз ўзига келгач, у оқсоқланиб меҳмонхонага жўнади. Юрагида кўркув, ваҳима. Отасининг телефонда айтган гапини яна бир бор эслади. «Тез стиб кел, бош омон бўлса пул топилади».

\* \* \*

Шу соатларда Ҳамиднинг хонасига келтирилган Аваз тўда аъзоларининг шефга сергак боқиб туришларидан хавотирга тушаётган эди.

- Ҳўш, Авазбек, энди нима қилмоқчисиз?
- Нимани нима қиласман?
- Ўзингни гўлликка солмай бўладиганидан гапир!

Бирдан Ҳамиднинг сенсираши Авазни чўчитди. Ёнидагиларга илтижоли қаради. Кечагина у билан тил биритириб юрганлар безрайганча шефга қараб туришарди.

Аваз Намангандан келган даромаддан улуш кутганди. Кечадан бери ҳеч нарсанинг дараги йўқлиги шубҳаларини икки чандон оширди. Жиддий қиёфага кирган Ҳамид шаҳдам юриб Авазнинг устига бостириб келди.

- Нима қилишни билмасанг, мендан эшишт. Маҳкамсен айтганингдай ўғри ҳам, милициянинг айғоқчиси ҳам эмас, у иши юришган тижоратчи. Асли номард сенсан!

Ҳамид пўписа билан бир қадам босган эди, Аваз саросимага тушиб орқага тисарилди:

- Номардлигинг шуки, хотинини илинтириш учун дўстингни банкрот қилмоқчисан. Биз ролларни кутгандан зиёда ўйнадик, аммо шеригига хиёнат қилган инсон билан ишламаймиз. Энди ҳақимизни беру, келган жой-

## БОҚИЙ МИРЗО

ингга жўна!

- Қанақа ҳақ?! - овози хириллаб чиқди Авазнинг.
- Ие, - Ҳамиднинг кўзлари хунук таажжуб билан фазабга тўлди, - сенингчча, шунча хизматни бекорга қилдикми? Кимсан, Худоёрхонмисан, а?

Ҳамид Авазнинг кўкрагига зарб билан муштлади ва ёнидан лироқ олиб, Авазнинг кекирдагига қадади.

- Биз сендан кўп сўрамаймиз. Биламан, ёнингда ҳемиринг йўқ. Машинани бизга қолдиру, эртадан бу ерда қорангни кўрмай. Тушундингми??!

Вазият оғирлигини сезган Аваз «хўп» дейишдан бошқа чора тополмади.

Орқасига тушган тепки зарбидан бели қақшаганча меҳмонхонага келганида жони ширин кўринган Маҳкамжон кетиш учун ҳозирлангаётган эди...

\* \* \*

Маҳкамжон ёниб кетган дўконни кўриб хушидан айрилаёди. Ҳар қанча дадил бўлишга интилмасин, ўзини олдириб қўйгани сезиларди. Ишидан кўнгли совиди. Бир-икки бозорга борганини ҳисобга олмагандан, ўн кундан кўпроқ кўчага чиқмади. Чарос уни юпатди. Бўлмади. Сармояси тикланмаслигига кўзи етгани учун кўнгли ёришмади.

Доим кўчада күшдай учиб, қўлида катта пул ўйнаб юрган одам бирдан уйга қамалиб олса, ғалати бўларкан. У қорайиб, озиб кетди. Ўз дардига кўмилиб қолди.

Шунинг учун Чаросдаги ўзгаришларни ҳам, қалбини бошқа эркак забт этганини ҳам сезмади.

Кунларнинг бирида Чароснинг Россияга қатнайдиган акаси бозор-ўчар қилиб уни кўргани келди. Икковлари битта шишани бўшатишгандан кейин Маҳкамжоннинг юзи ёришиб, кўнгли очилгандай бўлди.

- Пул - кўлнинг кири, - деди, Расулжон. - бугун бор, эртага йўқ. Индинга яна қайтиб келади. Банкрот бўлиб

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Үзини тиклаб олаёттандар озми? Фақат сабр, шукр қилинг. Фоизга бериб қўйган пулларингиз бор. Бирордан қарзингиз йўқ. Уйга қамалиб олмай, одамларга кўшилинг.

Маҳкамжоннинг кайфияти кўтарилди.

- Россияга юқ қиласми! - деди у тўсатдан Чаросга.

Чарос бир оз ўйланиб қолди.

- Фоизга берган пулларимни оламан.

- Яна ўша Аваз биланми? - қошларини чимирди Чарос.

- Йўқ, Расулжон билан. Ҳарҳолда ўзимизники-ку!

Чарос рози бўлди. Аммо унинг пулдан бошқа дарди йўқлигини, хотинига кимсан, нималар бўляпти, деб озгина бўлса ҳам қизиқмаётганини ўйлаб, юраги сиқилиди.

«Наҳотки, шу одам билан бир умр яшайман? Пули кўпайса хурсанд, улфатчилик билан овора. Чўнтағи бўшаб қолса, хаёлига ҳам келмайман».

Чарос ҳар кунгидан кечроқ уйғонган бўлса ҳам, жойидан тургиси келмади. Нонушта қилаётганда ҳам иштаҳаси бўлмади. «Мазам қочди шекилли» дедиую, ишга кетаверди. Тушликда ҳам овқатнинг ярмидан кўпроги қолди. Шерикларининг «Олинг, нега емаяпсиз?» деган сўровларига «Иштаҳам йўқ», деб жавоб қайтарди. Соат учларда бошини столга кўйиб, кўзи илинди.

- Ҳа, Чарос, кечаси билан ўйку бўлмаганмили? - У Вера опанинг тагдор галидан уйғониб кетдию, бир оз хижолат тортди.

Эрталабдан бери уни кузатиб юрган Санжар сезган нарсасини Чаросга гапирмоқчи бўлдию. «Ўзи бирор гап айтар», дегандай индамади. Ишдан қайтишаётганда Санжар нималарнидир мулоҳаза қиласа эди. Бирдан ипга курут тизиб, сотиб юрган аёлга кўзи тушиб:

- Курут ейсизми, Чарос? - деди. Чарос «ялт» этиб унга қаради. Бу қарааш аввалги боқишларга ўхшамас, қандайдир маъноли ва бошқача эди.

- Кўнглим тусаган нарсани ўзимдан олдин биласиз-а?

- Сиз ҳақингизда күп ўйлайман-да!

Чарос севиниб кетди. Санжар бир ип қурут олиб, унга узатди. У ҳеч нарсага парво қилмай, иштаңа билан қурут еса бошлади. Санжар уни зимдан кузатиб, бошини чайқаб қўйди.

«Аввал кўзлари қиз боланикидай шўх ва беғубор эди, энди аёлникига ўхшаб қолибди». Бу қашфиёт кўнглига келган фикрни тасдиқлагандай жилмайди. Аммо тўйдан олдин ногара чалишни истамади.

Кечки овқатга уринган Чароснинг доғ бўлаётган ёғ ҳидидан кўнгли айниди. Мазам қочди, деб ўйласа, бирор ери оғримайди. Хонадонда сирдоши йўқлиги учун ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Уни уйку босарди...

Эрталаб яна кечаги ҳолат такрорланди. Юз-қўлини ювмасдан, сумкасидан Санжар олиб берган қурутдан биттасини оғзига солиб, кўнгли таскин топгандай бўлди. Ичи ёришиб, руҳиятига тиниқлик ёйилди. «Наҳотки!..»

Миясига келган фикр вужудига қувват бергандай шаҳд билан ўрнидан туриб ойна олдига борди. Тўзғиб кетган сочларини тартибга келтириб, ойнадаги аксига тикилди. Ранги сал бошқачароқ. Юзлари тўлишганга ўхшайди. Ширин бир энтиқиши билан қорнини силади...

Аввалиари ойисидан ҳомиладор бўлса, қандай ҳолатга тушишини сўраган. Тоби қочган вақтларида ўзидағи ўзгаришлардан суюнар, аммо бир неча кун ўтиб олдинги ҳолатига қайтгандан кейин руҳи тушиб кетарди. Бугунги вазият ўтганларига сира ўхшамаслигини ўйлаб, ичичидан қувонди. Қувонч қалбига сел каби қуюлиб, руҳини кўтарди. Фикри тиниқлашиб, яхши нарсаларни ўйлай бошлади.

Чарос ўзидағи нотаниш, айни пайтда ёқимли ҳолатларини бир ҳафта кузатди. Ёғлиқ таомларни хушламай, шўр нарсаларни истеъмол қилишни истарди. Кўнглида Аллоҳга шукр айтар, қалби остидаги миттигина жон дунёдаги барча ҳазинадан қимматли туюлар, Маҳкамоннинг бой берган миллионлари хаёлига ҳам келмасди.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ САНЖАР

Хомиладор эканига шубча қолмагандан кейин ўзини анча босиб олди. Ва буни биринчи кимга айтсам экан, дея ўйлай бошлади. Онасигами, қайнонасигами, эригами? Кимга айтсин?! Балки Санжар акасига айттар! Чунки ҳеч ким эътибор бермаса ҳам, Санжарнинг зимдан кузатишларини, сирли жилмайишларини пайқаганди. Фарғонада қовушишган кунга бир ойдан ўтди. Боланинг ундан экани аён!

У кундузи билан ўйланиб юрди. Фикрлари ёш бола ўйнаётган калавадай чувалашар, хаёллар қўнглига ғашлик соларди...

Кечки пайт телевизор кўргиси келмай, жойига чўзилди. Россияга юк жамлаш билан андармон юрган Маҳкамажонни кутиш хаёлига ҳам келмади. Оғироёқлигини билганда қанчалик қувонган бўлса, тундаги ўйлар шунчалик қўнглини чўқтириди.

«Эй, Аллоҳ суюкли банданг эдим-ку, шу фарзандни нега эримдан кўрмаяпман? Бегона эркакдан бўлган болани «Бу сизники» деб қандай айтаман унга? Бу виждонсизлик, ноинсофлик бўлмайдими? Кейин у бегонанинг боласини бир умр ўзиники деб эркалайди, тўйлар қиласди. Тўғри, буни ҳеч ким билмайди. Аммо ўзим бир умр виждон азобида қийналиб яшайманми? Ҳақиқий ота эса бир умр уни «болам» деёлмайди. Агар ўғил туғилиб, катта бўлган сари Санжар акамга ўхшаб қолса, сиримиз ошкор бўлади-ку! Кўпчиликнинг олдида ким деган одам бўламан? Улар юзимга айттолмаса ҳам шивир-шивир қилишади. Ёки «Эри беспушт экан, тирноққа зор ўтмай дегандир-да», деб кечиришармикан?

Охирги фикрдан қўнгли таскин топгандай ухлаб қолди.

У эрга тегаётганмиш. Атроф чароғон, файзли эмиш-у, тўйда Санжардан бошқа ҳеч ким йўқ эмиш. Бирдан умрида кўрмаган шаффоф нур пайдо бўлди. Қараса, Санжар ёнидан тилла узук оляпти. Бировдан ҳадиксирагандай тезда Чароснинг бармоғига тақиб қўйди. Бу

түшни ярим кече күрдими, тонгта яқинми-эслолмайди. Үйғонганида хүрөзлар қичқираётган, шарқ осмонида алвон байроқ ҳилпирамоқда эди. Руҳи тиниқ, кайфияти яхши. Вужудидаги беҳоллик чекинган Чарос нонуштани учиб юриб тайёрлади.

- Биз бутун кечқурун жүнаймиз, Чарос! - Маҳкамжон чойдан кейин унга юзланды. Күзларида хотинидаги ўзгаришларни сезиш ҳисси эмас, балки эсон-омон бориб келсам, катта пулга эта бўламан, деган қувонч кўринарди. Чарос бир оз маъюсланди. Аммо бугун гаплашиб олиш шартлиги учун маҳзунликка бўй бермади. Икковлари тушунган имо-ишора билан уйларига киришди.

- Маҳкамжон ака! - нозик жилмайиш билан боқди Чарос, - уйимиздаги бирор янгиликни сездингизми?

Маҳкамжон атрофга аланглади. Хонадаги жиҳозлар ўз ўрнидалигига ишонч ҳосил қилгач, қўлини икки томонга кериб, елкасини қисди.

- Наҳотки, ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ?! Сиз нарсаларга эмас, менга қаранг.

- Ўша-ўшасиз.

- Балки сал ўзгаргандирман?! - Чарос икки нарсани: Санжар акаси билан алоқасию, ҳомиладорлигини назарда тутган эди. Афсуски, эри биронтасини ҳам тушунмади.

- Майли, - деди Чарос табассум билан, - Сафардан қайтганингиздан кейин биларсиз. Факат «Кетаётганимда нега айтмадинг», деб гина қилмасангиз бўлди.

- Гина қилишга арзийдими, ўзи?

- У шунаقا қимматлики, бу дунёда tengi йўқ.

Маҳкамжонда бир оз қизиқиши пайдо бўлганини сезган Чарос унинг иштиёқини оширишга интилди.

- Миллион, миллион пуллар унинг олдидা ҳеч нарса эмас!

- Лотеряяга «Нексия» ютдингми?

Маҳкамжоннинг кўзлари чараклаб кетди. Чароснинг елкаларидан ушлаб, ўзига тортди.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

- Қанақа «Нексия», жиннивой! Яқында ота бўласиз!  
- Ростданми?

У хотинини бағрига босди.

- Ҳа, Маҳкам ака, фарзандли бўламиз!

Чарос эрининг кўксига бош қўйиб йиғларди. Юраги тўлиб, ўзини ташлаб юборишдан тийиб турарди.

- Худога шукр, фарзанд беряпти, қаторга қўшиладиган бўлдик, аламли кунлар орқала қолаётгани рост бўлсин!

Чарос кўз ёшларини артиб, Маҳкамжонга термулди.

Эшик очилиб, қайнонаси кириб келди. У ташқарида ҳамма гапни эшишиб турган экан. Қайнона - келин кучоқлашишди.

- Бўйларингиздан айланай, қизим! Худога минг қатла шукр, қутлуғ бўлсин!

Маҳкамжон уялганнамо четроққа чиқди. Қайнонаси оловкуракда исириқ олиб кириб, Чароснинг атрофида тутишиб, айлантирди.

- Аллоҳга беадад шукр, ёмон кўздан асрасин, умри билан, ризқи билан берган бўлсин. Ўзим ҳам сезиб юрувдим-а, иштаҳангиз йўқ, курут чайнаб юришингиздан. Шунақа, қизим! Бирорга эртароқ, бирорга кечроқ беради. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Ҳозирча бирор билмай тургани маъқул, хўпми!

Чарос уялиб ерга қарап, атрофида парвона бўлаётган қайнонасига нима дейишини билмасди.

У чиқиб кеттанидан кейин Чарос эрига оқ йўл тилади:

- Энди хотиржам бориб келаверинг.

\* \* \*

Директор кутилмаганда Санжарни йўқлаб қолди.

- Кадрлар бўлимидан ҳужжатларни олиб, камчилиги бўлса тўғриланг. Мен бошқармага учраб келганимдан кейин ҳокимиятга борамиз.

У бошқа гап айтмади. Муомаласидан яхшилик аломати сезилиб турарди.

Тошкентдан қувур келтириб директор ишончига кирған Санжарга идорадагиларнинг муносабати ўзгариб қолган, мансаби кўтарилишига умид билан қарашарди. Директор ўринбосари нафақага кузатилгандан сўнг ўрнига ҳеч ким тайинланмаганди. Ўзаро суҳбатларда бу лавозимга Санжар ўтса керак, деган фикр айланардию, аниқ холоса айтилмасди. Директор тушга яқин қайтди. Санжарни чақириб:

- Гап шундай, Санжарбек. Белни маҳкам боғлант, ўринбосарим бўласиз. Бизга сиздек ёш, улдабурро йигит керак. Ҳокимият билан келишганман, суҳбатдан ўтасиз, холос, - деди.

Эрталаб Санжар ишга келганида бу хабар яшин тезлигида тарқалган эди. Қисқа йигилишдаги эълондан сўнг ҳамма уни табриклади.

«Онам суюнадилар,- ўйланди хонасида Санжар, - ўқишини битириб, ишга жойлашганимда ҳам чин юракдан қувонган эдилар».

У баҳтиёр эди, қувончи ичига сиғмасди. Бу шодликни баҳам кўриш учун ишдан кейин «Н» сиҳатгоҳида дам олаётган Дилмуроднинг олдига боришга қарор қилди. Чаросга индамай кетишини эп кўрмай, уни хонасига чақириди.

- Чарос, хурсандмисиз?

- Жудаям! Табриклайман, - табассум қилди у.

\* \* \*

Ишхонага яқинлашган Чарос узоқдан бир киши кузатиб турганини сезли-да, астойдил эътибор билан назар ташлади. Бу ким бўлди? Қиёфаси жудаям таниш, ёнида турган машинани қаердадир кўрган.

Эслади. Маҳкамжон Хоразмда юрган пайтида келган Сардор! Тавба! Доим эри йўқ пайтида пайдо бўлади. Атайлаб келаётгандай. Аммо бугунги қиёфасида ёмонлик аломати сезилмайди.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

- Яхшимисиз, Чарос! Уйдагилар тинчми?
- Раҳмат, ўзингиз тузукмисиз?

Сардор машинанинг олд ўриндиғидан цеплофан пакетта солинган тұртбурчак нарса олди-да, Чаросга узатди.

- Маҳкамжон қайтса, шу омонатини бериб күйсангиз. Хоразмдан бериб юборишиди.

Сардор машинага ўтириди-да, «Хайр, Маҳкамжонга мендан салом айтинг», деде кетиб қолди.

Чарос «Пул кимдан, нега бериб юборади?» деб сўрамоқчи эди, аммо воқеа кўз очиб юмгунича содир бўлгани учун пакетни ушлаганча анграйиб қолаверди. Маҳкамжон Россияга жўнаб кетгунича пул ҳақида гапирмаган эди. Эҳтимол, бутунлай умидини узиб кўйгани учун бирор нарса дейишни хоҳламагандир. Авазнинг кирдикорларидан бехабар бўлгани учун берган пулнинг ярми қайтишини у қаердан билсин?!

\* \* \*

- Чарос!

У ёстиқдан бош кўтариб, атрофга аланглади. Эшик берк. Хона жимжит.

- Эшитяпсанми?

Таниди. Фарғонадан келган тундаги овоз. Юракнинг чуқур жойидан чиққан бу садо вужудини жимирилатиб, хаёлида айланган саволларни марварид доналаридай ҳар томонга сочиб юборди.

- Ҳа, - деди кўнглида.

- Қачонгача ҳаммадан беркиниб гуноҳи азимга ботиб юрасан? Эрингга, оиласнга хиёнат қилишдан ўзингни тиймадинг. Энди никоҳсиз туғиладиган бола учун уйдагилар олдида гердайиб юрибсан. Яна бегона тўшакда жазманинг билан айш-ишрат қиляпсан!!!

- У менга жазман эмас? Мен Санжар акамни севаман!

- Севгини баҳона қилиб, ҳаромзода ўғил туғмоқчими-

сан? Виждон азобида қовурилишдан құрқмайсанми?

- Бир дона киприк ҳам Аллоҳнинг буйруғисиз түкилмайди. Болани Ҳудо беради. Мен учун ҳалол. Туғилмаган норасида ҳақида ёмон гапларни айтишдан уялиш керак!

- Ёмонликни қылган эмас, айтган уяладими?

Чарос жавоб қайтармоқчиди, бироқ кутилмаганда овоз тиниб, борлиқни сукунат қоплади.

Чарос ўзи учун иккита йўл қолганини тушунди... Санжардан буткул воз кечиб, гуноҳларига тавба қилиш ёки бир умр азобда яшаб, келгуси кўнгилсизликларга тайёр туриш. Йўқ, у барчасини бардош, сабр-тоқат билан енгади. Санжарни қанчалик севмасин, эртанги ҳаёти, фарзанди баҳти учун пинҳоний лаззатлардан воз кечади. Кўнгил кўчасида дайдишдан ўзини тийса, Аллоҳ унга хотиржамлик, руҳий осойишталик берар. Ширин, беғубор туйгуларни қалбига қайтарар.

Кейинги икки-уч ҳафтада Санжарга яқинлашмади. Ёзган хатларига эътибор ҳам бермади. Фақат ўйланиб, ўз хаёллари гирдобида яшади. Бир ойдан сўнг директор вазирликка ишга ўтди. Санжар ўрнига вазифасини бажарувчи бўлиб хизмат қила бошлади. Чарос ўзини олиб қочишга қанчалик ҳаракат қилса, Санжар яқинлашишга шунча интилар, имкон бўлди дегунча хонасига чақириб, гапга тутарди. Орадаги муносабатлар тушунксиз кунларда Тошкентдан хабар келди. Собиқ директор вазир ўринbosари лавозимига кўтарилибди. Ўрнига Санжарни чақирибди.

Санжар Тошкентга жўнаш арафасида Чаросдан хат олди. «Санжар ака, сиз омадли йигитсиз. Келажакда бундан ҳам обрўли бўлишингизни Аллоҳдан тилайман. Йўлингиз ҳамиша очиқ бўлсин. Мени эслаб туринг, Чарос». Санжар самолётда кетаётib хатни қайта-қайта ўқидию, аёлнинг мақсадини аниқ тушунолмади. Бир ойдан кейин оиласини кўчириб кетиш учун Наманганга келганида қалбидаги соғинч қадрдан ишхонага етакла-

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

ди. Чарос анчагина тұлишган, оппоқ юзида билинрабилинмас дөглар пайдо бұлған эди. Ишхонадагилар билан анча чақчақлашиб үтиришди, үтган даврларни хотирлашды. У ишхонадан чиқаётганида Чароснинг имо қылганини сездію, ташқарида бир оз кутиб турди.

- Тошкентта қачон қайтасиз, Санжар ака? - чиқа солиб сүради Чарос.

- Эртага кечки пайт, - ниманидир кутгандай қизиқсисиңб жавоб берди Санжар.

- Туш пайтида ўша музқаймоқ дўконида учрашсак, икки оғиз гапим бор эди.

- Майли, соат ўн иккіда кутаман.

Чарос кечки овқатни иштахақсизлик билан тотиб, ўзини диванга ташлади. Маҳкамжон янги бизнес лойиҳани амалга ошириш билан қаёққадир кеттган, қачон қайтиши но маълум эди. У саройда яшайдиган маликадай танҳо қолди. Зеро, бугун кечкурун шундай бўлишини хоҳлаганди.

- Эй, Худо, - деди у ётган жойида, - ўзинг сабр бер. Майли, Санжар акамга бўлган севгим юрагимда яшайверсин. Аммо эртага у билан учрашганда чегарадан чиқармагин. Гуноҳларимга тавба қилдим!

Кутилмаганда кўксидаги эҳтирослар тиниб, ҳамма ёқ сув сепгандай жим-житлик оғушига чўмди.

- Сенга ишонса бўладими?

Бу ўша овоз!

- Ахир, тавба қиляпман-ку. Наҳот менга ишонмайсан? Бир неча ойдан бери ўзимни гуноҳдан асраб юрганимга гувоҳсан-ку!

- Ёлингда тут. Тавба фақат бир марта қабул қилинади.

- Қалбимни тушуниб етдим. Бир томчи гуноҳни ҳам кўтара олмайди. Энди ваъдамни бузсам, ҳамма жазога тайёрман.

- Аллоҳ сабрлilarни яхши кўради. Тавбани маҳкам ушласанг, эрингнинг қалбидаги музни эритиб, отаси олган қарғишни чиритиб юборар...

- Шундай бўлиши мумкинми?

- Унинг каромати кенг.

Чарос анчадан бери Санжарга хат ёзиши кўнглига тутиб юрганди. Назарила, бугун фурсат етди. Тошкентга кетса, қачон қайтишини Худо билади. Қолаверса, туғруқ таътилига чиқса, у билан учрашолмай қолиши аниқ.

У таътилни ўйларкан, қалбига севинч ҳислари қуилди. Беихтиёр кўрпани кўтариб турган қорнини силади. Туғилажак фарзанди хаёлига келиб, томирларида fuур жўш ура бошлади. Ўзини тутолмай туриб кетди. Ойнага яқинлашиб кўзларига қарадию, ҳайратдан қотиб қолди. Ажабо! Юзларida шафакрант нур товланар, нигоҳида эса тиниқлик, чароғонлик ўйнарди. Назарида, бу жозиба қалбида пайдо бўлган поклик ва илоҳиёт алангасининг ёруғлиги эди. У яхши эслайди, мактабни тугатаётган пайтлари-балофат ёшига етганида юз-кўзларida ана шундай ёруғликни сезган, лекин ўз чиройига маҳлиё қизлардан эмаслиги учун эътибор бермаган эди. Орадан шунча йиллар ўтиб, яна ўша нур вужудига қайди.

Нега шундай? Аллоҳ тавбамни қабул қилдими кан? Наҳотки, илтижоларим, чин дилдан қилган муножотларим етиб борган бўлса?!

У вужудида ёқимли ва соҳир энтиқиши сезди. Бутун танасини кўринмас одам меҳр-муҳаббат билан силаб-сийпалар, кўллари сезилган жойдан танасига билинрабилинмас ҳарорат ўтаётгандай туюларди. Яшаш нақадар завқли, ҳаёт нақадар гўзал!

«Санжар ака! Тошкентга кетишингиздан аввалги муносабатимдан ҳайрон бўлгандирсиз. Турли хаёлларга борганингиз ҳам ажабланарли эмас. Олдин қаёққа бошласангиз, кетаверардим. Сизни севганим учун эримга хиёнат қилдим. Гуноҳ фарзанд қайғуси туфайли бўлганини яхши биласиз. Сизнинг олдингизда қарздорман. Буни виждоним айтиб турибди. Юрагимда аллақачон қовжираб қолган севги фунчасини тирилтириб, очилтирдингиз. Ҳаётда сизни учратганим туфайли оналик остонасида турибман.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Биз энди учрашмаймиз. Тақдир тақозоси билан тасодифан күришиб қолсак ҳам, дўстона мумомала билан кифояланамиз.

Мени яхши кўришингизни биламан, шу севги туфайли сиз ҳам юракнинг бир чеккасига санчилаётган хиёнат азобини йўқотолмаётганингиз аён. Мен гуноҳларимга тавба қилдим. Сиз ҳам Аллоҳга илтижо қилинг, кароматидан бебаҳра қолдирмайди.

Энди сиздан бир нарсани ўтиниб сўрамоқчиман. Ўйлайманки, ягона илтимосимни ерда қолдирмайсиз. Туғилажак фарзандим сиздан эканини ҳеч ким билмасин! Бу - иккимизнинг сиримиз бўлиб қолсин!

Оиласингиз билан баҳтли бўлинг.

Салом билан Чарос».

Чарос хатни тўрт буклаб сумкаласига жойлади-да, билинار-билинмас хўрсинди. Эртаси куни уни Санжарга берганида елкасидан тоғ ағдарилгандай, енгил тортди.

Чарос хиёбондан узоклашиб кетгунича Санжар унинг ортидан термулиб турди. Бир вақтлар қалбига қўнган фаришта учеб кетаётгандай, кўксисда орзиқиш, билинрабилинмас изтироб туди.

Орадан бир неча ойлар ўтиб, Мадинадан хат олди. Мактуб ичидаги шундай сатрлар бор эди: «Чарос ўғил кўрди, бирам ширин, бирам ёқимтойки, бир келиб кўринг, ҳайрон қоласиз... Ишхонамизга тўйча қилиб берди, жудаям хурсанд. Қувончдан бўлса керак, баҳордаги гулдай очилиб кетибди».

У нимага урғу берганини Санжар тушунди. Аммо Чарос ўғиллик бўлганидан суюнди. Ички бир гурур юрагига олов ёқди. Намангандек учуб боргиси, ўғлини кўргиси келди. Шу куни ишдан кейин боғ ёнидаги кафега кириб, бир оз ичди. Узоқ-узоқ хаёл сурди, ширин, кўнглини қитиқловчи туйғулардан масти бўлиб кўча айланди.

У меҳнат таътилига чиқиб, ота-онасини кўргани Намангандек келди. Икки-уч кун дам олгач, Чаросни қан-

дай учратиши, ўғлини кўриш йўлларини қидирди. Бир неча марта кўчасидан машинасини секинлатиб, ҳовлисига қараб ўтди. Аммо унга дуч келмади. Бир ҳафтадан кейин бозорга бориш баҳонасида уларнинг маҳалласидан юрди. Узоқдан Чароснинг бола кўтариб машинадан тушаётганини кўрдию, юраги ҳапқириб кетди. У машинадан тушиб, Чарос билан сўрашди.

- Кутлуг бўлсин, Чарос!
- Раҳмат.

У болага термулди. Бола бир томчи сувдек Санжарга ўхшарди. «Майлими» деся қўл узатиб, чақалоқни қўлига олиб кўксига босаркан, димоғига гўдак ҳиди урилди.

- Исли нима?
- С-с-санжарбек!..

Унинг юрагида оғриқ турди...

\* \* \*

Санжар шу куниёқ Тошкентга отланди. У қадрдан шаҳридан тезроқ узоқлашишни истарди. Ана, Қамчиқ довони. Ҳозир уни фақат довон тушунади. О, тоғлар! Сабр-тоқатнинг буюк тимсоллари! Тангрининг тенгизиз марҳамати илин инсон улардан куч олади, уларга талпинади. Санжар уфққа боқди. Эртанги ёруғликдан дарак бериб қуёш ботмоқда. Ажабки, худди ўша лаҳза чақалогини бағрига босган Чароснинг маъсум чехрасини ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари сийпаларди.

«Аллоҳ билгувчи!» деди Санжар машинаси эшигини шаҳд билан очиб.

«Аллоҳ кечиргувчи!» деди Чарос чақалогини бағрига босиб.

Уларни олдинда қандай йўллар кутмоқда - бу Яратганинг ўзига аён. Ҳар иккови ҳам англашардики, улар етган манзил нелигини ҳеч бир банда охиригача изоҳлай олмайди. Ким ҳақ, ким ноҳақ - буни Яратганинг ўзи билади. Бандасининг ҳукми бекор. Ҳукм Аллоҳдандир!

### МАКТАБ БОҒИ

Мўминов домлани собиқ жамоаси байрамга таклиф қилди. Саксонга кирган бобо ўзида йўқ хурсанд. Ўғли совға қилган костюм- shimни кампирига дазмоллатди. Оқ кўйлакка қора галстук боғлади. Ёш йигитга ўхшаб виқор билан гердайди-да, ҳазиллашган кўйи Холида аяга буйруқ қилди.

- Туфлини арт, момоси!

Кампир ёш эрини ишга жўнатаётган аёлдай ўз ишини ҳафсала билан бажарди. Костюмига ёпишган майда ипларни икки бармоғини намлаб, қимшиб олди.

- Байрам экан деб ўйнайверманг, ёшингизга яраша сипо ўтиринг, хўпми, чол?

Домла ёшлиқ даврида соchlарини силлиқ тараб, дазмолланган кийимда ишга жўнаганида Холида ая бир оз раشك қилгандай:

- Кўз тегмасин, суф, суф! - деб қўярди.

Ҳозир ҳам ўша маъсуд дамлар ёдига тушди-да, домланинг чертса қон томадиган юзларига қараб меҳри товланди.

У мактабга етиб борганида кўпчилик ошхонага тўпла-наётган, ташқарида, темир ўчоқда дамланган паловнинг иштаҳани қитиқлайдиган ҳиди димоққа уриларди.

Ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўзи ўқитган, қўлида ишлаган ёшлар бўлгани учун ҳовлида салом бериб, кутиб олишди. Домла ҳаммаси билан қучоқлашиб, елкаларини силаб кўришди. Барчасида байрам кайфияти сезилиб турар, бироқ ўрта ёшлиларида сал ташвиш борга ўхшарди. Кўнглида аллақандай хавотирга ўхшаш туйғу уйғондию, умумий кайфиятига кўпам таъсир қилмади.

Бекмирза домлага қараб-қараб қўяр, ундан нимани-дир яшираётгандай туюларди.

Домла ишламай қўйганига ўн беш йилдан ўтган бўлса ҳам мактабдаги барча ишлардан хабардор, айниқса, янги

раҳбарлар тайинланса, албатта, фотиҳа бергани келарди. Барча масалаларда маслаҳатларини аймас, хусусан, отаоналар мажлисиде қатнашиб, тарбия, ота-она масъулияти ҳақида жонли мисоллар билан қимматли фикрлар айттарди. Қишлоқ аҳли домланинг юкли, салмоқли танқидларига жим қулоқ солади. Ҳатто айримлари сўз олиб миннатдорчиллик билдиришади.

Домла бир йил Тошкентдаги ўғлиницида яшаб, кейинги ўзгаришлардан бехабар бўлгани учун Бекмирзадан:

- Қандай янгиликлар? - деб сўради.

У жавоб бериш ўрнига:

- Устоз, ичкарига кирайлик, жамоа кутиб қолди, Сизсиз столга ўтиришмайди! - деда илжайди.

Домла шогирдининг кўзларига қарадию, ўзидағи хавотир яна кучайганини сезди. «Шу мактабда нимадир бўлган-ов!» кўнглидан ўтказди. «Мендан ниманидир яширяпти. Тавба, бунақа одати йўқ эди-ку!»

У зинапоядан икки қадам ташлагани заҳоти негадир ўнг томондаги майдонга назари тушди. Тушди-ю, ҳангумант бўлиб қолди! «Ажабо! Салкам ярим гектар келадиган беҳизор қани? Кўзим хато кўрмаяптими?» У икки кўзини қаттиқ юмиб очди. Яна ўша ҳолат - беҳизор йўқ! Йўқ! Йўғ-э! Бўлиши мумкин эмас!

- Домла, юринг, чақиришяпти, - Бекмирза билагидан ушлади.

- Тўхта, тўхта! Бекмирза, беҳизор қани?

- Сендан сўраяпман?

- Домла, - чайналди у, - кейин гаплашамиз, ҳозир, ўқитувчилар кутиб қолиши.

- Менга қара, болам, беҳиларни ким қўпориб ташлади?

- Ҳа, ўтган баҳор Зарифахон, ўрнига экин қиласиз, деб кестириб ташлаганди.

- Янги директорми?

- Ўша!

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ЖАНЖАР

- Нима хаққи бор? Арласини хом ўрганмиди?
- Яқында пенсияга чиққан Мансур aka гапга арапашди.
- Домла, ҳозир кайфиятни бузманг, кейин бемалол гаплашамиз.

Ичкаридан директор Зарифахон чиқиб, күzlари катта-кatta очилиб асабийлашаётган домлани күрди-да, капалаги учиб кеттандай бўлди.

- Ассалому алайкум, келинг, тинчликми, устоз?
- Баалайкум...
- Шундай байрам кунда-я! Кўйинг, домла!
- Зарифахон, беҳизор қани?
- Ҳа-а, уми?
- Ўша, бундан ўттиз йил олдин биз яратган беҳизорни айтяпман!

Домланинг овозида бир оз таҳдид, ўксиниш, афсусла-ниш бор эди. Зарифанинг «Ҳа, уми?» деган беписанд гапини эшигандан кейин юрагига зардоб тўлди.

Тел-теккис ерга қараган сайин юраги вайрон бўлди. Зарифа гўё беҳизорни эмас, юрагини пайхон қилиб, орзуларини, хурсандчилигини қўпориб ташлагандай аъзойи баданида титроқ турди. Оёқ-кўли қалтираб, дар-мони йўқолди. Ҳеч кимга эътибор бермасдан, беҳизор-дан ном-нишон ҳам қолмаган текис шудгорга қараб, зинапояга ўтириб олди. У урушда ҳалок бўлган ўғлига аза очган кекса жангчига ўхшарди ҳозир.

- Сен, - деди Зарифага қатъий овозда, - мени хўрлаш учун чақирганмидинг? «Сен яратган боғни ер билан яксон қилдим, кўриб кўй», демоқчимисан?
- Жон домла, ўзингизни босинг! Нотўғри тушунманг!
- ялинчоқ овозда илдао қилди директор, - ўрнига янги боғ яратамиз. Худо умр берса, келиб кўрасиз. Мевасидан ҳам ейсиз!

- Сен аввал ярат, кейин бизникини буз! Боғ қиламан десанг, мактаб орқасида ер кўп, ёнбағирда бир гектарча майдон бўш ётганини кўрмадингми? Фотиҳа бергани келганимда мактаб атрофини обод қил. мева эк, бола-

ларнинг оғзи тегади, дегандим! Наҳот, икки йилда ёдингдан чиққан бўлса?! Бир йил аввал ҳовлидаги чинорларни кесиб сotяпти, дейишганида пулини таъмирлашга ишлатар, деб ўйлагандим. Энди беҳизорни нега кесасан? Ё ўтин қилиб сотдингми? Бизнинг авлод экканни сенлар кесасанми? Бир туп мевали кўчат экмай туриб, бутун бошли боғни кесишга ким буйруқ берди? Наҳотки, гарқ ҳосилга кирган боқقا ачинмаган бўлсанг?!

Атрофга тўпланган ўқитувчиларнинг ҳам боши эгилди. Зарифа боғни кестираётганида икки-уч нафар домладан бошқаси қаршилик кўрсатолмагани учун ўзларини айбордor ҳис этишар, боғни сақлаб қолишининг иложи бўлмади, дегандай елка қисиб туришарди.

Кўпчилик домлани турғизмоқчи бўлди. Гинахонлик байрамга ярашмайди, деган фикрга борди, шекилли, домла уларнинг ёрдамисиз ўрнидан туриб байрам ўтказиладиган залга юрди. У атрофида парвона бўлаётган директорга ҳам, ўқитувчиларга ҳам парво қилмас, хаёлида олис йиллар, боғ билан боғлиқ хотиралар жонланадиган эди...

Домланинг болалик ва ўсмирлик даври очарчилик йилларига тўғри келди. Одамлар бир бурда нонга зор, ажриқдан атала тайёрлаб кун ўтказишар, кун бўйи бир коса атала учун кетмон чопишарди. Шундай кунларда aka-ука касалликка чалинишди. Улар тинмай йўталишар, дори-дармон кам, шаҳардан сотиб олгани пул йўқ. Маҳалладаги Ҳидоят момо болаларни кўриб раҳми келди. Кечки пайт ярим пақир беҳи қоқи олиб чиқди.

- Қайнатиб ичир, йўтални, шамоллашни олади, - деди онасига.

Икки ҳафта шундай муолажа қилинди. Эрта баҳорда aka-уканинг томоқлари юмшаб, нафас олишлари енгиллашди. Колхозга асосий куч бўлиб ишга киришди. Орадан йиллар ўтиб, у институтда ўқиди. Қишлоқда Мўминов домла деса ҳамма ўрнидан туриб, салом берадиган устозга айланди.

Шу мактаб күрилганида домлани директор этиб тайинлашди. Бинонинг чап томони ёнбағирлик, яндама эди. Домла колхоздан бульдозер, экскаватор сүраб тупроқни олдирди, яндамани сурдирди. Танишлари, дүстлари, собык ўқувчилари ёрдамида аллақайсай тумандаги күчатчилик ширкатидан юз тупдан ортиқ түрт хил сара беҳи күчати олиб келди. Ўқитувчиларни ёнига олиб ерни текислашди, ниҳолларни китобида ёзилганидай ўтқазишиди. Бино атрофига чинор экишни ҳам унугашмади.

Домла ёшлигидан қийинчилик, очарчилик күриб ўсгани учун ҳалол яшарди. Беҳилар ҳосилга киргач, элдан ортиқча бир дона ҳам уйига олиб кетмади. Гурухда овқатланадиган бошланғич синф ўқувчиларига тушлик-да беҳидан компот беришни йўлга кўйди. Ўқитувчилар ҳам бу марҳаматдан бебаҳра қолишмади.

- Синфда кўп гапирасизлар, овозга нафи тегади, - деди домла, - томоқни юмшатади, шамоллашингиз бўлса йўқотади.

У беҳининг шифобахш хусусиятларини доим гапириб юрарди.

Беҳизордан нафланмаган одам йўқ, маҳалла болалари ҳам ейди, айрим серфарзанд хонадонлар бир-икки пакирдан олади. Бу домлага завқ бағишишлайди. Энди бу завқ йўқ! Уни таг-томири билан қўпориб ташлашди. Гёй домланинг юрак томирларини суғуриб олишиди! «Эҳ, одамлар, - ўйлади домла маҳзун кайфиятда, - бугун мактабга директор бўлса мутлақо хўжайинга айланади, кўнглига келганини қиласди. Хоҳласа, бофни кесиб ўтин қиласди. Хоҳласа, болаларни жазирамадан асрраган чинорни сотиб чўнтак қаппайтиради! Эй, худо, уларга инсоф бер!

Ёшим саксондан ўтганида мактаб ишларига аралашаверишдан нима фойда? Кошки шулар тўғри қабул қиласа?! Лекин инсон қадри, меҳнатга ҳурмат қани? Қадриятларимиз шу йўсин ёмирилиб кетаверадими? Бунга ким айбдор? Наҳотки, тўхтатиб бўлмаса?!»

## БОҚИЙ МИРЗО

Домла бу саволларга жавоб тополмай, уларни миясидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилди. Аммо дераза очилганды ёпирилиб кирган изғириндай юрагини сиқувга олаверди.

Давра унчалик қизимади. Домланинг кайфияти кўпчиликка юққандай, очилиб-сочилиб ўтиришолмади. Бекмирза ака домлага эркалик қилиб, даврага тортди.

- Устоз, келинг! - деди иккала қўлини кўтариб. Домла тумтайиб ўтириши байрамга ярашмаслигини сезди, даврани айланди. Ҳамма қарсак чалди. Мусиқа шўхига алмаштирилди. Ҳамма ҳеч нарса бўлмагандай рақсга тушар, зални шовқин-сурон, қийқириқ босиб кетганди. Домла ҳеч кимга билдирмай, даврадан сирғалиб чиқди-да, мактаб ҳовлисига ўтди. Вайрон бўлиб ётган беҳизорга бориб тиззалаб ўтирди. «Эрта баҳор гуллаганды қанчалик чиройли турарди-я! Ифорини айтмайсиз-ми? Дилингни яйратарди, дилингни! Кузда-чи, беҳилар ҳандалакдай сарғайиб пишганда ҳиди бутун борликқа тараларди. Ёз бўйи кўм-кўк денгиздай чайқалиб туриши ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди. Кечки пайт, кроватни ўша ерга қўйдирив бир соат ўтирсан, бутун чарчоғим чиқиб кетарди-ку! Энди шундай боғқани? Йўқ! Бўлмайди ҳам!»

Домла ўксинди. Дили оғриб кўзига ёш келди.

Қанча ўтирганини билмайди. Бир вақт орқасида кимдир юргандай бўлди. Кўзидан сизиб чиқаётган ёшни дастрўмоли билан артиб орқасига ўгирилди. Бошини эгиб, мунғайганча Зарифа турарди.

- Мени кечиринг, домла...

## ЖАЛЛОД ҚИЛИЧИ

Дарвоза шаҳд билан очилди. Сўриток тагига - ялангга кўйилган темир кравотда ўтирганлар «ялт» этиб қарашди. Икки соатча олдин хурсанд, ибо ва табассум билан чиқиб кетган Зулхумор аччиқланган ҳолда кириб келди.

Күзларидаги разаб яққол сезилиб турар, норозилик изтироби ёнокларини қип-қизил чүққа айлантирган, чимирлигін қошлари, аёллар таъбири билан айттанды, «токчага чиққан» эди.

«Так-так-так» келган Зулхумор кравот олдига етиб, дадасига күзи тушдию, разабидан андиша устун келиб, бир дақиқа ерга қаради ва онасига юзланды:

- Мени кимга беряпсиз, ой?

Кутылмаган саволдан эсанкираб қолган Азиза опа ҳайратини билдириб ултурмай, Зулхумор хонасига кириб кетди. У зинапоядан күтарилиб, ром эшигини очаёттанды күзларida ёш милтиллаганини кравотдагилар аниқ күришди ва учрашувга борган қызға совчи жүнатаёттган йигиттинг янги «хұнар»и очилиб қолганини гапсүзсиз тушуниб етиши.

- Тинчликми, онаси? - таажжубини англатди Саттор ака, - қизингга нима бало бўлди?

Зулхуморнинг ҳозирги кайфияти ҳақида Саттор ақадан ортиқ билмайдиган Азиза опа эрининг сўровини «Кириб хабар ол-чи», қабилида тушунди-да, унинг хонасига шошилди. Онанинг хаёлида бир фикр айланарди: «Қайсар қыз битиб турган ишни бузмадимикан?»

- Зулхумор! - эшикни очиб садо берди Азиза опа. Диванда ёстиққа юзини босиб ётган қизи индамади.

- Нима бўлди, қизим? - онасининг сўзларидаги ялин-чоқлик, куюниш оҳангы қызға унчалик таъсир қилмади. Азиза опа Зулхуморнинг аввал бошини, сўнг елкаларини силади. Аммо қыз ўзи билан овора эди.

- Менга қара-чи! - кескинроқ сўзлади она, - нега йиғлаяссан, очиқроқ гапирсанг-чи.

Зулхумор ётган күйи онасига ўгирилди. Унинг күзлари жиққа ёш ва ғам-алам билан тўла эди. Азиза опа сергак тортди, бу ерда жиддий нарса борлигига ишонч ҳосил қилди.

- Ҳеч ким билан гаплашгим келмаяпти. Мени ёлғиз күйинг, ой!

Азиза опа қизининг чўрткесар, қайсарлигини яхши билгани учун ортиқ савол бермади.

Зулхумор ёқимтой, чиройли қиз. Ашула айтиш, шеър ўқиш, рақсга тушиш - жону дили. Мактабда ҳамманинг назарида бўлди. Лицейга ўтди-ю, буюкларнинг асарларига шўнғиб кетди ва ҳаётни кенг, теран тушуна бошлади. Катта мақсадлар билан, жамиятда ўз ўрнига эга, нуфузли шахс бўлиб яшашни кўзлаб ўқиди. Қобилияти-нинг ижтимоий моҳиятини англагани учун майдага орзу ҳавасларга вақтини сарфламади. Иzlаниш, меҳнатдан чўчимади. Ижод завқи ва суурини, ўзига хос машақ-қатларини ҳис қиласидиган, ижодий фаолият учун шароит яратиб берадиган, ҳеч бўлмагандга, тўғри тушунадиган одамга ёстиқдош бўлишини орзу қилди.

Унга яхши жойлардан совчилар келди. Ўқитаман, тўйдан кейин университетда ишлайверади, ижоди билан шуғулланаверади, деганлари ҳам бўлди. Аммо бирортаси ҳам унинг дидига тўғри келмади.

Икки соат олдин пардоз-андозни ўхшатиб чиқиб кетаётганида ота-онаси ва бувиси: «Илоё, юлдузи юлдузига тўғри келиб, баҳти очилсин!» дея дуо қилиб кўзатишганди. Зулхуморнинг асабий кириб келиши, онасига ҳеч нарса демагани барчаларини таажжуб ва ҳайрат дарёсига фарқ этди

Кўз ёшлари тиниб, енгил тортган Зулхумор ўтган воқеаларни бирма-бир мулоҳаза қила бошлади.

Совчилар биринчи куниёқ ваҳима билан «Ласетти»-да келишди. Сулола, куёв, унинг келажаги ҳақида тўлиб-тошиб гапиришиди.

- Олимжон институтни битирар-битирмас, дадаси машина оберган, - фуурланиб сўзлаганди куёв бўлмишнинг онаси, - ўғлим беш вақт намозни канда қилмайди, ичмайди, чекмайди... Раҳматли бобоси шунаقا тутумли одам эди.

Амма гапни илиб кетди:

- Ҳар куни азонда ота-онасидан дуо олиб, ишга

кетади. Ниятига етиб юрибди, жиянгинам.

Зулхуморнинг назаридаги, аёллар совчиликка эмас, күёв бўлмишнинг мол-мулкини кўз-кўзлагани, фазилатларидан лофт ургани келгандай туюлганди.

Иккинчи сафар остона ҳатлашгандаги эшик олдида «Мерседес» кутиб турди. Суҳбат чўзилди. Икки томон яна «қорнидаги»ни айтди ва йигит билан қиз учрашишлари лозим, деган қарорга келинди.

Зулхумор ишдан келиб бу келишувни эшилдию, кўнглининг бир чеккасидаги «Йигит қанақа экан?» деган қизиқиши ёнига катталарнинг қистови қўшилиб, илк учрашувга чиқди.

Учрашувни, бошқа қизлардек, Зулхумор ҳам бир мунча ҳаяжон билан қаршилади. Шаҳар боянинг машҳур хиёбонида қип-қизил «Нексия»дан тушган күёв Зулхуморга бамаъни йигитга ўхшаб кўринди. Музқаймоқ дўйконидаги ярим соатлик суҳбатда ўзини сипо, тартибли ва ўта ақдли тутди. Учрашувдан қайтиб келгач, ойиси:

- Йигит ёқдими? - деб сўраганда, Зулхумор:
- Ёмонмас! Бойкуёв топибсизлар-да! - деб кулимсираб хонасига кириб кетди.

Эртага «оқлик» берамиз деб турилганда, Олимжон уни «Ал-машриқ ресторанида тушликка таклиф қилди. Овқатланиб бўлишгач, Олимжоннинг ҳақиқий башараси очилди:

- Зулхуморхон!
- Лаббай! - деди қиз.
- Тўйдан кейинги айрим нарсаларни келишиб олсан!
- Айнан қайси масалаларни?
- Ҳозир мавриди бўлмасаям бир-иккита шартларимни айтиб қўймоқчиман, хафа бўлмайсизми!
- Тўйдан олдин мени хафа қиласиган гап айтмассиз!
- бўлажак келинга хос мутойиба, эркаланиш билан сўзлади Зулхумор.
- Мен бизнесменман! Оила учун керагидан ортиқ пул

топа оламан. Сиз миянгизни ачитиб ишлашингиз шарт эмас. Қисқаси, тўйдан кейин ишламайсиз! - Уйда ўтирасиз!

Бу гап Зулхумор қалбига золим подшоҳнинг шафқатсиз ҳукмидай зарб билан урилди ва ёнига Олимжондаги беписандлик, кибру ҳаво қўшилиб, асабини қақшатиб юборди. Ўз ҳәёти устидан бундай ҳукм ўқилишини кутмаган қиз ҳайратда қолди.

- Яхши тушунмадим, нима дедингиз?

Олимжон боягидан кескинроқ овозда такрорлади:

- Тўйдан кейин ишламайсиз, уйда ўтирасиз!

Бу ҳукм Улуғбекнинг олтин бошини танасидан жудо қилган жаллод қиличига ўхшарди. Фарқи шундаки, у Зулхуморнинг тўйгача бўлган ҳәёти билан кейинги тақдирини боғлаб турган ришталарни, узоқ йиллар ардоқлаб, куч-ғайрати, узун тунларини баҳшида этаётган орзулари бошини кесиш учун шилдат билан кўтарилиган эди.

«Наҳотки, - ўйларди у, - ҳаётимни шу золимга топшибириб қўйсан, тақдирим, орзу-умидларим, инсонлигим бунинг учун қадрсизми?! Орзу-ниятларим мурдаси устига қурилган турмушим мазмунли кечишига кафолат борми? Ўқимаган, касб-хунари йўқ, ҳеч қаерда ишламайдиган аёл билан ўқимишли, олдига катта мақсад қўйган аёлга бир хил муносабатда бўлиш адолатсизлик эканини тушунадими бу?! Бунга ақли етганда «Ишламайсиз, уйда ўтирасиз!» дея кескин гапирмас эди. Тўрт девор орасида ўтирсан, билимим, истеъодим, ижодимнинг кимга кераги бор? Ўн йиллик заҳматларим бир зарб билан пучга чиқадими? Йўқ! Мен бунга йўл қўёлмайман!»

Зулхумор Олимжонга барчасини ётифи билан тушунишига ҳаракат қилди. Келинлик вазифасини тўқис бажаргандан кейин ўз иши билан шуғулланажагини, қайнота-қайнонасининг дуосини олажагини билдириди. Аммо тошга ёмғир кор қилмаганидек, Олимжоннинг

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

қарорини ўзгартиролмали.

- Йўқ, асал, ишламайсиз, уйда ўтирасиз  
Зулхуморнинг фуури исён кўтарди.
- Йўқ! - деди Зулхумор кескин, - шартларингизни қабул қила олмайман. Шунча йил уйда чўрингиз бўлиш учун ўқимаганман, инсондай яшаш, жамиятга фойда келтириш учун ҳаракат қилганиман.

- Эй, Зулхуморхон, шу топда жамиятни ким ўйлади, ҳамма пул топиш, қорнини тўйдириш билан овора-ку!

- Эҳтимол, сизнинг чўнтақдан бошқа ғамингиз йўқдир. Биз яхши мақсад учун яшаймиз. «Мерс»имиз бўлмаса ҳам сиздан бойроқмиз! Мен ўз ишимни яхши кўраман, танлаган йўлимни чўрилилка алмаштирумайман!!!

Зулхумор росмана жаҳл билан гапирад, Олимжон эътироз билдирса жавоб тайёрлаб қўйган эди.

- Унчаликмас, сизни ҳеч ким чўри қилмоқчи эмас
- Олимжон ака, биз бундан кейин учрашмаймиз, совчиларингиз ҳам бормасин. Шунинг учун охирги гапни айтиб қўймоқчиман. Сиз билан турмуш қуришга рози эмасман! Сиз ишламасдан, уйда ўтирадиган, чизган чизигингиздан чиқмайдиган, берсанг ейман, урсанг ўламан, дейдиган хотин топинг, хайр!

- У ўрнидан туриб ижодхонасига кирди. Шкафдаги қатор терилган қадрдан китоблар, кўз нури, қалб кўри тўкилган ўз тўпламларини, газета-журналларда босилган шеър, мақолаларини кўздан кечирди. Шоирлар, ёзувчилар билан катта-катта давраларда, анжуманларда тушган суратларини томоша қилди. Юраги булоқ сувидай тоза туйгуларга тўлди. Асаблари ипакдай майнинлик билан юмшади ва беихтиёр аспирантурани тугатаётган Жалолиддин акасини эслади. Ижод оламига киришига, фикри теран, дунёқараши кенг бўлишида далда берган бу инсоннинг самимий нигоҳларини кўз олдига келтирида-да, сўнгти учрашувда айтган гапларидан руҳланиб кетди:

- Мақсадга етиш учун ўн марта йиқилсангиз ҳам олдинга интилаверинг, тўсиқлар тугайди. Манзил кўрингач, руҳингиз равшан, йўлларингиз чароғон кўринади!

Бу инсон Зулхуморни чин дилдан ҳурмат қиласди, истеъодини қадрлайди. Ҳаёти билан боғлиқ муҳим саналарни эслатиб қўяди. Бир куни ишдан қайтаётуб савол берганди:

- Биринчи шеърингиз қачон босилганини эслайсизми?

Зулхумор жавоб беролмади. Жамолиддин эса шеър босилган санани, ҳатто қайси газетанинг нечанчи сақифасида кимлар билан ёнма-ён чиққанингача айтиб, уни ҳайратда қолдирганди. Гарчи ҳали севги ҳақида оғиз очмаган бўлса ҳам, туйгулари самимий, тоза. У Жамолиддин акаси кўнглини очадиган кунни кутиб яшайди.

### ДУНЁНИНГ БЎЛГАНИ ШУ ёки жасад устидаги изтироб

Москванинг марказий кўчаларидан бирида елдек учеб бораётган юк ташувчи «ФОРД» олдига югуриб чиққан одам чапанилик билан қўл кўтарди.

- Тўхта! Тўхта, барака топкур!

Хайдовчи дарров тормозни босди. Ўнлаб машиналар боғча болаларининг бетартиб ўйинчоқларидай тирбанд бўла бошлиди. Рулдагилар бегона одамга ўқрайиб қарашар, «Тўхтатгани бошқа жой куриб кетганми?» дегандай, қоида бузилаётганидан норозиликларини сигнал чалиб изҳор этишар эди. «Форд» ҳайдовчиси машинани йўл четига олгунча бояги одам етиб келди.

- Ассалому алайкум, оғайни!

- Ва алайкум...

- Биродар, мендан хафа бўлмайсиз, бегона шаҳарда жуда қийналиб кетдим... Ўзбеклигингизни сезиб, тавак-

кал тұхтатавердим. Хайрият, адашмабман.

- Тинчликми? Нега қийналдингиз?
- Аслида она юртидан узоқдаги одам роҳат-фароғатда яшамаслигини ҳаммамиз яхши биламиз-ку! Аммо менинг ташвишим фожия билан боғлиқ.
- Қанақа фожия? Тушунтириброқ гапириңг! - миллат-дошига қараб сергакланди ҳайдовчи.
- Четроққа чиқайлик...

\* \* \*

Мархумнинг тобути чап томонга жойлаштирилди. Ерда кичик күринган «гроб» машинага чиққандан кейин каттагина жойни эгаллагади. Баҳромжон узун тұртбұрчаксимон матоҳга қааркан, қалбидә одамни сескантрадиган ғалати түйфу пайдо бўлди. Бир соатча олдин ўликхонада музлаш даражасига етайде деб қота бошлаган мурдани кўтарганида, бунақа түйфуни ҳис этмаган эди. Балки ҳамма ишлар битиб, хотиржам тортгандан кейин инсон шунақа ҳолатга тушар?.. Мана энди бу ёғи минглаб километр йўлни шу мурда - жону жигари Қосимжон билан бирга босиши керак! Аллоҳ сабр берсин! Кўз ёши ҳам қуриб битди...

У Москвага келиб, ўликхонада мурдани кўрди-да, устига ўзини ташлаб йиғлаб юбормаганига ҳайрон қолди. Бош томонидан оқ матони кўтарди... ва бирдан сесканиб кетди. Қосимжон одамнинг раҳмини келтирадиган қиёфада эмас, «Ака, дунёнинг бўлгани шу экан, ортиқча қуюнманг!» дегандай ётарди. Авваллари бу гапни минг марта эшилган, юзлаб китоблардан ўқиган бўлса-да, бирор марта мағзини чақмаган, юракни зирқиратувчи ҳикматига эътибор бермаган экан! Мағзини чақиши учун минглаб километр йўл босиб, бегона шаҳарга келиши, укасининг жонсиз қиёфасига қараши шартмиди?! Сабоқ бериш учун бошқа йўл йўқмиди, халлоқи олам?! Агар хато қилаётган бўлсан, мени кечир,

яратган эгам! Мен бир ожиз бандангман. Берган умрни елларга совуриб, қадрини бир пул қилаётган ғофилингни кечир, карами кент парвардигор!!

Шерзод газни босди. Машина салобат билан кўзгаларкан, Баҳромжон икковининг дилида дуо такрорланди: «Эсон-омон етиб олайлик!» Манзил бир-икки соатлик эмас, бир неча кунлик бўлгани учун дастлабки куни икковлари гаплашиб кетишиди. Аввал кузовдаги мурдага эътибор бермасликка ҳаракат қилишиди. Иккинчи куни тушдан кейин ҳайдовчи кутилмаганда сўз очди.

- Марҳум укангиз бўладими?

Баҳромжон мурда ўзининг укаси эканлигини аввал айтган бўлса ҳам саволни малол олмади. Йўлдоши у ҳақда қизиқиб гап бошлиётганини сезди-да, укасининг ҳаётини кўз олдидан ўтказди.

- Кенжамиз...

- Худо раҳмат қилсин, нима иш қиласди?

- Кўли гул уста эди. Раҳматли тоғам бир вақтлар ёнида олиб юриб ўргатган. Қишлоқда уста Қосим деса ҳамма танирди. Топиш- тувиши оиласига бемалол етарди. Оиласий ҳаёт эзиб ташлади уни.

- Нега?- таажжубланди Шерзод, - Шундай одамни-я?

Баҳромжон бир неча сониялик мулоҳазадан кейин гап бошлади.

- Хотини Саида - катта амалдорнинг қизи. Дадам амалдор дадаси қўллаб турса, ўғлим ўзини тиклаб олади, деб Қосимжонни унга уйлантирилар. Бир-иккита болали бўлишгандан кейин хотинининг баъд феъли ошкор бўлди: алоҳида яшаймиз, деб туриб олди. Аслида улар ота ҳовлимизда қолиб, умрбод уй қурмай яшашлари мумкин эди. Дадам билан онам келиндан қулогим тинчисин, деб анъянани бузишга мажбур бўлишиди. Ҳаммамиз бир бўлиб кичикроқ ҳовли қилдик-да, уларни кўчириб қўйдик. Келинга дадасидан каттакончилик иллати ўтган, шекишли, аввал оиласада, сўнг бутун уруғимиз ичида бошқарувчиликни даъво қила бошлади. Лекин бизнинг

сингиллар ҳам жиловини бирорга береб қўядиганидан эмас, керак вақтида шохини қайириб туришди.

Хотини укам мижоз билан келишиб қўйгандан кейин ҳам кимнинг ишини қилиш, қилмаслик ҳақида кўрсатма бераверар, ўзига ёқмайдиган одамларникига уни яқинлаштирмас эди. Бу, албатта, укамга ёқмас, жанжаллар бўлиб турарди. Келини тушмагур, қўлида коллеж дипломи бўлса ҳам лавозимга интилди, бироқ бошқарув истеъоди йўқлиги учун эришолмади. Аламзода, ҳаётдан норози бўлиб қолди. Уйда оиласига, болаларига, эрига меҳр беролмади. Шунинг учун укам бир куни: «Мехри йўқ, юраги тош хотин билан яшагандан тоқ ўтган яхши!» - деди-да, Россияга кетиб қолди. Олти ой бўлганди. Мана, автоҳалокатга учради. Раҳматли оиласидан озгинна меҳр, таскин-тасалли топганда эди шу ёшида ҳаёт билан видолашмаган бўлармиди?

Баҳромжоннинг кўзларига дув-дув ёш келди. Қалбидаги жигарлик туйғуси бош кўтариб, юрагини ағдар-тўнтар қилиб ташлади.

Кечгача марҳум ҳақида гаплашиб кетишиди. Инсон ҳаёти, умри, унинг фалсафаси ҳақида ранг-баранг гаплар айтилса ҳам тугал хулосага келишолмади. Инсон қандай жонзор, ҳаётини қандай курса энг тўғри йўл тутган бўлади, миллионлаб гуноҳкорларни жазолаш у дунёга қолдириладими, ёки ўзимизнинг оламда тавбасига таянтириладими? Бу саволлар Баҳромжон қалбida ухлаб ётган нотаниш туйғулар, жавоби топилмаган саволларни қўзғади. Ақлининг аллақайси нуқтасида пайдо бўлган исёнкор руҳ, шиддат, ҳаётдан қониқмаслик ва билишга интилиш ҳисси бутун хаёlinи эгаллади. У хаёл ва тафаккур уммонига фарқ бўлди...

«Мана шу жасад бир неча кун аввал тирик, онгли одам эди. Энди ўлик. Жони қаерда? Кимнинг ҳузурига, нега кетди? Аллоҳ даргоҳига олган бўлса, танаси кераксиз нарсага айланди. Руҳсиз жасад ҳеч ким, ҳеч нарса ҳам эмас! Қўполроқ қилиб айтганда, оддий кесакдан фарқи

йўқ! Энди уни туғилган ютидан минглаб километр узоққа, шу шаҳар қабристонига дағн этилса нима бўлти? Лекин одамзотнинг, айниқса, ўзбекнинг ажабтовур, қадриятлари кўп. Қишлоғига кўммаса, қариндош-уруфлари, ака-укалари оқибатсизлик қилгандай, марҳумни ҳақоратлагандай туюлади. Гуё уларнинг фурури, орномуси йўқдай таассурот қолдиради кишида!

Биз нима учун яқинларимизнинг мурдасини ҳам эъзозлаймиз?

Баҳромжон бир оз тин олди. Саволни ҳайдовчига бергиси келдию, йўлдан чалғитишни истамади. Ёш бўлгани учун ундан қониқарли жавоб олишига ишонмади, яна мулоҳазага берилди.

«Қосимжон, жигарим! Биз қадрингга етолмадик! Хотининг зуфум қилса, ҳурматингни жойига қўймаса, «Эрхотиннинг ўртасига эси кетган тушади», қабилида тескари қарадик. Тили заҳар, меҳрсиз, сени тушунишни хоҳламайдиган аёлдан безор бўлганингда кўнглингни кўтаришга ярамадик. Асоссиз рашк асабингни қақшатганда ичиб келардинг, ҳамдард бўлиш учун «кел» деёлмадик. Ахир бир ҳовлида туғилиб, йигирма-ўттиз йил бирга яшадик. Не-не кунларимиз, тотли дамларимиз жамланган ширин хотиралар қалбимизнинг аллақайси бурчагида яшаётганини, ака-укачилик ришталари билан боғланганимизни билардик-ку! Яхши-ёмон кунларда суюнчиқ бўлганмиз, битта ота-онанинг меҳридан баҳраманд эдик, битта қозондан овқат ердик, битта кўрпада тепишиб катта бўлганмиз. Томирларимизда бир хил қон гупириб турганини тушунамиз. Руҳимиз, кўнглимиз яқин. Истаймизми-йўқми ҳаётнинг маълум кўчасида учрашамиз, яқинлик, жигарчиликни ҳис эта-миз. Жонсиз танангни минглаб километрга олиб кетиш, эъзозлаб кўмишга ундаётган ана шу туйғу, ана шу ришта эмасми? Эҳтимол, ўзгаларга ибрат, кичикларга, кўзи очилмаганларга сабоқ бўлсин учун олисдан ўлик олиб келиш машақкатини елкамизга олгандирмиз!»

Баҳромжоннинг кўзларидаги қайғу ва аламзада муло-ҳазаларни сезган ҳайдовчи бир нима демоқчи бўлди, аммо юпатиш учун лозим сўз тополмади, шекилли, тилини тийди. Довонда кетишаётгани учун йўлга қарди. Баҳромжоннинг эса кечинмалари қайнаб, фикрлари хотиралар нури билан тиниқлашиб борарди.

«Ажабо! Фофил бандалармиз. Қачон, қаерда, қандай қазо қилишимизни билмаймиз. Кўпинча, кўнглимиизга қулоқ солмай, хато қиласиз. Аслида Яратган эгам бандаларини ҳамма нарсадан огоҳлантиради. Биз эса осий бандалармиз!

Жигарим! Сени ўлди деб хабар келганида, кўпчилик уввос солиб йиғлади. Айниқса, хотининг ўкириб кўз ёш тўкди. Шундай бағритошнинг нега бунчалик куюнганини кейин англалиқ: «Ишлаган пуллари қаерда қолди?» деб азият чеккан экан! Менинг эса кўзимга ёш келмади. Томоғимга бир нарса тиқилдию, юрагим оғриди. Ярим соатда ҳовли айюҳаннос солиб йиғлаётган хотин-халаж билан тўлди. Шунда «Йиғлашни биламизу, бир-бири мизни асрарни ўрганолмаймиз», деган изтироб кўқсимни тилиб ўтди...

Жасадингни олиб кетиш билан овора бўлиб эътибор бермабман: юрагим эзилиб кетибди!»

У укасининг жонсиз танаси олдида икки кун ухлади. Руҳ ҳам, арвоҳ ҳам безовта қилмади уни. Аммо жавобсиз саволлар қийнаб юборди. Қишлоққа кириб келганда қариндош-уруглар кутиб олишди. Киртайган кўзларига, қиёфасига қараб, мурдарай оқариб кетганини кўришиди, Россиядан жасад олиб келиш азобини ҳис қилгандай бўлишди.

Дўстлар ҳамдардлик билдиришди, душманлар ёлғондакам бағирларига босиши... Мурдашўйлар Қосимжоннинг олдига кириб кетишганда унинг хотини Баҳромжонни четга имлади:

- Укангиз қанча ишлаган эканлар, топганларини ичиб юбормабдиларми?

Баҳромжон ҳайратдан қотиб қолди. Ўзига келиб, бу ҳақда бирордан сўраш хаёлига келмаганини ўйладио, жавоб келинни қониқтирмаслигидан изтиробга тушди. «Ҳозир шу гапнинг мавридими?» дегандай унга хўрси-ниб қараб, одамлар томон юрди. Укасининг қабрига тупроқ тортилаётганда ҳам келинининг гали қулоқлари остида хунук хабарнинг акс-садосидай тинмади.

Юрагининг бир парчасини ташлаб кетаётгандай қаб-рдан йигирма-ўттиз қадам узоқлашганда Баҳромжон ортга ўгирилди. Негадир Москвадаги ўликхонада кўрган манзарани эслади. Ажаб! Дўппайтан тупроқда «ДУНЁ-НИНГ БЎЛГАНИ ШУ...» деган изтироб билан йўғрил-ган, совуқ ҳикмат қотиб қолгандай эди!!

### ОНА

Ҳалима қизлик ҳовлисига кирдио, пешвоз чиққан онасига ўзини отиб йиглаб юборди. «Уйни соғинганда» - аввал парво қилмади Салима опа. Кейин эса қизнинг ёпишиб йиглашидан аҳвол жиддийлигини сезди.

- Нима гап, қизим?  
- Бўлди, тўйиб кетдим, энди уйга бормайман!  
Қизнинг йиғи аралаш бундай гапларини илгари ҳам эшитгани учун сал хотиржам тортди. Алдаб-сулдаб, бош-кўзини силаб, уйга олиб кирди. Чой дамлаб, нон билан узум кўтариб кирганда ҳам Ҳалима йигидан тўхтамаганди.  
- Уйини елкамнинг чукури кўрсин! - қайнонасига нафратини билдириди Ҳалима.

Салима опа қудаси Шоҳиданинг тили заҳар, тутуми саранжом, гапга чечан аёллигини яхши билади. Аммо буюрганини вақтида бажармаса, қизми, келинми, қудами чаёндай чақиб олади. Эри ҳам «гаҳ» деса унинг қўлига кўнади. Ўғиллари чизган чизигидан чиқмайди, қудалари маросимларда ёқмайдиган гап айтишдан сақданиб турадилар. Ана шундай қайнонага тўрт йилдан бери келин

бўлиш мاشаққатини Салима опа яхши тушунади. Қизи - қўл-оёғи чаққон, саранжом-саришта, ҳовлини чиннидай тутадиган келин. Ўша Нина Захаровна (Шоҳида опани тили заҳарлиги учун шундай аташарди) гоҳо дастурхон атрофида мақтаб кўяди.

Фақат бир масалада Салима опанинг тили қисиқ: тўрт йилдан бери қизи ҳомиладор бўлмаяпти! Энг ёмони, айб күёвда эмас, мутахассислар келин бепушт деган хулоса беришган! Таҳлил натижаси Нина Захаровна-нинг тилини бир қулоч узайтириб юборган. Келин-куёв билан Салима опа эса врачлар хулосасига унчалик ишонмай, Худодан мўъжиза кутадилар. Ҳар бирининг кўнглида: «Врачлар адашган, шундай келишган, соғлом, чаққон аёл фарзанд кўрмасми?» деган фикр ўрнашиб қолган.

- Фарзанд кўрмаётган бўлсанг, - дейди Захаровна ўғлига баъзан келини олдида, - бошинг эгиладиган қилиб туғмаганман. Бунинг жавобини бер, эртагаёқ онаси ўпмаган қиз олиб бераман!

Бу найза келин олдида ўғлининг обрўсини кўтармаслигини қайнона тушунмайди.

- Туғмас хотин билан яшайверасанми? Нима бало, илми амал билан тилингни боғлаб ташлаганми? - Баҳодир онасининг бу таънасига чидаб туролмади.

- Ойи?! - деди ички фазаб билан.

- Нима дейсан, гапир!

- Мен Ҳалимани яхши кўраман!

Шоҳида опа ўғлининг келинга кўнгли борлигини биларди, аммо очиқ гапиришини кутмаганди.

- Кўнгил ўлсин! Ўн олти яшар бўйдоқмидинг, севги деб ҳамма нарсадан кечсанг!

- Ҳали ёшмиз, икки-уч йилдан кейин бўп қолар.

Она тутоқиб кетди.

- Осмондан чалпак ёғишини кутиб юравер. Синф-дошларинг икки-учтадан болалик бўлди. Тўй қилиб, элга ош берди. Менда ҳам орзу, ҳавас бор. Катта

ўғлимдан набира кўрмай ўтиб кетишим керакми? Тўртта хотиннинг орасига кирсам, шундан гап очади. Тилим қисиқдай, сўз тополмай қоламан.

Шоҳида опа Ҳалиманинг чиройи, одоби, келинлик хизматидан, қудалардан камчилик тополмайди. Акс ҳолда, аллақачон ўзининг таъбири бўйича ўғлини «тўққиз ойда кўчқордай ўғил туғиб берадиган»ига уйлантираради...

- Нега бунчалик, куясан? - Салима қизига чой узатаркан ташвишини сездиргандай бўлди.

- Нина Захаровнангизнинг ниши жонимдан ўтиб кетди.

- Э, қизим, унинг бўлгани шу! Арзимаган гапгаям йиғлайверасанми? Ахир, эринг сени яхши кўради, ортиқча гапи йўқ.

- Баҳодир акамнинг мулойимлигини қайнонамнинг заҳарлиги ювиб юборади! Бир ойчадан бери у билан детдомдан бола олишни маслаҳат қилиб, Захаровнага айттолмай юрувдик. Кеча учини чиқарган экан, икки кундан бери қулоғимиз тинчимайди.

Ҳалима кечагина қайнонаси айтган гаплар қулоғи остида жарангларкан, онасига барини оқизмай-томизмай сўзлаб берганини сезмай қолди.

- Бутун маҳалла-кўй, қариндош-уругнинг келини туғди, униб-ўсиб юрибдию, мен детдомдаги болани невара қиласманми? Бу гап келинимдан чиқсан. Дадаси даволатсин. Бола кўтаргиси келса туғсин! Эплолмаса ўғлимни бўшатиб қўйсин!

«Бу гапда Нина Захаровнанинг пинҳоний режаси йўқмикан?» Шоҳида олти ой аввалги режасини эслай бошлиди... Ва худди ўзига гапираётгандай:

- Ҳаммаси яхши бўлади, - дея пи chirлади...

Ҳалима икки кун ётиб қолди, учинчи кун онаси алдаб-сулдаб уйига жўнатмоқчи бўлиб турганда, Баҳодир келиб мушкули осонлашгандан суюнди.

\* \* \*

Ранги ўчган, иштаҳаси бўғилган Салима ташқаридаги каравотда беҳол ўтиаркан, бир неча ойдан бери эрининг таъналарига чидайвериб, ҳолдан тойганга ўхшарди.

- Қирқ беш ёшда бола туғишга бало бормиди?
- Кейин биласиз, отаси!
- Нимани биламан?
- Кўп нарсани!
- Тушунтириб гапирсанг биламан-да!
- Эсон-омон кутулиб олай, ҳаммасини айтиб бераман...

Салима ҳомиладор бўлганида эри: «Олдириб ташла!» деб қаттиқ туриб олди, бироқ парво қилмади. Салима эрининг жаҳли чиқса ҳам асл мақсадини айтмади.

- Қўрқманг, сизга боланинг оғирлиги тушмайди, - дейиш билан кифояланди. Ҳалиманинг бола билан боғлиқ мажароларини айтгиси келдию, оғиз жуфтлаган жойида қолаверди. Эрининг одатдаги бепарволиги шаштидан туширганди. Шу билан бу мавзуда сўз очилмади. Орадан уч ой ўтгач, Салиманинг эсон-омон кўзи ёриди. Ҳасанбой түгруқхонадан жавоб бериш кунини сўраганда Салима шошилмади.

- Дадаси, сиз билан маслаҳатлашадиган иш бор, - леди. Палатасига кириб кетиб, чорак соатдан кейин иссиқ кийиниб ташқарига чиқди.

Эри «Нима гап?» дегандай унга қаради. Турмуш ўртоғининг феълини яхши билган Салима бирдан гапириб юбормоқчи эмасди.

- Дадаси, - гап бошлиди у майин товушда, - Ҳалимани яхши кўрасизми?
- Қизим бўлгандан кейин ёмон кўрамидим?
- Оиласи мустаҳкам бўлишини хоҳлайсизми?
- Албатта!

- Бир иш қылсак...
- Хүш?! - у хотинидан ёмон гап чиқмаслигини биларди.
- Бизда икки ўғыл, учта қыз бор, а?
- Ҳа!
- Қизимизда эса битта ҳам зурриёд йўқ, эри билан детдомдан бола олмоқчи экан, Нина Захаровна эшитиб кун бермай қўйибди..
- Биламан.
- Чақалогимизни унга берсак, турмуши яхшиланиб кетармикин, деган мақсадда туқсан эдим, сиз бунга нима дейсиз?

Ҳасанбой ака ҳанг манг бўлиб қолди. Икки қизни чиқарган, бир ўғилни уйлаган, қирқ беш ёшни уриб қўйиб, туғишини хоҳлаган хотинидан бир вақтлар қанчалик ғазабланган бўлса, ҳозир шунчалик ҳайратланаётган эди у.

Муаммоларни бир бола билан ечишга чоғлаганини олдиндан билганда хотинига бошқача ғамхўрлик қилмасми? Эҳ, хотинлар ажойиб-да! Айниқса, Салима аломат-да! Салкам бир йилдан бери таъналаримни эшитиб, «чурқ» этмаганининг сабаби шунда экан-да! Аҳ, онаизор! Бола учун нималар қилмайди?!

- Шуни лозим кўрган экансан, «Балли, хотинжон, раҳмат!» дейман! Асли ўша пасткаш, заҳар қудант яхшиликка арзимайди, қиз учун қанча қылсак оз! Куёв ҳозиргача бир оғиз қаттиқ-куруқ гапирмади, таънасини сездирмади.

- Шуни айтаман-да!
- Аммо менда битта мулоҳаза бор!
- Қанақа?
- Заҳар қудангнинг ғаши келмасмикан?
- Бола ўзимиздан-ку! Кўпам хархаша қилмас!
- Балки...
- Болалар билан гаплашинг, менимча, суюниб кетиша карак!. Қайнонаси агар тұғсанг, алоҳида ҳовлига

кўчираман деганди, ажабмас, рўзғори алоҳида бўлиб, қизимиз ҳам эшик очиб ўтиrsa!

- Яхши...

\* \* \*

Салима опа туғруқхонада ётаркан, хаёлидан турли-туман фикрлар ўтарди. Кудаси нима дейди? «Туғмаган одам боланинг қадрига етмайди, онаси берган билан боласининг айби ёпилиб қолмайди. Биронники билан умрини ўтказадиган ўғлим йўқ», деса эри тарвузи кўлтиғидан тушиб қайтиб келмасмикан?! Атайлаб қизи учун түққанда қайнона рад этса-я! Қариндош-уругларнинг айтишича, Нина Захаровнадан ҳамма гапни кутса бўлади. Бироқ у ҳам одам, ўғли ва келинини тушунар, неча йилдан бери фарзанд ғамида юраклари зазилганини билади.

Салима шуларни ўйларкан, дили бироз ёришди. Назарида бироздан кейин ҳаммалари машинада келиб она-болани олиб кетадигандай, сигналларга қулоқ тута бошлиди. Ҳамшира қиз «Салима хола, тезроқ жўнанг сизга келишди», дейдигандай кийим-кечак, идиш-товоқларни цеплофан халталарга жойлаб қўйди. Ҳозиргина қайта йўргакланган, пишиллаб ухлаб ётган чақалоқ ҳам уларнинг келишини интизорлик билан кутаётгандай эди..

... У машина сигналини эшитиб, туғруқхона ҳовлисига қаради. Қоп-қора «Нексия»ни кўриб юраги ўйнади. Янги йўргак кўтарган қудаси ўғли ва келини билан бинога яқинлашарди. Салиманинг ҳапқирган қалби бироз тинчланди, кўзларидан севинч ёшлари қуйилди..

Ҳикояга шу ерда нуқта қўйсак бўларди. Аммо икки йил ўтиб, кичкина Умиджон чопқиллаб юрган, тили бийрон чиққан кунларнинг бирида Салима опа хушхабар эшилди: «Ҳалима ўрик фўрасига бошқоронғи бўлганмиш!» Она оҳиста шивирлади: «Худога шукр...»

## КУЙГАН АЁЛ

Қишлоқда: «Насиба ўзини ёқиб юборибди!» деган хунук хабар хазоннинг аччиқ тутунидай тез тарқалди.

- Хуррамнинг хотиними?
- Ҳалиги ошиқ-маъшуклар-а?
- Нега?

Насиба тупроққа қўйилгунча гап-сўзлар тўхтамади. Сабаб ва тафсилотлар дошқозондаги сумалакдай қайнар, ҳеч ким аниқ тўхтамга келолмасди.

- «Вос-вос» экан!
- Жонига қасд қилиш уруғида бор!
- Эри шаҳардан уйланиб олганига чидолмабди!

\* \* \*

Уларни мактабда Лайли ва Мажнун дейишарди, кичик синфдагилар Тоҳир ва Зуҳра деб лақаб қўйишганди. Занжирдек боғлаган севгилари жуда ҳам самимий, тоза эди. Бир жуфт кабутардай бир-бирларидан ажралишмас эди.

Хуррам институтни битиргунча Насиба коллежни тамомлаб, бир йил ишлашга улгурди. Тўй орзу қилингандай ўтди. Уларга ҳавас қилмаган ёшу қари қолмади. Асалдек тотли ҳаёт бошланди. Иккита болали бўлишгандан кейин Хуррам нуфузли ишга ўтди. Ўтди-ю, ўзгарди! Сувдек оқиб келаётган пуллар оёгини ердан узиб қўиди. Жондан севган хотини кўримсиз, ўзига номуносиб аёлга айланди. Ҳатто топганиларини унга ишонмасдан шаҳарда сақлайдиган бўлди.

- Ишингни йиғиштири! - деди бир куни хотинига кескин, - болага қарайсан! Энди пул топишинг шарт эмас!

Беписандликдан Насибанинг кўнгли оғриди. Рўзгори тўқис бўлса-да, неча йиллардан бери севиб, ардоқлаб

## САҚЛАШ КАМЕРДАСИДАГИ ХАНЖАР

юрган кишисининг кўрс муомаласидан дили ранжиди.

Хуррам Насибанинг руҳизлигига бепарво қаарарди. Авваллари уйга келолмаса, хотинига қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрарди. Бора-бора бир неча кун шаҳарда қолса ҳам бемалол қовоғини солиб келишга ўрганди.

Насиба сезди: эрининг кўнглида бошқа аёл бор. Ўтган кузда бу хабарни эшиитдию, «Эркак киши ёнига озигина пул тушса ўзгаради-да», дея ўзига таскин берди, аммо ёлғиз ётган тунларда рашк азоби азоблар, эрининг зътиборсизлиги юрагини куйдириб, асабларини зирқиратарди. Ҳаётдаги ҳеч бир нарсадан ҳаловат тополмай, «ишласам, бироз унутарман», дегандай эрига бу хақда гал очди:

- Еганинг олдингда, емаганинг кетингда! Ўртоқла-ринг сенинг шароитингга юз йилдаям етолмайди. Иш-ламайсан, тамом!

Насибанинг кейинги ҳаётига ҳукм ўқилди.

Хуррам кечки овқат ёқмаса, кийимлари текис дазмолланмаса, боласи йиғласа, сўкинади, Насибани фаросат-сизликда айблаб, туртиб юборади. Эшикни кеч очса, шапалогу тепкилар билан «сийлаш»ни канда қилмайди. Бундай дамлар Насиба ўзини ночор, қирғоққа улоқтирилган ҳасдай, кераксиз буюмдай тасаввур қилар, қисмат дарчасидан қоронгуликка ўхшаб тушаётган кунларни қайси гуноҳлари учун берилган жазо эканлигини тушунмас эди.

Насиба оғир кечинмалар гирдобида қийналар, ўйлай-вериб, хаёл суравериб савдои бўлиб қолишдан қўрқарди. Ҳалол, қалби тоза бўлгани учун севган эрининг хиёнатини кўтаришга ўзида куч тополмас, бошига тошдай ёғилаётган воқеалар сабр-тоқатини емириб борарди. Ардоқланган вақтда эри билан баҳтиёр, мағрур юрган бўлса, бугун севгиси ҳақоратланган, абгор қилинганда ҳеч кимга кўринишини хоҳламай, назардан сурилгани хўрлик ва ҳақоратдай юрагини эзib борарди.

- Эринг уйланиб олганини биларсан! - тўсатдан телे-

фондаги аёл унга сансираб гапира бошлади, - кундошинг - инглиз тили ўқитувчиси, сендан ўн марта чиройли, Хуррам акасининг ягонаси. Ёшикда мени севган деб суюнаверма, у бугун Сурайё билан баҳтли яшаетти. Шаҳар марказидан уч хонали уй олиб берган. Сеникига бормасаям бўлаверадио, ўртоғим - инсофли, виждонли аёл, болаларингиздан хабар олинг, деб ҳафтада бир-икки марта олдингга жўнатади, сен ундан хурсанд бўлишинг керак!

Аёлнинг ўқи нишонга бехато тегди.

Насиба эс-хушини йўқотган одамдай бошини чанглаб, эгилиб қолди. Кўз олди қоронгулашиб, оёғида мадори қолмай вужуди титради. Руҳиятига бостириб кирган алам, ғазаб, нафрат юрагидаги ҳамма ҳис-туйғуларни ҳайдаб чиқардию, кўксини Саҳрои Кабирга айлантириди.

У ҳаётни ўзига яраша биларди. Севмай уйланган, тўйдан кейин ҳам аёлига кўнгил қўёлмаган эркакларнинг, хотини кўримсиз, ўзи енгил табиат йигитларнинг бошқа билан юриб кетганини эшитган, аммо узоқ йил севишиб қовушган Хуррамжондан бундай оқибатсизлик, қўпол айтганда, нонкўрликни сира-сира кутмас эди.

Ярим тунгача эрини кутиб, уйқуси келмади. Эшик «тиқ» этса, ташқарига югурди, кўчага қарайди. Гаплари кулоғи остида жаранглётган бўлса-да, у аёлнинг кимлигини билмади. Хуррам қўнғироқ қилдирдими, кундоши дугонаси орқали гап етказдими - номаълум. «Агар чиндан Сурайё ўюштирган бўлса, яна қандай мақсали бор? Ўртамизга суқулиб кириб, эримни тортиб олди, орамизда жарлик ясади! Яна нима қилмоқчи? Мени Хуррам акамнинг ҳаётидан чиқариб ташлаб, унга тўла ўзи эгалик қилмоқчими?!»

«Сенсиз яшолмайман, умримнинг охиригача севаман!» деб ёлборгандари қани?! Ҳатларига жавоб ёзмаса, кечалари деразаси тагига келиб паст овозда чақирган

кунларини эслармикан? Илк бўса олганида «Энг бахти инсонман!» деб жар соглани, гуурланганлари-чи? Нашотки, қоп-қоп ваъдаларни шунчалик тез унутса?! Энди менинг ҳаётим, қолган умрим шу тарзда ўтадими? Ўша шаҳарлик сатангдан қаерим кам? Ипакдай эшилиб, мулоийм сўзлашни билмасам ҳам шунча йил кўнглини қолдирмай яшадим-ку! Бир-биридан ширин икки фарзанд туғиб бердим. Оиласида хизматдаман. Бирорта ортиқча талаб қўймайман. Унда нега камситади, хўрлайди, оёқости қиласди? Айбим нима? Мендан қандай хато ўтди? Шаҳарлик хотиндай меҳр, хузур-ҳаловат беролмадимми? Ўша суюқоёқ нимаси билан мендан устун? Шунча йиллик турмушимиз ер билан битта бўлдими? Инсон қадрини ерга уриш шунчалар осонми?»

У саволларни кимга бераяпти: ўзигами, эригами? Яратган парвардигоргами, фарқига бормасди. Ўртанган, рашқ оловини учираш йўлини қидираётган бечора аёлнинг жавобсиз нолишлари эди бу!

Афсус, Хуррам аёлининг кўнглидан кечираётган азоб-уқубатларни, изтиробларини хаёлига келтирмас, ишдан бўшади дегунча иккинчи хотини билан айш қилас, беҳисоб пулларини Сурайёнинг нозу фироқларини, истакларини бажо келтиришга қурбон қилас эди.

Насиба кўзлари қизарган, қовоқлари шишган, товушлари хасталанган ҳолатда уйғонди. Қайнота-қайнонаси аҳволини кўриб, ачиниб кетишиди.

- Кўп куйманг, дедик-ку! Тўйдан кейин Хуррам билан гаплашамиз, масалани бир ёқлик қиласмиз. Ҳовлига чиқиб, овсинларингизга қарашинг. Биз қудалар билан келишдик. Шанба куни тўй.

Ҳамма битта ҳовлида яшагани учун Насибанинг дардидан бехабар қолмаган, айримлар унга ачинса, овсинлар «висир-висир» гап ташишар, ўртанган юракни бешбаттар эзишар эди.

- Тўй тезлашибди-да, - ўйлади хаёли чалғиб, - биз ҳам бир вақт кун санагандик, - хўрсинди Насиба, - энди-чи?!

- Тўйдан икки кун аввал Хуррам ташқаридан уринаётган хотинини чақирди:

Эртага кечки пайт шаҳардан меҳмонлар..., - сал хижолатнамо сўзларди у, - анави... Сурайё бир-иккита дугонаси билан йўқлаб келади, ёш болага ўхшаб ўйиндан ўқчиқармасдан ўзингни сипо тут. Уларни хурсанд қилиб кузатишимиш керак...

Насиба тўлиб турган экан, кўкрагига найза санчилгандай сапчиб тушди, ғазабланди.

- Нега сипо тутарканман, а? - бирдан тутоқди у, ғазаб ва хўрликдан кўзлари ёшланиб, - бошимга кундош келади-ю тили қисиқ хотиндай хизматини қилайми? Ўша ифлосни кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ. Обкелмайсиз! Болаларим яшаётган хонадонга қадамини босмайди!

- Менга буйруқ беряпсанми? - унга қараганда икки карра ғазабланди Хуррам, - ким келади, ким келмайди - мен белгилайман. Бу уйда - мен хўжайинман!

Насибанинг кескин гапириши Хуррамнинг хаёлига келмаган эди. Барчасига кўниб, муштипарлашиб қолгани учун «Хўжайин, сиз нима десангиз шу-да!» дейишини кутганди. Афсуски, унга бўлган муносабати ўз оқибатини кўрсатаётган эди.

- Улар келади, сен хизматда бўласан! - ғазабланди эр.

- Келмайди! - эрининг кўзига тик қаради Насиба.

Энди эрининг ростмана жаҳли чиқди.

- Ўчир овозингни!

- Аввал мени ўлдирасиз, сўнг ўлигим устидан уни олиб ўтасиз.

- Бас қиласанми, йўқми?

- Бас қилмайман, овозимни ўчирмайман!

Хуррам ўзини босолмади, сапчиб ўрнидан турди-да, бор нафрatinи кафтiga жойлаб, хотинига тарсаки торти. Юзтубан йиқилган аёлни елкасидан пастига, биқинининг тепасига зарб билан тепди. Насиба «дод» деди. Фала-ғовур, шовқин-суронда унинг ноласини та-

шқаридагилар әшитмади. Қовурғалари қақшаб, танаси зирқираб кетганды, эрининг оёғига маҳкам ёпишиб олди. Хотинининг жон ҳолатда титраётгани, күзларидан «дув-дув» ёш тұқилаётганини күрган Хуррам бир силтаб, унинг құлларидан оёғини тортиб олди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Насиба туни билан иситмалади. Ён қовурғаси оғриб, күнгли айниди, нозик жойи әзилгандай вужудида қувват қолмади. Саңарда туриб үйдагиларга қарашиб юбо-ришга ҳоли етмаслигини ўйлад, хижолат бўлди. Чап биқинининг тепаси, ён қовурға ортидаги оғриқ бошқа жойларга тарқалди.

Эрталаб Хуррам катта ҳовлига чиққанида идиш-товоқ ювиб, қозонга ўт қалаётган янгалари хотинини сўраши.

- Мазаси йўқ! - деди у бепарво, - кейинги пайтда икки куннинг бирида «касалман» дейдиган қилиқ чиқарган.

- Ҳа, Хуррамжон, - катта янга таъна аралаш пичинг қилди, - севиб уйландим деб бошингизга чиқариб олган-сиз, энди оҳанжамасига чидайсиз-да!

Ўртанча овсин суҳбатга суқилди.

- Бу кишим сал меҳнатга мундайроқ, кечаем ҳаммаздан олдин уйга кириб кетдилар.

Кичкина овсин нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтла-дию, катталарга тескари гапиришдан чўчиб тилини тийди. Аммо ҳамма ўзи билан овора турганида Насибанинг олдига ҳол сўрагани кирди.

- Опа, тузукмисиз?

Насиба кутилмаган овоздан сесканиб, овсини томонга ўгирилди.

- Вой опа, Сизга нима бўлди, рангингиз сарағайиб, юзингиз кўкариб кетибди. Қаерингиз оғрияпти, ул-бул керакмасми?

- Сал қўнглим айнияпти...

- Иссик чой олиб келайми, нонушта қиласиз.

Насиба қўзғалди, устидан кўрпани олиб ерга қараб ўқчили.

- Иштахам йўқ, кейин...
- Ойимларга айтай.
- Шарт эмас...

Кичик овсин кетгандан кейин бир соат ўтиб, қайнонаси хабар олди.

- Ҳа, нима бўла қолди?
- Ўзим, сал кўнглим айниятти. Қарашиб ўрнига ётиб олганимни қаранг.

У зўрга нафас олар, кечқурунги воқеани айтгиси келарди.

- Нима гаглигини очиқ айтинг. Ё Хуррамдан сўрайми?
- Сал тезоблик қилиб, нуқиб юбордилар...
- Бемаза! - воқеани дарров фахмлади қайнона, - Ҳали қараб турсин, тўйдан кейин бу ифлоснинг адабини берамиз... Манави қатиқни ичиб, дам олинг, иш бўлса овсинларингиздан ортмас...

Кечга яқин иккита дугонаси билан Сурайё тўйга келди. Уларни сўриток тагидаги столга ўтиргизиши. Ташқаридан кирган нотаниш аёл унга:

- Анави оқ шим, кофта кийган аёл кундошингиз! - деди.

Насиба парда ортидаги диванда ҳаммасини кузатиб ётар, вужудининг қақшаб оғриганига парво қилмасди. Аксинча, очилиб-сочилиб, тилла тишларини ярақлатиб дугоналари ўртасида ўтирган кундоши, унга парвона бўлиб хизмат қилаётган эридан нафратланиб борарди. Қадаҳлар жаранглаб, дил сўзлар айтилди. Шўх мусиқа янгради. Аввал Хуррамни, кейин Сурайёни ўйинга тортиши. Уларни ўртага олиб чиқиб, пул қистираётгандар ўзининг яқинлари эканини ўйлаб, иккиюзламачилик, хиёнатдан Насибанинг газаби тошди. Хуррам ёнидан бир даста минг сўмлик чиқарди-да, беш-олтитасини Сурайёга узатди, қолганини бошидан сочиб юборди. Бошқалар ҳам унга пул беришдан ўзларини тиёлмадилар. Одамлар, хотинлар ва болаларнинг гап-сўзлари, шивир-шивирлари қулоққа чалинар, барчаси Насибани

## САЦЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ЖАНЖАР

таҳқирловчи ҳақоратдай юрагини тирнаб ўтарди.

Рашк ва ғазабдан ёнган Насиба кичик овсинидан Хуррамни чақиртирди. Аммо ўйин-кулги ва Сурайё билан овора эри қайрилиб ҳам қарамади. Учинчи марта айттириб юборганды шиддат ва ғазаб билан коридорга кириб келаркан, хотини бир қўли билан тепки еган қовурғасини ушлаб, иккинчи қўлини ерга тираб судралиб келаётганини кўрди. Унинг кўзлари ҳамма нарсадан умид узган одамницидай аянчли ва фожиали боқар, «Мени нима қилиб қўйдинг», дегандай нафрат ва ғазабга тўла эди.

- Ташқарида нима бор? Жойингга кириб ёт! Бирпас ўйнагани қўясанми, йўқми?

Хуррам уйчасидан чиқиб, бирровни қопмоқчи бўлган итга гапиргандай муомала қиласарди.

Насиба «йўқ» дегандай қўлини силтади. У тилдан қолган эди. Маст, жаҳолат отига минганди эр аёлнинг жигарига тепди, тепаверди, тепаверди...

Насиба тушидами, хушидами - билмайди, тим қора туман ичига сингиб йўқ бўлди. У ўзига келиб қон қайт қиласди.

Тун ярмида уйга кирган Хуррам аёлни кўрдию, қўрқиб кетди. Даҳшат, ваҳима ичиди ўзини йўқотиб қўйишга сал қолди. Хотинининг томирини ушлаб кўрди, юрагига қулоқ тутди - ҳаракат йўқ. Ҳатто нафас олмасди. «Энди нима бўлади? Мени ишдан ҳайдашади, қамашади. Чорасини кўриш керак!»

Ховлига чиқди. Ҳеч ким йўқ. Тунги бир. Хотинни кўтариб дарвоза олдида турган машинанинг орқасига ётқизди. Уйидан юз метрча наридаги тутзорга олиб борди-да, бензин сепиб ўт кўйиб юборди. Гарчи Насиба жимгини ёнаётган бўлса-да, адолатсизликка қарши исён кўтариб, уни қувиб келадигандай, аланга оташидан илаштирадигандай машинани тез юргизди. Кейин тўйиб-тўйиб ароқ ичди.

... Милиция ходимлари жиноятни фош қилишди. Суд

тиббиёт экспертизаси аёлнинг қораталоги эзилиб, жигари ёрилиши оқибатида ўлгани, сўнгра ёқиб юборилганини тасдиқлади. Хуррам асосий гумондор сифатида қамоқча олинди.

Аммо уни суд қилишнинг имкони бўлмади. Чап қовурғасини ушлаганча фожиали кўзларини тикиб суд-ралиб келаётган аёл, қон қусиб ётган мурда, тутзорда ёнаётган жасад кўз олдидан кетмас, даҳшатли қиёфада бостириб келаверар, бошқача айтганда, Насибанинг аlam-зада арвоҳи бир лаҳза ҳам унга тинчлик бермас эди. Ўнинчи кун Хуррам ақлдан озди ва руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштирилди. Врачлар уни даволаб бўлмаслигини айтишиди...

### МАККОРА

Абдураҳмон салкам тўрт ойдан бери Москвада. Ҳар бий хизматда бўлмагани, мусофирикда юрмагани учун соғинч ва зерикиш ҳисси озгина қийнаса керак деганди. Йўқ, ундай бўлмади. Манзилга етиб келишгач, Зумрад шаҳарнинг кўзга кўринган жойларини айлантириди. Иккича қаватли метро, дунёга машҳур Кремль биноси, Измайлово сайёҳлар мажмуаси, супермаркетлар, осмонўпар бинолар, бозорларни кўрганда Абдураҳмонни ҳайрат алангаси чулғаб олди. Гоҳ-гоҳ телевизорда кўрина-диган улкан бинолар қаршисида юраги ҳапқирап, вужудини руҳий лаззат қамраб оларди. Атроф гўзал ва замонавийлигидан ёш боладек қувониб кетар, синфдошлари бу ерни тушида ҳам кўрмаслигини ўйласа, ич-ичидан ғуурланиб кўярди. Бу ғуур ва ҳайрат учун Зумраддан миннатдорчилик турар, уни бағрига босиб, икки юзидан чўлпиллатиб ўпгиси келарди. Беш-олти ой олдин тарихий шаҳарни кўриш хаёлига келмаганини мулоҳаза қилса, бу дамлар ширин тушга ўхшарди.

Зумраднинг эски таниши Андрей Петрович тез кунда яхшигина маош тўлайдиган иш топиб берди. Озиқ-

овқат, ётоқхона текин. Фақат меңеридан ортиқча ичмай, бемаңни одамларга қүшилмай, буюрилған ишни қилиб турса, ваъда қилинганды 400 доллар вақтида келаверади. Ҳозирча иккаласи икки мингдан ортиқроқ «кўк»идан йиғиб қўйишиди.

- Аёл киши пишиқ бўлади-да! - ўйлайди баъзан у. - Агар ўзим келганимда бунча пул жамгаролмасдим. Ярмидан кўпини улфатчилика сарфлардим.

Абдураҳмоннинг бундай ўйлашида жон бор. Эркакларда баъзан пулнинг бетига қарамай сарфлаб юбориш иллати учрайди. Беш-олтитаси топишдими, дарров ошга пул тўплашади. Аввал икки кишига, кейин калла бошига биттадан ароқ ичилади, кетар жафосига деб яна бир-иккита шиша бўшатилиди. Қорин тўйиб бадан қизигандан кейин орадан биттаси чиқади-да:

- Бугун бир жононга бормаймизми? - деб ҳаммани қитиқлаб қўяди. Анчадан бери хотин кўрмаган эркаклардан бири:

- Кетдик, қирқ йилда бир эшак ўйини! - деса, бу ишни хоҳламайдиганлар ҳам тўпдан ажрамай деб бирга кетаверади. Натижада бир неча ҳафта жонни жабборга бериб топилган пул бир-икки соатда нафс қурбонига айланади. Иродаси бўш одамларда нафс балоси ғолиб келса, топиш-тузишидан барака қочади. Абдураҳмон ҳозирча бундай бемаъниликка дуч келмади.

- Чунки, - дейди баъзан ўзига ўзи, - мени асраб турадиган Зумрад бор!

Хуллас, ҳаммаси режалаштирилгандай кетиб турувди, аммо кейинги пайтда Зумрадга нотаниш одамлардан қўнғироқлар кела бошлиди. У телефонда гаплашаётганда сирини яшираётган айбдордай қизариб-бўзарар, бир қанча вақт Абдураҳмоннинг кўзига қаролмай юрарди. Икки ҳафта ичидаги рўй берган воқеалар эса Зумраддан ўн икки ёш кичик Абдураҳмоннинг юрагини чангак тифидай тирнаб ўтди. Аввал шубҳаларим асоссиз, деб ўйлади. Ўн кун бурунги ҳодиса эса гумонларини кучайтирди.

Ўша куни хўжайиннинг топшириғи билан бозорга жўнаган Абдураҳмон метрота чиқиш олдидан Зумрадга телефон қилди.

- Картошка тозалаяпмиз, икки соатдан кейин ишимиз тугайди, ўзим қўнфироқ қиласман, жоним! - деди у.

Абдураҳмон метронинг Рязан бекатидан чиқиб, бозорга бурилувдиямки, юз метрча нарида тоҷик башара эркак билан турган Зумрадни кўриб, ҳайрон қолди. Чунки у ишлаётган ошхона ўн беш километрча узоқда бўлиб, бу ерга келиш учун камида ярим соат вақт керак. Гаплашганига эса ўн минутча вақт бўлди, холос.

У киоск ортига ўтди-да, синаш учун Зумрадга қўнфироқ қилди.

- Асалим, кечқурун ширин қўлингиздан бир ош емаймизми?

- Наманганни соғиндингизми? Қилсак қиласверамиз!

- Бўпти, кўришгунча!

- Чао!

Зумрад телефонни ўчириб, сумкасига солди. Гапида сендай тирранчаларни бемалол алдаб, билганимни қила оласман, деган мазмун яширингандай эди...

Абдураҳмон астойдил қаради, бироқ эркакни танимади. Хўжайиннинг «Тез кел», дегани эсига тушдию, улардан кўз узмай бозорга юрди. Иккови такси тўхтатиб, ҳиндлар қурган меҳмонхона томон елдек учиб кетишиди.

Абдураҳмонда рашқ туйфуси аланталанди. Ҳаёлига ҳар хил фикрлар келиб, нимани қанча харид қилаётганини тушунмасди. Ҳатто бир жойда қайтимини олмай кетаётгандан рус аёл тўхтатди.

- Молодой человек, возмите сдачу.

Кечқурун уйга борганида сабзи қовураётган Зумрад ҳеч нарса бўлмагандай, Абдураҳмоннинг кўзига бақрай-иб қараб туар, бошига қалин рўмол ўрагани учун сочининг ювилган-ювилмагани билиб бўлмасди. Ўзи гап очиб қолар, деб ош еб бўлингунча кутди. Зумраддан садо чиқмади. Шубҳани кучайтирадиган ҳолат рўй бер-

## САЦИШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

магани учун Абдураҳмон бирор гап айтишга ботинолмади. Ўринга ётишганда юрагига қулоқ соларкан, виждонини турли гумонлар қийнаётганини сезди. Уйқуси қочди. Чарчагани учун ярим соат ўтмай кўзи илинди.

Уч кундан кейин тушликда Зумрад ишлаётган ошхонага борса, телефони столда турибди-ю, ўзи ташқарига чиқиб кетибди. Кекса тожик аёл:

- Ҳозир келади, бир нафас ўтириб туринг, - дея стул кўйиб берди. Тўсатдан Зумраднинг телефони жиринглаб, Абдураҳмоннинг юрагига шубҳа оралади, эшитиш тугмасини босиб қулоқ солди.

- Зуля, қалайсиз, жоним, алло, эшиятисизми?

Зумраднинг ўрнига Абдураҳмон жавоб берди.

- У киши ҳозир йўқлар, нима гапингиз бор?

- Олимхон сўради деб қўярсиз, ўзи билади.

- Хўп бўлади.

Абдураҳмон гарчи қўзларига қараб турмаган бўлса ҳам, тожик аёл «чакки бўлди-да» дегандай, ташвишланганини сезди.

- Опа, Зумрад билан ишлайсиз, Олимхоннинг кимлигини айтольмайсизми?

- Мен яқинда келганман, унақаларни танимайман, болам!

- Ҳа-я! Холажон, Зумрадга Абдураҳмон келиб кетди, деб қўйсангиз.

- Майли, айтаман, болам!

Абдураҳмон тожик аёлга билдирмаган бўлса ҳам, ичидан зил кетди. Ота-онаси, хотини, боласини ташлаб, Зумрад билан Москвага келганига илк дафъа афсусланди.

... Тижорат билан хотиржам шуғулланиб юрувди. Ҳафтада бир марта Қорасув, Қўқондан мол олиб келади, ярмини ўзи, қолганини камхарж ўртоғи Каримжон сотарди. Ҳар ҳафтада, ҳеч бўлмаса, эллик-олтмиш минг сўм фойда бор эди. Бир қисмини дадасига берса, кўпроғини ўзи ишлатарди. Улфатлар билан ўтиради, хотини,

боласига майда-чуйда харид қиласади. Синфдошлари ўртасида ҳам обрўси яхши, бирортаси пул сўраса, қарз беришга қурби етарди. Кунларнинг бирида Зумрад унинг олдига келди-ю:

- Москвадан келтирилган асл моллар бор, оласизми?
- деб қолди.
- Аввал кўрайлик, нархини келишсак олаверамиз-да!
- Кийим-кечак, аёллар туфлилари, сизга ҳам нон қоладиган қилиб бераман!

Зумраднинг мулойим, ўзига ярашган табассум билан гапириши Абдураҳмонни ром этгандай бўлди. Назарида эркак кишини оҳанрабодай тортадиган аллақандай жозбаси бор эди унинг.

- Эрталаб олиб келсангиз, шу ерда бўламиз.
- Эртага иложим йўқ, Москвада бирга ишлаган дугоналарим келадиган, хоҳласангиз икки соатдан кейин келтиришим мумкин.
- Майли, опа.
- Отингиз?
- Абдураҳмон.
- Омон бўлинг, асалим.

Хозиргача бундай муомалани кўрмаган Абдураҳмоннинг ичидаги тўлқин турди. Аёлнинг бўлиқ кўкраклари, кўйлаги ярашиб турган тик қаддига суқланиб қарапкан, юрагида хузурбахш илиқ туйғулар уйғонди. У кетгандан кейин худди фаришталар ёрдам бергандай савдоси юришиб кетди. Анчадан бери сотилмай ётган болалар кийимлари, туфлилар, айрим кофталар мўлжалидан қимматроқ нархга кетганидан ниҳоятда қувонди. Зумрадни омад фариштасига ўхшатди. Ҳатто тезроқ келишини, у билан тузукроқ танишиб олишни ўйлади. Гарчи ёши катта бўлса ҳам, юрагини забт эта бошлаган бу аёл хотини беролмаган алланарсанни бир зумда қалбига ташлаб кетгандай эди.

Зумрад анчагина куттириб келди.

- Сизга қараб савдони тутатолмай турибман, опа!

- Шунақа, асал, биз күттиришни яхши күрамиз.

Унинг муқомлари, ноз-ишвалари ўзига ярашар, Абдураҳмоннинг юрагида пайдо бўлган илиқ туйғуларни аланга олдиради.

Абдураҳмон Зумрад таклиф қилган нархларга осонгина кўнди. Савдо тугагач, ҳатто:

- Опа, молларингиз ҳам ўзингиздай чиройли экан, - дейишгача борди.

- Боя айтдим-ку, бизники асл мол деб...

Ёшина Абдураҳмон Зумрад кўзда тутган маънони тўла тушунмади. Фақат табассумларию, сирли қарашла-ридан бу аёл бошқачароқ деган фикрга борди, холос.

Зумрад чаққонлик билан раста ортига ўтиб, молларни жойлаштиришга ёрдамлашиб юборди. Ерда ётган туфли кутилари, шилдироқ қоғозлар ва бошқа майдада-чўйдаларни йигиштириб, битта цеплофан халтага жойлади-да, оғзини боғлаб бир четга қўйди. Сўнгра растада бетартиб турган молларни харидорга чиройли кўринадиган ҳолатда тартиблади. Беш минутда саранжом-саришта бўлган ўз савдо ўрнини кўрган Абдураҳмон аёлнинг чаққон ва эпчиллигига қойил қолди. Зумрад олдидан ўтаётганда қимматбаҳо атир ҳидидан ташқари, одамни ўзига тортувчи аллақандай ёқимли ис келар ва лаҳза сайин юрагининг нозик жойидан боғлаб ўзига тортиб борарди.

Улар мол баҳонасида анча суҳбатлашишди, яқинроқ танишиб олишди. Енгил табиат, эркак деса ҳам танасидан, ҳам чўнтагидан фойдаланишни кўзлайдиган Зумрадга Абдураҳмоннинг соддалиги, ёш ва келишганлиги ёқиб қолганди. Қисқа вақтда унда ўзига нисбатан қизиқиши уйғота олгани, илму амаллари кор қилганидан хурсанд эди.

«Иродаси бўш бола экан, энди измимдан чиқолмайди», ўйлади у.

Муносабат шу даражага етдики, Абдураҳмон Зумрадни кўрмаса туролмайдиган ҳолатга тушди. Кунларнинг бирида Зумрад уни уйда тунаб қолишга таклиф этди...

Энди Зумрад айтмаса ҳам икки куннинг бирида пакет кўтариб уникига қатнаб қолди. Ота-онаси, хотини хабар топгач:

- Менинг ишимга аралашманглар! - деди чўрт кесиб.

Абдураҳмон ўзидан ўн икки ёш катта аёлни севиб қолганидан бозордагилар ҳам ҳайрон.

- Ҳозирги йигитларга бир бало бўлганми, - дейди ёши катталари, - энаси тенги хотинларга хуштор бўлади?! Юраман деса, кўзини сузиб турган қизлар кўп-ку!

Хотини Абдураҳмонга таъсир ўтказмоқчи бўлди, аммо унинг кескин қаршилигига дуч келди. Хотини ҳам билганидан қолмади.

- Мен ўшани суриштиридим. Эрсиз бузуқ хотин экан, - деди Ҳилола, - заводда ишлаган пайтида иккита оилани бузиб юборган, дейиши. Туппа-тузук одам фоҳишага илинганингизга ҳайронман. Иккита боламиз бор, яхшилика бу йўлдан қайтинг, бўлмаса, уйимизга кетаман.

- Кўрқитиб юбордингиз-ку, хоним! - деди Абдураҳмон.

- Болаларга ҳам ачинмайсизми?

- Ачинаман, сени ҳайдаётганим йўқ-ку! Яшасанг, катта уй, аммо менга аралашма! Шунга кўнмасанг, сени ушлаб қололмайман.

Орадан уч кун ўтгач, Ҳилола Зумрадникига бориб жанжал кўтарди. Кучининг борича олишди. Сочини юлди. Аммо маккор аёл, ҳукмрон оилада ўсган, эрга беписандлик, хиёнат ва бошқа иллатларини осонлик билан яшира олиш қон-қонига сингиб кетган Зумрад бўш келмади. Эри Ҳикматилла ҳалол, тўғри одам бўлгани учун маккорликни сиғдироммади. Аёли хиёнат ва ёлғончиликни шу қадар усталик билан қиласардики, Ҳикматилла уни айблашдан ожиз эди. Ҳаммасини ичига солавериб, юраги хасталаниб ётган пайтлари хотини ўз бошлиғи Насибжон билан дон олишиб юрганини эшишиб, дарди оғирлашди.

## **САҚЛАШ КАМЕРасидаги жанжар**

Зумрад «Бойлик изтироби» фильмидаги Дорис Дюкнинг онасидай эрини ўз ҳолига ташлаб кўйди...

- У эрини қаровсиз ўлдириб юборди, - дейишиди одамлар.

Ҳикматилладан сўнг Зумрад денгиздаги балиқдай истаган томонга илҳом билан суза бошлади.

- Абдураҳмон - халоскорим, - дерди у, - мени ёмон йўллардан сақлаб туради. Шу йигит туфайли имонимни, номусимни асраяпман. Бузук хотинларга қўшилмаяпман.

- Иккита болали ёш йигитни уйингга олиб кирган сен қанжиқда номус борми, ор борми? Ўзингга ўхшаган шилтани топсанг бўлмайдими?! Эшитдим, заводда ишлаганингда иккита оилани бузуб юборган экансан. Энди менинг эримга навбат келдими? Хомтаъма бўлма, сенга бериб қўядиган эрим йўқ, тушундингми?

Маҳалла-кўй тўпланди. Нима гаплигидан хабар топган катталар Зумраддан нафрлатланар, ёшлар фикр билдиришга ожиз эдилар.

- Ҳой мусулмонлар, - деди Ҳилола кўчани бошига кўтариб, - бир қанжиқ куппа-кундузи бировнинг эри билан ўйнашиб юрсаю, ҳеч ким суриштирмаса, бу ерда маҳалла йифини борми? Виждонли одам топиладими? Ахир, шуникига бегона эркак кириб-чиқиб юрса, ўғилқизларингиз тарбиясига ёмон таъсир қилишини наҳот билмасангиз?

- Бор, - деди орадан биттаси чиқиб, - биз Зумрадни яхши биламиз. Илгариям бу ҳовлида хушторларнинг базми жамшилларини кўп кўрганмиз, жанжаллар бўлган. Оқсоқоллар муҳокама қилишган. Охири марта муҳокамадан кейин кўзимизга қаролмай, Россияга кетвorgan эди. Икки йилдан кейин келиб, яна хунарини бошлади. Энди биз қараб туролмаймиз. Бугундан шу ишини тўхтатмаса, маҳалладан кўчириб юборамиз, тўғрими, қўшнилар?

- Тўғри! - деди кўпчилик.

Ҳилола оқсоқолнинг гапидан яхши натижа кутганди. Афсуски, эри кундузлари ишлаб, кечаси Зумрадникода тунайдиган, топганини унга ташийдиган одат чиқарди. Ичи куйиб, ёниб кетган, юраги зада Ҳилола бир неча марта пойлаб бориб эрини ушломади. Зумрад уни уйига кириптади. Эрини қайтариб олишнинг бошқа йўлини билмаган Ҳилола қайнонасига ялинди.

- Ойи, Абдураҳмон акам бунчалик эмасдилар. Бир фол очдириб келинг-чи. Нега ўша қанжиққа ёпишиб қолдилар экан?

Она фолчига боришлан аввал катта ўғлига айтиб, уни савдо қилаётган жойидан олдириб келди.

- Мен сенга кимман? - деди Абдураҳмонга босиқлик билан

- Онамсиз, - деди у ерга қараб. Гап мавзусини фаҳмлаган ўғил вазиятдан чиқиш йўлини ахтарарди.

- Бир қиз, бир ўғил туғиб берган саранжом-саришта хотининг нега ёқмай қолди? Менга анигини гапир, бунинг нима айби бор?

- Айби йўқ..

- Унда нега уйга келмайсан, ўзингдан ўн икки ёш катта бузуқ хотинга илакишиб юрибсан? Сен бизни маҳалла-кўй, қариндош-уроф, қуда-андада олдида шарманда қиляпсан-ку! Болам бўлсанг бунақа ифлослик қилмас эдинг, сени мен эмас, ит туққан экан. Қайси куни тергасак, ишимга аралашманглар дейсан. Нима сен бошвоқсиз молмисан? Ота-онанг йўқми? Акаларинг ўттиз-қирққа кириб шу ҳунарни қилмаганди. Сен бузуқликни кимдан ўргандинг?

Абдураҳмон ерга қараб тураверди. Бир оғиз гапиришга ожиз эди у.

- Гапир, тилинг кетингга кириб кетганми?

- Э, сизлар барибир тушунмайсизлар..

- Эй, тушунган, биз нимани тушунмаяпмиз?

- Э. - дедиую, Абдураҳмон кўчага чиқиб кетди.

Ҳилола ўзини босиб туролмади.

## САҚЛАШ ЖАМЕРАДИДАРЫ ХАНЖАР

- Ана ойи, бунингизга бир бало бўлган, қаратиб келмасангиз бўлмайди.

Саломат хола эртасига шаҳардаги фолчидан хунук гап топиб келди.

- Минг марта тавба қилдим. Наҳот, одамзот Худодан кўрқмаса!

- Нима гап, ойи?

- Анави жувон ўлгур эрингни ўзига иситиб олган экан. Энг ўткир жуҳуд конъякка қўшиб, тайёрлаб берганмиш.

- Энди нима бўлади?

- Дард бўлади, бало бўлади?

- А!

- Тезда қайтариш керак! Дўзахда куйгур бу манжала-қини калласини узиб ташлаган савобга қолади.

Шу куни кечқурун Зумрадникида бошқача маслаҳат бўлаётганди.

- Бозорда қанча топасиз? - сўради Зумрад Абдураҳмондан.

- Икки юз минг сўмдан ортиқ.

- Битта маслаҳат бор, амал қилсак, кўпроқ пул топамиз, тинчгина яшаймиз.

- Айтинг, - деди Абдураҳмон шошганидан.

- Биргаликда Москвага кетамиз, танишларим дарров иш топиб беришади.

- Ҳар ой қанчадан ишласа бўлади?

- Тўрт юз доллардан бемалол топамиз! Ҳаракат қилсак, даромад кўпайиши мумкин.

- Мен бир ўйлаб кўрай.

- Нимасини ўйлайсиз? Мен саккиз ой ишлаб, уч ярим минг доллар билан келдим. Икковимиз бўлсак, ўн минг долларга яқин ишлаймиз. Шаҳардан алоҳида квартира, машина оламиз. Ҳеч ким мушугимизни «пишт» демайди. Молларингизни шеригингизга топширинг, кетамиз.

Зумрад Абдураҳмонни эритиб юборувчи гаплар топди. Мушукдай мулойимлик билан қалбига кирди-да, таклифига рози қилди.

## БОЖИЙ МИРЗО

Ота-онасининг қаршилиги ва қаттиқ норозилигига қарамай, Абдураҳмон Зумрад билан Москвага йўл олди.

Онаси, хотини бирор тадбир қўллолмасдан, қақшаб қолаверишди. Синфдошлари ҳайратдан ёқа ушлашди. Кимдир устидан кулди, кимдир: «Ҳа, энди кўнгил-да», дейишдан нари ўтмади. Ҳамма ўз дарду ташвишлари билан бўлгани учун тез орада бу можарони унугди. Фақат Абдураҳмоннинг хотини билан онаси жаврашдан тўхтамасди. Онаси фарзандига куярди. Оқ сут бериб ўстирган боласи ўзидан катта бузуки билан кетганига чидомласди. Ҳилола эса эрини яхши кўрганидан, иккита боласи билан ёлғиз қолаётганидан аламзада эди.

- Кўп куйманг, қизим, - деди, ниҳоят, қайнонаси, - бир кун афсус чекиб, изига ёниб қайтиб келади. Иккита боласи билан сизни ташлаб кўярмиди? Илму амалининг таъсири кетгунча чидаб турасиз.

\* \* \*

Улар турган квартира шаҳар марказидаги йигирма бир қаватли уйда эди. Бино катта бўлгани учун келиб-кетувчиларнинг ҳисобини ҳеч ким ололмас, турли соҳа билан шуғулланадиган одамлар бошқалар билан қизиқмас эди... Кунларнинг бирида Абдураҳмоннинг бошлиғи паспортини сўради. Зарур бўлса, квартирадан олиб келишини айтганда:

- Давай, бистро! - деди бошлиқ.

Уйга яқинлашганда ҳам Абдураҳмоннинг кўнглига ҳеч нарса келмаган эди. Калит солгач, эшик осонликча очилди, ётоқхонадан эркак киши билан Зумраднинг қувноқ овози эшишилди. У қия эшикдан ётоқقا мўралади. Зумрад бегона эркак билан диванда ётарди. Нафас олмай гапларига қулоқ солди.

- Энди кейинги ҳафта учрашамиз, - деди Зумрад. - Унчалик чўзиб юборманг, сизни соғиниб қоламан, асалим!

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ЖАҢДАР

- Ҳар куни телефонда гаплашиб туралысыз, жоним, аммо бундан бүён әхтиёт бўлинг, қайси куни анави гўдак келган экан, қўнғироғингизга жавоб берибди. Мехри опа айтиб берса, бир чўчиб кетдим.

- У ҳали салага-ку! Мени деса ўлиб қолади.

- У ёш, ўзингиз хуштор бўлгансиз-ку!

- Пойимда шунақалар юрса пайтава қилиб ҳузур оламан.

Абдураҳмоннинг ғазаби қайнади. Вужудини титроқ эгаллаб кўз олди қорайди, аммо кириб боришни ҳам, қайтишни ҳам билмай гангид турганда онасининг: «Бу хотин ҳали сени маймундек ўйнатади, бошингга ит кунини солганда мўминтой бўлиб эшигимдан кириб келасан!» - деганини эслади. «Оҳ, авлиё онам! Ҳозир кириб борсаю, иккови қучоқлашиб турган бўлса, нима дейди? Зумраднинг хиёнатига нисбатан қандай чора кўради? Ўзи Ҳилолага айтгандек, истасанг шу, истамасанг катта кўча деса, шалвираб уйга кетадими? Онаси, хотини олдида ким деган одам бўлади? Ўртоқлари кети билан кулмайдими? Ҳилола уйга кетиб қолган бўлса қайтармикан? Ярамас Зумрад! Ахир, ваъдалари бошқача эди-ку! «Сиз менинг нажоткоримсиз, муҳаббатингиз билан ёлғиз аёлни бемаъни ишлардан асройсиз. Ёшим катта бўлса ҳам кўнглингизни топаман, охиригача сизга содик қоламан, меҳрибонингиз бўламан!» деган гаплари қаёқда қолди? Уч ой бўлмасдан ваъдалар унтилдими? Мен энди кимман, унинг учун эрмак, бир гўдакманми? Эркаклик фурурим қаёқда қолди? Оиласини, ота-онамни ранжитиб топган обрўйим шу бўлдими?»

У ҳовлига тушиб, подъезд рўпарасидаги ўриндиққа ўтирди. Ҳеч нарсани ўйлашни истамас, одамлар билан гаплашиш юрагига сифлас эди. Кўксида тўлиб-тошган надомат ва пушаймонлик ҳаётга иштиёқини сўндириб борар, одамлар шунчалик олчоқ ва мураккаб эканлигини эзиларди. Оддийгина, ўқимаган онасининг ақли етган савдога нега унинг фаҳми калталиқ қилди?

Ярим соатча вақт ўтгач, икковлари қувноқ кайфиятда зинапоядан тушиб келишаркан, Абдураҳмонни кўриб ҳайратда қолишиди. «Вой, Олимхон ака, Абдураҳмон...», дея пичирлади Зумрад.

Қалтис дамларда макрга ўрганган аёл вазиятдан осонликча чиқиб кетиш учун ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутди.

- Вой, асалим, уйга кирмай бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

Зумрад аввал ёнидаги эркакка, сўнг Абдураҳмонга қараб:

- Оббо дарров рашк қилишни бошладингизми, қўйинг, жоним, ахир сиздан бошқа ҳеч кимим йўқлигини яхши биласиз-ку! - дея ноз қилди.

Зумраддан зада Абдураҳмон айёрликка қарши маккорлик усулини қўллайман деб турганда, аёл:

- Ана, Олимхон ака, бизнинг йигит как Отелло! Ҳозир рўмолча сўраб бўғишидан ҳам тоймайдилар, - деб кулгига олди.

Зумраднинг артистлиги Абдураҳмонга ҳам юқди.

Нима мақсадда келганини, тезда ишхонага қайтиши зарурлигини айтиб, квартирага чиқиб кетди. Қайтиб тушганида ҳеч ким йўқ эди...

\* \* \*

Абдураҳмоннинг кўнгли оғриди, аламзадалик билан йўлга тушаркан, троллейбусга чиқмай, пиёда кетишни маъқул кўрди. Ҳозир юрагига қил ҳам сифмас, бировнинг гапини эшитиш, пул ҳақида ўйлаш сабр косасини тўлдиришдан бошқасига ярамас эди. «Ифлос, ярамас! Мени пайтава деди-я! Бир вақт кучоғимда ётиб, дунёда севган ягона эркагимсиз, ҳаётимни сизсиз тасаввур қилолмайман», деганди. Ушанда «Ҳилола, бундай гаплар билан кўнглимни ололмайди», деб уни тўпориликда айблагандим. Тўғри, хотиним соддароқ, аммо мени

яхши кўради, хиёнат нималигини билмайди».

Уйдан чиққанига уч ойдан ўтибдики, ота-онасига бирор марта телефон қилмади, аҳволи билан қизиқмади. Зумраддан кўнгли қолган сайин соғинч туйфуси юрагини чўғдай куидириб, кўз олдига қизи, ўғилчаси келди. Оиласда ўтган ширин дамлар, болалари ёқтирган қўғирчоқ ёки ширинликни олиб берса, уларнинг:

- Дадажон сиз жуда яххисиз, а? - дея ич-ичидан хурсанд бўлишлари, яйраб кетишлари хотира сандифидан чиқди, юраги орзиқди.

Кечак ҳаётидаги пайдо бўлган Зумрад билан пул тўплашни ўйлабдию, тўққиз йилдан бери бир ёстиқча бош кўйган Ҳилолага болаларининг харажати учун атиги юз доллар жўнатишни ўйламабди. Бозорда турганда яхши биларди: Қозогистон ёки Россияда ишлаётган дадасидан пул келган болалар онаси билан савдо қилганини, хоҳлаган кийимини олдирса, яйраб кетганини бир неча марта кўрган-ку!

Онасининг куюнчак, мунис чеҳраси кўз олдида намоён бўлди-да, ўпкаси тўлиб томоғига аччиқ нарса тиқилди. Йиглагиси келди.

- Онажон, сиз ҳақсиз, мен ҳаётни, одамларни яхши билмайдиган фўр боламан. Насиҳатингизга кирмаганим учун ўзимни кечиролмайман. Зумраднинг илму амали кўзимни кўр, юрагимни тош қилиб кўйган экан. Мени кечиринг, аммо у билан орани очиқ қилмагунча, олдингизга боролмайман. Хиёнатлари, ҳаётимни издан чиқаргани учун жавоб бериши керак. Ҳаммаси учун ундан қасос оламан!

\* \* \*

Зумрад Абдураҳмонни кўрганида ўзини хотиржам тутишга уринган бўлса-да, фишт қолипдан кўчганини сезганди.

Абдураҳмон уч ойгача унинг хиёнатларини билмади.

Аммо кейинги пайтда ўзи ҳүшёрликни йўқотди, садоқати, севгисини гумонда қолдириб, қалбига шубҳа солди. Энди у мабодо ажрашиб кетсалар ўртадаги пулни қандай ўзлаштириш, Абдураҳмонни суянчиғи йўқ катта шаҳарда ёлғиз қолдириб, иш жойини ўзгартириш ҳақида бош қотирарди...

\* \* \*

Абдураҳмон ишдан қайтса, Зумрад уйда йўқ. Ўзи овқат пиширишга ҳафсаласи бўлмади. Ошхонада тўйиб келмаганига афсусланди. Гарчи толиққан бўлса-да, бир неча соат олдин хиёнат содир бўлган ётоқقا кириб чўзилгиси келмай, стулга ўтириди. Вужудини ғазаб, алам туйғуси кемирар, қайнок қалби хиёнатни сиғдиролмай қийналарди. Аёл қўлида эрмак бўлгани, камситилгани сония сайин томирларидағи гурурни уйғотар, хиёнат, маккорликка қарши исён туйғуси бўрон қутурган денгиздай юрагини ларзага соларди. Назарида унинг мияси карахт бўлиб, ўзини бошқариш, қўлга олиш қобилияти онгидан ташқарида эди...

Кўзи илинай деганда эшикдан Зумрад кирди. Жуда хурсанд. Кўзлари қувончдан порлайди.

- Бугун дугоналарим билан учрашдим! - севинч билан сўзларди у, - Бир ўтириб мазза қилдик.

У кийим алмаштириш учун Абдураҳмоннинг ёнидан ўтаётганида хонани ароқ ҳиди тутиб кетди. У деярли маст эди.

Абдураҳмон шубҳаланди: «Дугоналари билан эмас, жазмани билан ичган, чунки ёнида пул йўқ эди!»

- Менга қара, Зумрад, - Абдураҳмон илк бор уни сенлаб гапирди, - ростини айт, ким билан ичдинг?

- Дугоналарим...

- Очиқ айтсанг кечираман, акс ҳолда ёмон бўлади! - у ғазабдан титрарди..

- Ие, асалим, нима бўлди сизга?

- Мени асалым дема, қыз бола эмасман.
- Ёмон фикрга борманг, хұжайин, үзингизни босинг.

Абдураҳмон ошхонадан катта пичоқ олиб чиқдида, Зумрадни бир тәпіб ерга қулатди, товони билан күксидан эзіб, томоғига пичоқ қадади.

- Пуллар қаерда?
- Вой, ҳозир пулни нима қиласиз?
- Топ!
- Оёғингизни олинг.

Зумрад диван күрпасини күтәраркан, қўрқув ҳиссини енгиб, вазиятдан чиқиш йўлини ўйларди. Ёлғондан кўрпа остини пайпаслади.

- Ие, пул йўқ!
- Қанақасига йўқ! Ҳозир топмасанг, калланг кетади. Эҳтимол, боя сен билан шу диванда кўнгилхушлик қилган Олимхонга бериб юборгандирсан. Ёки уч кун аввал учрашганда чўнтағига солиб қўйганимидинг?

- «Пулни топ!» деяпман, қанжиқ! - Абдураҳмон унинг сочидан тортиди. У лаҳза сайин қони қайнаб, ваҳшийлашиб борарди. Аёл қаттиқ қўрқиб кетди.

- Ҳозир топаман... мана.. батарея олдига...
- Зумрад латтага ўралган долларларни Абдураҳмонга узатаркан, енгил «ух» тортиди. Абдураҳмон пулларни чўнтағига солиб, аёлнинг қўл-оёғини маҳкам боғлади, осмонга қаратиб ётқизиб, оғзига эски латта тиқди. Сўнгра оппоқ, очиқ кўкрагига пичоқ билан тилиб, «Маккора» деб ёзди-да, хонани тарк этди...

Кўксидан қон сизиб, оғриқ азобида: «Аблаҳ жуҳуд, олти ой деб уч ойга тайёрлаб берган экан...» деб пичирлаётган Зумрад кўксига ёзилган асл исми бир умр қонталаш доғ бўлиб қолишидан бехабар эди...

### КИЗ МЕХРИ

- Хотиним, албатта, ўғил тұгади! - синфдошлари орасида мақтанарди Фанишер, пиводан сипқориб - уни бокс клубига бераман, маҳалладаги зумрашаларнинг барини түкиб ташлайды, шаҳарнинг эң зүр атамани бўлади.

Бошқа сафар ўтиришда яна ҳаммани ўзига қаратади.

- Ўғлим дунёда единний бўлади. Ҳали кўрасанлар, сенларники унинг чангидаги қолиб кетади. Мушаклари Майк Тайсонникуга ўхшаб бўртиб чиққан, бир уришда унча-мунча Валуевларни ағдариб ташлайдиган Алломишига айланади!

- Ўшанда бир ой ичидаги беш-олти синфдошлар уйлашибган, ҳатто аёлларининг кўз ёриши ҳам бир вақтга тўғри келаётган эди. Юракларда умид, ҳаяжон, ширин бир интизорлик бор эди дўстларининг қўнглида. Фақат Фанишергина тушида аён бўлгандай ёки бирортаси мукаммал башорат қилгандай «Мен фақат ўғил кўраман!» деб мақтанишдан чарчамас, оғайнилари «Фанишер, катта кетманг, ким тугилишини ҳХудодан бошқаси билмайди, оғанини!» деб попугини пасайтираси ҳам, «Мен аниқ биламан, биринчи болам ўғил бўлади, Озодбек ёки Шерали Жўраевни олиб келиб катта тўй қиласман, ҳамманинг оғзи очилиб қолади! Мени Фанишер дейдилар, кимсан Тўрахон раиснинг ўғлимани!» - дерди кўкрагига уриб. Четроқда ўтирган Муҳаммад ёнидагиларга: «Бирор марта «Худо хоҳласа» дейишни билмайди-я, нодон!» - деб пичирлайди. Бошқаси эса: «Тўрахон раиснинг арзандаси, албатта, ўғил кўради деб пешонасига ёзиб қўймаган-ку!» - дерди кулиб.

Фанишер ёшлиқдан қийинчилик кўрмай, раиснинг эркаси бўлиб ўсади. Синфдош ёки маҳалладошларига арзимаган баҳона билан каррандалик қиласди, атаманман дегандай доим керилиб юрарди. Тўйларда текканга

тегиб, тегмаганга тош отиб, ўзига ўхшаганлар билан муштлашишни ва албатта, ожизларнинг бурнини қонатишни яхши кўрарди. Болаларга, тенгқурларига кўпроқ жабр етказиб, зўрлигини тан олдиришни севимли машгулотига айлантирган эди.

Раиснинг ўғли деб ўқитувчилар унинг ёнини олишар, ошкора хушомад қилишдан уялмас эдилар. У ёқтирганига зўравонлик қилиб, хушлаганининг бошини силаб - истаганича яшаб катта бўлди, аммо институтни икки марта ташлаб келгандан кейин дадаси: «Битта ўғил, мендан қолганлар билан ҳам тирикчилигини ўтказиб олади», - дея парво қилмади ва ўртоқлари қатори уйлантириб кўйди...

Дастлаб Баҳодир ўғил кўрди, кейин Раҳимжоннинг аёли қўчкордай ўғил туғиб берди. Ҳаммалари гузарда йиғилиб ўтиришганда Собир ўғил кўрганини айтиб синфдошлардан суюнчи олди. Сўнгра Баҳромнинг ўғлини анҳор бўйида «ювишди». Ҳамма бир-бирини қувонч ва ҳавас билан табриклар, фақат Фанишергина башараси тиржайиб турса ҳам ўғил кўрганларга ҳасад билан қарап, ичи ёниб кетаётганини аранг яшириб турарди. Буни айримлар сезса ҳам парво қилишмасди.

Шанба куни Собир ишхонага яқинлашганда чўзиқ кострюлка кўтариб кетаётган Фанишерга кўзи тушди.

- Хотининг туғдими?
  - ...
  - Салиманинг кўзи ёридими, Фанишер?
  - Ҳа... - аранг гапирди у.
  - Ие, табриклаймиз, ўғилми?
  - ...
  - Айтақолсанг-чи, нима туғди?
  - Битта бола туғди-да, ҳадеб сўрайверасанми? - негадир жаҳли чиқди Фанишернинг.
- Кечга бориб маълум бўлдики, Салима қиз туғибди! Фанишер ўзини қўярга жой тополмасмиш! Қиз туғиш гуноҳдай хотинини тинмай сўкар, «дўст-душман олдида

тилимни қисдинг», дегандай бор аламини ундан олармиш.

У қызлик бўлишни одамлар олдида синдирадиган зарба егандай қабул қилди. Синфдошлар олдида бир газ чўккандай, гап-гаштакка қўшилолмай қолди. Хотини билан яхши гаплашмас, аламзадалигига қизи айбдордай уни кўтармас эди. Онаси «қизни берган Худо ўғилдан ҳам қисмайди, сал ҳовлиқмай тур»Ю дея насиҳат қилса ҳам ҳафсаласи пир бўлганча қовоғи очилмайди. Кўз олдидан кино лентасидай ўтаётган мақтанган дамлари билан ҳамширанинг: «Қизалоқ кўрдингиз, суюнчи беринг!» - деган совуқ хабари қўшилиб, гурурини хақорат қилаётганга ўхшар, назарида, қиз туққан хотини алла-қаёқдаги болалар олдида уни синдирган эди...

Орадан икки йил ўтди. Салима ҳомиладор бўлмади. Қизининг бемалол йўлга кириб, бийрон тиллари билан «дадажон» дейиши ҳам Fанишернинг қалбига ғуур, меҳр сололмади. Аламига чидолмай, Салиманинг жавобини бериб, ёшгина Нилюфарга уйланди. Афсуски, бир йилдан кейин у ҳам қиз туғди. Фанишер «дод» деб юборай деди. Аммо ота-она уни босиб туришарди. Собир ўғлига тўй қилганида у роса ичди. Узини эплолмай қолганда оғайнилари уйига ташлаб келишди. Эрталаб туриб хотини билан жанг бошлади.

- Мени ер билан битта қилдинг. Ўғил туғишини билмас экансан, менга тегиб нима қиласардинг? Қаерданам сенга уйландим? Йўқол, қўзимга кўринма! Қизинг билан қўшмозор бўл!

Бу пайтда қизи Наргиза энлигина атак-чечак бўлаётган, ота билан онанинг фарқига бораётган эди. Каттакатта шаҳло кўзлари билан кулиб қарashi, кичкина қўлчаларини чўзиб дадасига интилиши ота юрагида завқ-шавқ уйғота олмади.

Ҳамма гапни эшитиб турган онаси дакки берди.

- Ҳеч қаёққа кетмайди. Қиз фарзанд эмасми? Ўғил кўрмаганнинг боши эгилади, деб қайси нодон ўргатди?

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖЛР

Шундай чиройли қизинг борлигига шукр қылсанг-чи! Иккинчи оғзингга «йүқол» деган сүзни олма, ёмон бўлади!

Бир йилдан кейин онасининг айтганлари ижобат бўлди. Август оқшомларининг бирида Нилуфар ўғил туғди! Фанишернинг бутун аламлари тарқаб, боши осмонга етди. Оғайниларига катта зиёфат берди. Ўзи ҳам бир ҳафта ароққа чўмилиб яшади. Кўча-кўйларда юриши бошқача бўлиб, мақтанчоқлиги нам теккан уруғдай бош кўтарди. «Гап»га қўшилиб, охиригача ўслини мақташдан оғзи чарчамайдиган иллатга дучор бўлди.

Афсуски, кичкитой Сардорбек уч ёшга тўлганда кайф-сафоли кунларга кўз тегди. Жавобгар шахслар билан хўжалик мулкини ўзлаштиргани учун раис зиммасига катта миқдорда камомад қўйилди. У магазинлари, машиналари, ўғлига олиб кўйган ҳовлиларини сотиб тўлади. Бор-буудидан ажради, аммо қамоқдан кутулиб қолди. Омадсизликни гуури кўтаролмади, шекишли, кўчага кам чиқадиган бўлиб қолди.

Фам фамни келтиради деганларидек, ҳамма уйга қамалиб ўтирган кунларнинг бирида кўчадан совуқ хабар кирди:

- Сардорбекни машина уриб кетибди!

Фожия ўлганинг устига тепгандан бешбаттар бўлди. Фанишер ичкиликка муқкасидан кетди, баъзан қуруғидан тортиш одатини тарк этолмагани учун уйидаги майда-чуйдаларни сотиб нафсини қондира бошлади. Ётиб еганга тоғ чидамас деганларидек, катта хонадонга шарқираб келаётган сув тўхтади. Нилуфар катта корхона директорининг қизи бўлгани учун оила ҳаётининг саҳрова кечаеттган кунларига чидамади. Кутилмаганда ўғлидан ажраш, Фанишернинг қилиқлари сабр косасига сўнгги томчи бўлиб томдию, ота уйига кетиш туйгуси аланга олди. Қайнонанинг ялинишлари бу ўтни учиролмади, Фанишернинг «кетсанг кетавер», дегандай совуқ қарашлари интилишига жон кирилди. Ота-онаси кар-

най-сурнай билан кутиб олишмаган бўлса-да, ёлғиз қизнинг ночор, қийналиб ящашига тоқат қилолмаслик туйғуси кудаларнинг хафа бўлишидан устун келди F анишернинг хотинига муносабатидаги илиқлик Сардор туфайлигина эди, қизи Нигора уларни боғлаб туришга ожизлик қиласди гўё...

Тушкунлик, улфатлари ва қўлида ишлаганинг оқибатсилигидан зада бўлган отаси уни олдига чақирди:

- Қариганимда, қора қунларимда суюнчиқ бўларсан дегандим! Афсуски, амалдан тушганимдан бери менга ҳурматинг пасайди, сени шу ниятда катта қилганмидим? Қачон одам бўласан? Бизга кор келасанми, йўқми?

Отасини умрининг охиригача амри вожиб амалдор бўлиб юради, деб ўйлаган Fанишер бундай пайтда кўнглини кўтарувчи гап топиб айтольмасди.

- Тогамнинг «Тико»сини олиб берсангиз оилани боқардим... - Тога бир вақтлар ўзига каттазанглик қилган, ишларига беписанд қараган күёвни эмас, синглиси ва жиянларини ўйлаб, машинасини қизғанмади. Бир-икки ойда ҳар тутул тирикчилик изга тушди. Қишиллассида қўёш илитгандай оиланинг кайфияти, бир-бирига муносабати аста-секинлик билан ўзгарди. Fанишернинг ўғил кўриш орзузи кўнгилнинг аллақайси нуқтасида совуқдан кўрқсан боладай яшириниб ётарди, энди оиласидаги илиқликдан исинган туйгу янги чиқсан майсадай қад ростлай бошлади. Fанишер киракашликда эрсиз аёлларни кўз остига олиб юарди. Манзура битта қизи билан эрдан ажраб, ота уйида сифинди бўлиб ўтирган қунлари тақдир уни Fанишер билан рўбарў қилди. Ўғлининг сўққабош юришидан кўнгли хижил она Манзурани кўрди-ю: «Иссиққина жувон экан», - дея дарров тушириб олиб келди... Бундан эса «дом»да Fанишер билан пинҳона дон олишиб, бир қиз кўрган Ҳалима қаттиқ изтиробга тушди. Унга: «Агар ўғил туфсанг, оламан», - деб ваъда берган эди... Ваъдалар тилдагина қолиб кетди.

Фанишернинг бу аёлдан умиди катта эди. Ўғил туғиб берса, ўксиган кўнглим кутарилар, ўзимни тикларман, синфдошларга қўшилиб гап-гаштакда юрарман, деган ширин орзу билан тунларни тонгларга уларди. Афсус, тақдир бу сафар ҳам уни сийламади. Манзура қиз туққандан кейин ширин орзулар намсиз тупроқда унолмаган уруқقا ўхшаб қолди. Синфдошларининг ўғиллари эса мактаб остонасига қадам ташлаб, бийрон тил билан китоб ўқыйдиган, айримлариники боғчадан шеърлар ёдлаб келиб, ота-онасини хурсанд қиласидаган даражага етган эди. Икки-учта қиз кўрса-да, ҳеч ўксинмасдан, бу ҳодисани ор билмасдан аҳил яшаётган эрхотинларни Фанишернинг кўзи кўрмасди. Шунинг учун Манзурадан кўрган қизни фарзанд кўрмаётган амакисига бериб юборди. Иш билан овора бўлган кезлари билинмаса-да, «Тико»га ўғли билан чиққан йигитларни кўрганда ёки ўғилчасини етаклаб юрганларга кўзи тушганда ўғилсизлиги гуурсизликдай таъсир қилар, тўйиб ичиб Манзура билан жанжаллашарди. Ойлар ўтган сайин бу ҳолат оиласидаги муҳитни мураккаблаштириб, муносабатларга дарз кетказди. Ўз ҳурматини биладиган Манзура азобларнинг охири кўринмаслигига ақли етди, шекилли, Фанишерга шарт қўйди:

- Ўғил туғмаганимни юзимга солавермасангиз яшайман, акс ҳолда, амакингизга берган қизимизни ҳам олиб уйга кетаман!!

- Менга ўғил керак, гап тамом! Ҳоҳламасанг, ана катта кўча, йўқол кўзимдан!

Бу гап пишган олмага отилган тощдай Манзуранинг титраб турган нафсониятини захалаб ўтди...

Фанишер аввалги хотинларидаги қизларини кўришни истамас, бунга имкон ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ эди. Улар эса ҳар доим оталарини кўришни истар, фойибдан меҳрсиз отага меҳр билан талпинар эдилар. Қандай ҳолатда бўлмасин у билан бирга яшаш, «қизим» деган сўзини эшлиши орзуси билан нафас олишарди. Йиллар бир-

бирини қувлаб, тошқин дарёдай оқиб борарди. Аммо унинг тошдан қаттиқ қалбидა қизларга нисбатан илиқ түйғу уйғонмади.

Кунларнинг бирида синфдоши Собир туман газетасининг янги сонини узатди:

- Ўқи, тошюрак, қизинг сенга ёзибди. Зора, кўзинг очилиб, битта ўғилни ўйлайвермасдан, тўртта хотиндаги қизларингни ҳам ғамини есанг!

Фанишер газетани оларкан, кутилмаган янгиликдан ҳайратда қолиб, аниқроғи, шеър оқибатсизлиги учун ёзилган ҳукмдай титраб ўқий бошлади:

*Сизга келган хатарларнинг  
Йўлини тўсаман, отажон.  
Алномишдай ўнта ўғилнинг  
Ўрнини босаман, отажон!*

*Мен-ку, сизни жонимдан ҳам  
Ортиқ кўргум, отажон,  
Аммо фарзанд уволидан  
Бугун қўрқинг, отажон!!*

Ёш қалбдан отилиб чиққан изтиробли сўзлар тўртта хотиндаги тўртта қизнинг алами, меҳрга зорликнинг битмас-туганмас ифодаси сифатида Фанишер юрагига зарб билан урилди. Шеърни иккинчи марта ўқигандан кейин кўзига ёш қўйилиб келди. Бироздан кейин эса дили оғриган, эркалаш ва меҳр-муҳаббатдан бебаҳра собиқ хотинларининг Аллоҳга қилган илтижолари, аччиқ норозиликлари кўз олдига келдию, тамоман ўзини ўқотди. Тўрт аёлнинг тирик етимларни катта қилиш азоблари, ота-оналари, ака-укаларию, опа-сингилларининг норозиликлари уни умрининг охиригача таъқиб этажагини ўйларкан, юрагини тубсиз қоронфилик қоплади. Хато ва нуқсонларни бирданига англаш, юракка сиғедириш азобида, изтироблар гирдобида машина бош-

қарыб кетаркан, вужуди титрар, қисқа вақтда улғайған одамдай күзларыда терән қайғулар мужассам топған эди. Барча қыздардан буғуноқ хабар олиш фикри миясига «ярқ» этиб урилди. Шеър ёзған қызининг маңзун жилмайған қиёфасини тасаввур қыларкан, тезроқ уларни улларидан олиб мұзқаймоқхүрлиқта таклиф қилиш, бундан кейин меҳридан бебаҳра қолдирмаслик түйғуси юрагига күч-қувват бағишлиб борарди...

### **ИЛХАҚ ЖОН**

Зулхумор қизи ухлагандан кейин корейс сериалини күриш учун телевизор мұрватини босаётганида, әшик құнғироғи шиддат билан, узун-узун жириңглади. Чақи-рув гоҳ-гоҳ ташриф буюрадиган пулдор танишларини-кига ўхшамаса ҳам очишиша шошилмади. Аммо құнғироқ яна тақрорланди. Тиниб улгурмай, әшик гурс-гурс тақиллади, «дом»ларға бемаҳал келадиган безори, мастрлар-нинг түполонини эслатагандай аёл қалбіда ғалати шубха, хавотир ўрмалади.

- Зулхумор, оч әшикни, мен аканғман! - деди шошилинч овоз.

Аёл әшикни гурсиллатган Карим акаси эканлигига ишонч ҳосил қилди. Олти йил аввал ҳам шундай тез ва өзимен билан келған эди...

- Тезроқ оч, зарур гап бор!

Зулхумор түшден кейин құл телефони жириңглаганда экранга қараса, тумандаги ота уйининг рақами! «Тавба, - деганди ҳайрон бўлиб, - шунча йил бирорталари эслашмаганди. Бугун нега қидириб қолишиб?» - деб жавоб бермади.

Бир оздан кейин чақи-рув тақрорланғач, мусиқаси момақалдириқдай асабига тегди, ёқимсиз хабарни сез-гандай телефонни ўчириб қўйди. Энди эса әшиги ваҳимали гурсиллаб, акаси чақирияпти!

У шифонердан чиройли халатни олиб, шошилмай

кийингандан кейин эшикни очди.

- Яхшиям уйда экансан! Тез жўна, қишлоққа кетамиз!
- Келинг, ака, яхшимисиз! Уйдагилар тузукми?

Шундагина Каримнинг хаёлига бир неча йилдан бери кўрмаган синглиси билан «Саломлашгандан кейин хотиржам гаплашиш мумкин-ку», деган фикр келдию, хижолат тортиб қизарди.

- Уйга киринг!

Карим коридорга солинган чўғдай қип-қизил гилами босишга ийманди.

- Шу ерда гаплашамиз!

- Нима гап?

- Отам оғир касал ётибдилар. Кечадан бери сени сўраяптилар, бормасанг бўлмайди.

Зулхуморнинг юрагига алам, қайғу, бир дунё изтироб ёпирилиб кирди. Олти йил қизини унугтган дадаси нега кутилмаганда йўқлаб қолди? Ҳаётини хақорат, аламзадалик ва пушаймон билан тўлдирган ота, наҳотки, хатосини тушунган бўлса? Етмишга яқинлашганда шундай бўлиши мумкинми?

Ўйлаб топган жавоблари Зулхуморни қониқтирамас, чалкаш ўйлар, бир-бирига қарама-қарши туйғулар билан қийналар, акасига қандай жавоб қайтаришни билмасди.

- Жўнаб чиқ, пастда машинада кутаман!

- Менга буйруқ берманг, ака, ҳали сизга «бораман» деганим йўқ!

- Ие, нега? Оғир касал отамиз йўқлайдилару сен бормайман дейсанми, эҳтимол, зарур гаплари бордир! Сен қанақа қизсан ўзи?!

Беписандлик ва таънадан Зулхуморнинг ичи эзилди. Акасининг кўзига тик қараб, кескин жавоб қайтаришга мажбур бўлди.

- Мен бормайман!

- Нега?

- Дадамнинг менга айтадиган гаплари қолмаган, ҳам-масини олти йил олдин бир йўла сўзлаб бўлганлар!

Карим Зулхуморнинг кўзига қаролмади. Чунки неча йиллардан бери кўнглиниң бир чеккасида яшириниб ётган туйғу - синглисингин ота хатоси туфайли оғир ва тубан йўлларни босиб ўтишга мажбур бўлганлигини тан олиш ҳисси ғалаён кўтараётган эди...

- Ҳозир... - деди базур, - эски гаплардан гина қиласидан вақт эмас. Вазият жиддий, отамнинг икки-уч кунлик умрлари қолганга ўхшайди...

Зулхумор ҳамон юрагида ғалаён кўтарган алам ва хўрликлар ҳиссини енгиш учун ўзи билан ўзи курашар, унинг дарди ҳозирги муаммодан оғирроқ эканлиги учун эски гапларни орқага ташлаб, акасининг олдига тушиб кетолмасди. Зеро, кўксисида шунчаки гина эмас, бир дунё алам, узоқ йиллик изтироблар дарёси чайқаларди...

- Ака, - деди кескин, - уйга бориб нима дейишингизинг нинг менга қизифи йўқ. Аммо бормаслигимни айтиб қўйинг! Бошқа гапим йўқ!

Акаси зарда билан эшикни қарсиллатиб ёпиб кетганида ҳам Зулхумор ҳушига келмади. Коридор ўргасида турганича ғазаб ва нафрата тўлган қалби бўронда кўз-ғалган дengиздай нотинч эди...

\* \* \*

Қосимхўжа тумандаги энг катта колхоз раиси эди. Вилоят, республика марказида йирик амалдор оғайнилари кўп бўлгани учун хўжалик муаммолари тез ва осон ҳал бўлар, қадрдонлари келса, колхоз боғида тонготар зиёфатлар берар, баъзан ҳокимнинг масалаларини очишга елка кўйгани учун ҳам туманда айтгани айтган эди. Оддий одамларга бирмунча беписанд, лавозимдорлар билан муомалани ўхшатиб кўйгани учун кичиклар билан унчалик иши бўлмасди.

Үйда кам бўлса ҳам колхоздагидай сиёsat юргизар, манманлиги, кибру ҳавоси сезилиб турарди. Учта қизини ўзига ўхшаганларга узатди. Феълини билганлари

учун қизлари унинг раъйига қарашди. Бироқ кенжা Зулхумор қайсар, ушлаган жойини кесадиган бўлганини анча кеч англади. Англадию, ҳаёт доим ўзи хоҳлагандай кечиши мумкин эмаслигини, ёқмайдиган, ҳушёр тортирадиган томонлари кўплигини ўйлаб асаби бузиладиган бўлиб қолди.

Ҳамшираликни битираётган Зулхуморга вилоят раҳбарларидан бири совчи бўлиб келди.

Кенжা, барчасидан чиройли қизи шундай юқори жойларга муносиблигини, кимсан фалончиевга қуда бўлишини ўйларкан, қалби ғууррга, шодликка тўлди. Ҳалима опанинг:

- Қизингиздан бир оғиз сўрайлик! - деган илтижосига кулоқ солмай совчиларга розилик бериб юборди.

Ҳамма можаро икки кундан кейин бошланди.

Ишдан қайтган Қосимхўжа меҳмонхона йигиштираётган она-боланинг айтишуви устидан чиқди-ю эшик ортида тўхтади.

- Менга ўша амалдорнинг боласи умуман керак эмас, - деди қизи.

- Жон қизим, энди ҳеч нарсани ўзгартиrolмайсан. Опаларинг ичидан эзилса ҳам дадангга бир оғиз гап айтмай тегаверганини наҳот билмасанг!

- Биласан, ойи, улар соқов эди. Дадамдан қўрқиб ўзи учун кураша олмаган. Қолаверса, унаштирилган йигитлари яхши эди. Бу-чи, фирт наркоман!

- Унақа дема, қизим!

- Ҳа, буни ҳамма қизлар билади, наркоман!!!

- Куйганидан айтади. Сени кўролмайди. Мана кўрасан, баҳтли бўласан!

- Йўқ, ойи! - деди Зулхумор қатъий, - дадамга айтинг, у болага тегмайман.

- Яна ўша...

- Ҳа, тегсам Одил тегирмончининг ўғли Равшан акамга тегаман.

Бу гапдан Қосимхўжанинг ғазаби қайнади. Қайсар

қиздан ҳар балони күтган, аммо ўзини камситадиган, амалдорлар ўртасида ерга урадиган бу ҳақоратни эши-тишни сира ўйламаганди. Эшикни зарб билан тепди.

- Ҳой, қызы, - деди ғазабдан күзлари ёниб, - тенгим Одил тегирмончи бўлдими? Мени бутун вилоятга шарманда қилмоқчимисан? Ўша зоти пастларга ўзингни муносиб кўргани уялмадингми? Биз киму улар ким? Тегирмоннинг чанги билан рўзгор тебратаетган бир қашшоқ қадрингта етади деб ўйлайсанми? Э, аҳмок! Бунақа бемаза гапларни йиғиштир. Бир ҳафтадан кейин тўй, тамом, вассалом!

Эртаси куни Зулхумор куёв билан учрашиди ва ҳеч нарсадан чўчимай бошқани севишини билдириди.

- Севги ҳеч нарсани ҳал қилмайди! - бепарво сўзларди йигит.

- Барибир, сизга теголмайман!

- Нега? - ҳайрон бўлди йигит, - Сиздан буни кутмагандим, Зулхуморхон. Унчалик ноз қилманг, жонидан, биз ердан чиқмаганмиз, керак бўлса оёғимизнинг тагида ўнта қиз ўйнайди! Тушундингизми?

- Барибир, теголмайман!

- Ие, ҳа, қўрқасизми, айбингиз борми?

- Йўқ! Севмаганим учун теголмайман.

- Ҳа... Мен хафа бўлдим. Ҳеч ким мени бунчалик ҳақорат қилмаган... Лекин шуни билингки, сизни бир карра оламан! Айтганидай тўй бўлди. Лекин икки кундан кейин куёв томондан «Зулхумор бокира эмас экан», деган ваҳима келди. Юрагига урилган зарбадан саросимада қолган ота тўртингчи куни «Келинни кўч-кўрони билан олиб кетсин» деган мудҳиш хабарни қабул қилишга мажбур бўлдию, юраги санчди.

Зулхумор бу ноҳақликдан дод-вой солди, куёвнинг ёқасига ёпишди, юзларини юлди. Уйига келганидан кейин опаси билан гинеколог врачга учраб тўйгача бокира бўлганилиги ҳақида маълумотнома олди. Нусхасини қудаларга етказди, аммо фишт қолипдан кўчган

эди... Оила нуфузига соя тушди. Дадаси дарғазаб, ўзини қўярга жой тополмайди. Шаҳардаги ҳамма қўлини бигиз қилиб: «Бу жувон чиққан Зулхуморнинг дадаси», - деб уни кўрсатаётгандай, бугун бўлмаса эртага амалдорлардан бири қўпчилик олдида сурбетларча буни гапириб қоладигандай, одамларга аралашолмай қолди. Қизига, маълумотномага ишонай деса, қудалар шунча харажатдан, келиндан кечишиди. Қудалар ҳақ деса қизи дадил, мутахассисларнинг ёзма холосаси турибди. Икки ўт орасида қовурилган отанинг фазаб- нафратини таърифлаш қийин.

Қудалинг андишасизлиги, аввал ораларида ёмон иш ўтмаган бўлса-да, нашаванд ўғлининг кайфлигига айтган ёлғонига ишониб, обрўсини тўкканлигидан асаблари қақшарди раиснинг. Имкон туғилса, акахонларига пора қистарив бўлса ҳам ўч олишни кўнглига тугди.

У қайси гуноҳи, қайси аблажлиги учун бундай балоларга гирифтор бўлганилигини билолмай хуноб эди. Ҳаётининг бирданига афдар-тўнтар бўлиб кетишига сабаб нима? Бирорни ифво қилмаса, ноҳақ қаматиб юбормаса, омонатга хиёнат кўнгил кўчасига келмаса-ю амалдорлар орасидаги нуфузи биргина воқеа билан ер билан яксон бўлса? Бу қайси мантиқа тўғри келади?

Қосимхўжа бу ишда ички душманининг қўлини кўрмади. Ҳамма айбни қизига, унинг қайсарлигию қуёвга «Сенга тегмайман» деган бетгачопарлигига қўйди. Шу туфайли Зулхуморни кўрса, унинг асаби бузиларди.

Зулхумор олти ойдан кейин институтни битириб, ишга жойлашиш учун ҳаракат қилаётганда ҳам ёрдам бериш хаёлига келмади. Гўё ишга жойлаб қўйса, қизини кечиргандай, «гуноҳ»идан ўтгандай таассурот қолдиришдан қочди.

Бир куни Қосимхўжа уйга кетиш учун «Нексия» эшигини очганида ўриндиқда янги DVD диск турарди. Юраги «шув» этди, ноҳуш нарсани сезгандай музлаб қолди. Бу матоҳ хунук воқеаларни ўзида жамлагандай,

## САҚЛАШ КАМЕРДИСИДАГИ ХАИЖДР

обрў-эътибори, шаънини ерга урадиган фитналар билан боғлангандай туюлди. Ҳонасига қайтиб, уни DVDга солди. Уч минутдан кейин экранда яланғоч нотаниш эркаклар ва ... қизи Зулхумор кўринди! Кўрққанидан юрагига алланарса зарб билан урилиб, томоғига қаттиқ нарса тиқилди. Югуриб бориб эшикни қулфлали. Шармандали воқеа давом этарди...

Аппаратни ўчирди. Ажабо! Бу ишни ким қилиши мумкин? Наҳот, қизи шунаقا бўлса, шу қизи-я! Қайсарлиги, бетгачопарлигини билади, аммо тўйдаги кўнгилсиз воқеадан бошқа, енгилтаклиги тўғрисида бирор гап эшитмаган.

Ўрнини олмоқчи бўлғанларни душман деб билади. Кўплари чўнтағи бақувват, узоққа кўли етадиганлар эди, бироқ уни жилдиришни уddaлашолмаган. У эса лавозимида узоқ қолиш учун кўпини, айниқса, ёшларини эзib-янчиб ташлаган. Ҳатто айримларини бир умр бош кўтаролмайдиган қилиб юборган. Буларни оддий воқеа сифатида унутган Қосимхўжа диск компьютерда тайёрланган фитна эканлигини англаб етмади. Фазаб ақл кўзини тўсиб қўйди ва уйига бориб барчани тўплади-да, Зулхуморни «оқ» қилди... Ўзи ҳам юрагини чанглалади.

Зулхумор шу кўйи уйдан чиқиб, шаҳарга кетди. Икки йилдан кейин эрга тегди. Аммо турмуш ўртоғини хиёнат устида ушлаб олиб, уйдан ҳайдаб юборди...

Азоб-укубатлар, қийинчилик ва кулфатларга дучор бўлиб, иродаси букилганда бир неча марта отаси олдига йиғлаб келди, узр сўради, оёғига йиқилди, лекин бешафқат ота уни ўзидан итарди. Қизининг дийдаси тошга айланиб, юраги нафрат ва лаънатга тўлди. Ҳаётнинг адолатсиз ўйинлари, шафқатсиз кирдикорлари уни ҳам бағритош кимсага айлантириди... Кунлар ойдек, ойлар йилдек ўтаркан, ёлғизлик азоби уни чакки йўлга бошлади. Зоро, ҳаётдан беҳад норози, тақдир кароматларидан изтиробда яшаш жон-жонига текканди.

У ҳар қанча ҳалол яшашга уринмасин, тўғри йўлдан

оздиріб турадиган күрінмас күч бордай эди гүё... Бұніма? Ота оғзидан чиққан бешафқат сүзми, шайтонми ёки нозик ва қалтис дамларда тұғри йүлни танлай билмаслик түйгесіми? Бу саволлар Зулхуморға кечалари уйқу бермас, қимга илтижо қилишни, кимдан мадал сұрашни билмас эди. Отаси «оқ» қилишден аввал Худони танитиб қўймаганлигини тушуниб етишга қодир эмас эди у.

\* \* \*

Зулхумор тонг отмасдан уйғонди. Ювиниб, қизини турғизаётганда эшик қўнғироғи чалинди.

- Келинг, Моҳира опа! - у катта опасини ичкарига таклиф қиларкан, беихтиёр унинг қизарыб кетген кўзларига, сўлғин юзларига қаради.

- Зулхумор, - деди опаси коридорга қўйилган стулга ўтиараркан, - отам жон беролмай қийналиб ётибдилар, мен билан бирга борсанг, бир оғиз гаплари бор экан.. Илтимос, синглим!

Зулхуморнинг асаблари ёзилиб, юраги юмшагандай бўлди. Унинг ҳолатини кўрган опаси отини қамчилади.

- Менга қара, ўлаётган одамнинг сўнгги истагини золим подшоҳлар ҳам бажо келтиришган. Жон синглим, йўқ дема, бизни, онамни деб ўзингни кўрсатиб қўй. Жўна!

\* \* \*

Қосимхўжа кунчиқар тарафдаги янги андозада қурилган уйда ётар, опалари, акалари атрофида шай. Нариги хонада қариндошлари пичирлаб гаплашиб ўтиришарди.

Зулхумор отаси билан юзма-юз келганда қандай сўрашишни, гаплашишни билмас, бу ҳақда ўйлаб кўрган бўлса ҳам аниқ тўхтамга келолмаган эди. У отасининг оёқ тарафига ҳорғин чўқди.

- Дада, - деди Моҳира, - Зулхумор келди, күзингизни очинг.

Қосимхұжа кипригини билинар-билинмас құттардиді оёқ тарафида мунгайиб ўтирган Зулхуморнинг шу ердалигига ишонч ҳосил қылмоқчидай күзини каттароқ очди.

- Қизим! - деди бирдан дадилланиб. - Эсон-омонмисан?!

- Ҳа, дада!

Зулхумор диван ёнига келиб, бошини күрпага қўйди. Ота унинг бошини силаб, меҳрини кўрсатғандай бўлди.

- Мен нобакор отангни кечир! Кўзим кўр экан! Йўқса, душманларимга ишониб, сени «оқ» қиласмишим... Ахир, болам эдинг-ку! Амал, кибр-ҳаво кўзимни, ақлимни хира қилиб кўйганини билмабман! Сенга туҳмат қилган ўша йигит чиндан нашаванд экан - яқинда ақлдан озибди...

Зулхуморнинг юрагига қора қуюндай алам ҳисси ёпирилиб кирди. Вужуди титраб йиғлаб юборди. «Эҳ, ота! Бу ҳақда нега ўшанда ўйламадингиз?»

- Душманларим икки дунёйимни күйдириш учун бу фитналарни ўйлаб топишганлигини кейин тушундим!

Отанинг нурсиз кўзларидан ёш күйиларди, опа-укалар бир Зулхуморга, бир отага қараб, икки кўнгилдан кечәётган оғир изтиробларни ҳис этгандай, охирги дамда хатосини англаб етган отанинг афсус-надоматларига қайфу билан қараб туришарди...

- Хатойим шундаки, - деди у Қосимхұжа, - қизимни қарғаш билан ўзимга ҳам жабр қилибман, қарғалған одам жаннатнинг яқинига ҳам боролмай, абадий дўзахда ёнганидек, қарғаган ота ҳам жаннатга тушмас экан!

Ота оғир тин олди.

- Мени кечир, дуо қил, она қизим! У дунёга елкамда гуноҳим билан кетмайин!

Орадан бир соатча ўтди. Бирор гап айтишга ҳеч кимнинг юраги бетламади. Нурсиз кўзларини ярим очган ота бирданига:

- Сизлардан розиман, мендан рози бўлинглар! - дейиши билан хона йиги-сигига тўлди. Ота илтижоси Зулхумор қалбининг нозик жойларига урилди. Олти йил аввал кўксига пайдо бўлган совуқлик қўёшда эриган муздай йўқола бошлади. Тарапт тортилган асаблари бўшашиб, оиласи, отасига нисбатан яқинлик, меҳр туйғусини ҳис этди. «Сиздан розиман, ота! Мени ҳам кечиринг!» Сўзлар дилида айтилдими, тилидами, ажратолмади. Тушдан кейин отанинг жони узилди.

### МУСАФФО МАКТУБ

Йўналишдаги таксининг ўрта ўриндиchlари аёллар билан тўлган. Мен орқага бемалол ўтириб олмоқчи бўлиб, ойна томонга сурилаётгандим, қўлим силлиқ нарсага тегди. Қарасам, қоғоз. Эҳтиёткорлик билан олдим.

- Кимникидир тушибди! - дилимдан ўтказганимда «Раф» аллақачон бекатдан узоқлашганди.

Хонага келиб, шошилмай хатни очдим. Назаримда, бу севги мактубига ўхшарди. Дил изҳори билан танишиш иштиёқи ўқишга шошилтиради. Гарчи бу қилиғим одобдан эмаслигини англаб турсам-да, унга кўз ташлашдан ўзимни тиёлмадим. Мактуб ҳусниҳат билан ёзилган, лекин у севги изҳори эмас, ҳасрат дафтари экан. Мактубни бошқалар ҳам ўқишини истадим. Бунинг сабабини мактубни ўқигач, тушунасиз.

«Ҳадя, хат ёзиш учун йигирма кун ўйландим. Қоғозручка қилмасдан, уйингга бориб дилимдагини айтсам бўларди, аммо болаларим, оиласи үйлаб андиша қилдим. Сенларни Худо уриб қўйибдию, «Ўл-а!» дейиш шарт эмас, деган хуносага келдим.

Эрим сеникига қатнашини билардим. Аввалига эътибор бермадим. Ўз синглинг Насиба қилмишларинг ҳақида хабар берганида душманлик қиласпти, деб ўйладим. Комил акамнинг ўзгариб қолгани, топганининг бара-

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

каси ўчаётганидан сездимки, Насиба душманлик учунгина етказмаган экан бу шум хабарни!

Онам аңдишли, сабрли туққан. Ўзимни босдим. Комил акам айрим күнлари сен билан қолиб кетса ҳам асабига тегмадим. Дардимни кўзимдан сезмаса, бошқа томондан билдирамасдим. Орадан озгина вақт ўтгач, эрим ўзини гуноҳкордай тута бошлади. Кечкурун уйга келмаслик учун топаётган баҳоналари сийқалашиб, кўзимга қарашга уяларди у. Сабр қилаётганимни ҳам сезарди. Бир кун кечки пайт, бугун ишхонада навбатчиман, деб уйдан чиқаётганда:

- Тўхтанг! - дедим дадил, назаримда, у чўчиб кетди. - Биламан, ҳозир Ҳадяникига борасиз. Болалар ҳурмати қайтиб уйга келманг!

- И-е, нималар деяпсан, хотин?!
- Ҳаром-харишнинг касри уради!
- Э, кўйсанг-чи, Санобар!
- Ёки жавобимни бериб, у билан яшанг!

Ниятим жиддийлигини сезган Комил акам уйга қайтиб кирди. Ечиниб телевизор кўра бошлади. Эртаси куни ишга кетаётганда:

- Сиз Ҳадяни бир ёқлиқ қилгунингизча болалар билан онамницида яшаб турамиз! - дедим. Бу Комил акам учун кутилмаган зарба эди.

- Нега? - деди ажабланиб.
- Шунча вақт ҳалол боқдим, энди бирорвнинг шилтасига тойишни истамайман!

У менинг бир сўзли эканимни биларди. Эртасига кечки пайт онамницида овқатланиб ўтирсак, у кириб келди.

- Кетдик, Санобар, - деди кўзимга тик қараб, - хатони тўғриладим.

Мен гапларига ишондим. Ва болалар билан уйга қайтдим.

Эртасидан оиласизда асаббузарлик бошланди. Сен қўнғироқ қилиб:

- Ниманга керилиб, Комил акамга шарт қўясан? - дединг унинг қонуний хотинидай. - Сенга нима камлик қиляпти? Сен эркакнинг кўнглини олишни билмайсан. Қолаверса, - овозинг бирдан ўзгарди, - эшидик, жа-а сизам тоза эмас экансиз! - деган тагдор гапингдан миямга қон куйилиб қолай деди. Асли сендайлар билан ади-бади айтишиш бефойда, бироқ бу гапга жавоб қиласлик мумкин эмас эди.

- Мени кир деб сенга ким айтди?

- Биламан! - дединг қатъйи.

- Ҳозир уйингга бораман, буни исботлаб берасан, кўлингдан келмаса, ўзим адабингни бераман!

Бунгача сен ҳақингда унча-мунча гапларни йигиб қўйгандим, фақат мавриди келмагани учун ҳеч кимга оғиз очмагандим.

- Келавер, сендан қўрқадиган жойим йўқ!

Кўп қаватли уйларда эр-хотин ва кундошлар жанжали «мода»лигини биламан. Кўплари фойдасиз ва охири йўқ мажаролар. Сенинг айбноманг жиддий бўлгани учун ўзимни тийиб туролмадим.

Уйингта кириб сен билан сўрашмадим, кўрсатган жойингта ўтиридим-да:

- Энди исботла! - дедим жиддий.

Сен талмовсирадинг. Чунки далилинг йўқ эди. Келса шаллақилик билан шармандасини чиқариб жўнатаман деб ўйлагансан, шекишли, кутганинг чиқмади.

- Ўзингни бир томчи сувдек тиниқ деб ўйласанг, хато қиласан!

- Менинг кирлигимдан гапир!

Эрим билан саккиз йил яшаб бегоналарни хаёлимга келтирмаганман, хатоларини кечириб юрсаму, сендай суюқоёқнинг хақоратига чидаф тураманми? Фазабим тошарди. Бир оғиз нотўғри сўз айтсанг, сабр косам тўлишини билардим.

- Ҳа, Комил акамдан бошқаси билан бўлмаганмисан? Гапир!

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХЛНЖАР

- Мени ким деб ўйлаяпсан, ифлос? Ҳамма сенга үхшаган суюқоёқ бўлаверадими? - дедим-да, сочингдан ушлаб куч билан силтадим, ўзимга тортдим. Оёғингни эзиб, бошингни осмонга қаратдим. - Менга қўйилган айбни исботлай олмадинг. Сенинг кирлигининг эса мен исботлайман. Эшит: олти йил аввал эринг Жўрамирза ўртоғи Акмал билан ҳаммомда ушлаб олгани ростми? Гапир, ростми? - сочингдан қаттиқ тортиб, оёғингни кучим билан эздим. - Ростми?

- Ҳа, рост, - дединг ноилож.

- Фирма омборчиси билан дон олишаётганингда қўлга тушиб ишдан ҳайдалганмисан?

- Гапир, ҳайдалганмисан?

- Ҳа...

- Комил акам билан танишишингдан олдин ўзингдан ўн ёш кичик, уйланмаган йигитнинг бошини айлантирганинг, ота-онаси ўласи қилиб дўппослагандан сўнг ажрашганинг ҳам тўғрими?

- Айт, тўғрими?

- Тўғри!

- Сенинг кирлигинга яна қандай далил керак?

- Бўлди, сочимни қўйвор, оёғимни босма!

- Ҳей, иблис, мен Комил акамни ҳурмат қилардим, у билан баҳтли эдим. Аммо сендай шилтага илакишгани, қанча сабр қилмайин, хатосини тушунмагани учун ажрашаман.

Иллатинг борлиги учун илигинг қалтираб, қўрқиб кетдинг. Мен эса сени тинмай дўппослардим. Шунча вақт чеккан изтиробларим аламини олардим. Охири, ерга йиқилдинг, шунда ҳам тўхтамадим. Фазабим босилмагани учун рўмолим билан бўёдим-да:

- Иккинчи мен ҳақимда билиб-билмай гап айтадиган бўлсангт ўлдираман, тушундингми? - дедим. Қўзларинг фожиали тус олди. Баданинг кўкарди. Аммо мен бўш

келмасдим.

- Энди бу гапни қаердан топганингни айтасан?

Рўмолнинг икки учини бир-бирига чандиб, маҳкам тортдим. Сен баттар бўғилдинг ва нафас олишинг қий-инлашиди.

- Гапир, кимдан эшитгансан? - дедим ғазаб билан.

- Комил акам «Шунақа десанг сени ортиқ безовта қилмайди, мен унинг севганидан келган хатни топиб олганман», деганди. Айб менда эмас, кечир, Санобар! Асли мен унда демоқчи эмасдим.

Миям карахт бўлди, юрагим тўхтаб қолай деди. Наҳотки, саккиз йил бир ёстиқقا бош қўйган, икки болали бўлгунча қаттиқ гапирмаган одам шундай леган бўлса?! Ишонмай десам, хат ҳақидаги гапида жон бор.

- Ишонмасанг, ҳозир ўзларини чақириб сўраймиз! Мен ҳаводан олиб гапирмаяпман, - дединг ялинганнамо. Шундагина сочингни қўйиб юбордим.

- Йўқ, керакмас, - дедим бўшашиб. Юрагим, асабларим, вужудим бир дақиқада шалвираб қолди. Э, тавба! Саккиз йил ёстиқдошлиқ қадри шу бўлдими? Қизлик давримда синфдошим ёзган хатни ўйнашига қурол қилиб берадими одам деган? Юрагим қаттиқ жароҳатланди. Бирорвлар сарқитини хотинидан афзал билган эркакнинг жазосини Худо берсин!

Бир ҳафта ўзимга келолмадим. Жонимга қасд қилмоқчи бўлдим... Комил акам:

- Жиннимисан? - деганда:

- Буни истамасангиз, кетиб у билан яшанг, бу уйга қадамингизни босман! - дедим.

Шартим қатъий эди. Орага ҳеч кимни аралаштирмадим. У уйдан чиқиб кетди. Икки йил қийналдим. Яхшики, болаларимнинг тоғалари ташлаб қўйишмади. Барчалари бизга далда бўлишиди. Яхшики, инглиз тилини билганим учун қўшма корхона катта маошли ишга қабул қилди. Энди сен ҳам, эрим ҳам мени қизиқтирумай қўйгандинг. Ўзимни болаларимнинг соғ-омон униб-

ўсиши учун бағишлигандим.

Афсус, яқинда ғалати ғап эшитдим. Икковинг ўзингни тоза ҳисоблардинг, ҳаёт тескарисини кўрсатибди. Сен Комил акани бошқа ўйнаши билан ушлаб олган кунинг, у сенга жазманинг билан ҳаммомдаги айшинг туширилган дискни «совға» қилибди. Ҳайратда қоламанки, келишувларинг ҳам биру бир тарзида осон кечганимиш. Яна бирга яшаётган эмишсизлар. Сен ҳамон такрорлармишсан: «Эрим биринчи хотинининг севгилиси ёзган хатни ушлаб олган!»

Ҳа, айтгандай, тоғалари Москвадан қайтишда, жиянларим ўксимасин, деб кийим-кечакка кўшиб, иккита лотерея олиб келишган экан. Яқинда ўғлим Францияга саёҳат йўлланмаси ютиб олгани ҳақида хабар келди. Эртага у билан Парижга учамиз. Ёшлиқдаги ниятим Эйфель минорасини кўриш эди. Худога шукр, орзум ушаладиган бўлди.

Икковингга Аллоҳдан инсофу тавфиқ, ТОЗАЛИК тилаб:

**Санобар».**

Санобарга чин дилдан оқ йўл тиладим хаёлан. Аввалроқ «Бировга тегишли мактубни очдинг-а!» деган ўй кўнглигимга фашлиқ солиб турганди. Энди хотиржамман. Ишонаманки, Ҳадя мактубни ўқииди.

### **ТАҚДИР ЎРИНДИФИ**

Олтин баргларнинг шитирлаб узилиши видо ноласидай эшитилаётган кунларнинг бирида Зарнигор ишхонадан чиқди-да, шаҳар боби орқали бош бекатга йўл олди. Ҳикмат билан қоришган хазин туйгулар кўнглида ажаб манзара уйғотар, намхуш шабада япроқлар орасидан ўтаркан, беморнинг пичирлаб айтилган васиятидай таассурот қолдиради. Ногаҳон хиёбон четидаги ўриндикда бош эгиб ўтирган ўзи тенги йигитта кўзи тушдию, унинг ёнида бирпас ўтиргиси келди. Вужудидаги чар-

чоқми, тасодифий қарорми, уни ўриндиқ четига етаклади.

- Яхшимисиз? - У йигитдан ҳол-аҳвол сўрашга журъат этди.

- Раҳмат. - Йигит «ялт» этиб Зарнигорга қаради. Қиз қалбига хазин ўйлар тўла алам ва изтироб ёпирилиб киргандай бўлди. Ундан кўнгил сўраш ҳақида ўйларкан, бу қадар келишган йигит нимадан изтиробда эканига таажжубланди.

- Бирор ёрдамим керакмасми?

Қизнинг сўзлари самимий эди. Йигит бошини кўтарди-да, хўрсиниб қўиди ва Зарнигорга тикилди: Сўзлари юракдан айтилганмикан? Гарчи ҳамдардга муҳтоҷ бўлса-да, дуч келган қизга ичидагини тўкиб солгиси келмади. Нотўғри ўйлаши мумкин, деган андишага борди. «Аввал танишай, гаплашиш қочмас!»

- Баҳромжонман! - деди йигит қизга қўл узатиб.

- Зарнигор!

Қиз билинар-билинмас тортиниш билан саломлашди.

- Ўқыйсизми? - сўради йигит.

- Аллақачон битирганман, коллежда ишлайман.

Йигит қизнинг бармоқлари бўшлигини кўриб, кейинги саволни беришдан ўзини тийди...

Зарнигор астойдил жойлашиб ўтириб олди. Йигит ҳам у томонга ўтирилмоқчидай, кўзғалиб қўиди.

- Яқинда онам вафот этдилар! - ерга қараб сўзлади Баҳромжон. - куни кеча қирқларини ўтказдик.

- Дардингизни янгилаганим учун узр, таъзиямни қабул қилинг, сабр берсин!

Қизнинг овози шу қадар хазин ва ёқимили эдики, гарчи таъзия билдираётган бўлса-да, туғилган куни билан табриклиётгандай йигитнинг кайфиятини кўтариб юборди.

- Касалмидилар?

- Ўта жиддий касаллари йўқ эди. Турмушдаги оғирлик, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, тухматдан миялари-

га қон қуиілди.

- Даволашға имкон бўлмадими?

- Очиғини айтсам, менинг назаримда, яшаш жонларига текканга ўхшарди. Дадамнинг оиласа беписандлиги, бегона аёллар билан алоқаларидан қаттиқ изтироб чекардилар.

Баҳром «Бу гапларни нега айтяпман ўзи? Ахир қиз билан танишганимга эндиғина беш даққа бўлдику!», дея ўзига дакки берар экан, бошқа гапларни ҳам айтиб юбормаслик учун тилини тийишига интилди. Қиз воқеаларни аниқроқ билишга қизиққан одамдай билинар-билинмас ҳаяжон билан Баҳром томонга сурилди. Йигит қиздаги ўзгаришни сезди-да, хотиржамлигини йўқотди.

- Шунаقا воқеаларни эшифтганда юрагим эзилиб кетади, унутилган дардинг яна қийнай бошлайди.

Йигит қизнинг кўзларида чуқур изтироб, қайғу аралаш армонни кўрди.

«Шундай гўзал қизда қандай дард бўлиши мумкин?»

- Нимадан қийналяпсиз? - сўради Баҳром қизнинг жавоб беришга чоғланаётганини кўриб.

Қиз хўрсинди. Киприкларига қалқиб чиқаётган ёш, яноқлари устида из қолдириб пастга думалаб тушди.

- Мен ҳам бир йил аввал онамдан айрилганман!

Баҳромнинг юраги ўқ еган оҳудай қалқиб кетди. Кўзлар учрашидио, бир-бирларига нисбатан минг йиллик ҳамдардлик туйғусини туйишиди ўзларида.

Баҳром шу кунларда қалбидан ўтаётган алам, жудолик қайғуси ва изтироблар аллақачон қизнинг юрагини яралаганини ҳис этди, фақат шу қиз мени тушуниши мумкин, деган холосага келди.

Онасининг вафотидан кейин Баҳром ҳеч ким билан ёзилиб гаглашмаган, қайғули дунёсини бирор кимса тушуниб етишини тасаввур қилолмасди. Қизиқ, ҳозир қизни ўзига суюнчик, дардларига шерик қилишни хоҳлади.

- Онамни тупроққа қўйганимиздан кейин ҳаётдан кўнглим совиди. Очиги, дадамнинг олдида яшагим келмай, Тошкентга - тоғаларимни кига кетиб қолдим. Аммо бир ҳафтадан кейин онам ўтган уйдан бошқа жойда яшай олмаслигимни, айрилиққа чидолмай уйдан кетишим - онам хотирасига хурматсизлик эканини ҳис этиб, қайтиб келдим.

Кизнинг бир оз тин олганидан фойдаланиб, Баҳром савол ташлади.

- Кечирасиз, нега уйда тургингиз келмади?
- Мени иродаси бўш экан, деб ўйламанг. Дадамнинг кўзига қараб меҳрсизлик, зулм ва худбинликни кўрардим. Онамга ачиниш ҳисси кўринмасди.
- Нимага?
- Эҳ, бунинг тарихи узун!...

Киз кўл телефонидаги соатга қаради-да, тезроқ кетиши зарурлигини айтди, сумкасини елкасига илиб, ўрнидан турди.

- Кечирасиз, сиз билан яна учрашсак бўладими? - йигитнинг кўзларида илтижо бор эди.
- Қачон? - Баҳромга тикилди Зарнигор.
- Эртага, ишдан кейин шу ерда!
- Зарур ишим чиқмаса, келаман!

Зарнигор «Албатта, келаман», деса бўларди, бироқ андиша, ибо кўп нарсаларни мулоҳаза қилишга мажбур этганди.

- Телефон рақамингизни айтсангиз.
- Киз айтди. Баҳром ўз телефонига унинг рақамини ёзиб олди ва чақирув тутмачасини босувди, «Ишқ эртаги» сериалидаги мусиқа янгради...

Киз кетгандан кейин Баҳром катта хатога йўл қўйганини, муносабатда уқувсизлик қилганини тушунди. У қизни кузатиб қўймаганидан афсусланди.

- Баҳонада уйини билиб олардим, - ўзича пичирлади у, - чиройли қиз экан...

\* \* \*

Баҳром ярим тунгача ухлолмади. Шаҳарнинг сершо-вқин кўчаларида юришни унчалик ёқтирмаса-да, вақт ўтказиш учун айланди, ҳеч ким билан гаплашмади, танишлари учраб қолганда шунчаки сўрашиб ўтди. Ха-ёлидан Зарнигор кетмасди! Мулойим табиати, маъюс-ликка мойил, ёқимли нигоҳлари, овозидаги юракни аллаловчи юмшоқ хазинлик кулоқлари остидан кетмас-ди. Неча кунлардан бери ёргулик тушмаган муштдек юрагига илоҳий нур қўйилгандаи руҳиятида чароғонлик ва тиниқлик пайдо бўлди, йиғлаганда онаси юпатган боладай енгилгина хўрсиниб қўяркан, аёл меҳрига таш-на эканини ўйламади.

\* \* \*

Зарнигор тонг отар-отмас уйғондию, қўзғалгиси кел-мади. Баҳром билан тасодифий учрашуви, ярим соат оралиғида руҳан яқин бўлиб қолганини ўйларкан, тани-шув тақдир ёзуғи билан рўй берганига ишонди. Ҳозир-гача ҳеч кимни бунчалик кўп ўйламаган, кўнглига яқин олмаган эди.

- Зарнигор!

Кино қаҳрамонларига ўхшаш исмини Баҳром оҳанг-дор, ифодали айтгани қизга жуда ёқди.

Ишга кетаётганида кечаги телефон рақамини «Баҳром ака», деб сақлаб қўйди...

\* \* \*

Баҳром эртасига иш вақтининг тугашини тоқатсизлик билан кутди...

Соат бешга яқинлашганда қизга қўнғироқ қилди.

- Баҳром ака, яхшимисиз?

Йигит унинг овозидан тўлқинланди.

- Зарнигор! - Баҳром унинг исмини янам чиройли талафғуз қилди.

Баҳром ишдан чиқиб истироҳат боғига келганда ўша скамейкада Зарнигор кутиб туради... Йигит унга астойдил термуларкан, кечинмалари, руҳиятида, қалбидаги ўзгаришларни сездирмасликка ҳаракат қилаётганини саломлашиш чоғида кўзлари сотиб қўйди.

- Зарнигор, битта таклифим бор, йўқ демасангиз!  
- Эшитсанк бўладими?  
- Бугун маош олдим, ресторанга бориб суҳбатлашсак!  
Кутилмаган таклифдан қиз ҳаяжонланиб кетди. Ҳозиргача бирор йигит билан ресторанда ўтирмагани учун ўзини қандай тутишни ҳам билмас, таклифдан кувонган бўлса-да, дадил «Бораман» деворишга юраги чопмаётганди.

- Билмасам... - аранг сўзлади у.  
- Оқшом тушаяпти. Ҳаво булут, ёмғир ёғиши ҳам мумкин. Яхиси, юринг ресторанга.

Баҳром билан Зарнигор жимгина тамадди қилишиб.  
- Опам иккимиз ўшанда ёш эдик, - дея жимликни бузиб сўз бошлади Баҳром. - шомдан кейиноқ ухлардик. Бир кун бақир-чақир, тўполондан уйғониб кетдик. Катта ёшли аёл дадамни қарғарди.

- Иккита боланг бор экан, кеча мактабни битирган қизга осилгани уялмадингми, йигит ўлгур? Аҳволини қара, сен қанақа ваҳшийсан?

Аёлнинг ёнидаги ўрта яшар одам дадамни ура кетди. Дадам ойимнинг олдилада ўзини шармандаларча ҳимоя қилишга интилар, бакувват одамнинг зарбаларига бардош беришга қийналар эди.

- Ёш қизга тегиниш қандай бўлишини кўрсатиб қўяман сенга, мана, ифлос! - Ўша одам дадамнинг сонига тепганида у инграб юборди.

Холмат амаким келиб қолди-ю қизнинг отаси жаҳлдан тушди.

- Курбонали, - амаким унга мурожаат қилди самимий

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

овозда, - инимиз ёшлик қилибди, узр. Аммо ғунажин күзини сузмаса, буқача ипини узмаслигини биласизми?

Бу гапда бошқача маъно, алланимага ишора бор эди. Амаким ҳамон инграётган дадамни билагидан ушлаб турғизаркан, у одамга юзланди:

- Зухра 10-синфда ўқиётгандаёқ уйланган йигитлар билан гап-сўз бўлганини муҳокама қилганимиз эсингиздами? Ўшандайм шаллақилик қилувдингиз. Фозил камазчи қизингизнинг кабинасида қолган рўмолини кўрсатганда тилингизни тишлаб қолгандингиз. Қосим (дадам) ҳам қизингизни фўзанинг ичига судраб олиб кирмагандир?

Бояги катта ёшли аёл амакимга ҳезланди:

- Ҳей, домулло, укангизни мунчалик ҳимоя қилар экансиз, аввал тийиб олинг-да. Бизни мот қилолмайсиз. Мен эртадан буни (қизни кўрсатиб) даволатаман. Қосим кечқурунга 500 минг сўм пул обормаса, прокурорга бераман! Гап тамом, вассалом!

Ярим тунда дадам қаёқладир кетди. Ойим бизни бағрига босганча тонггача эзилиб йиғлаб чиқди. Ҳамма гапдан хабар топган энам эрталаб келиб юпатдилар. Ойим ҳамон эзиларди.

- Ахир, ўша қоп-қора, фоҳишасифат қиздан қаерим кам, ойи? Ўзингизни ҳурмат қилмаяпманми? Маълумотим камми? Мени қўяверинг, манови икки норасиданинг ҳурмати йўқми? Ахир, бутун маҳалла-кўйга шарманда бўлдик-ку!

Тўғри, биз ўшанда дадамнинг хиёнатини тушуниб етмагандик. Лекин ойимни ерга урадиган, камситадиган нотўғри иш қилганини қалбимиз сезганди. Ойимга ачинганимиз сайин дадамга ҳурматимиз пасайиб борарди. Энди Назокат опам у ишдан келганда югуриб бориб бўйнига осилмас, ойимнинг атрофидан жилмас эди.

Орадан бир йилча ўтгандан кейин кунларнинг бирида дадам уйга маст келди-да, ойимни айвонга судраб чиқиб, ҳовлига отиб юборди. У ерга қапишганча мўлтираб

## БӨККИЙ МИРЗО

туаркан, дадам тепасига келди-да:

- Сен, - деди қўлини бигиз қилиб, - мени ҳурмат қилмайсан!

- Нега ундан дейсиз, дадаси, сиздан бошқа кимим бор ахир?! - титрагди ойим.

- Тур ўрнингдан! - бақирди дадам, - агар ҳурмат қилсанг ошхонанинг томига чиқиб: «Сизни севаман, Қосим ака!» - деб бақирасан!

- Ахир, маҳалла олдида, уятмасми?

- Ҳе, маҳаллангни энасини... Айтасанми, йўқми? Тур, ўрнингдан, чиқ томга!

У ойимни бир тепди. Ойим титраб-қақшаб шотидан кўтариликан, ерга ётиб олган дадамдан кўз узмас, назаримда, ухлаб қолишини кутарди. Томга етганида ухлаб қолса қайтарман, деб тўхтали.

- Хотин! - деб бақирди дадам, - тезроқ чиқ, гапир!

Ойим томга чиқиб ўтириди.

- Ўрнингдан тур! - деди дадам - Энди гапир!

- Мен сизни севаман, дадаси! - деди ойим паст овозда.

- Қаттикроқ гапир, маҳалла эшиитсин!

- Севаман, дадаси!

- Ҳа... энди туш! - дадам шу гапни айтиб яланга ийқилиб, ухлаб қолди.

... Ўшандаги ўнинчи синфда ўқирдим. Дадамнинг Клара деган хотин билан ишқий муносабатлари тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар юради. Эшитиб-эшиитмасликка олсамда, севги саргузаштлари тўғрисида турли пичир-пичирлар қулоққа чалинаверди. Наврўзга яқин туман маданият саройида аллақандай кўрик-танлов бўлди. Марказий касалхонадан Клара ҳам қатнашди. Биз кўпчилик мактабдан боргандик. Кимдир «пиқ» этиб кулди-да саҳнага қаради. Клара Шум бола ролини ижро этарди. Бирдан дадам чиқди-да, унга кўйлак ва рўмол совға қилди. Қани энди ер ёрилсаю, кириб кетсан. Номус, уятдан ўзимни кўярга жой тополмайман. Шартта саҳнага чиқиб, Кларани бўғиб ўлдиргим келар, саҳна тугашини кутардим...

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ҲАНЖАР

Энг мұхими, дадам хиёнат, ёлғон сүзлашдан уялмас, ўзи жаббор, ойим жабрланувчидай ёзилмаган қоида шаклланған эди. «Ахир, бу хотиним, болаларимнинг онаси, касал онамга неча йиллардан бери қарайпти, бир умр мен берган азобга чидаш учун туғилмаган-ку?» - деган мулоҳазага борганини эслолмайман. Ҳар куни ойим ишдан келади-да, тансық таом пиширишга уриниб кетади. Маошини телевизор устига қўяр, дадам санамасдан чўнтағига солар, бир неча кундан кейин бир даста пул тугаганини намойишкорона эълон қиласади.

Онамнинг вафотидан бир ой аввал бўлган воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

Дадам янги жазман топган экан. Ойимнинг ишхонасига бир аёл телефон қилиб: «Эрингиз кеча поликлиникада ишлайдиган Нигорага тилла узук совға қилди», - дебди. Дадам ишдан қайтганидан кейин:

- Шу ростми? - деди кўзда ёш билан ойим.

- Бекор гап! - дадамнинг шашти паст эди.

- Ўша пулга уйни ремонт қилдирсангиз яхшимасми?

Ойбекка пальто олсак бўларди-ку!

- Оғзингни юм, иплос! Сен тушга яқин кимнинг машинасида юрувдинг? Мени билмайди, деб ўйлаганмидинг? Гапир «Матиз»нинг рулидаги ким эди?

- Дадаси, сал ўйлаб гапиринг! Биз билан бирга ишлайдиган мендан саккиз ёш кичкина Одилжон-ку! Банкдан пул олгани кетаётган эдик.

- Мени лақиљлатма. Сен у билан юрасан, ўйнашсан. У доим бизникига телефон қиласди. Ишхонангга олиб кетади. Бирга бозорга борасизлар, тушликка чиқасизлар. Булар ўйнашлигингга далил эмасми?

- Э, уялинг, болаларни олдида шу гапни гапиргани. Ҳаммани ўзингизга ўҳшатаверманг!

Дадам кўзларини чақчайтириб, ойимга бақирди:

- Тўхта, ҳароми! Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўйимизда гурунч, ёғ, ун камайиб қолаверади. Негалигини биласанми?

Ойим ҳайрон. Нима дейиши билмайди.

- Ўзингни билмасликка оласан, чунки уларни ўғирлаб, зоти паст, қишлоқи опаларингга туғиб берасан! Мен ернинг тагида илон қимирласа биламан. Сен рўзғордан баракани кеткизяпсан. Бунинг устига, ўша Одил билан гап-сўзинг чиққанига анча бўлган. Сен уйдан кетишинг керак. Икки кунда йўқолмасанг, ўзим ҳайдайман.

- Дадаси! - онам ҳайратдан ўзини йўқотар даражага етганди, - ўйлаб гапиряпсизми? Маҳалла-кўй, қариндош-уруг шу гапни эшитса, нима деган одам бўламиз. Яқинда қиз куда қиласидиган одаммиз. Иккаламизга номус эмасми? Нахот, ўз хотинингизга тухмат қилсангиз?! Майли, ҳамма зулмингизга чидайман, аммо мени ўғри, бузук леганингизга сабр қилолмайман!

- Сени, - деди дадам ғазаб билан, - юрагингни суғуриб, қийма-қийма қилиб ташлаш керак! Бир минут ҳам яشاши ҳақли эмассан!

Ойимга қарасам, боши ерга осилган, ичидан эзилиб ийғлар, кайфияти ёмон эди.

- Хўжайн! - деди бирдан бошини кўтариб, - жуда шунчалик ёмон эканман мениям, ўзингизният эговламай, жавобимни бериб қўяқолинг!

- Йўқол!!! Кўзимга кўринма!!

Ойим саҳарда туриб онасиникига кетди. Икки кундан кейин дадамга билдиримай кўргани бордим. Анчадан бери юрагимни қийнаётган саволларга жавоб топишни истардим.

- Ойи, нега дадам сизни шунчалик қийнайди? У бузуклик қилса индамайсиз. Тили қисиқ одамдай тергашни билмайсиз?

Ойим хўрсиниб қўйди. Беш дақиқача гапирмади. Сўнг бошимни бағрига босиб силади. Нималарни мулоҳаза қилаётгани менга қоронғи эди.

- Болам, - деди синиқ овозда, - бирорвга айтмагин. Бағрига амманг айбдор. Ўртанча ўғлига тўй қилганида, катта сеп қилолмай, уни қудалар олдида бир тийинлик

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

қылғанмишман. Тилёғламаликни билмайман. «Хап сеними?» деб кафтига тупуриб қўйган экан. Ҳар сафар уйга келса, мени ёмонлайди. Ишимдан кир қидиради. Турсам ўпок, ўтирсам сўпоқман. Даданг айтган гаплар бари туҳмат, аммангнинг уйдирмалари, ишонма!

Бир ҳафтадан кейин ойимни касал деб эшидим, ўқишдан чиқиб етиб бордим.

У гапиролмас, шифтга қараганча ётарди.

Бувимдан сўрадим.

- Нега бунақа бўлди?

- Дадангнинг жазмани ишхонасига телефон қилиб: «Эринг ўйнашинг билан ушлаб олганини айтди. Бу кунингдан ўлганинг яхшимасми, беномус? Анвар аками бўшатиб қўй, сен унга муносибмассан!» дебди. Кечқурун юраги ушлаб қолди.

Ойим бир ҳафтадан сўнг вафот этди.

Баҳром бир нуқтага тикилганча оғир хўрсинди. Фам билан тўлган қўзларида ёш айланар, Зарнигорнинг назарида қаердалиги, ким билан гаплашаётганлигини унутганди.

- Баҳром aka! - деди Зарнигор уни сал туртиб.

- Ҳа!

- Дардингизни унутайлик деб келсак, акси бўлди.

\* \* \*

Баҳром ноҳуш воқеаларни хотирлаш жараёнида қанчалик эзилган бўлмасин, Зарнигорнинг диққат ва ҳамдардлик билан тинглаганидан енгил тортгандай бўлди. Кўчага чиқишганда ўтган сафарги хатони такрорламаслик учун:

- Сизни кузатиб қўяман! - деди қизга.

- Чарчаган қўринасиз, шарт эмас.

- Сиз билан юриш менга куч бағишлиди.

Зарнигор ёқимли, маъноли жилмайди. Йўлда кетаёт-ганларида Баҳром кўлинини ушлаганда ҳам бармоғи билан

енгилгина қисиб қўйди. Унинг кафти иссиқ эди...

Зарнигорнинг кўчасига етишганда:

- Ана, бизнинг эшик! - деди қиз қувноқ кайфиятда.
- Ҳасрат дафтаримни эшитдингиз, ўзингиз эса дилингиздаги айтмадингиз, нега?!
- Кейин, Баҳром ака!
- Қиз хуш хайрлашди.

\* \* \*

Баҳром эртасига ишхонага келганида Тошкентта семинарга боришини айтишди.

- Неча кунга? - сўради у ўринбосардан.
- Бир ҳафтага, холос!
- Бир ҳафтага, холос? Биласизми, мен шунча...

У бир ҳафта Зарнигорни кўрмаслигини ўйлаб шундай деди-ю, тилини тишлади.

\* \* \*

Семинарнинг тўртинчи куни айни танаффусда Баҳромнинг кўл телефони жиринглади.

- Баҳром ака!
- Зарнигор, яхшимисиз?
- Ҳа... - қиз йиғларди. Йигит унинг қайноқ кўз ёшлари яноқлари узра оқиб тушаётганини, яқинда унга жилмайган чарос кўзлари қайғу билан тўлганини тасаввур қиласкан:
- Нега йиғлаяпсиз, тинчликми? - деб ҳол сўрашни ҳам унутмади.
- Тинчлик! - қайғули овоз эшитилди у томондан.
- Тушунтириб гапиринг, илтимос!
- Дадам...
- Нима бўлди?
- Дадам уйланяпти. Машинани, уй-жойни ўша хотинга хатлаб бермоқчийкан.

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

Зарнигорнинг овозида ҳасратдошга ташналиқдан кўра, бошига тушган мусибатни Баҳром битта қўнғироқ билан бартараф этишидан умидворлик бордек эди гўё.

- Ҳафа бўлманг, кўпам унчаликка бормас!

- Э, у шунаقا шарт билан тегаётган эмиш. Онамнинг тирноғигаям арзимайдиган бу ... уй-жойга лойиқ эмас. Беш-олтита эрга тегиб чиққан, ўткир хотин.

- Зарнигор, - деди майин овозда Баҳром, - эртадан кейин етиб бораман, бафуржга гаплашамиз. Ҳозирча йиғламай, ўзингизни эҳтиёт қилинг, илтимос!

\* \* \*

Зарнигор эртага тўй деган куни Тошкентга - тоғаси-никига кетиб қолди. Онасининг ўрнини бетайин аёл эгаллаётганини юрагига сиғдиролмади. Бу - дадасининг онасидан кейинги учинчи уйланиши. Биринчиси, қизи-ни турмушга бериб олгач, дадасидан чиқиб бир пулдорга тегиб кетди, иккинчиси, шаҳардаги квартирани номига ўтказдиргандан кейин дадасини ҳайдаб юборган. Зарнигор янги хотин ҳам вафо қилмаслигини англаб етса-да, дадасига ҳеч нарсани тушунтиролмади. Иккинчидан, бу одам золим бўлса ҳам - дадаси, қиз сифатида уни ҳийлакор аёл қўлига тушишини хоҳламайди, айни пай-тда макр тузогидан қутқариш қўлидан келмаётгани ўзига алам қиласди...

Тўй ўтиши билан дадаси Эшқобил aka Зарнигорга қўнғироқ қилди.

- Қизим, сени лақиллатишибди, машина, уйни сенга ўтказмоқчиман, тез кел, бошқа кимим бор, ахир! - деди ялинганнамо.

Тоғаси панд-насиҳатлар қилиб, уни Намангандага жў-натди. Кутиб олган дадаси фақат яхши гапиради.

- Қизим, бу-ёмон хотин эмас, яхши муомала қилсанг, тил топишиб кетасизлар, ахир, онанг тирилиб келмайди-ку! Кир, танишиб олинглар.

## БАҚИЙ МИРЗО

У эндигина уйга кириб кетаётганди, ичкаридан пардоз-андозни жойига қўйган, сатанг, аммо ранги захил аёл пешвоз чиқди.

- Келинг, қизим, яхшимисиз! - деди у ўзини самимий ва мулоим қўрсатишга ҳаракат қилиб.

- Раҳмат, ўзингиз тузукмисиз?

- Худога шукур, ичкарига киринг, иссиқ чой дамладим.

- Раҳмат, ўз хонамга кираман, кеч бўлиб қолди...

У Қамчиқ довонидан ўтаётганда Баҳромга қўнғироқ қилиб, боғланолмади. Шаҳарга кираверишда яна уланомай диққат бўлди. Кечки овқатдан сўнг телефон тутмачасини босувди: «Бу телефон билан вақтинча боғланиш мумкин эмас», - деган хабар эшилди...

Тошкентдан сотиб олган янги китобни уч-тўрт саҳифа ўқигач, ёстиққа бош қўйди. Қанча ухлаганини билмайди, дадаси эшикни гурсиллатиб уришидан чўчиб уйғониб кетди. Кўнгилсиз воқеа содир бўлгандек, зудлик билан эшикни очди.

- Қизим,.. - отаси ҳаяжон ва саросимада эди, - бу... (онанг деёлмасди) қаттиқ оғриб қолди. Нима бўлганини айтмаяпти, «Тез ёрдам» чақирдим, касалхонага бирга борсанг... Женский касал, шекилли...

... Ичкаридан чиқсан ҳамшира кутувчилар олдига келиб:

- Саттаровадан ким бор? - дея мурожаат қилди.

- Биз, биз, нима гап? - деди Эшқобил aka шошиб.

- Дориларни тез етказиб келинг, хотинингизни операция қилмаса бўлмайди, - аёл қўлидаги қофозни узатди.

Эшқобил aka дорихонага чопди.

- Сиз кими бўласиз? - Зарнигор юзланди ҳамшира.

- ...Хеч кими, у дадамнинг хотини!

- Ўгай онангизга бир ой аввал, бачадонингизда ўсимта бор, даволаниб операция қилдирмасангиз оқибати ёмон бўлади, деб айтишган. Энди вақт топибди-да...

Ҳамшира кириб кетгач, Зарнигорнинг мияси яшин тезликда ишлай бошлади. «Вой маккор, - ўйларди у, -

операцияга пулинг йўқлиги учун дадамга текканмидинг?»

Машина, ҳовли тўғрисидаги гап нега тўхтаб қолди, десам, бу ёқдаги муаммо биринчи ўринда экан-да!

Зарнигор целлофан халтада анчагина дори-дармон, шприц ар кўтариб келган дадасини кўриб, онаси касал бўлганда оддийгина иситма таблеткаси олиб бермаган одам кечакелган тулкининг орқасидан юз минг сўмлик дори кўтариб югураётгани боис, уни ёмон кўриб кетди. Онасини эслаб, томоғига аччиқ нарса қадалгандай ўпкаси тўлди, кўзига ёш келди.

Эртасига ўгай онани операция қилишди. Дадаси гипноз қилингган одамдай касалхонадан келмай елиб-югуар, уни тузатиб олиш учун топган-тутганини сарфлашдан тўхтамасди. Эрталаб уйга телефон қилди.

- Хонамга кирсанг, - деди Зарнигорга, - столимнинг тортмасидаги китобда беш юз доллар пул бор, ўшани тез олиб кел, зарур бўлиб қолди.

Зарнигор оғринди, аммо пулни олиб бориб берди. Аёл саккиз кун даволанди. Кўргани келган Зарнигорга ҳамма кийимларини олдириб келди. Эртасига эрининг уйига эмас, ўз квартирасига кетди. Шубўйи қайтиб келмади.

Зарнигор ўша куни ҳамширанинг гапи тўғри чиққанини дадасига айтмади, зеро, кап-катта одам бу сафар ҳам алланганини сезган, деб ўйлади...

- Учала хотиннинг ўткир, талончилиги, мулкимизнинг анча қисмини ўзлаштириб кетиши дадамга берилган жазо, - ўйларди Зарнигор, - улоқайд, оқибатсиз, бемеҳр бўлмаганда онам ўлмасмиди, дадам аллакимларнинг сарқитига пул сарфлаб, орқасидан ит олган тулкидай лақиллаб чопмасмиди?! Чархпаплак дунё экан-да. Худо у дунёдагина эмас, бу дунёда ҳам кўрсатиб қўяркан.

\* \* \*

- Таңба, - деди Баҳром Зарнигорнинг ҳикоясини тингларкан, - ёшларни тушуниш мумкин, катталар кўра-била туриб хато қилишларига тоқат қилиб бўлмайди.

- Шунга куяман-да, - деди Зарнигор.

Қиз жим қолди. Утмишдаги воқеалар, отасининг оқибатсизлиги, етарлича даволанолмаган онаси буйрак касалидан ўлгани юрагини тирнар, кўзларидан ёш қуилар, Баҳром эса уни қандай юпатишни билмай ҳайрон бўлаарди. Охири жон киргандай, Зарнигорнинг елкасига қўлинни қўйди.

- Хафа бўлманг! Энди ўзингизниям ўйланг-да! Бунакада касал бўлиб қоласиз!

Баҳром қизнинг бошини силади. Сочлари майин ва ёқимли эди. Қиз минглаб толалар орасидан енгил юраётган Баҳромнинг бармоқларида ўзи истаётган меҳр борлигини туйган сайин, юрагида унга нисбатан пайдо бўлган туйгулари аланга олаётганини сезди. Баҳромнинг кўксига бош қўйди. Бир нафасдан кейин ўзини унинг қайноқ ва ҳароратли қучогида кўргач, йигитга қаттиқ боғланиб қолганини ҳис этди...

### СОВФА ҚИЛИНГАН ЧАҚАЛОК

Эрта тонг. Ҳовли супураётган келинчак Элёрнинг имлаш ва пицирлаб чорлашларига қайнота-қайнонам кўриб қолса уяламан ёки куёвни озгина қийнай дегандай, мийифида кулибгина парво қилмас эди. Элёр учинчи марта ойнани чертиб, нафас олмай кутса ҳам келинчак қарамади. Куёв янаям қаттиқроқ чертди. Озоданинг қийнаш учун парво қилмаётгани сезилиб қолди. Ойна синиб кетай деганда, келинчак супургини ташлади-да, уйга отилди. Элёр эшик ортидан чиқиб, келинчакни бағрига босди...

- Қийнашни мен ҳам биламан!
- Қўйворинг, Элёр ака, ўзи бир неча кундан бери кўнглим айнияпти... ҳозир ойим ҳовлига чиқадилар...
- Келинчак юлқиниб чиқишга уринар, аммо йигит маҳкамроқ бағрига босарди.
- Менга ҳам вақт ажратинг-да, у ёғи билан ишим йўқ.
- Шафқатсиз, ваҳший! - пичирлади Озода ноз билан аразлаб, - бугундан бошлаб ойимлар билан ётаман...
- Сизни қандай севишимни билсангиз эди!
- Мен ҳам... - шивирлади Озода.

Элёр пешонасига ёзган тақдирдан хурсанд бўлиб жилмайди-да, уни чиқарвориб жойига чўзилди ва аввалги хотини билан бўлган воқеалар эсига тушиб кетди...

\* \* \*

Тушга яқин маҳфий рақамдан қўнғироқ келиб, Элёрнинг асабларига игнадек санчилди.

Элёр роса айлантириб кўрди, аммо қўнғироқ эгаси ўзини таништирмади.

- Хотинингиз кимлигини билиб уйланганмисиз? - деди у кутилмаганда.

Йигит ҳайрон. Кўнглига шубҳа оралаб, асабини ёқимсизлик сидириб ўтди.

- Нимайди?
- Синааб кўрмаганингиз билиниб турибди. Шу кунларда юриш-туришини кузатдингизми?
- Оиласи ота-онам синовидан ўтган!
- Сиз замонавий эмассиз!

Элёр айбномани шунчаки қабул қилди.

- Балки...
- Гулхумор тўғрисида bemаза гаплар эшишиб қолсангиз, ҳайрон бўлманг. Бу унинг ҳаётидан бир томчи, холос!

Аёл Элёрнинг гап давомини нафас олмай кутаётганини сезиб, хужумни бошлади.

- Хулқи сиздек олий маълумотли, вазирликда ишлайдиган одамга муносиб эмас!

- Бу гапларни нега айтаётганингизни тушунмаяпман...

- Шошилманг...

Элёр савол бериб, уни иккинчи қўнфироқ қилолмайдиган даражада абжағини чиқариб ташламоқчи эди. Бироқ алоқа узилди.

У хотини ҳақида ўйлай бошлади. Қизлик даври ҳақида нимани билади? Талабалик йиллари ҳақида-чи? Турмушга чиққунича коллежла ишлаган даври ҳам қоронгу-ку! Аёлнинг саволлари шу даврга ишорами ёки у бошқа воқеаларни назарда тутяптими?

Элёр тушликдан қайтгач, янги кайфият билан иш бошламоқчи эди, аёл яна қўнфироқ қилди. Изтиробларга чек қўймоқчидай тезда боғланиш тугмасини босди.

- Овора бўлманг, минг ўйланганингиз билан ҳеч нарса билолмайсиз! - деди аёл хотиржамлик билан. Йигитнинг жаҳли чиқди. Гулхуморнинг тўйдан кейинги муносабати-ю ўзини тутишидан шубҳали нарса то-полмагани учун кескин гапириди.

- Тўғри топдингиз!

- Ҳозир айтадиган гапим ҳам тўғри!

- Яна гапингиз борми?

- У йигитлар билан даҳшат юриб қўйган!

Элёр портлаб кетай деса ҳам ўзини босди.

- Сиз қаердан биласиз?

- Буёғи сир! Жа, билгингиз келаётган бўлса кечкурун ўзидан сўрант! Ахир, унинг қучогини бошқаникига ўҳшатолмайсиз-ку, тўғрими?

У ҳақиқат олдида тиз чўккан бўлса-да, сиртига чиқармади.

- Бу гап ортиқча, менга иккинчи қўнфироқ қилма! - дея сенлашга ўтди Элёр. - Ўчир овозингни, ярамас!

У алоқани узгандан кейин хато қилганини, озгина юмшоқ гапириб янги гап олиш лозимлигини ўйлаб

ўзидан хафа бўлди. Лекин аёлнинг гагларини тан олади. «У ё хотиним билан сирдош ёки гап пойлаб юрган агент! Лекин кимнинг агенти?»

Элёр уйкуга кетгунича Гулхуморни зимдан кузатди. Телефонидаги рақамларни текширди. Лекин шубҳали белги тополмади. Кечаси уч марта уйғониб, нафасига кулоқ солди, у беозоргина ухларди.

Элёр хонасига кириб эндигина калкульяторни ёкувдиямки, яна ўша рақамдан кўнғироқ келди. Аёл уни деразаданми, эшик ортиданми пойлаб тургандай эди гўё.

- Хотинингиздан ҳеч нарсани сўролмагансиз, тўғрими?

У кеча сўкиб берган бўлса ҳам, бу кўнғироқни кутганди. Аёлнинг вазиятни тўғри баҳолаши негадир унинг жаҳлини чиқарди.

- Менга нима демоқчилигингизни гушунолмаяпман, руҳий таъсир ўтказмоқчимисиз? Умуман, мақсадингиз нима?

- Шошқалоқ экансиз!

«У хотиним билан сирдош!» деган фикр келди Элёрнинг хаёлига. «Худди маслаҳатлашиб олгандай гапиради-я!»

Фикрлари охирига етмай, аёлнинг овози янгради.

- Гулхуморнинг никоҳсиз туғилган боласи бор!

Элёрнинг миясида момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чаққандай бўлди.

- Нима?! - бақириб юборди у.

- Севган йигитидан яширинча туғиб, кейин сизга теккан!

Аёл алоқани узиб қўйди.

- Уҳ! - деди Элёр иккала қўлини мушт қилиб дўлдайтираркан,- тутиб олсан сен маразни!

Бу қанақа аёлки, ўзини таништирумайди, юрагингга ханжар санчади. Бугун охиригача ботириб юборди. Менга теголмаган қиздай хотинимнинг айбини айтади. Энди уни топиб, ишни охирига етказишим шарт!

У ишдан келиб, хотинига эътибор бермади. Икковла-рига алоқаси бўлмаган нарсалар ҳақида гапириб соатни ўн қилди. Хотини хотиржам. Ўзини бемалол тутади. Демак, аёл билан алоқаси йўқ, тил бириктиргаган. Лекин у ишхонага етиб борганда ёки тушилдан қайт-ганда аёлнинг қўнғироқ қилиши уни ажаблантиради. Яқин жойда ишлайди, шекилли!

Туни билан мижжа қоқмасдан хаёлан Гулхуморнинг келинлик даврини афдар-тўнтар қилиб, шубҳаларини тасдиқлайдиган далил тополмади. Аёлнинг асоссиз гапи билан хотинини айблаш ноҳақлик эканини англаб, ўзини босди. Навбатдаги сұхбатда нималар дейишини ўйлаб, қўнғироқни кута бошлади. Лекин у жим. Орадан икки кун ўтди. Элёр бирорвга ҳасрат қилолмайди, хотинига гапиролмайди. Аёлни қаердан излашни ҳам бил-майди. Юраги «тарс» ёрилай деганда, учинчи куни тушдан кейин ўша маҳфий рақамдан садо келди. Элёр аёлнинг тап бошлишини кутмади.

- Бугун нима тайёрлаб қўйганингизни билсан бўладими?

- Хайрият! - деди у одатдаги хотиржамлик билан, - энди эшитишни ўрганибсиз!

- Икки қулогим сизда!
- Хотинингиз нима деди?
- Ҳеч нарса!
- Нега?
- Унга ҳеч нарса айтмаганман!
- Асабингиз жойида экан, юрагингизга қойилман!
- Хўш, хотиним кимдан беникоҳ туққанлигини айти-сизми?

Аёл бир-икки дақиқа нафас олмай, ўйланиб турди.

- Равшандан!
- У ким?
- Севгани.
- Севгани?!
- Қайси тугруқхонада кўзи ёриганини ҳам айтайми?

- Айтинг.
- Йүқ, бугунча етади!

Аёл алоқаны узди. Элёр аввалги ҳолатдан баттарига дуч келди. Лекин эрта ё индинга у құнғироқ қилишини үйлаб, хотиржам бўлса-да, ғашлик, кўксидаги қоронулик қуюқлашди.

Сиртдан қараганда ҳаёт оддий: ҳамма ишга борар, кечқурун дастурхон атрофида жамланар, Элёрдан бошқани изтироб ўртамасди. Гулхумор қайнотаси ишдан келиши билан қўлини кўксига қўйиб, боши ерга теккудай эгилиб салом беради, папкасини олиб хонасига олиб киради, у кийим алмаштириб чиққач, компотми, яхна чойми узатади. Унинг назаридаги, қайнотасининг иши ҳамма билан баробар тугайди, аммо келиннинг салом бериб кутиб олишию тавозе билан чанқовбосди узатишни истаб, қайноталик гаштини суриш учун ҳаммадан, айниқса, Гулхумордан кеч келаётганга ўхшарди. Қайнонаси эса буорган ишларини бажаришидан камчилик топса, ҳар сафар янгича танбех ўйлаб топар, бошқа иши йўқдай, қилмишидан ҳузур-ҳаловат туярди. Элёр аввалига онасининг шафқатсизлигию, Гулхуморнинг назорат ва танбехларни айбдордай қабул қиласверишига ғаши келди, ҳатто қадрини билмайдиган орсиз, тилсиз қул дея қабул қилди. Аммо аёлнинг құнғирогидан кейин у бундан баттарига муносиб деб ўйлади...

Аёл бир ҳафтага жим кетди. Элёрнинг тоқати тоқ бўлди. Еттинчи куни кечқурун ҳамма гапни Гулхумордан сўрашга қарор қилиб, ишдан чиқаётганида аёл овоз берди.

- Камбағаллик курсин, телефонимнинг пули йўқ эди,- деб гап бошлади у.

- Хотинингиз қаерда туққанини сўровдингиз, эслаб қолинг: ғиштли касалхонада!

- Қачон бўлган бу воқеа? - Аёл гапини тугатиши билан Элёр кеча ўйлаб қўйган саволини берди. Аёл ҳам дарров жавоб берди.

- Ўтган йили ўнинчи августда!

- Гувоҳлар борми?  
- Энди бошқа саволингизга жавоб бермайман, шундомам бугун кўп нарса айтиб юбордим.

Элёр ҳаммаси аён, дегандай хулоса қилди. Хотиннинг гуноҳини исботлаш учун шу далиллар етади.

У туни билан режа тузди. Ишдан қайтаётганда водийдаги курсдоши уйланаётганини баҳона қилиб, бошлиғидан икки кунга рухсат сўради. Эрта тонгда йўлга тушди. Шаҳарга етиб келгач, прокуратурада ишлайдиган курсдошига мақсадини тушунтириди. Комилжон туғруқхона бошлиғига Элёрга ёрдам беришни тайинлади.

- Бемалол келаверсинлар!- деди бош врач хушомадгўйлик билан.

Элёр ўнинчى августда кўзи ёриганлар рўйхатини бир неча марта қараб чиқди. Аммо хотинининг исми-фамилияси топилмади. Аёл адашган бўлиши мумкин, дегандай бешинчидан ўн бешинчигача, сўнг августнинг ҳамма кунларида туқсан аёллар рўйхатини текшириди. Аҳён-аҳёнда хизмат борми, дея кириб-чиқиб турган бош врача берган саволлари ҳам масала ечимиға ёрдам бермади. Яна ўзига ишонмади. Қайта кўрди. Ҳатто уникига ўшаган фамилия ҳам йўқ!

- Аёл ёлғон гапирган экан!- хулоса қилди, ниҳоят. Аммо яна қониқмай бош врачни чақирди.

- Кўзи ёриганларнинг ҳаммаси рўйхатга тушириладими ё қолиб ҳам кетиши мумкинми?

- Э, бунақаси туғруқхона тарихида учрамаган, Элёржон. Кўрган бўлсангиз, туқсан аёлнинг исми, фамилияси, уй манзили, шахси, туқсан ой, кун, ҳатто соат, минутигача Темир қоида асосида ёзиб борилади. Биттаси ёзилмаса ҳам катта жиноят! Ўланг, инсон дунёга келсаю, қайд этилмаса, расман дунёга келмади дегани-да! Биз бунга йўл кўёлмаймиз. Ахир, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш учун маълумотномани нимага асосланниб берамиз? Дафтари миздаги рўйхатга қараймиз-да! Тўғрими?

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

- Ҳа, - деди бўшашиб Элёр.

Бош врачнинг кўзлари пиёладай бўлиб кетди. Элёрнинг назарида, у сир яшираётгандай эди. Гулхуморнинг туққанини қандай яшириши мумкин?

Элёр бу саволга ўзича жавоб тополмади.

- Туғруқхонадан чақалоқни қандай йўл билан олишади?

- Бола туғилгандан кейин, - кафтини столга қўйиб шошилмай тушунтира бошлади бош врач, - агар отаси уни тан олмаган бўлса, онаси хоҳлаган фамилия билан унга гувоҳнома олади, сўнг фарзандликка олувчилар ўзаро келишув асосида ўз номларига ўтказишади. Бу иш туғруқхонадан чиққандан кейин амалга ошади.

Элёр тушунди. Лекин излаган нарсасини тополмагани учун ҳамон юраги ғаш. Аёл алдадими, ўзи уқувсизлик қилдими ё уни нотўғри тушундими? У Комилжоннинг олдига келди.

- Иш қочиб кетмас! деди Комилжон унинг ҳориганини кўриб,- бугун тоқقا, дала ҳовлига кетамиз, учтўрт киши бир мазза қиласлик, шаҳарда зериккандрсан, оғайни?

- Чарчаганмиз-у, иш зарил-да!

- Э, иш қочиб кетармиди? Ота-боболаримиз ишнинг тагига етолмаган, биз етармидик?!

Эртаси куни кечки пайт тоғдан келиб, Комилжонникида қолишли. У эрталаб Элёрни Тошкентга кузатиб қўйди.

У аёл турмушимга раҳна солиб, иккимизни ажратиб юбормоқчи ё атайлаб мени лақиллатган деган турли фикрларга борар, аммо ишончли тўхтамга келолмасди. Ишдан кейин уйга борса:

- Эсон-омон келдингизми, ўғлим?! - дея қайноаси Малоҳат опа кутуб олди. Элёр ҳайратда қолди. «Унинг келиши ҳақида хотиним ҳеч нарса демаганди-ку! Ё водийга қай мақсадда борганимни билиб, типирчилаб қолдимикан?»

Кечқурун овқатланишаётганда қайнона тинахонлик бошлади.

- Водийга бориб бизникига кирмаганингизга ҳайрон бўлдим. Биз сизни соғинганмиз, ўғлим! Қолаверса, бизникидан нега тортинасиз?

Элёр ўзини гуноҳкордай сезиб, жавоб қилишни билмай ўйланди. Ҳозирча бор гапни айтиш мумкин эмас. Нима десин?

Ишонарли баҳона ўйлаб қўймаганига афсусланди.

- Ишим тифиз эди, безовта қилгим келмади...

- Кулбамизга қадам ранжида қилсангиз, бошимиз осмонга етарди, Элёржон!

- Кейинги сафар, албатта, кираман...

Малоҳат гапни «Масалага нуқта қўйдик!» деган маънода тушуниб, бошқа савол бермади.

Элёр эртасига кечгача ўйланиб юрди. Назарида, Малоҳат опа ўзи ва қизининг айбини шундай тулкилик билан яширяптики, Элёр эна сути оғзига келса ҳам бўйнига қўёлмайди...

У рўпарасидаги супермаркетдан кичкинагина диктофон сотиб олиб, ўзи билан олиб юришга, аёл қўнғироқ қилса овозини ёзиб олишга қарор қилди...

- Шошқалоқ экансиз! - деди аёл эртаси куни қўнғироқ қилиб, - водийга боришдан аввал муҳим маълумотлар билан куролланиш керак эди.

- Э, жонга тегдинг-ку! - деди Элёр ижирғаниб, аммо шу заҳотиёқ хато қилганини сезди. Ундан кечирим сўрамоқчи бўлиб турувди, аёл вазиятни юмшатди.

- Ўзингизни босинг, йигитчা, сиз учун жон куйдираётганимни тушунинг!

Элёр аёлга қулоқ солишга мажбур бўлди.

- Узоқ шаҳарга бориб, ҳеч нарсани аниқлай олмаганингиз рост!

- Сиз қаердан биласиз?

- Туғруқхонада хотинингизнинг номи қайд этилмаган!

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ЖАНЖАР

- Қанақасига? Бу мүмкін эмас, шахсан бош врач айтди!

- Буни қайнсинглингиз ва божанғиз, қолаверса, Шекспир ҳам ёзолмайдыган спектаклни ташкил қылған қайнонанғиз яхши билади!

Алоқа узилди. Яна жумбок. Элёр асабийлашды. Бундай ҳол қачонгача давом этади? Ҳар куни озгинадан санчиб жонни оғритмасдан, бир йўла ўлдириб қўя қолмайсанми, номард?

У хотира сандигини титкилаб, хотини ҳақида ҳеч нарса тополмади. Дадасининг бир оғиз гапи билан унга уйланган, тўйдан олдин учрашганда қиз яхши таассурот қолдирган эди.

Илмга берилган, асосий мақсади одамлар турмуш даражасини кўтарилигидан янгилик яратиш бўлгани учун уйланиш ва қандай қиз билан яшашга иккинчи даражали иш деб қараган. Отасига ишонганидан у топган қизга розилик берган, бир йилдан бери эса рисоладагидек яшаётган эди. Ҳаётида нотаниш аёл ва сирли қўнғироқлар пайдо бўлдию, Гулхуморнинг бир йиллик келинлик даврида ўзини қандай тутгани, гаплари, кимлар билан мулоқотга киришганини секин-аста ички фильтрдан ўtkазди. Шубҳаланадиган битта нарса топди. Турмушнинг учинчи ойида Элёрнинг вазирликда ишлайдиган оғайниси ўғил кўриб, уни зиёфатга таклиф қилганди. Ярим тунда қайтган Элёр:

- Ёшлик жойимиз қолмади, фарзандли бўладиган вақтимиз келган!- дейиши билан Гулхумор чўшиб:

- Вой, йўқ! Икки йил туғмаслигим керак!- деворди тўсатдан.

Кўнглига ёмон фикр келмаган бўлса-да, Элёр:

- Нимага? - деди беихтиёр.

Дарров ўзини ўнглаб олган Гулхумор гапни бошқа ёқقا бурди.

- Ҳали ёшмиз, озгина ўйнаб-кулиб олайлик-да!

Кеча аёл у ишга келгандаёқ қўнғироқ қилди. Ажаб,

аниқ рақамдан! У уй манзилини айтиб, учрашууга чақирди. Кутылмаган таклифдан ҳовлиққан Элёр ҳамма ишини ташлаб қүшдай учиб борди. Уни ҳовлига сув сепаётган күхликкина, оппок юзидан самимият ёғилиб турған қыз күтиб олди. Элёрнинг юраги «жиз» этди. Аёлни сұраши билан қыз пақирни айвонга қўйиб, ичкарига кириб кетди. Бир дақиқа ўтгач, лотереядан ютган одамдай очиқ чеҳра билан чиқди-да:

- Опам ҳозир келяптилар! - деди.

Овози майин, юракни тонгги сабодек силаётганга ўхшарди.

- Чўзишнинг ҳожати йўқ! - деди аёл салом алиқдан кейин.

- Нима қилиш керак?

- Водийга бориб келасиз! - деди аёл кескин.

Элёрнинг ғаши келди. Аммо воқеалар тезлашганидан хурсанд.

- Қачон?

- Имкони бўлса бугун жўнанг. Ўша туғруқхонадан қайнинглингиз Адиганинг исми фамилиясини топинг, божангиз Дилмуроддан ўғли қачон туғилганини сўранг! Улар тан олмаса, қайтганингиздан кейин менга қўнғироқ қиласиз, гувоҳ билан юзлаштираман.

Элёр ҳеч кимга айтмасдан водийга жўнади.

...Ҳаммаси тўғри: ўша санада Адига кўзи ёриган, ўғил туккан... Элёр бош врачни ресторонга тушликка таклиф қилди. У меҳмоннинг хурматидан роса «тортди». Элёр унинг кўзини шамғалат қилиб, минерал сув ичди.

- Куш тилини куш билади, ака, -деди ўзини кайфлика солиб,- хотиним ва қайнинглим билан қандай воқеа рўй берганини айтиб берсангиз.

- Э, ука, кимларга ёрдамим тегмаган. Аммо номардлар, иши битгандан кейин ҳаммасини унугади.

- Масалан, кимлар?

- Очифини айтайми?

- Ҳа-де!

- Масалан, Малоҳат Мұхаммедовна!

- Хүш, хүш?

- Нима мақсадда келаётганингизни биламан!

Әлёр ҳайратини яшириш учун:

- Қани ака, шуниям олайлик! -дея стаканни түлдирди.

- Хотинингиз қызлигига севганидан ҳомиладор бўлган Бизда кўзи ёриши билан уйга кетди, ўрнига опаси Адиба ётди. Мен ҳалиям сирни яшириб юрибман. Одамга алам қиларкан: қизини сиздек ўқимишли йигитга узатди. Аблаҳ, тўйга айтмади... Яна нима қилди денг: касалхонани текшириш гуруҳига бошлиқ бўлиб келиб, бир ҳафта абжагимни чиқариб ташлади. Э, ука, яширадиган сирим йўқ: Икки миллион сўм бериб, аранг кутулдим. Олаётганини съёмка қилдирганман! Козирлар менда!! Финг деса шармандасини чиқараман!!

- Демак, ҳозир бола бир ярим ёшда!

- Шундай! Ҳа, яна бир нарса: Хотинингиз: эрим сиримни билиб қолса, опамдан боламни олиб қўйиб, Равшан акам билан турмуш қураман, деганиш...

Әлёр меҳмонхонада ухломади. Туни билан ўлланиб, режалар тузиб чиқди.

Аёл макри, дунё ўйинларига бепарво яшаб, алдангани учун ўзини айблади.

Эртасига божасиникига бориб, масалани кўндаланг қўйди.

- Гулхумор боласини беришингизни талаб қиляпти! - деди жиддий.

- Қанақасига?

- Адibaхон, - деди Элёр хотиржам ва таъсири назар ташларкан,- Гулхумор ҳаммасини тан олиб гапириб берди... Бошқа фарзанд кўрмаслигини врач айтибди...

Эр-хотин «Энди нима бўлади?» дегандай бир-бирига қарашиди. Элёр ҳозир Дурбекни олиб кетадигандай, Адiba ўзидан икки қадам олдинда турган ўғлининг елкасига қўлини ташлаб, ўзига тортди. Бироздан кейин ўғли билан ташқарига чиқиб, Гулхуморга қўнфироқ қилди.

Афсус, телефони хизмат доирасидан ташқарыда экан...

Адиба беш йил фарзанд күрмай, эри ўртасидаги совуқ муносабатни илитиб турган Дурбек кетиб қолса ҳаёти хазонрезги боғдай ҳувиллаб қолишини ҳис этиб, юраги жунжикди.

- Врачлар айтаверади, сизлар фарзанд күрасизлар...

- Уларданам билагонмисиз?

Адиба тилини тишлаб қолди.

- У гапиргандан бери ҳайронман: ўз боласини нега берган? Вазиятдан чиқиши учун жигарпорасидан кечадими?

Адиба аччиғи келгандай, Элёрга юзланди.

- Бирорга бермаган-ку! - деди ўқрайиб.

- Биз қонуний фарзандликка олганмиз! - деди божа түсатдан. - Энди тортиб ололмайди! Талаб қылса, ўзи шарманда бўлади, қолаверса, болани олиш билан уни исноддан асраганмиз! Дурбекни тарбиялаб вояга етказсак, бўлди. Бошқа боланинг кераги йўқ! Мен беш йилдан кейин рақсга ярамай қолсам, балетмейстерликка ўтмоқчиман. Менга бола боқиш эмас, ижод учун имконият керак! - деди у қўлларини аёл кишидай икки томонга ёзиб.

Элёр божасига ачиниш билан, фарзандсизлик сендан экан-да, деган маънода ижирғаниб қаради.

Аёл эрининг шармандали қиррасини кашф қилгандай нафрат ва номус билан юзини четга бурди.

Элёр костюми чўнтагидаги диктофонга мўралади. Ишляяпти... Сўнг:

- Гулхумор келса ўзи билан гаплашасизлар! - деб Тошкентга қайтди...

Сафаридан кўнгли тўлган Элёр аёлнинг олдига борди. Уни яна ўша қиз кутиб олди ва ичкарига овоз берди:

- Манзура опа!

Қизнинг ипакдай овози ёқимли қўшиқ авжидай Элёрни ўзига тортди. Унда ром этадиган, қалбини занжирлаб оладиган аллақандай сеҳр бор... Аёл чиққунча

Элёр кечинмаларини ичига сиғдиролмади.

- Ўқийсизми?
- Инглиз тилида... битирувчиман.
- Озгина чалам бор, ўргата оласизми?
- Құлымдан келармикан?
- Яхши ўқувчи бўлишга ваъда бераман!
- Сиз учун ҳаракат қиласман...

Манзура опанинг маъноли томоқ қириши, кейин қадам товушлари эшитилди.

- Озода, чой дамла!

Сұхбат жуда қисқа бўлди. Унинг кўшниси Нодира опа Малоҳат Мұхаммедовна билан Хумсонда дам олиб дўстлашиб қолган экан. Воқеаларни унга кўшниси сўзлаб берибди. Элёрни сиртдан танигани учун жим туролмабди.

Озода пахта гулли чойнакда чой олиб келди. Пиёла узатганда бармоғи Элёрнинг қўлига тегиб чўғдай қиздирди, қалбига офтоб нуридай илиқ ҳиссиёт қуйилди.

Элёр кечаги воқеаларни миясида жамлагандан кейин бугун ҳамма гапни Гулхуморга айтиб, турмушига чек қўйишга қарор қилганди. Равшандан никоҳсиз фарзанд кўриб, унга бокира теккандай бир йилдан бери юзсизларча писмайиб юришига ортиқ чидолмаслигини тушунди. Қолаверса, Озодани кўргандан бери ҳаловатини йўқотган.

Кечки пайт уйга келиб, аллақандай ёқимсиз ўзгариши сезиб, хонага аланглади-да столдаги хатга кўзи тушди.

«Элёр ака!

Биз энди учрашмаймиз. Ортиқ бу уйда туролмайман. Кўзингизга қарасам, виждоним қийналади. Равшан акамга берган ваъдамни эсласам, водийга учеб кетгим келади. Сиз гуноҳларимни бўйнимга қўймоқчи бўлаётганингизни биламан! Янаям тўғрисини айтсан, буларни ўзим ташкил қилгандим!! (Манзура опа билан келишганмиз ) Ахир бир умр виждон азобида яшолмайман-

ку! Жимгина юрган бўлсам-да, азобим ичимда. Сабр косам тўлди. Озода воқеасига ортиқча бош қотирмадик. Уни ўзингиз тасодифан севиб қолдингиз! Менимча, у ҳам сизга бефарқ эмас. Энди баҳтли бўлинг, муҳаббат билан тўлган ҳаётингиз изга тушиб кетгандан кейин мени кечирасиз ва унутасиз деган умиддаман, хайр!»

\* \* \*

Элёр қолган воқеаларни эслагиси келмай, ўрнидан туриб, ҳовлига қаради. «И-е, қани у? Ҳозиргина супураётган эди-ку!»

Бироздан кейин онаси исириқ олиб кирди-да, аввал хонага тутатди, сўнг ўғлиниң атрофида айлантириди.

- Ўғлим, фарзанд муборак! Келиним ёғлик овқатни хушламаётганидан сезувдим...

Онаси чиқиб кетаётгандан:

- Ойи, Озодага ҳам исириқ солиб қўйинг! - деди Элёр.

### ЎСАЛ ЎҒИЛЛАР

Ҳамдам ота нонуштадан кейин фотиҳа қилиб ўрнидан қўзғалдию, бирданига чапга қараб оғди. Гапиришга ҳам ҳоли етмай, кўксини чанглаб, гилам устига «гурс» этиб қулади-да, саросима зухур топган кўзларини юмди. Қон қочган юзида: «Ишларимни охирига етказолмай, ўлиб кетаманми?» деган армон аксланганини Сора хола сезмай қолди Сезган бўлса ҳам такаббурлик қилиб индамади, чоғи. У аввалига «Чол қурғур ўзича ҳунар кўрсатяпти», деган хаёлда Ҳамдам отага эътибор бермади. Кўп ўтмай сездики, бу қулаш чолнинг чин дунёга ташлаган қадами экан...

Жаноза соат ўн иккига белгиланди. Тумонат одам йиғилди. Ҳовлини иккига ажратиб турган бўз мато ортида отанинг сингиллари, жиянлари, қўни-қўшиллар ва бошқа аёл қариндошлар йиғи солишар, овоzlар

ицида якка қызи Моҳиданинг афсус-надомат билан бўзлаши барадла эшитилиб турар, саф тортган эркаклар қалбида ғалати бир маҳзунлик, титроқ уйғотарди. Азага келган хотинлар Қизнинг йигисини ҳасрат ва ҳавас билан кузатишарди. «Менинг қизларим ҳам шундай донолик, фаросат билан йиғлашармикан?» деган ўй ўтарди кўнгилларидан. Қизнинг жола-жола кўз ёшлари, овозидаги хазин тошқинлик, куйиш беихтиёр азага келганларда ҳамдардлик туйғусини уйғотарди. «Отажоним, меҳрибоним, соябонимдан айрилиб қолдим. Уйим-жойим деб ёнган падари бузрукворим мени ташлаб кетдилар. Энди қаерга бораман? Кимга арз қиласман? Отажон, наҳот менинг баҳтимни кўролмай кетдингиз? Наҳот, ёлғиз қизингиз куйиб қолишини ўйламадингиз?!»

Эркаклар ёнида йиғламсираб турган икки ўғил - Адҳам билан Акрам Моҳиданинг овозини эшитиб қизаришар, ўзларидан ёш келмаганига изза тортишар, ўзларини қўярга жой топишолмасди. Чин юракдан йиғласанг сўқир кўздан ёш келар, деган мақол замираида қанчалар чуқур маъно мушассам эканлигини ҳис қилишар, ўзларининг йиғилари юракдан келмаётганини яширишга уринишарди. Шоҳидага эса бунча йиғи, кўз ёш қаердан келаётганига ҳайратлашишарди... кўл телефонлари «сайраб» қолганидан фойдаланиб, четроққа ўтиб тупуклари билан киприкларини намлаб келишарди. «Тезроқ жаноза ўқилса-ку, мозорга чиқиб кетардик!» - икковининг кўнглидан ўтаётган бу фикр қўлга тушган ўгри боланинг қочиб қутулиш илинжи каби кўзларида балқиб турарди.

Аммо сабр-тоқатни синовдан ўтказаётган вақт имиллаб ўтар, юракларини зардобга тўлдирарди. Ҳар дақиқада улар ичдан емирилиб, тўкилиб бораётганга ўхшардилар...

\* \* \*

Ҳамдам ота қизининг одоб-ахлоқидан, тарбиясидан севинар, унга нисбатан меҳри ортар, ўқимишли бўлаёт-ганидан қувонар эди. Она эса арзимаган нарсага эри билан тортишаверар, унга тинимсиз маломат ёғдирар, фарзандларига эса оталари тўғрисида ёқимсиз сўзлар айтишдан тортина масди.

Она ақидаси билан улғайган ўғиллар мактабни аранг битиришдию, ўзларини бизнесга уриб кетиши. Ишлари тоҳ юришиб, тоҳ орқага кетар, сармоянинг салмоғи сезилмасди. Шунда ота:

- Бизнесга ҳам ўқиш керак, болаларим! - деди йўл кўрсатиш маъносида, - Бўм-бўш калла билан пул топиб бўлмайди-ку!

Сора опа эски пластинкасини айлантириди.

- Э, чол, булатни йўлдан оздирманг, институтни битирганларга қаерда иш қараб турибди? Галстук тақиб, олифта юрган билан бирор чўнтағига пул солиб қўярмиди? Аралашманг!

\* \* \*

Ота биринчи аёлидан фарзандсизлик туфайли ажрашганди.

Сораҳонга уйлангач, уч ойдан кейин собиқ завжаси Санобарни бозорда кўриб қолди. Гавҳар топган боладай қувониб кетди ичиди. Ундан ёмонлик кўрмай, фарзандсизлик туфайлигина ажрашгани учун етти йиллик турмушлари ҳурматидан яхши саломлашди. Яқинларини сўради. «Бунинг нимаси ёмон? У билан жанжаллашиб қўйди-чиқди бўлмаганмиз-ку!»- ўйлади у. Бувоқеани кимдир Сораҳонга етказди. Ичи куйган аёлнинг эрига муносабати ўзгарди: «Ҳалиям кўнгли ўшанда, учрашиб тураркан-да!»

Болалар улғайишгач, бу гапни уларнинг қулоқларига

ҳам күйди. Ҳамдам ака «Нотұғри қиляпсан» деса-да, ўз фикридан қайтмади, иддао қилишда давом этди. Онасининг бўхтонига Моҳида ишонмади. Унинг қалбидаги отасига ишонч, чексиз эҳтиром билан улгайган эди.

Ҳамдам ака «Ёшим бир жойга борганда бурдимни кеткизмай», деган андишада ўғил-қиз туғиб, тили узун бўлган Сора опа билан гап талашмасди.

Ота калтафаҳм хотинининг маслаҳатларига кираётган ўғилларига қанчалик ачинмасин, ихтилоф келтириб чиқармаслик учун ўзини босишга мажбур бўларди. Аммо қизи ўғилларга ўхшамади, отага тортди. У - ақлли-хушли, китобсевар. Ҳамдам ота хотиндан анчайин кўнгли қолгандан кейин қизининг баҳти, камоли, келажаги учун яшашга қарор қилганди. Икки ўғил оталарининг Моҳидага бўлган меҳридан гашланишар, юракларида пинҳон адоват мөғор босиб борарди.

\* \* \*

...Тўсатдан келган ўлим ниятларини чилпарчин қилиш билан бирга Мсхилани эсанкиратиб қўйди. У биринчи парадан чиқиб, ўша мудҳиш хабарни эшиганида кўксига кўринмас душман найза санчгандай титраб кетди. Ўзини ёлғиз, ўта омонат сезди. Улкан тоғ қулаб, юрагини вайрон қилганини аччиқ изтироб ичидаги англаб етдию, «беш кунлик дунё» деган иборанинг маъносини кашф этди.

Моҳида ҳали кафанланмаган ота бошига келиб матони тортди. Отасининг жаги танғилган, қонсиз юзида: «Қисмат шунаقا экан, мени кечир, қизим!» деган аччиқ видо қотиб қолганди.

Майитни ҳовлига олиб чиқишидан кейин кўча эшик ёнидаги хонада оқсоқоллар билан ўтирган имом тобут олдига келди. Пардадан бўйлаб:

- Опа-сингиллар, йиғини тўхтатсангиз, жанозани бошлаймиз, - деди.

Бирин-кетин овозлар тинди, эркаклар сафларини түғрилаб олишди.

Имом одамийлик, фарзанд ва ота-она бурчи ҳақида Қуръон ояллари ва ҳадислардан мисоллар келтириб, маъруза қилди. Отанинг яхши фазилатлари, тұсатдан келган ўлим ҳам Аллоҳнинг неъмати эканини айтиб, азадорларга таскин берди. Жаноза бошлашдан аввал катта ўғил Адҳамни чақырди.

- Мабодо, даданғизнинг бирор кишида қарзлари бўлса, ҳужжат билан келса, тўлайсиз. Хўпми?

Ҳамма Адҳамга қаради. Имом айтганларини яна қайтарди. Бироқ Адҳам бошини қўйи солганча тураверди. Имом унинг ҳолатини тушунди.

- Жойингизга боринг! - имомнинг овозида билинрабилинмас нафрат, ғазаб бор эди.

Одамлар орасида «шивир-шивир» бошланди. Имом Акрамни чақириб бояги гапни тақрорлади. Бироқ иккевлари келишиб олгандай, у ҳам «миқ» этиб оғиз очмади. Фақат эркакларгина эмас, парда ортидаги аёллар ҳам ҳайратда қолишди. «Тавба, ўғил ҳам шунаقا бўладими?», «Белингда белбоғинг берми?», «Хей, эркакмисан?»

Вазият тарапглашиб борарди. Қишлоқ катта бўлгани учун одамлар кутилмаган воқеаларни кўп кўришган. Йиллар давомида қишлоқнинг иссиқ-совуғига аралашмайдиган Мўйдин қийшиқ тўй қилганда чорраҳага тўрт оқсоқол туриб олиб, одамларни тўйга киритмагани, маҳалла йиғинида колхоз тафтишкомининг суюқоёқлиги фош бўлгани, мол ўғирлаган Камол хирракни тўй куни шарманда қилишганини ҳамма яхши эслайди, аммо бугунгидай кўнгилсизликка сира дуч келишмаган эди.

Орадан қўшни маҳаллада яшовчи Фазлилдин чиқдида, аввал имомга, кейин бош эгиб турган икки ўғилга, охири норози гувранаётган оломонга қаради.

- Мусулмонлар! Ҳамдам аканинг жанозасида ноxуш

гап айтаётганимдан минг-минг афсусдаман! Аммо мен шунга мажбурман. У киши мендан ўн минг доллар қарз олган эдилар! Мана тилхатлари. - у бир варақ қофозни жамоатга кўрсатди. - Буни энди ким тўлайди? Ҳозир ҳал қилиб олсак! Мен ёлғон гапирадиган одам эмасман! Қори ака, сиздан илтимос, - имомга юзланди у, - масалани ҳозир ечиб берсангиз, ахир бу озмунча пул эмас!

Имом ҳайрон. Таранг вазият кўпчиликда нохушлилк уйғотиб турганда одамлар орасидан элликдан ўтган соқолли киши чиқиб, икки ўғилга юзланди.

- Ҳей, номардлар! Шу одам, - у тобутга ишора қилди, - сенларни дунёга келтирди, боқиб тарбиялади, отага оқибатларинг шуми?! Ор, виждон йўқми сенларда? Бирорвлар отангнинг тобутига ёпишиб туришсаю, сенлар нимага серраясан, ноинсофлар?!

- Тўғри!

- Рости-да!

- Имонсизлар!

Афсус, нафратли хитоблар орсизларни ҳушларига келтирмади. Бироқ шу пайт парда ортидан Моҳида имомга бўйлади.

- Амаки! Бекорга жон куйдирман! - овози йиги аралаш чиқарди унинг. - Акаларимга отамнинг шаъни, номуси керак эмасга ўхшайди... Тоға, - энди Моҳида Фазлиддинга мурожаат қилди, - менда тўлайдиган пул йўқ, аммо... аммо рухсат этсангиз, бир гап айтмоқчиман.

Фазлиддин имомга саволомуз қаради. Имом «Эши-тайлик-чи!»- дегандай бош иргади.

- Айтавер, қизим!

- Агар мумкин бўлса, отамнинг шу қарзини мен тўласам!

Оломон қалқди. Аёллар томонидан ғалати овозлар эшитилди.

- Қиз боши билан, а?

- Ё кудратингдан!

- Қандай тўлайсиз, қизим? - парда ортига бўйлашди

Фазлиддин билан имом. Ҳамма нафас олмай қизнинг жавобини кутарди.

- Агар мумкин бўлса, мумкин бўлса... Агар ўғлингиз бўлса, мени келин қилинг, бўлмаса, хизматкорликка олинг! Отам учун ҳузур-ҳаловатдан, орзу-ҳаваслардан кечаман! Бир умр чўрингиз бўлай, невараларингизга энагалик қиласай, касал бўлсангиз оқ ювиб- оқ тарай, дадамнинг қарзларини узай. Падари бузрукворим қабрларида тинч ётсалар, бас!!!

Имом ёқасини ушлаб, оломонни тинчлантириш учун бир қўлини кўтариб, «жим» ишорасини қилди.

- Қизим, ўйлаб гапиряпсизми?

- Ҳа, амаки, фақат Фазлиддин тоға илтимосимни қабул қилсалар бўлгани!

Қиз қалбидан отилиб чиққан илтижо Фазлиддинни ҳайратда қолдириди. Кўксида икки ҳис: Моҳиданинг мардлигига ҳурмат, ўғилларнинг оқибатсизлигига нафрат жанг қиласарди. «Вазият кўтарсаю, номардларни хуморимдан чиққунча дўппосласам! Шунчалик пасткаш бўладими?! Ахир, Ҳамдам aka бутун одам эди-ку! Ҳамманинг корига яраган, омонатта хиёнат қилмаган инсон охирги йўлга шундай кетадими?! - ўйларди у,- Ҳа, бу қиз эмас, ўн ўғилнинг ўрнини босадиган жавоҳир! Эвоҳ, ҳаётнинг чигаллигини қарангки, ана бу орсизлар ҳам, шундай ажойиб қиз ҳам Ҳамдам аканики! Жасорат ва фидойиликни қизнинг дилига Худо солган! Бўлмаса ушоққина қиз шундок журъатни қаердан топади? Бу ҳодиса бойликка ҳирс қўйган осийларга, ғафлат босган вижлонимизга чалинган қўнфироқ эмасми?! Бугун турушунмасак, эртага кеч бўлар балки? Марҳумнинг ҳурмати, қизнинг жасорати учун шу пулдан кечаман! Ҳамдам aka! Охиратингиз обод бўлсин, қабрингизда тинч ётинг, ҳаммаси яхши бўлади!»

Фазлиддин бошини кўтариб Моҳидага юзланди:

- Қизим, сизга раҳмат. Мардлигингизга тан бердим. Худога шукр, болаларимни уйлаб-жойлаганман, аёлим

соғ-саломат, ҳар қанча хизмат бўлса, келинларимдан ортмайди. Мен элликдан ўтиб, сиздай оқила, ориятли қизни кўрмаганман. Акаларингизга ҳам Ҳудо инсоф берар, лекин сизнинг тантилигингиз ўз баҳосини олиши керак! Қизим, отага садоқатингиз учун ўша ўн минг доллардан кечдим!!

Одамлар бир оз гарангсиб туришгач:

- Э, отангга раҳмат!
- Дунёда камлик кўрманг!
- Юзга киринг, ота! - деб юборишиди бараварига.

Фазлиддин уларнинг таҳсинларидан оз-моз ўнғай-сизланса-да, ўзи ҳақидаги илиқ фикрлардан кўнглида зариф бир ғурур, олам қувончи жамланган илоҳий ёғдуни туйди.

Ҳамма нафасини ичига ютиб, воқеа якунини кутиб турганида ўртадан улуғ ёшли одам отилиб чиқди.

- Баракалла, қизим! Отангга муносаб, қишлоқ фахрланса арзийдиган инсон бўлибсан!

Оқсоқол юрагидан тошиб келаётган ҳаяжон ва меҳрни босиб, Фазлиддиннинг фидойилигидан қувониб, оломонга юзланди.

- Ҳамқишлоқлар, келинглар, бир дуо қилайлик.

Ҳаяжондан титраган қўллар фотиҳага очилди:

- Ҳамдам дўстимни худо раҳмат қилсин! Ётган жойи жаннат боғларининг бир боғчасига айлансин. Моҳида қизи баҳтли-тахтли, икки дунё саодатига мусассар, эл назаридаги инсон бўлсин! Фазлиддин укамизни Аллоҳ сийласин! Молу давлати бундан-да зиёда бўлсин, ОМИН!

Жаноза ўқиб бўлингач, қабристонга йўл олиши. Оломон тобут олдида кетаётган икки ўғилни - оналари билан тил биритириб, отасининг мини завод учун омонатга олган ўн минг долларини Моҳидага сарфлаб юбормаслиги учун яшириб кўйиб, унинг юрак хуружига сабаб бўлганини сезгандай - нафрати билан савалаб бораради...

Орадан бир неча ой ўтгач, қишлоқда Моҳиданинг

грант асосида хорижга ўқишига кетгани, Фазлиддиннинг «Спортлотто»дан олтмиш беш миллион сўм ютганию, икки ўғилнинг «бизнес»да чув тушгани ҳақидаги гап-сўзлар тарқалди.

### МАШМАША

Мансурнинг тижоратда омади юришиди. Бозор кўрган дўсти Мурод билан аввал Туркияга, кейин Дубайга қатнаб унинг бири минг, минги миллион бўлаётганини кўрганлар ҳавас билан, баъзилари эса ҳасад билан қарай бошлидилар. «Мансур наркомафия бўлса керак», деган гап тарқатганларнинг ҳисоблашича, тижорат орқали бу даражада бойлик ортириш мумкин эмас.

Беш йилда саккиз сотих ер олиб, атрофи яшил майдон ва дараҳтзордан иборат ҳовлиниң ўртасига икки қаватли туркча иморат тиклади. Кўча томонни темир панжара билан ўраб, дарвозага пульт ўрнаттирди. Йўлак четидаги бир қатор сосна ҳовлига кўркамлик бағишлайди.

Битта ошхона, иккита «Форд» уларга хизмат қиласди. Мансур яқинда озиқ-овқат магазинини ишга тушириб, унга қайнисини сотувчи этиб тайинлади. Рўзгорга пул оқиб кела бошлиши билан Мансурнинг хотини Маржона ўз-ўзидан ҳаммасини бошқарадиган, тасарруф қиласдиган бўлиб олди. Аввал Мансурнинг сал аччиғи келди. Ўлаб қараса, буларнинг бари мияни ачитадиган, асабни емирадиган ишлар экан. Талашиб ўтирасдан барини хотинига ташлаб кўйди...

Маржона ҳар куни кирим-чиқимни бир тийинигача ҳисоб-китоб қиласди. Мансур «Ҳисобчи олайлик» деса, у «ўзим уддалайман», деб жавоб қайтаради. Мансур юк ташийдиган «Форд»да киракашлик қиласди. Дубайга қатнагандан кам топмайди. Лекин унинг хотинига ёқмайдиган битта айби бор: ишдан кейин ичади.

Дам олади-да! Баъзан кўпайиб кетса, озгина эркалик қиласди. Аммо беозор. Бунга ҳам кўз тегди: Маржона

ошхонадагиларга тайинлаб, Мансурга ароқ бердирмай күйди. Эр ўз пулига олиб келиб ичишини бошласа, жанжал кутаради.

- Эй, хотин,- деди бир кун у жаҳли чиқиб, - энангдан қолган меросни сотиб ичмаяпман, улфатчилигимга топа-ёттан даромадимнинг бир фоизи ҳам кетмайди, қўй, хираклик қилма!

Маржона харҳашани давом эттираверди. Аччиғи чиққан эр хотинининг инжиқлигидан зерикиб:

- Менга хўжайн эмассан! - деди-да қуракдай келадиган кафти билан уни бир солди. Хотин йиғлади, аммо ўзгармади. Мансур ҳар кунгидай эрталаб пайпогини ўзи қидириб топади, дазмол тегмаган кўйлагини елкасига илади, ҳафталааб артилмайдиган туфлисини кийиб ишга отланади. Зардаси қайнаб, ишга чиқмай қўйса, хотини жанжал кутаради.

Бир куни Мансур олифта кийинган шаҳар бизнесменлари билан ўтирганда ўзининг кийимларидан номус қилди. Бу ҳақда хотинига айттанида у:

- Топ-тоза кийимда пул топиб бўлмайди, эржон, - деди Маржона бепарволик билан. - Олифталарни ҳавас қилманг, ҳаммаси миркурук!

- Бекорри айтибсан! - деди Мансур важоҳат билан, - Агар айтгандаримни қилмасанг, - у бироз тўхтади ва нотаниш назар билан мийифида кулди ва қизларим эшишиб қолмасин дегандай паст овозда давом этди. - бошқасига уйланиб оламан!

Маржона ўзини тўхтатолмай шарақлаб кулиб юборди.

- Вов-вой-вой! Кўрқитвордингиз-ку, куёв бола! Шу туришингизга сизга ким тегади? «Кир ёқасини юваман, саларкасини ҳиддайман», деб қайси нозаниннинг кўзи учиб турибдийкан?! Сизни мен эр қиласман холос, хаёлингиздаги ойимчаларга югурдакликка ҳам ярамайсиз!!

Хотинининг беписандлиги ва хақоратомуз гаплари Мансурга ёмон таъсир қилди. У «Сеними, шошмай тур!» - дея кафтига туфлаб қўйди.

Хаёт шу тахлит давом этаверди. Даромад кўпайган сайин хотиннинг зиқналиги ҳам ортиб борди. Зўрга кун кўраётган одамдай ҳаётдан норози.

Бир кун Мурод билан овқатланиб ўтирган Мансур шу ҳақда сўз очди.

- Мехрибончилик қиласиганидан топ! - деди ошнаси.

- Ростдан гапиряпсанми?

- Шундай қилсанг, Маржонанинг бурнига сув киради. Топишинг яхши, нега у сени оқ-ювиб, оқ тарамайди? Арзимайсанми? Қадрингга етмаса, етадиганини топ!

- Аёлларни яхши танимайман, улар билан гаплашишни билмайман.

- Фам қилма, ўзим ёрдам бераман!

Уч кундан кейин у Муроднинг иккинчи хотининикига меҳмонга чақирилди.

Мансурнинг оғзи очилиб қолди: хоналар саранжон-саришта, покиза! Одамнинг дилини тортадиган файзи бор! «Мурод мазза қиласкан-да!» кўнглидан ўтказди у. Бека Дилфузанинг муомаласини айтмайсизми? Тилидан бол томади-я!! Уни аёл туқданми ёки осмондан фаришталар ташлаб кетганмикан?!

Куп ўтмай хонага сипо кийимлари бўй-бастига ярашган назокатли бир аёл салом бериб кириб, табассум ҳада қилди! Аёл эмас, фаришта! Нигоҳлари билан юракни силаётганга ўхшайди!

- Дијоромхон, - деди Мурод уни таништириб, - Дијофузанинг дугонаси! Шунақасига уйлансанг, хонадонинг обод бўлади!

Мансур ҳайратда қолди. «Наҳотки, у менга хотин бўлса?! Ишонгим келмайди. Осмондан тушдими, жаннатдан чиқдими?! Пул бўлса, чангалда шўрва деганлари шуми?! Агар унга уйланиб олсан, Маржона айтган гапларига мингминг пушаймон бўлса керак! Ниҳоят, хотинни доғда қолдираман, энди ўзидан кўрсин!»

Мансур хаёлини йиғиштириб улгурмай:

- Сизларни таништиришдан мақсад, - деди Мурод, -

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ҲАНЖАР

бир-бирингизга меҳрибонлик қилинг, умр - қисқа, мазза қилиб яшаш керак! Тўғрими, Дилоромхон?

- Тўппа-тўғри!

Мансур билан Дилором яқин бўлиб олишди. Ўйнашди, кулишди, ичишди. Ҳангомалашишди. Ҳордиқни шанба куни тоғда давом эттиришга келишиб олишди.

- Аёллар билан гаплашишни билмайман дейсану, қийвораркансан-ку, хўроз! - деди Мурод.

- Ҳа, энди... - мийифида кулди Мансур.

- Кўз тегмасин...

- Дугонам ёқдими? - гапни илиб кетди Дилфузा.

- Асал-ку! - Мансурнинг дадиллигидан ҳамма кулиб юборди..

- Уч сўм пул, бир калла қанд, битта мулла билан ишни битириб қўя қолайлик!

Мурод ярми ҳазил, ярми чин қилиб сўзларди.

Мансур шошиб қолди.

- Дарров-а? - уялганнамо ерга қаради Дилором. Қалбдаги қувончнинг зоҳирий учқунидай кўзларида табассум ўйнарди.

Мансур суғурта идорасида ходима бўлган шу аёлга уйланиб олди. Икки хонали квартира сотиб олиб, аёлни қизи билан онасиникидан кўчириб келди. Дилоромнинг диди нозик экан: хоналарни хорижий мебеллар билан жиҳозлатди! Мансурни кўрганлар танимайди: кўпроқ оппоқ шим, турк футболкаси, оқ туфлида юради. Синфдошлар «гапи»га қилич дазмолланган қулранг шим, испан ёқа кўйлакда боради. Қариндошлар тўйига қоп-қора костюм-шим, оппоқ кўйлак ва ялтираган қора туфлида кириб келади... Ҳатто чанг, кир юрган «Форд»га ҳам тозалик инди: ўриндиқларга оппоқ матодан чехол тикирилди. Энг муҳими, Мансур ҳар куни ичмайдиган бўлди.

Маржона кийимларни кўриб, «Ҳақиқатда уйланиб олса-я!» дея ўйлади. Бироқ кўнглида бепарволик ва хотиржамлик бор: «Ичишни ташлагандан кейин кийимга ружу кўйди, шекилли». Ҳатто ҳафтада бир-икки марта уйда

туналаса, хаёлига шубҳа-гумон келмайди.

Бир куни Мансур уйга келса, Маржона чеккадаги кимсасиз, ташландиқ хонада ғужанак бўлиб ётибди.

Мансур:

- Нима бўлди? - деб сўраши билан кўзи ёшга тўлган аёл портлаб кетди.

- Дард бўлди, бало бўлди. Уйим куйди, уйимдан баттар дилим куйди! Ҳамма ишни қилиб қўйиб, «Яна нима бўлди?» деб сўрайди-я эркак ўлтур, ўртоқларим олдида адо қилдинг-ку, ер билан яксон бўлдим-ку!

- Гапирсанг-чи!

- Ҳаммасини билиб туриб сўрайди-я, писмиқ! Туяни учади, дейишса ишонардиму сендан шунаقا иш чиқиши етти ухлаб тушимга кирмасди. Шаҳарда «Маржонанинг эри битта манжалалақига уйланиб олибди», деган дув-дув гап! Ўша мегажиннинг сочини юламан, сен уй олиб берган бўлсанг, мен гўр қазиб бераман!

Кун келиб шундай бўлиши ҳақида Мурод аввалдан Мансурни огоҳлантирган. Ҳатто вазиятни юмшатиш йўлларини ҳам эринмай тушунтирганди...

Мансур индамай кўчага чиқиб кетди. Ярим тунда масти ҳолда қайтди. Хотини ухлаб қолган, иккала қизи телевизор кўриб ўтиради.

- Ойим роса йиғладилар, кейин сизни қарғадилар, - деди тили бурро Шаҳноза, - Қобил амакини аллақаерга жўнатиб, телефон топтирилар. Кейин битта хотин билан уришдилар...

«Дилором билан уришган», хаёлидан ўтказди Мансур. Ўзини хотиржам тутишга уриниб, ётогига кирди.

Эрталаб ҳеч нима бўлмагандай, «Форд»ни юргизди.

- Маржона кўнғироқ қилдими? - у йўлда кетаётганда Дилором билан боғланди.

- Ҳа.

- Нима дедингиз?

- Жавобини олди. Сизга бирор нарса гапирмадими?

- Эрталаб учрашмадик. Қизларим сиз билан телефонда

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

уришганини айтди.

- Бугун түшдә у билан күришамиз. Сиз бемалол ишин-гизни қиласверинг.

- Аммо хүшёр бўлинг: у «Битта-битта тишлаб гўштини узаман», деган.

- Мен унинг тилини суғуриб, қўлига ушлатиб қўяман.

Мансурнинг кўнгли ғаш бўлди. Кеча хотинининг важо-ҳатини кўриб, «Дилоромдан айрилдим, шекиlli», деб ўйлаганди. Бироқ ҳозир анча дадилланди.

У янги одамга айланиб, жаннатий ҳаётта кириб бораёт-ганига ишонгиси келмас, Дилоромга меҳри ошар, туйгу-лари қайнаб, денгиздай мавж уради.

Тушга яқин узоққа юк чиқиб қолди. Бахтга қарши, кўшни туманнинг чекка қишлоғига борганда телефон тўлқини чиқмай, Дилором билан боғланишга имкон то-полмади. Улар учрашган-учрашмагани, гаплашган бўлса, нималар рўй бергани ҳақида билмоқчи эди. Аммо буюрт-мачи мўлжалидан икки баробар кўп пул таклиф қилиб, вилоятнинг чекка туманига юк ташлаб келишни айтганда, машмашалардан олисроқ бўлишни кўзлаб, унинг такли-фига кўнди. Ярим кечаси ишни битириб буюртмачиникига келишгач, кайфияти аъло савдогар бир пиёла чойга таклиф қилди.

- Ароққа қалайсиз? - деди у Мансурга қараб.

- Бугун сал сиқилиб турувдим, - деди у иккинчи пиёладан кейин ўзини оқлааб, - уйдаги машмашалардан зерикдим.

- Хотин туфайлими?

- Қаердан биласиз?

- Кўзингиздан сезяпман! Э, бу машмаша кўпчиликда бор! Парво қилманг. Ҳозир янгилик! Озгина ўтгандан кейин кўниклиади.

- Наҳотки?!

- Ишонаверинг, оғайни, ҳаммасини кўрганмиз. Ҳали «Авлиё экансиз!» дейсиз менга.

Мансур гаражга машинани кўйиб, залга кирдию, ҳай-

## БОҚИЙ МИРЗО

ратдан оғзи очилиб қолди. Оппоқ күйлак кийиб, сочини чиройли турмаклаган катта қизи «Дадажон, чарчамай келдингизми?» деб, чиройли, нафис идишда яхна чой тутиб турарди. «Тавба,- деди у ажабланиб,- янгиликни қаранг! Дилором менинг ҳаётимдагина эмас, бу уйда ҳам янгилик қилишга қодир экан-ку!»

Шаҳноза кутылмаганда:

- Дадажон, мени соғиндингизми? - деб икки юзидан чүлпиллатиб ўпиди күйди. Мехри тобланган Мансур қизини бағрига босди. Хўрлиги келиб, кўзига ён қалқиб чиқди. «Бўларкан-ку!»

- Сени яхши кўраман, қизим!  
- Мен ҳам, дадажон!  
- Энди ухлаймиз, асал қизим!  
- Яхши ётиб туринг, дадажон!

Қизи тўтиқушдай сайраётган бўлса ҳам воқеалар тушда кечаеттганга ўҳшарди, фақат Мансур у ер-бу ерини чимчилашиб кўрмади, холос. Урнига ётгандан кейин хотини билан Дилором ўртасида бўлган воқеалар, оиласидаги кутылмаган ўзгаришларни ўйлаб уйкуси қочди. Аммо нима бўлганини аниқлолмасдан кўзи илинди.

Эрталаб уйғонса, тепасида Маржона турибди. Ўтган ҳафта тўйга тиктирган кўйлагини кийган, қошида ўсма, пешонасидаги соchlарини гажак қилган, француз атирининг ҳиди гуппилляяпти, қўлига крем суртган, шекишли, пешонасига майнин тегди. Мансур ёстиқдан бош кўтариб астойдил қаради: кўзларида ажиб табассум...

- Бугун битта яхши ҳисобчи олинг, дадаси! - деди мулойимлик билан.

- Ўзинг-чи, нима қиласан?  
- Менми? Мен сизга қарайман!

Унинг «Сизни хурсанд қилиш, кўнглингизни олиш учун яшайман», дейишга уялаётгани, тортинаётгани алланечук қимтинишидан сезилиб турибди...

- Ростданми?  
- Мен ҳам аёлман! Ўзимга қараб, сизнинг айтганингиз-

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

ни қылсам, топганингизга барака киармиш... киради.

«Устозинг дуруст-ку!»

- Яхши, эртадан бошлаб укам Асқарали ҳисоб-китобимизни юритади, - деди у ҳайрон бўлиб. «Одам бир кундаям шунча ўзгарадими? Тавба, севинганингдан кулгинг қистайди! Балки қувонишга ҳали эртадир? Артистга ўхшаб эрта-индин ролини ўзгартирмасмикан?»

Бир ҳафтача уйида тозалик ҳукм сурди, чиройли муомала билан дилни яйратди. Кейин... Кейин нимагадир ҳаммаси яна ўз ҳолига қайтди. Хотини Асқаралига жавоб бериб, ҳисоб-китобни ўзи юрита бошлади, уйлар яна бесаранжом...

Аммо Мансур ўзини олдирмади, Дилором қандай ўргатган бўлса, ўшандай сипо, тоза юрар, хотинининг харҳашаларига деярли эътибор бермасди. Энди Маржона ҳар куни нишини санчид олмас, кўчадан гап эшигандагина бир-икки кун жанжал қиласар, Дилоромни дунёдаги энг бузук, ифлос, виждонсиз, фоҳиша деб ҳақорат қиласар, эрини ҳам наҳс босгандар тоифасига қўшиб гапирад эди. Бироқ бу ҳақоратлар Мансурга оғир бота бошлагач, уйда жанжал бошланди... Ҳаловат йўқолди...

- Бу хотиннинг «томи кеттган»! - деди Дилором кўрсаткич бармогини чаккасида айлантириб.

- Уҳ! - деди сергак тортди Мансур муҳим нарса ёдига тушган одамдай.

- Нима?

- Кейин биласан...

Мансур эртаси куни каттагина тўти сотиб олди. Уни хотинининг ётқҳонасига жойлаштириб, Маржонага тайинлади:

- Жуда қимматга олдим, қизлар ёш, ишониб бўлмайди, шунинг учун бунга ўзинг ҳар куни сув, дон бериб турсанг...

- Хўп.

Маржона тўтига қарагани келганда у:

- «Томи кеттган», «томи кеттган», «томи кеттган»! - деб гапири бошлади. Маржона овқатини кечроқ берганим учун

шундай деялти, шекилли, ақлли жонивор экан, деган хаёлта борди, аммо эртасига ҳам, индинига ҳам түти шу гапни қайтара берди, қайтара берди. Маржона жаҳл билан кундошига қўнгироқ қилиб:

- Ўзингнинг «томинг кетган», ўзингнинг «томинг кетган», манжалаки! - дея ҳақорат бошлагандага Дилором:

- Бешбаттар бўл! - деди-да, телефонни ўчириб қўйди...

Мансур бир неча дақиқа олдин шаҳардаги энг машхур ресторандан чиқди. Улфатлари унга «Рулга ўтирма, кайфинг бор», дейишса ҳам уларнинг гапларига қулоқ солмади. «Шевролет» темир дарвозадан кириб зина олдида тўхтади. Мансур йиқилгудай бўлиб машинадан тушди. Бир-икки қадам кўтарилиши билан деразадан қараб турган хотинининг чақиндай нигоҳларига дуч келиб, кайфи тарқаб кетгандай бўлди. «Иҳ, яна шуми? Қанақа можаро тайёрлаб турган экан?»

Маржона шафқатсиз подшонинг хос навкаридай найза билан кутиб олди.

- Яна кайф! Ўзи бу уйда соғлом кун борми? Пул топган одам молдай бўкиб ичавериши керакми?

Мансур ўз хонасига бурилди. Унинг қанчалик ғаши келмасин, хотинига қараашдан, унга ножӯя гапириб, ари уясига чўп тикишдан тийилди.

- Арпангизни хом ўрдимми?

- Одам тухумдай айниса, ўнглаб бўлмас экан. Уни ё ташлаб юбориш керак ё

- Билганингни қил, фақат мени тинч кўй! Мен ичсам юрагим сиқилганидан, машмашаларинг жонимдан ўтганидан ичаман, тушундингми?!

Аёл тувақиб кетди. Кўзлари чақчайиб, туки найзаланди. Хонасига яқинлашган эрининг олдини тўсли.

- Анави Дилорга айтиб кўйинг, иккинчи менинига қўнгироқ қилмасин! Энди кўчадан қилишга ўрганиб олибди. Соткасини янгилайвериб чарчадингиз-да!

- Мен унақасини танимайман!

## САҚЛАШ КАМЕРЛСИДАГИ ҲАИЖАР

Бу гап Маржонага навбатдаги машмашаны бошлаш учун етарли эди.

- Аслида унга сиз құнғироқ қылдыраётгансиз! Мени зерикіб, орамиздаги ошиқ-маңышуқликка аралашмасын, демоқчилігингизни билмайманми?! Ҳаммасини била-ман!

Мансур хонасига кириб әшикни құлғлаб олмоқчи эди, ағсус, хотини ғазабланған йүлбарсдай йүлиға күндалантурди. У эса, индамай енгишга қарор қилди.

Эрининг айёрлиги, писмиқұлқык билан иш тутаётгани Маржонанинг бешбаттар жаҳлини чиқарди.

- Ҳой эр, - деди у бир құлинни белигата тираб, иккінчисини қилич қилиб силтарткан, - бугун соат бешда ойимни күргани борамыз, деб келишгандык, сиз эса еттида ичиб, сасиб келяпсиз. Менинг гапым бир пулми? Биламан, сиз учун ўша Дилор аъло, тұғрими?

- Менга, - деди у хотиннинг құлинни билаги билан ёнга сураркан, - ўз соғлигим, асабларимнинг тинчлігі керак! Асаббузарларни осдим, ҳе әнасини...

Хотин диванга ўтиради-да, хұнграб йиғлашта гушди. Мансур ётоқхонага кириб кетли...

Күтилмаганда уй телефони жириңглаб, хотин «дик» этиб ўрнидан турди.

- Эшитаман!

- ...

- Гапирсанг-чи? Ё тилинг чиқмаганми? Кимлигимни билмайды, деб ўйлаяпсанми? Җүчқага ўхшаб нафас оли-шинингдан танийман, суюқоёқ! Эримнинг «құли» үчирилғани учун уйға қылғанингни билиб турибман. Трубкани қўй, манжалаки! Сени болаларимнинг ҳақи тешиб чиқсан!! Оғзингдан қонинг келиб ўлгин!

- У трубкани қўйгач, икки-уч дақиқа ўтгандан кейин яна құнғироқ келди.

- Сен зоти пастга гап тушунтириб бўлмас экан, ҳозир бориб ё тилингни суғуриб оламан, ёки бўғиб ўлдираман!

У гапини тугатиб-тугатмаган ҳам эдики, тўшакдан

## БОҚИЙ МИРЗО

Марҳабо опанинг овози эшитилди:

- Маржона, қизим, мунча оғзинг шалоқ бўлмаса?
  - Вой, ойи, сизмидингиз?
  - Мени эшитмадинг, аппаратинг чатоқми?
  - Кечиринг, ойи! Битта ифлос телефонни ўйнайверганига сўкинувдим.
  - Унақаларни сўкмадинг, шекилли?..
- Маржона гапни бошқа томонга бурмоқчи бўлди.
- Узингиз яхшимисиз? Дадам тузукмилар?
  - Бир нави. Хабар олай демайсан, кўришганимизга бир ойдан ўтди. Эр билан машмаша қиласвермасдан уни ҳурмат қилишга ўрган. Сенга икки оғиз гапим бор эди!

Онаси зарда қилгандай гўшиакни «тарақ» эткизib қўйди.

Маржона юрагини тижимлаётган хижилликдан қандай қутулишни билмай кўксига бир урдию, яна хўнграб йиғлашга тушди. Йиғлай-йиғлай чарчагач, ўрнидан туриб эрининг хонасига кирмоқчи бўлди. Эшик ичидан қулфланган эди. Маржона «Эрим Дибором ҳақида бемалол хаёл сураяти», деб ўйлаб, аламдан титрар, ўзини қўярга жой тополмас эди. «Қани энди кўринмас милтиғим бўлсаю, отиб ташласам, сеҳргар бўлсаму дунёда заррасини қолдирмай йўқ қилсан!..» У Мансур эшитсин дегандай хўнграб овоз чиқарар, кўнглини юмшатмоқчи бўларди. Аммо бу пайтда кўшни хонани хуррак овози тутган, Маржонанинг беўхшов йиғисини девордан бошқа ѡеч ким эшитмасди...

- Ойи, - деди хонага билдирамай кирган Шаҳноза, - дадамни ҳадеб сўқаверманг, у киши яхшилар-у... Ахир, Моҳира холам ҳам «Эрингга ширин гапирсанг, измингдан чиқмайли», деб тайинлагандилар-ку! Нега бир ҳафтага чидамасдан яна уришни бошлавордингиз? Моҳира холам «Ойинг одам бўлмайди», деяптилар.

Кизини жимгина тинглаб ўтирган Маржона бирдан сергакланди.

- Нега одам бўлмас эканман? Ахир, одамман-ку!
- Сен одам эмассан! - эшик зарб билан очилиб хонага онаси кириб келди. - Мансуржоннинг ўрнида бўлганимда

## САҚЛАШ КАМЕРДІСІДАГИ ХАНЖАР

сени аллақачон ҳайдаб юборардим, уйларингни қара, ивири-сиб ётиби, сочингни қачон ювгансан, билиб бўлмайди. Сендақа исқильт уттин билан яшагандан бир умр тоқ ўтган яхши. У үнта хотин олсаям кам! Эринг ҳамма нарсани топиб тургандан кейин ўзингга қарасанг ўласанми? Ҳамма ишига бурнингни суқишинг, унга хўжайинчилик қилишинг шартми?! Сен - аёлсан, мулоим, сариштали бўлишинг, болаларингнинг тарбияси билан шуғулланишинг шарт, раҳматли аммангга ўхшаб каттазанглик қилаверма, бу нарса ҳеч кимга ярашмайди! Эрдан куруқ қоласан!! Тушундингми?!

Қизининг «Бирпас ўтиринг, бир пиёла чой ичинг», деганига қулоқ солмаган Марҳабо опа эшик тутқичини тортди.

- Аввал эринг билан муроса қил, кейин чой эмас, ош еймиз! - деди эшикдан чиқаётib.

Маржона айвон зинапоясига ўтирганча изтироб билан хаёлга толди. «Балки айб мендадир, хатоларимни тушум-маётгандирман, ўзимни яхши тутмаётгандирман?»

Маржонанинг кўнгли вайрон бўлди, аллақандай изтироблар, гам-андуҳ хаёлига қора тумандай бостириб кирдию, борлиқни тун қоплагандай бўлди. У кундоши Дилюромни ҳам, эрини ҳам, ҳатто қизлари-ю онасини ҳам ҳам ёмон кўриб кетди. Ҳаёли паришон, кўзига ҳеч нарса кўринмайди, оиласи ва болаларини ўйлаш фикридан узоқлашган, нимани ўйласа, охири ёмон бўлаётгандай туюларди.

Кечқурун Мансур келганда уйда тинчлик ҳукм сурар, Шаҳноза аллаким билан телефонда гаплашарди.

- Дада, сизни битта хотин сўрайпти! - деди онасидан андоза чимирилиш билан. Мансур қизига қараб унинг кўзларида аллақандай бегоналик, ўзини тортишни кўрдию, юрагига игна ботгандай, қизлар ҳам оналарига ўхшаб кетишаётганидан ижирғаниб кетди. Илк бор «Дилоромга ўйланниб хато қилмадиммикан?» деган фикр айланди ми-ясида. Бироқ ишдан чарчаб келса-да, бирор самимий чехра,

икки оғиз ширин сүз билан кутиб олмагани учун ўзини камситилгандай сезди. Гўшакни қўлга оларкан, у тарафдан қисқа-қисқа гудок эшитилаётгани учун қизига таажжуб ва аччиқ билан қаради.

- Ҳозир битта хотин гапираётувди, дада! - Қиз хижолат бўлганидан ялинч оҳангда гапирди.

Мансур қўл силтаб хонасига кириб кетди. Унинг қорни очлигини, чанқаганини қизи сезмали.

Мансур диванга чўзилиб, устига одеял тортди. Энди кўзи илинган экан, эшик шаҳд билан очилиб, хонага бирор бостириб кирди. Унинг устидаги одеялни силтаб олиб ташлади:

- Туриңг ўрнингиздан! - бу хотини эди. - Нима учун ўшаникига қатнаётганингизни айтасиз! Ундан нимам камлигини исботлайсиз?! Ўша қанжиқقا илакишидингиз-у, оиласдан фаришта кетди, тинчим йўқолди.

Маржонанинг жаҳли авжига миниб бораётган эди.

- Энди сенга шартим шу, - деди бирдан сенсирашга ўтиб, - ё мени, ё уни дейсан! Таңла, буни ҳозир ҳал қил. Эртага кеч бўлади, тушундингми?! Агар уни дейдиган бўлсанг, болалардан умид қилма, уйда бир тийин ҳам ҳаққинг йўқ! Битта костюмингни ол-да, ўша енгилтакнинг олдига жўна!

Мансур сабр билан жаҳлини босиб олаётгани учун ўзига тан берди. «Бемаза хотиннинг жанжали ҳам бачкана, мантиқсиз, а?!»

Ўтган ҳафта Муроджондан «Хотиннинг Дилфузага ўйланганингни билиб қолганда нима бўлган?» деб савол берганди.

- Менга гапиромай бир ҳафта эзилиб йиғлайверган!
- Бирор нарса дегандир?
- Деган!
- Ўшани айт-чи?
- «Ёмон бўлсам жавобимни бериб қўя қолинг», деган.
- Сен-чи?
- «Икковинг ҳам яхисан», деганман.
- Менинг хотиним фирт лўли!

- У гапираверсин, сен индама!
- Жондан ўтиб кетса-чи?
- Чида!

Мансур шуларни эслаб сабрга суяңди. Хотиннинг жағи тинмасди.

- Сен саволларимга жавоб берсанг, - деди, ниҳоят, Мансур хотинининг кўзига тик қараб, - бирингни танлайман!..

Хотини сал чўчиб, унини „парасига ўтирди.

- Сен менга бирор марта юмшоқ, кўнглимини кўтарадиган, чарчоғимни ёзадиган муомала қилганмисан?

- Кийимимни алмаштирай десам, дазмолланган шим ё кўйлак топиб беролганмисан? Уйимга меҳмон келганда тоза кўрпача солиб, боримни чиройли кўрсатолганмисан, умуман, икки-уч йилда бирорта оғайним келганини эслай оласанми?

- Ҳатто Дубайга кетаётганимда ҳам кўйлак-шимим дазмолланмаган эди. Оғайниларим «Хотинингизнинг қўли гул экан», деб пичинг қилишганини айттанимда хуоса чиқардингми? Ҳамма сендай «Маржон кир» билан яшаёттанимга қойил қолади. Сўнгти саволим: Бирор марта ҳатойингни тан олганмисан? Сен бамисоли фаришта, бир томчи сувдай топ-тозасан! Тўғрими?! Саволларимга қониқарли жавоб беролсанг, сени танлайман ва Дијоромни талоқ қиласман. Фақат виждонингта қулоқ солиб, тўғри гапир!!

Маржона қийин аҳволда қолди. Жавоб беришга чоғландио, тили туғилиб, томоғига бир нарса тиқилди. Ҳақиқат олдида эгилиб, оёғи қалтиради. Вижданан гапирса, ютқазиб қўйишини билди, шаллақиликка оғиз жуфтлаётганда эса, Мансур огоҳлантириб қўйди:

- Бу сафар зўравонлик билан енгаман дема, юзма-юз, очиқ гаплашайлик

Маржона жуда тор, эшиги қулфланган хонага қамалган

одамдай иложсиз қолди. Ва илк бор күнглидан «Эрим ҳак, шекилли», деган фикр кечди. Ҳозиргача уни хотинбоз, енгилтак, бузуқ аёл домига тушган эркак ҳисоблардию, ўз камчилклари ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. Эрининг далилларини адолат тарозусига соларкан, иллатлари шаффоф туман орасидаги қора дөгдай кўрина бошлади. Бу доғларни бирор марта кўрмасдан, ўз бурчларини тушунмай, тушунгандарининг ҳам улласидан чиқолмай ёки уни асосий вазифа ҳисобламай келган дамларини эслади. Қариндош-уруғларга эридан ҳасрат қилганда, улар нега Маржона тараф бўлмаганиклари сабабини, хатоларининг яна бир қисмини тушунгандай бўлди. Бояги шаҳди йўқолди, эрига бошқатдан разм солди. Унинг эгни топ-тоза, ҳатто тунги кийимлари ҳам дазмолланган, баъзида маросимларга янги қора костюм-шим, оқ кўйлак, қизил галстукда боради, буни ўзи эмас, кундоши қилганиligини ўйлаб, ичидан зил кетди... Эри бизнесга киргандан бери кўпроқ топишни, ўйларини қайта куришни, машина кўпайтиришни ўйлабди-ю, уни бошқаси илиб кетишини хаёлига келтирмабди.

Аlam ҳисси азобга айланди. Аввал эри огоҳлантирган бўлса ҳам фафлатда қолгани учун ўзини ёмон кўриб кетди.

Кўнглида айланаётган қарама-қарши кечинмалар, туйгулар, рашқ ва нафрят, хатоларини англаш ҳиссисдан карахт бўлиб, жавоб беришга қурби етмай қолганини ўзича тушунган Мансур «енгдим» деб ўйлади, шекилли:

- Шахсий ҳаётимга аралашма, қадамимни назорат қилма!  
- деди кескин, - бугундан бошлаб телефонимни текширма,  
орқамдан одам қўйма, Дилоромга кўнфироқ қилиб хақо-  
ратлашни бас қил!! Тушундингми?!

Маржона бир оғиз гапиролмади. Ранги докадек оқариб кўзида ёш кўринди. Унинг кўнглидан нималар кечайдтанини билиш қийин эди.

Мансур бежирим кийинди-да, кўнглида аллақандай туйгулар гирдоби билан кўчага чиқиб кетди.

Маржона талвасага тушди: «Наҳотки, эrim ташлаб кетса?!» У ваҳима ичida қалбига назар ташлади. Кўркув, ҳадик

аралаш алланима бор у ерда. Аммо нима? Хатоларни англаш азобими, ўз ўрнини билмай яшашиби? Гоғиллик, күнгилга бефарқ яшащдан туғилған КҮРЛИК-ми? Балки аламзадаликдир? Күз ёшлари сел бўлаётган аёл изтироблар ичидан ўзига зарур бўлған бир туйғуни топишга интиларди...

### ХЎРОЗДУМ

Расулжон шоҳбекатта келса, автобус йўловчилар билан тўла. У «Кейингисида кетарман», деб турганида чигта сотувчи:

- Тога, чиқаверинг, сизга жой топиб бераман! - деб фикридан қайтарди.

У «Тезроқ юрсайди!..» - деб хаёлидан ўтказиб туравдиямки, орқа ўриницида тўрт қиз чулдирашиб, ҳиринглаша бошлиши. Биттаси телефонда аллакимни «Ҳарип», «Мусор», деб калака қилди. Сочини хўroz думи каби турмаклаб олгани эса уялмай-нетмай ўқитувчисини атдаганини мақтанаарди. Расулжон дарров ичидаги унга «Хўроздум» деб лақаб қўйди.

Халта кўтарган отахон ўргада тик турар, қизлар суҳбатни қиздиришар, катта ёшли одамларнинг тънали нигоҳларига эътибор бермас эдилар. Айниқса, «Хўроздум» қўлларини ёзиб, муқом билан сўзларди. Автобус юргач, чигта сотувчи:

- Қизлар, катталарга жой беринглар, дуо қилишади, - деб уларни ҳушига келтирмоқчи бўлди.

Нокулай вазият пайдо бўлиб, қизларнинг дами ичига тушиб кетди. «Хўроздум» лабинни буриб, тескари қаради. Чиптачининг тажрибаси бор экан, «Шуларнинг ёшига этиб юрасизлар, қизлар!» деб уларга имо қилди.

Оқ соқолли отахон:

- Эй, болам, буларни безовта қилманг, оёқда кучимиз етарли! - дегандан кейин индамай кетаётган оқ кўйлакли қиз жой берди. Отахон «Умрингдан барака топ, қизим!» деб дуога қўл очди. Чигтачи мамнун бўлиб, нариги қизларга жилмайди. Телефонда гаплашаёттани эшифтмагандай ерга қараб олди, ёнида иси икки томонга аланглаб, уялиб кетди.

Сүмкасини елкага илди-да автобуснинг олд томонига ўтди. Чиптачи халта кўтарган отахонни ўрнига ўтқазди. Автобус айлана йўлдан ўтиб тўхтагач, яна одамлар чиқди. Эшик олдидা турган отахонлар қизларнинг олдига келиб қолгани учун индамай кетаётган қиз ўрнидан турди-да, «Хўроздум»га қаради: «Пари, юр, олдинга ўтиб оламиз!» У зарда қилгандай терс ўгирилди.

Автобус ичи ҳаёт дошқозонидай қайнайди.

Шу пайт олд тарафдан олтмиш ёшлардаги йўғон аёлнинг овози эшитилди.

- Ҳой, бола!

Ҳамма ўша томонга қаради.

- Ҳой, қиз деяпман?

У кимга гапиравёттанини дастлаб кўпчилик тушунмади.

Аёл орқадагиларга қаради.

- Анави ўтирган қизни чақириб қўйинглар!

Тик турган йигит «Хўроздум»ни туртди.

- Опа сени чақиряптилар.

У «Нима дейсиз?» дегандай аёлга беписанд боқди.

- Уятинг борми сени? Ота-онанг тарбия берганми? Тур ўрнингдан, каттага жой бер! Оппоқ соқолли одамлар тик туриб кетсаю, ёш нарса ялпайиб ўтиргани уялмайсанми?!

Қиз уришмоқчи бўлган хўроздай чимирилиб, қовогини ўйди...

- Опа, - деди ойна томонга кетаётган киши, - хафа бўлманг бу қизнинг ёши сиздан ҳам улуғроқ! Анча иш кўрганга ўхшайди...

- Гапингиз рост, иним! Инсоф ўзига бермаса қийин!  
**ЎТИРАВЕРСИН!!**

Расулжон дилидан ўтказди: «Шунаقا келиндан Худо асрасин!»

\* \* \*

Расулжон кечки таомдан кейин янги газета ўқишига тутинди. Бироқ хотини Гулбаҳорнинг овози хаёlinи бўлди

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ХАНЖАР

- Хой, дадаси! - деди Гулбаҳор - Ҳадеб ўқийверасизми? У аёлига қаради, ичига гап сидиролмай кўзлари чақнаб турибди. Ўғлини уйлантирмагунча тинчитмайди бу.

- Ишдан қайтаётib, аммамни кўрувдим.
- Хўш?
- Бир қизнинг тайинини айтувдилар, ичим қизиб қолди.
- Ким экан у?
- Сиз сўраманг, мен айтмай: чиройли, ўқиган, рус, инглиз тилини сув қилиб ичворган экан! Пазанда, саришталигини айтмайсизми? Элита пардаям тикаркан! Исми жисмига монанд: Парирухсор!!

Қизнинг исми Расулжонга алланарсан эслатгандай бўлди, аммо тополмади. Хотинига зимдан назар ташлади.

- Яна нима хунари бор экан?!

Аёл пичингни тушунмади.

- Ота-онаси тагли-тугли, қўша-қўша машиналари, дўконлари, ошхоналари бор экан!
- Қиздан гапир, қаерда ўқиган? Хулқи, одобидан гапир...
- Сира сўраманг! Гапирганда ерга қараб, мулоим тураркан. Катталарга салом берганда боши ерга тегармиш!

Расулжон кулимсиради-да, газетага тикилди.

- Тили бор эканми?
- Бўлса керак... Сардоржон билан учраштирасак, зора, юлдузи юлдузига тўғри келса.

Бир йилдан бери қариндош-уруг, маҳалла-кўй яхши қиз топиш билан овора. Ўнлаб қизлар реклама қилинди - ота-онага ёққани Сардорга маъқул эмас, ўғилга тўғри келгани ота-она «шаблон»ига тушмайди!

- Нега бундай бўляпти, дадаси? - деди қиз суриштиришдан чарчаган Гулбаҳор. - Одамларнинг келин олганини билмай қоламиз!

Ўтган ҳафта бир қизни уч кун мақтади. Узоқдан бўлсаям бирров кўр, деб Сардорни жўнатишиди. Сирти силлиқ, чиройлигина кўринди. Аммо маҳалласидагилар «Севган йигити билан икки ой Қозоғистонга қочиб кеттган!» дейишибди.

## БОДИЙ МИРЗО

Холаси топган талаба қыз Нигоранинг бўйи Сардордан бир энлик баланд экан!

- Тавба, - деди Расулжон ҳайрон бўлиб. - илгари қизлар ноз қиласди, ҳозир йигитлар қиз ёқтиравермайди!!

Расулжон масалага тезроқ нуқта қўяйлик, деган қарорга келди, шекилли:

- Аммангта айт, анигини суроштирсан,- деди Гулбаҳорга.- Сардорга ёқса, совчи жўнатамиз. Энди биттасини таңласин-да!

Гулбаҳор хурсанд бўлганча «Нокиа»сини олиб, амманинг рақамини терди.

- Аммажон! - дейиши билан у ёқдан баланд овоз келди.
- Овозларингдан амманг ўргилсан, нима гап, тузумисан?
- Раҳмат! Эртага ишхонангизга ўтаман!
- Майли, тинчликми?
- Кечаги қыз масаласида!
- Бемалол, ишда бўламан...

Расулжон қўлига яна газетани олди.

\* \* \*

Гулбаҳор ишхонадан рухсат сўраб, амманинг олдига равона бўлди.

- Қыз мендан икки уй наридаги Саломатники! Шаҳарда ишлайди, тушдан кейин қайтади, - деди амма ортиқча тафсилотларга тўхтальмасдан, - ўғлинг билан учраштиromoқчи бўлсанг, чақиришиш мумкин...

- Вой, яхши бўларди, аммажон! Келинни олволай, сепнинг зўрини киясиз!

Амма ёйилиб кулди. Кейин коридорга чиқди-да, бирор билан телефонда анча гаплашди.

- Ўғлинг кечки пайт меникига борсин, қизим учраштириб қўяди!

Гулбаҳор йўл-йўлакай эрига бор гапни айтди. Ўғлига учрашувга тайёрланишни тайинлади.

- Уфф, - деди Сардор, - навбатдаги сценарий бошланди...

\* \* \*

Эр-хотин амма бош қүшса, ишимиз битади, деган умид билан қызы «ёқди-ёқмади»лаб ўтиришганида, Сардорнинг хиргойиси эшитилди. Эр-хотин бир-бирларига кулимсираб қарашибди. У хонага кириши билан икковлари тенгидан:

- Нима гап?- деворишибди.

- Ассалому алайкум!

Алик олиш күнгилга сиғмасди.

- Шунча йўқ бўлиб кетасанми?- тажанг бўлди онаси.

- Ўтирип!

Расулжон aka «Мақсадга ўт», дегандай имо қилди.

- Бордим... - деди Сардор хомуш - нима десам экан...

Гулбаҳорнинг тоқати тоқ, Расулжон ҳар сўзини минг тангага сотиб оладигандай ўғлининг лаби қимирлашига тикилиб турибди.

- Амманинг уйида кўришлик!

Эр-хотин «хайрият» маъносида бир-бирларига қараб қўйишибди.

- Сенга ёқдими?- шошилиб сўради онаси. - Совчиликка бораверайлекми?

- Уни автобусда кўп кўрганман...

- Қанақа? Одамга ўхшаб галирсанг-чи!!

- Коллежни битирганига беш йил бўлган экан.

Расулжон «Тахминим тўғри чиқади, шекилли», дегандай хотинига қаради. Гулбаҳор давомини эшитайлик-чи, дегандай ўғлига қаради.

- Йигитлар ёқмаётган эмиш...

- Сен ёқдингми унга?- портглаб кеттудай сўради даласи.

Сардор тушовини ечадиганга ўхшамасди.

У қызы ҳақидаги гапни режа бўйича давом эттириди.

- Ўта замонавий, цивилизований оиласа тегармиш...

- Сиз куттган оиласиз демадингми?

- Ўйлаб кўрармиш...

Расулжон «Коллежни битириб, беш йилдан бери турмушга чиқмаган бўлса, ўтириб қолган экан!» деб ҳаф-

саласи пир бўлгандай қўл силтади. Сардор Париухсорнинг расмини узатди.

- Аммам сизларга бериб юбордилар...

Дилором шошилиб расмни олди-да, астойдил тикилди.

- Қаранг, дадаси, бирам чиройли эканки! Кўли гул қизга ўхшайди, аммам таърифлаганича бор. Шунаقا келиним бўлса жонимга кирадим!

- Қани...

Гулбаҳор расмни Расулжонга берди.

«Ажабо! Таниш қиёфа,- ўйлади Расулжон айёrona жилмайиб турган қизга қараб,- аллақаерда кўрганман!» У қайта-қайта тикилса ҳам эслолмади.

- Ҳа, дадаси, - хаёлини бўлди Гулбаҳор, - ёқмадими?

- Гап унда эмас... Амманг нима деди?

Муҳим нарса эсига тушгандай, Дилором шошиб қолди.

- Ҳеч кимни ёқтиргмаган қиз Сардорбек билан кулиб гаплашибди. Ўғлимиз отни қамчиласа иш пишармиш!

- Иш пишармиш...

Расулжон ўзига гапиргандай «Барибир, эслайман...» деб расмни чўнтағига солди.

У вилоятга ҳисобот топширгани кетаётгандан сумка кўтарган нотаниш қизни кўрди-ю, ёнидан расмни олди.

«Эсладим, «Хўроздум!!»

Расулжон расмга қайта-қайта қаради. Худди ўзи!

У хотинининг рақамини терди.

- Гулбаҳор, амманг билан гаплашма! - деди.

- Нега?

- Менга «Хўроз думи» керак эмас!!

- А, нима дейсиз?

- Эшитганинг, уйда тушунтираман!

### ЗАНГЛАГАН КАЛИТ

Шоҳиста ойнага ўзини солиб, чиройидан кўнгли тўлди,  
шекили, куйлагининг икки ёнидан ушлаб:

*Бегим, қулга ато бўлмаса бўлмас,*

## САҚЛАШ КАМЕРАСИДАГИ ҲАНЖАР

Сенинг лутфинг манго бўлмаса бўлмас,  
деган қўшиқни хиргойи қыла бошлади. Завқи тошиб телефонидан уни топди. Зулайҳо Бойхонованинг ёқимли овози ҳисларини жўш урдириб, хона ўртасида айланар, бармоқларини қасирлатар, бел ва елкаларини ўйнатиб, аксига табассум қиласади. Севгилиси Рустам билан рақс тушаёттандай, қўлларини ёзиб, кўзини сузуб муқом қиласади. Эҳтирослари жўш уриб, бутун дунёни унуган эди. Қўшиқ охирлаганда эшиги тақиллади. Шукуҳ ва эҳтирос билан коридорга отилди.

- Вой, дугонажон,- деди анчадан бери кўринмаётган ўртоғи Ҳалима уни қучаркан, - мунча ёшариб, очилиб кетибсан!

Ҳалиманинг ҳавас ва ҳасад қилаётгани Шоҳистага кувонч бағишларди. Мехр билан уни бағрига босди.

- Мунчаа, - деди ноз билан муқом қиласади,- минг долларлик сингари йўқ бўлиб кетдинг?

Ишвали гинаси дугонасида бошқача кайфият уйғотди.

- Ёши билан юрсанг, ёшарасан, чолга тегсанг, қарип кетасан! Мана, ўттиз бешдан ўтсам ҳам йигирма ёшли синъорага ўҳшайман! Ёшартирадиганини топганман-да!

Шоҳиста чой дамлаб келиб, Ҳалимага бир пиёла узатиши билан яна эшик тақиллади. У ёш қиздай сакраб турдиди, «Келди!» деб юборди. Кўзлари кувончдан порлаб, ташқарига отилаётганди Ҳалимага қараб: «Ҳозир кўрасан!» деб кўйди. «Ёшартирадигани келдимикиян?» - ўйлади Ҳалима. Бу «элексир» ҳақида аввал эшидан гаплари ёдига тушди.

Мехмонхона эшиги шаҳд билан очилиб, аввал ёшгина йигитча, кейин виқор ва фууррга тўлган Шоҳиста кўринди. Йигитта тайинлаган, шекилли, Ҳалима билан қўл бериб сўрашиб, уй эгасидай тўрга ўтирди. Шоҳиста унинг ёнига сурилди.

- Рустамжон, - деди Шоҳиста аввал Ҳалимага, сўнг йигитта имо қилиб, - боя сенга гапирудим-ку, Ҳали!

- Ишларингиз яхшими, Рустамжон?- деди Ҳалима у

томонга яхшироқ ўтирилиб,- дутонам сизни бошига күтариб юрса бўларкан, келишган, чиройли йигит экансиз!

- Кўли гул устаям! - кўшимча қилди Шоҳиста унинг елкасига бош қўяркан,- ҳар қандай бузуқ компьютерни кўз очиб юмгунингча соат сингари ишлайдиган қилворади!

- Хазина-ку бу йигит!  
- Менсиз туролмайдиям, тўғрими, асалим? - эркаланди Шоҳиста.

Йигит кўзларини пирпиратиб, Шоҳистага қаради.

- Тушлик гатопми, синъёра?
- Яхши кўрган таомингиз, дидингизни биламан-ку?
- Демак, паловхон тўра еймиз, шундайми?
- Сузайми, асалим?
- Тез!!

Ҳалимада озгина ҳавас уйғонди, аммо уларнинг муносабатларини кўриб, «Парвона»даги Ўткурий билан Юлдузни эслади. «Ухаша шарктерлар!»- дея мийигида кулди

Ҳалима бир-икки қошиқ ош егандан кейин туришта изн сўради.

Шоҳиста дугонасини кузатиб чиқаркан, кўнглидан кечган гапларга ўзича изоҳ берди:

- Мени деса ўлиб қолади,- деди Шоҳиста уй томонга ишора қилиб, - икки соат кўрмаса бир йил учрашмагандек, қучогидан кўйворгиси келмайди...

- Қандай илинтирдинг, Шоҳи? - кўзларини сузиб, маънодор сўради Ҳалима, - очигини айтсам, ёши катта, пулдор эркаклар қаримаслик учун ёш қизлар билан юришини билардим, аёллар бўйдоқ йигитлар билан камдан-кам юради. Қандайдир нокулай эмасми?..

- Дугонажон, - деди Шоҳиста сузилиб. - аслида ёшариб юришга бизлар кўпроқ эҳтиёж сезамиз, аёл - гўзаллик ва нафосат тимсоли, чиройини йўқотмаслиги учун ҳамма ишни қилиши керак!

Ҳалима дугонасининг беҳаёлик балқиб турган нигоҳидан кўзини узиб, жим қолди.

## СЯҢЛАШ КАМЕРЯСИДАГИ ХАНЖАР

- Қадримга йиғлагим келяпти... - деди, ниҳоят.
  - Нега унақа дейсан?- сүради Шоҳиста.
  - Үзимдан ўн беш ёш катта, хотини ўлган соқоллик одамдан совчи келса бўладими? Дадам «Нима деб жавоб берайлик?» дегач, хўрлигим келиб, «дод» девордим. «На-ҳот, қизингизни чолга муносиб кўрсангиз?»- деб онам билан роса уришдим. Бу ерда ортиқча эканман, ижара уй топиб чиқиб кетаман, дедим.
  - Жуда тўғри! - деди шаҳд билан Шоҳиста, - одам дунёга бир марта келади, топиш-тушишинг яхши, мазза қилиб яшаш керак! Үзим сенга ижара квартира топиб бераман! Қачон кўчиб келасан?
  - Шошилма, уларга аччиқ қилиб гапирудим, ўйлаб қарасам, бошим очиқ, ҳозир одамлар тили билан юрадиган бўлиб қолган. Бироз шошилмай-чи!
  - Э, ўзинг латтасан-да, «Дилдор сатанг» эрингни бекорга тортиб олмаган! Гап-сўзларга тупур, Ҳали! Биринчи эрдан ажраган бўлсак, нима қипти? Бу ёғига синъералардай яшашга ҳаққимиз йўқми?
  - Бор-у ...
  - Рустамжонга айтаман, ўзига ўхшаганидан сенгаям топади, мазза қилиб яйраб яшаймиз! Бўпти, хайр, асалим кутиб қолди.
  - Хайр...
- Шоҳиста хонага кириши билан Рустам уни бағрига босди, юзидан, томоги тагидан эҳтирос билан бўса олиб, тиззасига ўтқазди. Кўзларидағи қувлик ва ўғриқарашни аёл тушуммади. Озгина эътиборли бўлганида шум ниятни сезар, бўлажак ташвишлар олдини олган бўларди.
- Мен озгина дам олиб, ишга кетаман, сиз жўнайверинг!
  - деди Рустам соchlарини сочиқ билан қуритаркан.
  - Икковимиз етаклашиб чиқсан, оғзига кучи етмаганлар куйиб ўларди -да!- дея эркаланди аёл. Аммо хусусий фирмалар фаолияти бўйича бошлиқ топшириғини эслади-ю, кийимларини алмаштириди.
- Юз хонадан яшайдиган «дом»да унинг ўзидан ўн ёш кичик

йигит билан никоҳсиз яшаёттани тұғрисидаги кунда гапиришар, құни-құшниларга беписандлик қылаёттани күпчиликнинг асабини бузәйттан, «Эрдан чиқсанғ ҳам, әлдан чиқма», деган мақолни эслатиш фуррати келгандай эди.

Воқеаларни ота-онаси билиб, аввал насиҳат, кейин пўписа қилишди, йўлга юргандан кейин шаддод онаси шапалоқ тортиб юборди.

- Сен мегажинни ўша йигитнинг ота-онасиям қаргаётгандир?!

Аммо Шоҳиста ўзгармади, эҳтирос етагида ёш йигит билан ошиқ-маъшуқликни давом эттираверди.

Шоҳиста ишдан келса, уйда тушунксиз вазият ҳукм сурарди. Хоналарга кириб чиқди, нимадир содир бўлган! Бирдан хаёлига қимматбаҳо буюмлари келиб, гарнитур тортмасини очувди, тилла трос ва юз долларлик узуги кўринмади. Кечки пайт маст келган Рустам бир-икки чайқалиб, столга ўтиради-да, муздек сув сўради. Ҳар куни «эр»нинг келишини байрамдек кутиб оладиган Шоҳиста паришон эди.

- Ҳей хотинжон, хушиңгиз қаёқда?

- А?!

- Мунча бўйдоқ қизлек хушиңгиз йўқ, жонидан ё мендан ёшроғини топдиларми, а?- дея ишшайди Рустам. Буюмлар йўқолганини айттолмай турган Шоҳиста баттар тумтайди.

- Кўйсангиз-чи бунақа гапларни, Рустамжон! Ҳаёлим бутунлай бошқа нарса-да?

- Нимада, жонгинам?

- Кейин айтарман, ҳозир овқатланиб олинг...

Рустам даст ўрнидан турди-да, очиқ дераза олдига бориб, ташқарига «чирт» этиб тупурди, олд тутмаларини ечиб, кўксини шабадага тутди

- Э, ҳа, бўлди, топдим!

Шоҳиста йигит кўзларидаги қувликни тушунмаса-да, унга «ялт» этиб қаради. Унинг кўзида «Оримни, гуруримни ерга уриб, сен билан юрганим учун ҳали кўп товон

тўлайсан», деган маъно балқиб турарди. Аёл бу нигоҳдан сесканиб тушса ҳам умидини йўқотмади.

- Нимани топдингиз?- деди дарёда хасга ёпишган одамдай.

- Менимча, -деди Рустам иккала кафтини кўксига ёйсимон қўйиб, - сиз боя мен олиб кетган тилла тақинчоқларингизга аза тутяпсиз, тўғрими?

Шоҳиста бирдан жонланди, югуриб келди-да, Рустамнинг бўйнидан кучоқлади.

- Сиз олганмидингиз, асалим, бир оғиз айтиб қўймайсиз. Хаёлим қайларга кетмади?

- Келсам сиз йўқсиз, соткангиз ўчирилган экан! Уй иккаламизники деганингизни эслаб, буюмлар менга ҳам тегишли деб ўйладим! Бирордан озгина қарзим бор эди, бир ҳафтадан бери қистайвериб мана бундоқ қилворувди...

Аёл хотиржам бўлиб, Рустамнинг олдига ўтириб қўлларини ушлади.

- Бундан яхшироғини олиб берасиз-а, тўғрими?

- Шунақа десаям бўлаверади...

Рустам - фурури баланд, бир сўзли йигит. Шоҳиста унинг ташлаб кетишидан чўчиб яшайди. Чунки ўртоқларига ўзидан ёшни илинтириб, баҳти яшаётганини оғиз кўпиртириб мақтанган, баъзида туғилган кун ё кичик тадбирларга етаклаб бориб, аёлларнинг ичини куйдириб, лаззатланган. Рустам кетиб қолса, улар «Бахтинг кўпикдай ёрилиб кетибди-ку!» деб кулишларидан қўрқади, «Эр»нинг инжиқлигига тоқат қиласди.

Ёш «эр» ўтган йили янги телевизор билан DVDни сўрамай-нетмай сотиб юборди. Шоҳиста бир-икки минифирлади, холос. Икки ойча аввал сумкасидан уч юз доллар пулни ўз майшатига ишлатиб, айб қилмагандай бемалол юриши Шоҳистанинг жаҳрини чиқарди. Умрида илк бор: «Бу йигит менга қимматга тушяпти!» - дея ўйлай бошлади. Ўзи солиқ идорасида ишлаётгани учун бир-иккита нопок тадбиркорларга миллион-миллион қарзларини «йўқотиш»да «ёрдам» беради, улар эса Шоҳистани қуруқ қўйишмайди, Рустам ана шу яширин даромадларини ҳар хил йўллар

билан ўзлаштириб туради.

Хозир хона бўйлаб юрар экан, яна бирорта қимматбаҳо буюм «эр» нафсига курбон бўлмадимиликан, дея изтиробли ўйга толди у.

Шоҳиста чойнакдаги буюмларини кўздан кечирди, гарнитур сандиқчасидаги минг доллар пул турибди! «Ҳайрият, ўғри мушук шуни кўрмай қолибди!»

Аммо... аммо «Мадонна» ваза оғзидағи ясама тиқинни олдию, капалаги учиб кетди. «Беш юз минг сўм пул йўқ!! Шунчаям пешонам шўр бўладими? Бир ҳафта олдин қўйгандим, опам: «Боланинг авзойи бузуқ, нозик нарсаларинг меникига қўй!»- деб бекорга айтмаган экан-да!»

Бели букилмаган ял-янги пуллар эди! Кечаям турувди, қачон ўмариди улгурди? Тавба, ўғри мушукдай билинтирмай олади-я!! Бу болани нима қиласай? Озигина қаттиқ галирсам, ўдарайлайди. Ўғирлигини юзига солишимни сезиб, кетиб қолишига ишора қиласади. Пулларимни бой бериб қолаверман! Ё ўзимдан кичикни севганим учун кўпроқ товон тўлашним керакми? Бу ҳаёт қонуними ё Рустамнинг ҳийласими? Топганимни совуриб, ташлаб кетса-чи? «Беш кунлик эрга шунча гердайдингми?» дегувчилар кети билан кулмайдими? Кулгандаям бирваракайига кулади!»

Энди Рустамнинг пул ўмариси, билса ҳазил, билмаса чин қабилида сўрамай олишига йўл қўймайди! Эрини эгиб оладиган, пулга қўл чўзишга қўймайдиган чора топади.

Туну кун ўйлади, бош қотирди, ниҳоят, бир ҳафта деганда топди!

\* \* \*

Рустам мактабни битиргандан кейин тайинли ишга киради. Отасининг топиши ўртамиёна. Елкасида катта рўзгор юки бор. Ўртоқлари билан ўтиришга, кинога пул сўролмайди. Қизлар билан айланишини эса чўнтак кўтармайди.

У топарман-тутармон ўртоқларига аввал ҳавас, кейин

ҳасад қилди. Алам устида ўзини ҳар ёққа ура бошлади...

Икки марта айбланиб, қамалди. Ота-онаси билан жанжаллашиб, гоҳо ўртоқлариникида, гоҳо эса синфдошининг компьютер устахонасида ётиб юрди. Ташвишлари билан андармон ота-она у билан қизиқмай кўйишиди.

Ўртоғининг туғилган кунидаги Шоҳиста билан танишиб, икки марта учрашгандәёқ нозик жойини билди: аёл эҳтиросини қондириш учун ҳамма ишга тайёр, эркалаб турилса, бас! Боқаверади...

Рустам бир куни кечки пайт уникига борганида Шоҳиста овқат пишираёттан, қизини опасиникига жўнатаб юборган эди.

Овқатланиб бўлишгандан кейин Рустам уни бағрига тортмоқчи бўлди, аммо аёл унинг қучоғидан сирғалиб чиқди.

- Мени севасизми, Рустамжон? - деди у дераза рахига суяниб нозланаркан. Хумор кўзларида алланарса бор эди.
- Айтишим шартми, жонидан!
- Бутун муҳим масалани ҳал қилиб олишимиз керак!
- Эшитаман! - деди Рустам бўйини чўзиб, қулогини у томонга қаратаркан.
- Мени никоҳингизга оласиз!!

Рустам кутилмаган таклифдан ҳайратланиб, стулга ўтириб қолди. Сўнг қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди

- Мен-а?!
- Сиз бўлмай бегона оладими мени?
- Шундоқ яхши яшаяпмиз-ку! - деди у қўлларини икки томонга ёзиб, кўзларини катта-катта очаркан.
- Бу мени қониқтирмайди!

Аёл шаҳдам эди. Йигит кўнглидан «Бу аёлнинг нечанчи макри экан?» деган фикр ўтди.

- Қачон ва қаерда никоҳдан ўтамиз, аввалги эрингиздан расман ажрашганмисиз?

- Буёги билан ишингиз бўлмасин! Ўртоқларингизни тўплайсиз. Кичкина тўй қиласиз, ота-онам, дугоналарим-нинг олдида юзим ёруғ бўлиши керак! Тушундингизми?

Рустам аёл ширкоати олдида бўшаши.

- Харажатларидан қўрқманг, менинг ҳисобимдан. Ресторанда тўй қиласиз!

Йигит ҳайратда қолди, назаридаги аёлни тўхтатиш мумкин эмас эди.

- Душманлар куйиб ўлсин - машхур хонандаларни таклиф қиласан, ўртоқларингиз тан беришади: зиёфат зўр бўлади! Беш юз долларлик костюм-шим, юз долларлик германский туфли кийгизиб, сизни қўғирчоқдай ясантириб қўяман! Ёқадими!

Рустам анграйганча кийимига қаради: оҳори кетган, қачон дазмолланганини эслай олмайди! Косибдан олган туфлисининг ранги ўчиб, тагчарми ейилиб кетган! Баҳорда Шоҳиста олиб берган кўйлаги кийилавериб, ярашиқсиз ҳолатта келган!

У кийимларни ўйлаб, мийифида кулди. «Ҳақиқий куёв бола бўларканман-да!»

- Ўртоқларингиз бунақа кийинолмаган! Сизни шаҳардаги энг чиройли, бадавлат куёвга айлантираман!

Рустам оғзидан суви келиб, Шоҳистага иршайди. «Жонидан» деб пичинг қиласидиган одам бу сафар ўзини кичкина боладай ҳис эта бошлади...

Аслида уйланиш ҳақида кўп ўйлаган, аммо ёшлиқда адашгани, тўғри йўлга кириш учун тоқати етмаслигини мулоҳаза қилиб, ҳаммасига қўл силкиб, Шоҳистаникига қатнаётган эди.

Ота-онаси ҳам уйлантириш ҳақида роса бош қотиришган. Рўзгор бўйнига тушса, куйилиб қолар дегандай, биринкита қариндош-урувларнинг қизини сўраб кўришди. Бироқ икки марта қамалган, ишламайдиган, ўзидан катта аёлникига кириб юрган йигиттага ким қиз беради? Қайси қиз у билан турмуш куради?

Ота-онанинг диллари оғриди: «Шунга илакишимаганида, бирорта қиз тегармиди?»

Синфдошлари, таниш-билишлар: «Бўйдоқ йигит ўзингдан катта, болалик хотин билан юргани уялмайсанми?

Онаси ўпмаганига уйланиб, мазза қилиб яшамайсанми?» деб уни йўлга солмоқчи бўлишиди.

Шоҳиста вазиятни сездию, аввалига бир оғиз ҳам гапирмади. Янги гап ўйлашга қурби етмай, Рустамнинг олдига борди-да, мушукдай суйкаланиб, бўйнига осилди.

- Нима бўлди, асалим, гапларим ёқмадими?

«Асалим» - Рустам аёлнинг башарасига нафрат билан тикилди. Илондай аврамоқчи бўлаётгани айёrona нигоҳларидан яққол сезилиб турар, ёшига ярашмаган сиёқда ўзини маҳбубадай тутаётгани Рустамнинг ғашини келтирап эди.. Ҳозир башарасига қараб, унинг хунук аёл эканини билдию, ўзининг диди пастлигидан ижирғанди...

Шиддат билан аёлни силтаб ташлаб, диванга бориб ўтириди. Кўзларини бир нуқтага тикканча жиддий ўйга толди.

- Сизга уйланолмайман!- деди Рустам кескин.

- Нега? -таажжуланди аёл.

- Сиз турмуш кўрган, болалик аёлсиз, ёшингиз ҳам мендан анча катта!

- Бир-биримизни севсак, ёшнинг нима фарқи бор, асалим?!

Аёл ялинчоқлик билан унинг ёнига ўтириди. «Асалим» дейиши йигитнинг қанчалик ғашини келтираётган бўлса, ёнига ўтиргани баттар жаҳлини чиқарди.

- Ўртоқларимга масхара бўлишдан чарчадим, отонамдан ажраб қолдим...

- Вой! Кўролмаганлар гапираверади. Келинг, асалим, битта тўйчани ўтказиб, мазза қилиб яшайлик!

Рустамнинг асаби бузилди.

- Эй, хотин!- деди унга қўлини қилич қилиб, - мени «асалим» дема!!

Аёл эркак овозидаги ҳақорат ва бегоналиқдан оғринди. Аммо ҳозир айёrlик қилмаса, эрдан куруқ қолиши, дугоналари олдida масхара бўлишини ўлади-да, юзини қўллари билан тўсиб, хўнграб йиғлаб юборди.

- Наҳотки, мени яхши кўрмасангиз? Севасиз, бир кун

## БОҚИЙ МИРЗО

күрмасанғыз туролмайсиз, деб юрардим, оқибатингиз шуми? Ё шарманда қилиш учун гапиряпсизми?!

- Қанақа севги! Ҳей, хотин! Үн ёш қаттасану севгига бало борми? Мен очиқ гапиряпман, сен ҳам тұғрисини гапир: севаман деганларинг ҳаммаси тиңда, риё, түшундингми? Мени лақыллатма, бугундан баштап орамиз очиқ, мен бу уйга келмайман, ота-онамницида яшаб, бирорта онаси үпмаганга уйланаман!

Шоҳиста Рустамдан бу гапни сира күтмаган эди. Афсуски, у гапирди... Кўксида ухлаб ётган рашик қўзғолон кўтариб, вужудини титратиб юборди.

У йигитни кўлдан чиқариб юбормаслик учун заҳирадаги макридан бирини ишга солди.

- Вой дод, мусулмонлар! - деди хона ўртасига чўккараб, кўлларини осмонга узатаркан, - Адо бўлдим, мени ҳароб қўйди бу йигит, наҳотки, эл-юрт олдида шарманда қилиб ташлаб кетса, ахир бунга хонумонимни сарф қилиб юбордим-ку!

Рустам билмаган экан: аёлнинг овози ёқимсиз, ҳатто қулоқни тешадиган даражада шанғи экан!

Алвастига айланган Шоҳиста унинг тепасига келди.

- Номимни булғаб ташлаб кетмоқчимисан?

Рустам жавоб беришга оғиз жуфтлаган эди, аёл гал бермади.

- Ташлаб кетиш қанақалигини кўрсатиб қўяман, сен менинг совунимга кир ювмабсан?

- Э, кўлингдан келганини қил, сени бузиб қўймаганман!!

- Агар ташлаб кетсанг, - қошлари ёқимсиз ва шайтоний чимирилди Шоҳистанинг, - минг доллардан ортиқ пулимни ўғирлаган, DVD, янги телевизоримни сотган юборган машенинк сифатида прокуроррга ёзиб бераман, адвокат ёллааб камида етти йилга қаматаман...

Шоҳиста шаҳд билан ортига бурилди-да, шкафдан сум-касини олиб елкасига илди, хона ўртасига келиб:

- Чиқ уйимдан, иккинчи кўзимга кўринма, ҳезалак! -

## СОҚЛАШ КАМЕРДИДАГИ ХАНЖАР

деди қўлини найза қиларкан, - энди сен билан судда гаплашаман!

Рустам ғазабдан кўкариб қолди. Боягина «асалим» деб ялтоқланиб турган аёлнинг энди «қаматиб юбораман» дейишини хаёлига келтирмаган эди.

У аёлга қараб: «Гаҳ десам қўлимга қўнадиган ёшроғини топиб оламан, сен қамалиб кетаверасан, хоҳласам, қамоқда йўқ қилдириб юбораман!» деган маъно борлигини тушунив юраги титраб кетди...

- Шоҳиста ... - у қандай қилиб мулойим гапирганини билмай қолди. Аёл ҳаволанди.

- Уч минутда йўқолмасанг, уйимга бостириб кириб, зўрламоқчи бўлди деб милицияга қўнғироқ қиласман!! Ҳамма ўғирлигингни бўйнингта қўяман!!!

Рустам довдираб, эшик томон равона бўлди. Коридордан ўтиб, қавзани ушлаганда:

- Тўхта! - деди шиддатли овоз, - калитни ташлаб кет!!

Рустам ортига қарамай, калитни улоқтириди. Калитни улоқтириди-ю, ўзида ғалати енгилик тыйди.

У ҳаммаси улоқтирилган калитда эканини ҳозирча тушунмасди. Тушунмаса-да, Шоҳистани «Занглаган калит», деб сўқди ичиди. Занглаган калит! Дарҳақиқат, Рустам танлаган тақдир эшигининг калити занглаган эди. Олдинда уни нималар кутмоқда? Тақдирнинг нурафшон йўлига олиб кирувчи эшикни очишга унинг қурби етадими? Бу эшикни очгувчи калит қаерда, кимнинг қўлида? Рустам ҳозир булар тўғрисида ўйлолмасди. Ўйлолмасди ҳам...

## ИККИНЧИ КИТОБ ТУГАДИ

## **МУНДАРИЖА**

### **Қиссалар**

Сақлаш камерасидаги ханжар.....3

Қайдасан, Чарос?.....33

### **Хикоялар**

Мактаб боғи .....102

Жаллод қиличи.....107

Дунёнинг бўлгани шу.....113

Она.....119

Куйган аёл.....125

Маккора.....133

Қиз меҳри.....149

Илҳақ жон.....156

Мусаффо мактуб.....165

Тақдир ўриндиғи.....170

Совға қилинган чақалоқ.....185

Ўсал ўғиллар.....199

Машмаша.....207

Хўроздум.....222

Занглаган калит.....227

4000 сур.

Боқий МИРЗО

**САҚЛАШ  
КАМЕРАСИДАГИ  
ХАНЖАР**

**КИССАЛАР ВА ҲИКОЯЛАР**

**2  
ЖИЛД**

Мұхаррір:	Нұрбек Абдуллаев
Тех. мұхаррір:	Собитхон Абдуҳамитов
Дизайнер:	Дилмурод Алимов
Мусахих:	Улугбек Умаров

2012 йилнинг 27 декабрь куни теришга берилди. 2013 йилнинг 10 январь куни босишга рұксат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 16 босма тобок.

Газета қоғозига оғсет усулида босилди.  
Адади 1000 нұсха. № 192-сонни буюртма  
Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,  
Навоий кӯчаси, 36- уй.

Китобнинг оригинал макети «ЗАКОВАТ» нашриёт уйи МЧЖ  
босмахонасида газета қоғозига оғсет усулида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,  
«Чорбог» кӯчаси, 17-үй.